**Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Урганч Давлат университети**

# ОНА ТИЛИ ЎКИТИШ МЕТОДИКАСИ

**фанидан маъруза матнлари**

**М.Тилавова, Б.Сапаева**

**Урганч-2009**

# ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ - ПЕДАГОГИК ФАН

Она тили ўқитиш методикаси - педагогик ва амалий фан. Чунки у назарияга асосланиб ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш, ўстиришнинг амалий вазифаларини бажаради.

Она тили ўқитиш методикасининг предмети таълим бериш жараёнида она тилини эгаллаш, яъни нутқни, ўқиш ва ёзишни, фонетика, грамматика кабиларни билиб олиш жараёни ҳисобланади.

Она тилидан кўникма ва малакаларни шакллантириш, тил ҳақидаги фаннинг илмий тушунчалар системасини ўзлаштириш қонуниятларини ўрганади, тил ўрганишнинг энг қулай метод ва усулларини излайди .

Она тили ўқитиш методикаси амалий фан сифатида уч вазафани бажаради:

1. Нимани ўқитиш керак? саволига жавоб беради, яъни бошланғич синф учун дастурлар ишлаб чиқади дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиб беради. Уларнинг самарадорлиги ва мувофиқлигини доимий текшириб боради.

2. Кандай ўқитиш керак? саволига таълим беришнинг методлари, методик усуллар, машқлар системаси, қўлланмани татбиқ этиш тавсияномаларини, ёзма иш, амалий ишлар системасини, дарс, унинг турларини ишлаб жавоб беради.

3. Нега худди мана шундай ўқитиш керак? Бунда илмий нуқтаи назардан энг фойдали методларини ўрганиш, танлаш, асослаш, тавсияларни экспериментал текшириш вазифаларини бажаради.

Она тили ўқиш методикаси таъимнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлайди, ўқишнинг муваффқкити ва камчиликларини белгилайди, сабабини излайди, уни бартараф этиш усулларини топади.

Нутқий ва орфографик типик хатоларни текширади, уни олдини олиш чора -тадбирларини белгилайди.

Она тили таълим тизимининг барча босқичлирида ўргатилади. Мактабгача тарбия муассасасида, асосан, болаларнинг нутқини ўстириш назарда тутилади. Бошланғич синфда ўқувчилар нутқини ўстиришдан ташқари, она тилидан элементар назарий тушунчаларни амалий ўзлаштиришлари ҳам назарда тутилади.

Она тили ўқитиш методикаси фани тўрт бўлимни ўз ичига олади:

1. Савод ўргатиш методикаси, яъни элементар ўқиш ва ёзишга ўргатиш. Болаларга савод ўргатиш педагогикадагина эмас, балки ижтимоий ҳаётда ҳам жуда жиддий қўйилган масалалардандир. Чунки халқнинг саводхонлиги озодлик учун, сиёсий онглилик учун, маданият учун кураш қуролидир. Мустақил Ўзбекистон Республикамизда ҳар бир кишининг саводхон бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. 1-синфга қадам қўйган болаларга барча ўқув қуролларинииг совға қилиниши президент И.Каримовнинг келажак авлоднинг саводхон, юксак маданият эгаси бўлиб етишишлари учун ғамхўрлигининг бир намунасидир.

2. Ўқиш методикаси. Бошланғич синфларда ўқиш предметининг вазифаси биринчи навбатда болаларни тез (меъёрида), тўғри, онгли ва ифодали ўқиш малакалари билан қуроллантириш ҳисобланади.

3. Грамматика ва имло методикаси. Бу бўлим элементар тўғри ёзувга ва ҳуснихатга ўргатиш яъни, грамматик тушунчаларни, бошланғич имло малакасини шакллантиришни ўз ичига олади.

4. Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш методикаси. Бу бўлим бошланғич синфларда алоҳида ўрин тутади. Болалар биринчи марта тилни, нутқни ўқув предмети сифатида англайдилар, улар хоҳлаган ва қизиқарли нарсаларнигина эмас, балки зарурий нарса ва ҳодисалар ҳақида ўйлаб, режали нутқ тузиш зарурлигини ҳам тушуна бошлайдилар. Улар ўзининг график шакли билангина эмас, балки лексикаси, синтактик ва морфологик шакли билан ҳам оғзаки нутқдан фарқ қиладиган ёзма нутқни эгаллайдилар.

Методика болаларнинг нутқини бойитишни синтактик ва боғланишли нутқини ўстиришни ҳам таъминлаши керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, боғланишли нутқ мактабларда алоҳида бўлим сифатида ўрганилмайди. У тил фанининг бошқа бўлимлари билан боғланган ҳолда ўрганилади.

**Текшириш учун саволлар.**

1. Она тили ўқитиш методикасининг предмети нимадан иборат?
2. Она тили ўқитиш методикасининг асосий вазифаларини таърифлаб беринг.
3. Она тили ўқитиш методикасининг асосий бўлимларини айтиб беринг.

## Она тили ўқитиш методикаси фанининг методологик ва илмий асослари

Она тили ўқитиш методикасининг методологик асоси борлиқни билиш назариясидир.

Она тили ўқитиш методикасининг бош вазифаси ўқувчиларнинг ўзбек тили луғат бойлигини тўлиқ ўзлаштириб олишларини таъминлашдир.

Маълумки, жамиятда тил кишилар ўртасидаги алоқанинг зарурий воситасидир. Тилсиз жамиятнинг яшаши мумкин эмас; тилнинг алоқа воситаси сифатидаги роли узлуксиз ортиб боради.

Тил борлиқни оқилона , мантиқий билиш воситасидир. Тил бирликлари ва формалари ёрдамидагина билиш жараёнида умумлаштириш, тушунчани муҳокама ва хулоса билан боғлаш амалга оширилади.

Тил ва нутқ тафаккур билан узвий боғланади. Фикр нутқда шаклланади ва реаллашади. Тилни эгаллаш ва нутқ ўстириш билан ўқувчининг фикрлаш қобилияти ҳам ўсади.

Мактабнинг вазифаси тилни кишилар орасидаги муносабатнинг ривожланган нозик қуролига айлантириш ҳисобланади.

Методик фан сифатида она тили ўқитиш методикаси бошлағич таълим стандарти белгилаб берган вазифаларини амалга оширади, яъни тафаккур қилиш фаолиятларини кенгайтиришга , эркин фикрлай олиши, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда равон баён қила олиши, жамият аъзолари билан эркин мулоқотда бўла олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш метод ва усулларини ишлаб чиқади.

Билиш назариясига кўра аналитик-синтетик ишлар ёрдамида тил устида кузатишдан умумий хулоса чиқаришга, назарий таъриф ва қоидага, шулар асосида яна оғзаки ва ёзма тарзидаги нутқий алоқага , тўғри ёзув ва тўғри талаффузга ўтилади. ўқувчилар жонли нутқий алоқага тўғри талаффуз ва тўғри ёзувни элементар назарий маълумотлар асосида амалий эгаллаш орқали киришадилар. Улар тил материалларини кузатиш, таҳлил қилиш орқали элементар назарий қоидалар чиқарадилар. ўрганган, ўзлаштирилган назарий қоидаларни амалиётга онгли равишда тадбиқ этадилар.

Мактабда она тили ўқитиш методикасининг бундай йўналиши ҳақиқатни билиш қонуниятларига ҳам , ҳозирги замон дидактикаси  вазифаларига ҳам мос келади.

Таълим соҳаси давлат сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб берилди.

Мазкур таълим тамойиллари, яъни;

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар , демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
-умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълиминингмажьурийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги ;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

кабилар бошланғич таълимда она тили ўқитиш методикасининг вазифаларини белгилаб, аниқлаштириб берилади.

Бошланғич таълим, умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик , билим ва кўникма асосларини шакллантириб беради.

Ўз вазифаларини белгилаб олишда таълим соҳасидаги давлат ҳужжатларига таянади. Кейинги йилларда мустақиллик шарофати билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва шу асосида яратилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»  бунинг  ёрқин далилидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимни яратишдир.

«Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва миллий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фуқорони шакллантиришни назарда тутади».

Она тили ўқитиш методикаси таълим жараёнини ташкил этиш шаклларини ва усулларини юқоридаги мақсадларни амалга оширишга йўналтирилади.

Умумий ўрта таълимнинг бир босқичи бўлган бошланғич таълим 1-4 синфларни ўз ичига олади.Таълимнинг бу босқичида таълимнинг янгича тизимини ва мазмунини шакллантириш учун ҳам қуйидагилар зарур:

-ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш:

-таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш.1

Миллий дастурда таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш бўйича қуйидаги кўрсатмалар бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси олдидаги турган долзарб вазифадир: ”Замонавий ахборот технологиялари , компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевединие ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг нашриёт базаси ривожлантирилади, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади”.2

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади. Комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади. Бу вазифалар узлуксиз таълимнинг бошланғич таълим босқичига ҳам тааллуқлидир. Улар қуйидагилар:

- узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;
- умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш , бу ишга йирик олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот

---

1.Ўқувчи маънавиятини шакллантириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.Т.:”Шарқ”,2000, 37-бет.

2.Ўқувчи маънавиятини шакллантириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.Т.:”Шарқ”,2000, 37- бет

воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш.1

Она тили ўқитиш методикаси билиш назариясидан ташқари психология ва педагогика маълумотларига ҳам таянади. Методиканинг масалаларини ҳал этишда педагогик илмлар ҳам ёрдам беради. Шунинг учун ҳам психология ва педагогика фанлари ҳам методиканинг методологик асоси ҳисобланади.

Педагогик психология кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади. У ўқувчиларда тафаккурнинг шаклланишини тадқиқ қилади, ақлий фаолият усуллари ва кўникмаларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади, ўқитиш жараёнинг муваффақиятлилигига , педагог билан ўқувчилар ўртасидаги ўзоро муносабатларга ва ўқувчилар жамоасидаги муносабатларига таъсир қилувчи психологик омилларни , ўқувчилардаги индивидуал-психологик фарқларни, психик ривожланишда орқада қолувчи болалар билан олиб бориладиган таълим – тарбия ишларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди. Бу билан педагогик психологик методикага ўқув материалини танлашда , бошланғич синфларда она тилининг мазмуни ва ҳажмини ўқув материалини аниқлашда ҳамда уларни синфлар бўйича тақсимлаш муайян изчилликда жойлаштиришда ёрдам беради.

Ўқитишнинг самарали усул ва шаклларини белгилашга ўқувчиларнинг аналитик-синтетик фаолиятининг тўғри ўсишига кўмаклашади.

Методика психология фани маълумотларига таяниб ўқитишда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ёндашиш имкониятига эга бўлади.2

Она тили ўқитиш методикаси психолингвистика фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Психолингвистика методикага нутқ ҳақида баён қилиш даражаси ҳақида, фикр баён қилиш турларини белгиловчи омиллар ҳақида, «нутқни қабул қилиш сигналлари» аппарати ҳақида,

индивидуал муносабатга ва оммавий алоқага нутқий таъсирнинг фойдаси ҳақида маълумот беради. Бу маълумотлар методик масалаларни ҳал қилиш учун, айниқса, боғланишли нутқни ўстириш методикаси учун жуда муҳимдир.

Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси дидактика билан, яъни таълимнинг умумий назарияси билан ҳам боғланади. Методика дидактика белгилаб берган қонуниятлар, қоида ва принцпларга асосланади. Дидактиканинг принцпларга, яъни ўрганиладиган материалнинг илмийлиги ва мувофиқлиги, тил ва материални ўргатиш ва мустаҳкамлашда кўрсатмалилик, онглиллик, билим, кўникма ва малаканинг пухталиги, доимий такрорлаш, ўқувчилар билиш фаолиятининг активлиги, мустақиллик, ўқитишни ҳаёт билан, болаларнинг қизиқишлари билан боғлаб олиб боришга риоя қилиш мактабда ўқитиладиган барча предметлардан, шу жумладан она тилидан ҳам ўқиш жараёнини ташкил қилишда жуда зарурдир.

Она тили методикаси умумий педагогика  билан ҳам ўзаро боғланади.

---

1.Ўқувчи маънавиятини шакллантириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.Т.:"Шарқ",2000, 53-55 – бетлар.

2. Умумий психология . Т.: Ўқитувчи. 47-бет.

Мактаб таълимидаги ҳар бир ўқив предмети, шу жумладан она тили ҳам, фақат билим бериш,  кўникма ва малака ҳосил қилиш билангина чегараланмай, боланинг онгини ошириши ва тарбиялаши ҳам лозим. Ҳақиқатдан ҳам, она тили ўқитиш жараёнида болаларнинг дунёқараши шакилланади, билиш қобилятлари ўсади, улар ақлий, ахлоқий, эстетик томондан ривожланади, характерида маълум ижобий хусусиятлар юзага келади, меҳнат қилишга ўрганади ва ҳоказо.

Педагогика фани болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва улрни тарбиялаш масалаларини илмий томондан ишлаб беради. Она тили ўқитиш методикаси педагогика фани янгиликларига, унинг юқорида қайд этилган масалаларни илмий томондан ишлаб берган маълумотларига асосланади.

Она тили методикасини умумий педагогика билан боғлаш айниқса бошлашғич синфларда муҳумдир. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг коллектив ва шахсий ўқув фаолиятида зарур бўлган кўп одат ва кўникмалари ҳали тарбияланмаган бўлади. Ташкилотчилик, коллектив ишига тез киришиш, эътибор билан эшитиш, ўқиш ва ёзиш, актив ва мустақил ишлаш, барча ишларни пухта ва саранжом, иложи борича, чиройли бажариш каби кўникма ва одатлар ўқитувчи ва мактқб томонидан амалга ошириладиган умумпедагогик тадбирлар системасини ташкилэтади. Тарбиянинг шунга ўхшаш назарий ва Амалий масалаларини педагогика ишлаб беради. Ўқитувчи педагогик талабларни амалга оширсагина, она тилига ўргатишни таълим – тарбия жиҳатидан фойда келтирадиган қилиб уюштира олади.

Она тили ўқитиш методикаси ўзбек тилини амалий ва маълум қисмини назарий эгаллашни назарда тутади, шунинг учун ҳам лингвистик стиклдаги фанлар (фонетика ва фонология, лексикология ва фразеология, сўз ясалиши ва этимология, грамматика – морфология ва синтаксис, стилистика, шунингдек, орфоэпия, графика, орфография) методиканинг муҳим асоси ҳисобланади.

Фонетика ва фонология графика билан боғлиқ ҳолда савод ўргатиш методикасини ишлашда, элементар ўқиш кўникмасини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади. Фонетика ва графиканинг фонетик тамойил асосида ёзиладиган имло қоидаларини ўзлаштиришда ҳам аҳамияти катта. Ҳуснихат методикаси графика назариясига таянади.

Лексикологияни билиш мактабда луғат иши (синоним, антонимлар, сўзларнинг мавзувий гуруҳларига оид хилма-хил машқлар ўтказиш, кўп маъноли сўзлар, уларнинг маъно оттенкалари устида ишлаш) ни тўғри ташкил этиш учун жуда муҳимдир.

Сўзнинг таркиби ва сўз ясалишини ўрганишда методикага лингвистик фанлардан сўз ясалиши, этимология, грамматика асос вазифасини бажаради.

Морфология ва синтаксис мавҳум тил ҳодисаларини шакллантиришни, тил қурилиши ҳақида тушунча ҳосил қилишни тўғри ташкил этишга , грамматик тушунчалардан тўғри ёзув масалаларини ҳал қилиш учун фойдаланишга имкон беради. Грамматикадан билими бўлмаган ўқувчиларда орфография ва пунктуациядан кўникма ва малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Грамматика ўқувчилар нутқини ўстиришда муҳим роль ўйнайди, чунки грамматика сўз шаклларини тўғри тузиш,0 сўз бирикмаси таркибидаги сўзларни ўзаро тўғри боғлаш ва гапни тўғри тузишга ўргатади.

Тўғри ёзувга ўргатиш методикасининг ривожланишида ўзбек тили орфографияси назариясини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ўқиш методикаси адабиёт назариясига асосланади, чунки ўқувчилар бадиий асарни амалиёт тарзда таҳлил қиладилар, уларга адабиётшуносликдан назарий маълумот берилмаёди, аммо иетодика адабиё асарнинг яратилиш гқонуниятларини, уларнинг ўқувчиларга таъсирини, айниқса, адабиётшуносликка оид мавзулардан асарнинг ғоявий мазмуни, унинг мавзуси ва сюжети, композицияси, жанри, тасвирий воситаларни ҳисобга олиши зарур.

.

**Она тили ўқитиш методикасининг тамойиллари**

Ўқувчиларга она тилни ўргатиш, уларни тарбиялаш, ҳар томонлама ўстириш вазифасидан келиб чиқиб, билиш назариясига асосланиб, барча яқин, ўзаро боглиқ фанлар тавсияларига асосланиб она тили ўқитиш методикаси ўз тамойилларини ишлаб чиқади. Бу тамойиллар умумдидактик тамойиллардан ташқари тамойиллар бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ўқув меҳнатининг йуналишларини белгилаб беради.

Она тили ўқитиш тамойиллари 5 та:

1.Тил материясига, нутқ органларининг ўсишига, нутқ малакаларининкг тўгри ривожланишига эътибор бериш тамойили. Нутқ, тил қонуниятларига, оз бўлса-да, эътибор бермаслик амалий нутқ фаолиятини эгаллашга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фонетик кўникмаларга йетарли эътибор берилмаса имловий саводхонликка путур йетади. Бу таълим тамойили тилдан олиб бориладиган машгулотларда эштув ва кўрув курсатмалилигини таъминлашни ва нутқ органларини машқлантиришни (гапириб бериш, ифодали ўқишни ичида, гапиришни) талаб этади.

2.Тил маъноларини (лексик, грамматик, морфемик, синтактик маъноларини) тушуниш принтсипи. Сўзни, морфемани, сўз бирикмасини, гапни тушуниш борлиқдаги маълум воқеа-ҳодисалар ўртасилаги богланишни аниқлаш демакдир. Тил маъноларини тушуниш тамойилига амал қилишнинг шарти тилнинг ҳамма томонларини, тилга оид барча фанлар (грамматика, лексика, фонетика, орфография, стилистика)ни ўзаро богланган ҳолда ўрганиш хисобланади. Масалан, морфологияни синтаксисга таянган ҳолдагина ўрганиш, ўзлаштириш мумкин. Синтаксисни ўрганишда эса морфологияга суянилади, орфография фонетика, грамматика, сўз ясалишига суянади ва ҳ.к. Сўзни морфемик томондан таҳлил қилиш унинг маъносини тушунишга ёрдам беради. Тилнинг ҳамма томонлари бир-бири билан ўзаро богланган бўлиб, ўқитишда буни албатта хисобга олиш керак.

3.Тилга сезгирликни ўстириш принсипи. Тил - жуда мураккаб ҳодиса, унинг тузилишини, системасини фаҳмлаб олмай туриб, сал бўлса-да, унинг қонуниятларини, ўхшашликларини ўзлаштирмай туриб уни ёдда сақлаб билмайди. Бола гаплашиш, ўқиш, эшитиш билан тил материалларини йигади, унинг қонунларини ўзлаштиради. Натижада кишида тилга сезгирлик (тил ҳодисаларини тушуниш) хусусияти шаклланади.

4.Нутқнинг ифодалилигига баҳо бериш тамойили. Бу тамойил тил ҳодисаларини тушунмай туриб саводли ёзиш, нутқ маданняти воситаларининг хабар бериш функсиясини тушуниш билан бир қаторда, унинг ифодалилик (услубга оид) функсиясини тушунишни, мазмунинигина эмас, балки сўз ва нутқ оборотларининг, тилнинг бошқа бадиий-тасвирий воситаларининг ҳиссий оттенкаларини ҳам тушунишни кўзда тутади. Бу тамойилга амал қилиш учун, биринчи навбатда, бадиий адабиётлардан, шунингдек, тилнинг функтсионал-стилистик хусусиятлари аниқ ифодаланган бошқа матнлардан фойдаланиш талаб этилади.

5.Огзаки нутқни ёзма нутқдан олдин ўзлаштириш тамойили. Бу тамойил ҳам киши нутқининг ривожланишига таъсир этади ва тил ўқитиш методикасини тузишда хизмат қилади.

Методика тамойиллари, дидактика тамойиллари каби, ўқитувчи билан ўқувчининг мақсадга мувофик; фаолиятини белгилашга, уларнинг биргаликдаги ишларида қулай йуналишини танлашга ёрдам беради, методиканинг фан сифатида назарий асослаш элементларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Текшириш учун савол ва топшириқлар.

1.Она тили ўқитиш методикасининг методологик асосини изоҳланг.

2.Она тили ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан боглиқлнгини тушунтиринг.

3.Она тили ўқитиш методикасининг ўзига хос тамойиллари қайсилар? Уларни изохланг.

**Она тили ўқитиш методикасининг текшириш методлари**

Амалий фанлар учун амалиёт муҳим рол ўйнайди. Она тили ўқитиш мегодикаси ҳам амалий фанлар сирасига киради. Ҳар қандай амалий хулосалар ишонарли бўлиши, юқори илмий даражада яъни ва пухта, асосли бўлнши лозим. Методика тавсияларини ҳам юқори савияда, илмий даражаси, назарий тасдиқланиши текшириш методларининг пухта ўтказилишига боглиқ.

Текшириш методлари 2 хил:

1. Назарий текшириш методлари.

У қуйидагиларга татбиқ этилади

1.Бирор ҳодисанинг методик асосини, бошқа боглиқ, фанларни ўрганиш, қўйилган гипотезани аниқлаш, изланишнинг асосий йуналишини белгилаш учун.

2.Масала тарихини ўрганиш, чет эл мактаб тажрибаларини ўрганиш, мавзуга доир адабиётларни ўрганиш, тажрибани таҳлил қилиш, масаланинг исботланган ва ҳал қилинмаган ўринларини аниқлаш, илгариги тажриба билан ҳозирги ахволни таққослаш, ҳозирги кун талаби билан баҳолаш.

3. Бир-бирига яқин фанларнинг текшириш методларини, олимларнинг текшириш ишлари тажрибасини ўрганиш, қулай методларни танлаш, ўзининг янги экспериментал методикасини яратиш, материалларни тайёрлаш мақсадида.

4.Емперик йул билан олинган материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш эксперимент натижасини таҳлил қилиш, амалий тавсияномаларни шакллантириш учун.

2.Емпирик метод:

1.Бу метод ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш,янгиликларини танлаш.умумлаштириш,баҳолаш ва оммалаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг даражасини аниқлаш мақсадида ўтқазилади;

2.Ўқувчиларни ўқитиш жараёнини мақсадга мувофик кузатиш (дарс, унинг бирор қисмини, ўқувчилариинг жавоби, ҳикоясини, ёзма ишини текшириш), ўқитувчи ва ўқувчиларини анкета орқали текшириш кабилар қайд этилади.

3.Експеримент методи ҳозирги кунда кенг тарқалган. Унда дедуктив йулдан борилади. Экспериментда 2 та синф танланади. Бири эксперимент синф, иккинчиси контрол синф. Эксперимент синфда янги метод, янги дарслик. Янги ишланмадан фойдаланилса, контрол синфда амалдаги метод, дарслик, ишланмадан фойдаланилади. Иккинчи марта синфлар алмаштирилади. Ҳар икки ҳолда ҳам натижа юқори бўлса, демак, иш усули фойдали саналади.

Експеримент вазифасига кўра

1.Янги метод, янги дарсликнинг мувофиқлигини текшириш;

2.Метод ёки қўлланманинг қай даражада фойдалилигини;

3.Метод ёки (қўлланманинг мувофиқлигини ва самарадорлигини аниқлаш учун ўтказилади.

Експеримент натижасини чиқаришда баҳо нормасига бўйсунилади.

Текшириш учун савол ва тотпиритслар:

1 .Назарий метод қай ҳолда татбиқ этилади?

2.Емпирик метод нима?

3.Експеримент ўз вазифасига кўра неча турли бўлади? 4.Илмий текшириш босқичлари ва унинг вазифаларини айтинг.

**Она тили – бошлангич синфларда ўқув предмети.**

Ўзбек халқи жуда қадим замонлардаёқ илм-фанга катта эътибор билан қараган ва уни ривожланишга харакат қилган. Ибн Сино, Беруиий, Ал-Хоразмий, Амир Темур, Улугбек ва бошқа кўплаб алломалар илм—фанни дунёга танитганлар. Илм-маърифатга беқиёс ҳурмат билан қараган халқимиз қандай қийинчилик ва тўсиқлар бўлмасин ўз фарзандларини саводли бўлншини орзу қилганлар. Фарзандларини ёшлигиданоқ мактабга ўқишга берганлар. Мактабдор домлалар ўз усуллари ва тажрибаларига асосланиб болаларга сабокқ берганлар. Демак, Ўзбекистонда ўқитишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган ва улар ривожланиб борган. Бу жараён силлиқ кечгани йуқ. Баъзи хато ва камчиликларга ҳам йул қўйилган. Чунончи, 20-йилларда мактабни ривожлантиришда жуда жиддий хатоларга йул қўйилди. Комплекс дастурларда она тилини оиърганиш тизими бузилди: грамматик, орфографик кўникмаларга йетарли аҳамият берилмади. Савод ўргатишда яхлит сўз методи тилнинг фонетик хусусиятларига мос келмади, аналитик-синтетик ишларни таъминламади, пухта, тўгри ёзув масалалари учун замин яратилмади.

Кейинчалик 1931 йил 5 - сентябр «Бошлангич ва ўрта мактаб ҳақидаги, 25- август 1932 - йил «Бошлангич ва ўрта мактаб ўқув дастурлари режими ҳақида»ги қарорлар юқоридаги каби йул қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилишда ва ўқув машгулотлари тизимини ишлаб чиқишда мактабга ва ўқитувчиларга ёрдам берди. Тезлик билан савод ўргатишда аналитик— синтетик товуш методи қайта тикланди. Грамматик, орфографик материалларни изчил ўргатишга, ўқувчиларнинг ҳар томонлама саводли бўлиб, маданий нутқни эгаллашларига катта аҳамият берила бошланди. Ўқувчилар ва ўқитувчининг ўқув меҳнатни ташкил этишнинг асосий шакли бўлган дарс методикаси муваффақиятли ишлана бошланди.

50-90- йиллар мобайнида бошлангич синфларда она тили ўқитиш методикаси соҳасида анчагина қўлланмалар яратилди. Бу йиллар мобайнида она тили ўқитиш методикаси фан сифатида ривожлана бошлади, умумий педагогик, дидактик ва психологик характердаги илмий текширишларнинг натижалари она тили ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва янги методика яратишга имкон берди. Ўзбек тилшунослиги соҳасидаги муваффақиятлар ҳам тилни ўзлаштириш жараёнига ва методиканинг ривожланишига жиддий ёрдам берди. Худди шунингдек, бу фаннинг ривожланишига ўқувчиларнинг оммавий иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўша даврдаги журналларда ўнлаб методик мақолалар босилиб чиқди.

1955 - йилдан бошлаб педагогика институтлари бошида бошлангич таълим ўқитувчилари тайёрлайдиган факултетлар очила бошланди. Бу ҳам она тили ўқитиш методикасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, яъни бошлангич синф ўқитувчиларининг умумий ва махсус тайёргарлик даражаси ўсади. Институт қошидаги кафедраларда ишловчи илмий ходимлар методик масалаларни чуқур, илмий асосда ҳал қилишга ёрдам берадилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ она тили ўқитишга катта аҳамият берила бошлади. Бунда 1989 - йил 21 - октябрда «Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақидаги қарор» алохида рол ўйнайди.

Таълим соҳасидаги бу ўзгаришлар она тили ўқитиш методикасида ҳам бир қатор имкониятларни юзага келтирди. Бу янгиликлардан кўплари оммавий мактабларда амалга оширилмоқда, баъзилари ҳозирча синовдан ўтказилмоқда. Синов даврида, биринчидан, ўқувчига, унинг дарсдаги ва дарсдан ташқари вақтдаги ўқув меҳнатига, у дуч келаётган қийинчиликларга, унинг кўникма малакаларини ва ришожланиш қонуниятларини ўрганиш методикасига кўпроқ аҳамият берилмоқда, ўқитувчи ва ўқувчи меҳнати ҳақидаги фанга айлантирилмоқда. Иккинчидан, таълим жараёнида боланинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, мустақиллигини ва ўқув ишлари жараёнидаги ақлий фаоллигини ошириш вазифалари ҳал қилинмоқда. Учинчидан, мавжуд таълим тизимидаги текширишлар билан бир қаторда ўқитишнинг истиқболи ҳақидаги вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ҳам текширишлар олиб борилмоқда. Шундай қилиб, фан сифатида она тили ўқитиш методикасининг ўз предмети, вазифаси, назарий ва илмий соҳаси бўлиб, бир қатор фанлар ўртасида унинг маълум ўрни бор. Бу фан ҳам бошқа фанлар каби ривожланиб, тараққий этиб бормоқда.

Тил фикрни шакллантириш ва баён қилиш, таассурот, ҳис, кечинмаларни ифодалашда муҳим ўрин тутади. Тил жамият аъзоларининг бир-бири билан ўзаро алоқаси учун хизмат қиладиган воситадир. Бу восита қанчалик такомиллашса, фикр шунчалик аниқ, таъсирчан ифодаланади. Мактабда она тилини чуқур ўрганиш зарурати тилнинг мана шу асосий вазифаларидан келаб чиқади.

К.Д-Ушинский бошланигич мактаб ўқув предметлари тизимида она тилига катта аҳамият бериб, уни марказий ва етакчи предмет ҳисоблайди. «Ажойиб ўқитувчи бўлган она тили болага кўп нарсани ўргатади,.. Бола икки - уч йил ичида шунча кўп нарсани ўргатади ….Бола икки – уч йил ичида шунча кўп нарса ўрганадики, кўп нарса билиб оладики, 20 йил кун билан методик жихатдан жуда тўгри ўқиганда ҳам унинг ярмича ўргана олмайди. Она тилини улуг педагоглиги ҳам ана шундадир», дейди. Шунинг учун ҳам бошлангич синфларда она тилини ўрганишга катта аҳамият берилади.

Она тили - нутқ: ўқиш ва ёзиш соҳасидаги кўникма ва малакалар ўқувчилар ўқув меҳнатининг зарурий шарти ва воситаси ҳисобланади. Бола ўқиш кўникмаларини эгаллаш билан, биринчи навбатда ўз она тилини ўрганиши зарур. Чунки она тили билимдонликнинг , ақл -идрокнинг калитидир. Она тили бошқа фанларни воситаси ҳамдир, жамият тарихи ҳам, табиий фанлар ҳам она тили ёрдамида ўрганилади. Демак , она тили боланинг умумий камол топишида ҳам, билим ва меҳнатга ҳавасини уйготишда ҳам алоҳида рол ўйнайди.

Тил муҳим тарбия воситасидир. Бадиий адабиётларни, газета, журналларни ўқиган бола ўзида энг яхши ҳислатларни тарбиялаб боради. Муомала маданиятини эгаллайди.

Она тили бошлангич синфда асосий ўринни эгаллар экан, ҳар бир ўқувчида она тилига қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш зарур.

Бошлангич синфларда она тили машгулотлари тури ва мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1.Ўқиш, ёзув, грамматик материални ўрганиш, кузатишлар ҳамда ўқувчиларнинг ижтимоий фаолиятлари билан боглиқ ҳолда, уларнинг огзаки ва ёзма нутқини ўстириш.

2. Биринчи синфга келган болаларга савод ўргатиш, яъни уларни элементар ўқиш ва ёзишга ўргатиш, бу кўникмаларни малакага айлантирш.

3.Адабий тил нормаларини, яъни имловий ва пунктуатсион саводли ёзувни, орфоэпик тўгри талаффузни ўрганиш нутқ ва услубий элементларни эгаллаш.

4.Грамматика, фонетика , лексикадан назарий материалларни ўрганиш, тилдан илмий тушунчаларини шакллантириш.

5. Ўқувчиларни ўқиш ва грамматика дарслари орқали бадиий, илмий-оммабоп ва бошқа адабиётлар намунаси билан таништирш , уларда табиий асарни идрок этиш кўникмасини хосил қилиш. Бу вазифаларнинг ҳаммасини бошлангич синфларда она тили предмети ҳал этади ва бошлангич синфлар она тили дастурида акс этади. Дастур давлат хужжати бўлиб, унда ўқув предметининг мазмуни ва хажмини, шунингдек, шу предметдан билим, кўникма ва малакалар даражасига қўйилган асосий талабларни белгилайдиган бўлади. Дастур талабларини ўқитувчи ва ўқувчилар бажаришлари шарт, уни кенгайтириш ва қисқартиришга йул қўйилмайди.

Бошлангич синфларниг она тили дастури икки қисмдан иборат:

1.Уқтириш хати.

2.Асосий қисми.

Уқтириш хатида она тили предметининг тутган ўрни, унинг вазифалари кўрсатилиб, методик йул-йуриқлар берилади. Дастурнинг асосий қисми 4 бўлим, у ҳар бир синфда ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар кўрсатилган. Дастурнинг бўлимлари: хат - савод ўргатиш ва нутқ ўстириш «Ўқиш ва нутқ ўстириш», «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш”дан иборат. Ҳар бир бўлим бир неча қисмлардан иборат. Масалан, «Ўқиш ва нутқ ўстириш» бўлими, «Синфда ўқиш» ва «Синфдан ташқари ўқиш»ни синфда ўқиш ўз навбатида «Ўқиш мавзуларини», «Ўқиш кўникмаларини», «Матн устида ишлаш» қисмларини ўз ичига олади ва ҳоказолар.

**Текшириш учун савол ва топшириқлар:**

1-Она тилини ўқитиш тарихига тавсиф беринг. Камчиликларнинг сабаблари нимада эди?

2.50-90-йилларда бошлангич синфларда она тилини ўқитишда қандай ижобий силжишлар бўлди?

3.Бошлангич синфларда она тили машгулотларининг тури ва мазмунини шарҳланг.

4. Бошлангич синф она тили дастури тузилиши ва мазмунини тушунтиринг.

5.Бошлангич синфлар она тили дастурига ўз муносабатингизни билдириб тақриз ёзинг.

6.«Она тили – бошлангич синфларда ўқув предмети» мавзусида қисқача маъруза тайёрланг.

## САВОД ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ.

### Савод ургатиш методикасининг илмий асослари

**Ўқиш ва ёзиш – нутқ фаолиятининг тури**. Мактабда ўқитиш элементар ўқиш ва ёзишга ўргатишдан бошланади. "Алифбе" га асосланган ҳолда қисқа муддатда ўқувчилар ўқишга, ёзишга ўргатилади, сўнг ўқиш ва ёзиш кўникмаси такомиллаштирилади, бора— бора малакага айлантирилади . Малака мустаҳкамланади, автоматлаштирила борилади. Мактабда ўқитишнинг муваффақияти савод ўргатишнинг қандай ташкил этилганлигига боглиқ.

Ўқиш ва ёзиш малакаси - нутқга оид малака. Ўқиш ва ёзиш малакаси нутқ фаолиятининг- бошқа турлари билан ҳам боглиқ. Малаканинг шаклланиши учун бир фаолият бир неча марта такрорланиши лозим. Шундай экан, савод ўргатиш жараёнида бола жуда кўп ўқиши ва ёзиши зарур. Ўқиш учун ҳам, ёзиш учун ҳам янги матн олинади, чунки бир матнни бир неча бор қайта ўқиш билан мақсадга эришиш қийин. Бу кўпинча ўқилган матнни юзаки ёдлашга олиб келади. Бу иш турнинг алмашиниб туриши малакани мустаҳкамлашга ёрдам беради, қобиллиятни ўстиради.

Ўзбек тили ёзуви – товуш ёзуви. Ёзувда ўқувчи товушни ҳарфга, ўқишда эса товушга айлантиришдек мураккаб ақлий фаолиятни бажаради. Бу фаолият доимий равишда юз беришини назарда тутиб, ўқиш ва ёзиш параллел олиб борилади.

**Ўзбек тилининг товуш тузилиши ва графикаси**. Ўзбек тили ёзуви – фонематик ёзув. Ўзбек тили ёзуви учун 1993 йил лотин графикаси асос қилиб олинди. Нутқнинг ҳар бир товуши учун унга мос шакл қабул қилинди.

Ўқитувчи савод ўргатиш жараёнида ўқувчиларга товушлар ҳақида маълумот беришда ўзбек тилининг фонетик хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Савод ўргатиш аналитик – синтетик товуш методида олиб борилади. Сўз бўгинга ажратилади , бўгиндан керакли- ўрганилаётган товуш ажратилиб олинади, таҳлил қилинади, ўрганиладиган ҳарф билан синтезланади.

Ҳозирги ўзбек тилида 6та унлилар системаси : а, о, ў, у, и, э. Савод ўргатишда товуш – ҳарф билан таништириш унлилардан бошланади.

е- ҳарфи сўз ва бўгин бошида ўрта кенг лабланмаган унли ўрнида ва ундошдан кейин ёзилади.

Савод ўргатишда олдин сўз бошида келадиган –е (е) сўнг ундошдан кейин келадиган –е ўргатилади.

-о ҳарфи ўзбекча , умуртқий сўзларда қуйи кенг , лабланган о товишини ифодалайди, русча интернасинал сўзларда ургусиз бўгинда –а тарзида (ботаника) - ў товуши каби (тўнна )қисқа –и тарзида ( ректир ) талаффуз қилинади. Шунинг учун бу унлили сўзлар савод ўргатиш давридан сўнг ўқув жараёнига киритилади .

Ўзбек тилида 24 ундош товуш бор. Шулардан 3 таси ҳарф бирикмаси, 24 ундош товуш 23 ҳарф билан белгиланади. Ундошларни ўргатишда ҳам муайян тартибга, талабга асосланилади.

Алифбо даври сонор- овозли (овоздор) товушларни ўргатишдан бошланади. Лекин -нг сонор ундоши н ва г ундоши товуш ҳарфи билан таништирилгач ўргатилади. Ҳарф бирикмаларини ўргатишдаги қийинчилик ҳисобга олинган ҳолда улар алифбе даврининг охиррогида ўрганилади.

Ж ҳарфи икки товушни ифодалайди, шуни хисобга олиб, унга алоҳида дарслар ажратилади. Савод ўргатиш жараёнидаёқ ҳарфнинг 4 хил шаклда (босма, ёзма, бош ва кичик) ишлатилиши ўргатилади.

Ўқувчиларни ўқишга ўргатиш бўгин асосида олиб борилади.Ўқишнинг дастлабки босқичида орфография ўқишдан фойдаланилса секин- аста орфоепик ўқитиш кўникмалари шакллантирилади. Бўгинлаб ўқишга ўргатиш учун сўзни бўгинга бўлиш, бўгин ҳосил қилувчи товушни аниқлаш, очиқ-ёпиқ бўгинларни фарқлашга ўргатиш муҳим саналади.

Ўқиш ҳам, ёзиш ҳам мураккаб нутқ фаолияти. У кичик ёшдаги ўқувчидан ирода, ақл, ҳатто жисмоний харакатни ҳам талаб қилади.

Кичик ёшдаги ўқувчини ўқишга ўргатишда қуйидагилар кузатилади:

1.Бола ўқиш пайтида битта ҳарфни кўради, уни билиш учун расмларни кўз олдига келтирилади расмларни ёки бошқа ҳарфларни эсланди, эсга туширгач, уни айтишга ошиқади, бироқ ўқитувчи айтишга йул қўймайди, ўқитувчи ундан бўгинни айтишни талаб қилади. Ўқувчи иккинчи ҳарфни эслаб кўргунча биринчиси эсдан кўтарилади, ёки уларни қўшиб бўгин, бўгиндан сўз ҳосил қилгунча ўқиш жараёни сустлашади.

2. Кўпинча бола ўқиётган қаторни йуқотиб қўяди, ҳарфни, бўгинни, сўзни қайта ўқишига тўгри келади. Ўқувчининг диққати кенгайган сари бўгин ва сўзни бутунлигича идрок эта бошлайди.

3. Ўқишни энди ўрганаётган бола ўқиётган матн мазмунини ўзлаштирмайди, чунки сўзни қандай ўқишга куч беради-да, сўз маъносига эътибор бермайди. Дарсликдаги расмлар, ўқитувчининг саволлари, кўргазмали қуроллар онгли ўқишларини таъминлайди.

4. Тажрибасиз китобхон сўзни биринчи бўгинига ёки расмга қараб топади. Бу ҳато ўқишга олиб келади. Бу ҳатонинг олдини олиш учун сўз бўгинлаб ўқитилади, сўзни бўгин-товуш томондан таҳлил қилишга, товуш -ҳарф томондан анализ ва синтез қилишга диққат қаратилади.

Ўқишни муваффақиятли эгаллашлари учун ўқувчиларнинг идроки, хотираси, тафаккури ва нутқини ўстиришга катта эътибор бериш керак. Савод ўргатишда фонематик эшитиш

қобилиятларини ўстириш, товуш аниқ талаффуз қилишга ўргатиш, товушни ажратиш кўникмасини ўстириш муҳим саналади.

Ёзув ўқувчилар ручкани тўгри ушлаш, дафтарни тўгри қўйиш, ҳарфни ёзишда ёзув чизиқлари, улар бўйлаб қўлни харакатлантиришни эсда сақлаш, ҳарфни ҳарфга улаши, қаторга сигиш-сигмаслигини мўлжаллаши лозим. Булар ўқувчини ақлий ва жисмонан чарчатади, айниқса, бармоқ ва елка мускуллари чарчайди, булар дарсда икки-уч марта физкултура машқларини ўтказишни тақозо этади.

**Савол ва топшириқлар:**

1.Нутқ фаолиятининг турлари ва уларнинг ўзаро ҳолда шаклланишини тушунтиринг.

2.Савод ўргатишда ўзбек тили товуш тузилиши ҳарфларини ҳисобга олиганинг аҳамияти нимада?

3.Савод чиқаришда ўқишга ўргатиш ва ёзувга ўргатиш нима?

4.Савод ўргатишда бўгин устида ишлашни аҳамиятини изоҳланг.

5.Оқувчиларнинг фонетик эшитиш қобилияти деганда нимани тушунасиз?

6.Алифбе дарслигидаги расмлар, жадвалларнинг аҳамияти нимада?

## Савод ўргатиш методларининг қиёсий – танқидий тахлили.

Эски мактабда ўқиш билан ёзиш бир вақтда ўргатилмаган, аввал фақат ўқиш ўргатилган. Ўқиш хижо (бўгин) усули билан ўргатилган. Ўқишга ўргатишнинг "хижжаи қадимий" деб аталган усули асрлар давомида хеч қандай ўзгаришсиз давом этиб келган.

Ҳижо усулида ўқишга ўргатишни 3 босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич. Ҳарфларнинг номини ёдлатиш ("ҳарфий метод") Бу методнинг моҳияти асосан қуйидагилардан иборат: бир неча йилдан бери ўқиётган болалар мактаб хонага янги келган болага бир неча кичик — кичик сурани огзаки ёдлатган. Бола айтаётган сурадаги сўзларининг маъносини тушунмай, ураларни бирин-кетин ёдлаб олган, бу орада тахминан бир йилга яқин вақт ўтган. Шундан кейин араб алфавити ёдлатила бошлаган; бола уйидан хар икки томони рандаланиб силлиқланган махсус тахта олиб келган. Мактабдор тахтанинг бир томонига қора сиёх билан 28 та арабча ҳарфнинг ёлгиз шаклини алфавит тартибида бандларга бўлиб ёзиб берган.

Мактабдор биринчи банддаги ҳарфларнинг номини алиф, бе, те, се деб айтган; бола домлага эргашиб такрорлаган; айта олмаса, домла яна айтган ва шуни яхшилаб ўрганишни вазифа қилиб топширган. Бола биринчи бандни ёдлаб олгач, иккинчи бандни шу тариқа ёдлаган ва х. Болалар 28 ҳарф номини 5-6 ойда зўрга билиб олганлар. Улар ҳарфларнинг номини ёдлаб олсалар ҳам, қайсиси бе, қайсиси се эканини кўрсатиб бера олмаганлар. Айрим домлалар, отинойилар ёш болаларнинг эслаб қолишига ёрдам бериш мақсадида ҳар бир ҳарф учун шартли иборалар ўйлаб топганлар ( — узунчоққина алиф, биттагина бе, - иккитагина те, учтагина се каби ).

2-босқич. Бўгин ҳосил қилиш. Ҳарфлар номи ёдлаб бўлингач, бўгин ҳосил қилишга, яъни "зеру-забар" ни ўргатишга ўтилган. Эски мактабда "зеру-забар" (забар, зер, пеш) ҳар хил ўргатилган. Масалан, баъзи домлалар (бег забар-ба) ( бе-зер- би), (бе-пеш- бу); ( те-забар-та), х. каби ўргатсалар, бошқа баъзилари бе ба, те забар та,. . . каби; яна бошқалари: бе—забар—а; зер—и,пеш—у; те—-забар—а, зер—и, пеш—у . . . деб ўргатадилар ва ҳокозо.

Мактабхонада "зеру забар" қуруқ, ёдлатилган, нимага хизмат қилишни айтилмаган. Аслида эса бу белгиларнинг маълум хизмати бор: забар (фатха)-ундош ҳарф устидаги ургу белгисига ўхшаш чизиқча бўлиб, ундошга а унли товушини қўшиб айтиш зарурлигини кўрсатади. зер (касра) ундош ҳарф остидаги чизиқча бўлиб, шу ундошга и унли товушини қўшиб айтиш кераклигини билдиради.пеш (замма) эса ундош ҳарф устига қўйиладиган белги бўлиб, шу ундош товушга у унлисини қўшиб айтиш зарурлигини кўрсатади. Демак, арабча матнларни ўқиш учун "зеру забар"ни билиш жуда зарур бўлган, аммо ўқишга ўргатиш англаб ўқишга асосланмагани учун, болалар мим забар ма мим зер ми, мим пеш му деб ёдлаганлар, "зеру забар"нинг моҳиятини англамаганлар.

3-босқич. Бўгинларни қўшиш. Эски мактабда бўгинларни қўшиш "абжад" билан бошланган. Мактабдор тахтанинг иккинчи томонига араб тили алфавитидаги 28 та ҳарф жамланган 8 сўзни "зеру забар" билан ёзиб берган. Болалар бу 8 та сўзни бирин-кетин хижо усулида ўқиб ёдлаб олганлар. Масалан, абжад сўзи алифга забар қўйиб, бе га уриштирилса, аб; жим га забар қўйиб, долга уриштир қилса, жал; буларнинг иккисидан абжад хосил булган каби.

Абжаддан кейин эски мактаб ўқув китоби бўлган "Ҳафтияк"ка ўтилган. "Ҳафтияк"даги суралар ҳам "Абжад"даги каби ҳижо усулида ўқитилган. Болалар "Ҳафтияк"нинг бир бетини ҳижо усулида ўқиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлаганлар.

Сўзни ҳижо усулида ўқишда аввал сўздаги биринчи ундош ҳарфнинг номини, кейин иккинчи ундош ҳарфнинг номини айтиб, унга зарур ҳаракатни қўйиб ҳижо ҳосил қилинган шу усулда навбатдаги ҳарфлардан ҳам ҳижо ҳосил қилиниб, кейин ҳижоларни бир-бирига қўшиб, бу сўз бир бутунича айтилган. Сўзни ҳижо усулида ўқишда товуш эмас, балки шу товушни ифодаловчи ҳарфнинг номи асос қилиб олинган. Сўзни товуш жиҳатидан тахлил қилишга оид ҳеч қандай иш қилинмаган, товушлариинг қўшилиши болаларга тушунарли бўлмаган, болалар сўзидаги ҳар бир ҳарф маълум бир товушни билдиришини мутлақо англамаганлар. Ҳижо усулида ўқишга ўргатиш, биринчидан, механик равишда бўлиб, айни бир нарсани қайта - қайта айтишга мажбур қилинган, иккинчидан, бола ўзи айтган сўзининг маъносини тушунмай, мактабдордан эшитганини такрорлай берган

"Ҳафтияк" нинг кейинги айрим суралари сўзни яхлит "ўқиш" усулида олиб борилган, аниқроги бола ўқимаган, эшитганини тўтиқуш каби ёдлаган. Натижада болалар мактабхонада ўқиганларини ўзи ўқиб юрган китобидан "ўқиб берган", аммо уларнинг қўлига мактабда ўқилмаган бошқа бир китоб берилса, уни ўқий олмаган; эски мактабда олти-ў н йил мунтазам ўқиш болаларнинг жуда кун деганда 4-5 % игина ўқиш ва ёзиш кўникмасини хосил қилган.

Туркистонда очилган рус-тузем мактаблари савод ўргатишда маълум даражада ижобий рол уйнади. Рус-тузем мактабларинннг ўзбекча синфларида ўзбекча хат-савод ўргатиш методи 1900 йилдан бошлаб аста-секин изоҳ қилинди. Ҳижо методидан товуш методига ўтилди. 1900 йиллардан рус-тузем мактаби ўзбекча синфларининг пешқадам муаллимлари товуш методи асосида тузилган татарча алифбедан фойдаланганлар. Бу китобнинг тили ва мазмуни ўзбекча синфларга мос келмасди. 1902 йилда Саидрасул Саидазизовнинг товуш методи талабига мувофиқ тузилган она тили алифбеси "Устоди аввал" нашр этилди. "Устоди аввал" нашр қилингандан кейин ўзбекча хат савод ўргатишда янги давр бошланди. Товуш методи савод ўргатишнинг эски усулидан тамомила фарқ қилиб, ўқитишни осонлаштирди, таълимни бола тушунадиган, англайдиган таълимга, актив таълимга айлантирди

"Устоди аввал" 3 бўлимдан иборат: 1-бўлим, ҳозирги атама билан атаганимизда, алифбе давридир. Муаллиф бу бўлимда араб алфавитидаги ҳарфларни алфавит тартибида эмас, балки ҳарф орқали ифодаланган товушнинг талаффузи осон-қийинлигини ҳарфларнинг ёзилиши содда ёки мураккаблигини эътиборга олган. Муаллиф ҳар бир ҳарфнинг ёзувда бир неча хил шаклда келиши хат-савод ўргатишни қийинлаштиришини ҳисобга олган; алифбе даврининг бошида деярли ҳар доим бир хил шаклда қўлланадиган ҳарфларни берган. Шакли ёзилиш ўрнига қараб турлича бўладиган ҳарфларнинг сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида ва алоҳида ёзилиш шаклини бериб, уларга мос мисоллер келтирилган. Масалан, қ ҳарфини танитиш учун қор, уйқу, оқ сўзларни, г ҳарфини танитиш учун гор, уйгоқ, тор сўзларини танлаган. Меаллиф соддадан мураккабга тамойилига амал қилиб, алифбе даврини аста-секин мураккаблаштира борган. Китобнинг алифбе қисмига, асосан, ўзбек тилининг лугат составидаги сўзлардан танлаб олган.

"Устоди аввал"нинг 2-бўлими алифбедан кейинги даврдир. Бу бўлимда ҳикоя, масал ва 50 мақола берилган. Уларнинг айримларида билим таргиб қилинса, бошқалари тарбиявий мазмунда.

С. Саидазизов китобининг 3-бўлимини "Алифбои қуръон" деб атаган ва ўз олдига болаларга "қуръон"ни тушуниб олишга ўргатишни мақсад қилиб қўйган.

Умуман товуш методи Марказий Осиёга икки манбадан ёйилди:

1.Рус-тузем мактаблари русча синфларида хат-савод товуш методи билан ўргатилар эди. Ўзбекча синф муаллимлари товуш -методи осон ва қулайлигини амалда ўз кўзлари бИлан кўрдилар ва улар рус ўқчитувчиларига тақлид қилиб, аста-секин товуш методини ўз синфларига татбиқ эта бошладаилар

2.Х1Х асрнинг охиридан бошлаб Россиядан Марказий Осиёга келган татар муаллимлари товуш методида хат-савод ўргата бошлаган эдилар, орадан кўп ўтмай, бир қанча маҳаллий муаллимлар ҳам татар муаллимларига тақлид қилиб, янги мактаблар очди-да, болаларга хат саводни товуш методида ўргата бошлади. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда товуш методи аста-секин ҳижо методининг ўрнини ола бошлади

Маълумки, товуш методн билан хат-савод ўргатишга Россияда К.Д-Ушинский асос солиб, у синтетик товуш методини қатъий ҳимоя қилган эди.

Товуш методи билан савод ўргатилганда, сўзнинг энг кичик бўлаги, яъни нутқ товушлари асос қилиб олинади. Сўзнинг ма ъносини ўзгартира олувчи ҳар бир товуш ёзувда ҳарф орқали

ифодаланиши: сўзда товушлар алмашиши, ортиши еки камайипш натижасида бошқа бир янги сўз хосил бўлиши мумкинлиги болалар онгига йетқазилади. Кейинги йилларда ҳам хат-савод товуш методида ўргатилмоқда. Атоқли методистлар (С.П.Редазудов, А-И.Воскресенская, К. Қосимова, Й.Абдуллаев, О.Шарафиддинов) товуш методида хат-савод ўргатишни такомиллаштирдилар.

Араб алфавитида ёзувни ўргатиш қийин эди. Араб алфавитидаги ҳарфлар сўзда қўллаш ўрнига қараб, ҳар ҳил шаклда ёзилган, бу ёзишни ўрганишни қийнлаштирган. Шунинг учун кўп мактабларда болаларга ўқиш ўргатилиб ёзув ўргатилмаган, чунки домла ва отинойиларнинг кўпчилаги ўқишни билаган-у, ёзишни биламаган.

Ески мактабда ёзиш чизиқсиз текис оқ қогозга дастлаб йугонроқ савагич қаламда ўргатилган: болалар ёзишни озроқ ўрганганларидан кейин қамиш қаламда ҳам ёзишган, уларга ручкада ёзишга рухсат этилмаган.

Ёзишни ўргатиш алфавит тартибда ҳарфларнинг алоҳида-алоҳида шаклни ёздиришдан бошланган. Аввал алифни ёзиш ўргатилган, кейин ўхшаш шаклли ҳарфлар бандларга бўлиниб, ўхшаш унсурни бўлмаганлари эса айрим-айрим ёздирилган. Айрим домлалар баъзи ҳарфларни элементларини ёзиш бир – икки йилга чўзилган .

Шундан кейин –ҳарфларни нушага қараб алфавит тартибида катта-катта қилиб ёзиш, муфродот ( сарҳад ) дейилган: бундай ёзиш бир – икки йилга чўзилган .

Шундан кейин ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бошланган. Бу машқни мураккабот дейилган. Ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бир неча босқичга бўлиниб, ҳарф бирикмаларининг маъно англатиш – англатмаслиги умуман эътиборга олинмаган. Қандай қўшилиш машқ қилинаверган. Кўпгина эски мактабларда бундай машқ “абжад ёзиш ” билан тугалланган .

Мураккаботдан кейин байт, қитъа ва рубойиларни кўчириб ёзиш машқи бошланган. Бу машқни муқаддимот дейилган .

Бу машққа ҳам жуда кўп вақт сарфлангану маъноли сўзларни ёзиш билан бошланиб, дуойи салом (иншо )ёзиш билан тугалланган .

Ёзувни ўргатиш ва ҳуснихат машқ қилдиришда (Муфрадот) китобидан фойдаланилган. Бу китобчада ҳар учала машқ тури баъзи нашрларда эса иншо намуналари берилаган.

Ески мактабда ёзувга ўргатишнинг бирдан-бир йули кўчириб ёзув – нуша кўчириш бўлган, натижада болада ёзма нутқ кўникмаси ҳосил қилинмаган. Бу машқ болани жуда зериктирган, ҳеч ўйланмасдан ёзишга одатлантирилган. Мактабхонада ижодий кўчириб ёзув машқларининг, шунингдек, бошқа усулларнинг қўлланмаганлиги орқасида бола чиройли кўчириб ёзиш коникмасини ҳосил қилган бўлса ҳам, аммо ўз фикрини ёзма ифода қила олмаган, энг оддий жумлаларни ҳам жуда кўп хато қилиб зўр - базўр ёзган .

Эски мактабларда, мадрасаларда ўзбек тили ўқитилмаган, натижада эски мактаб болаларгина эмас хатто мадрасда бир неча йил умр ўтқазган баъзи болалар ҳам ўз исмини тўгри ёзишни биламаганлар .

Арабчада тўгри, чиройли ёзувга ўргатиш учун Хивалик шоир Шермуҳаммад Авазбей ўгли Муниснинг ( 1778-1829) “ Саводи таълим ” китобидан фойдаланилади.

Рус – тузем мактабларида ўқиш ва ёзишга ўргатиш, одатда, бир вақтда бошланиб, бир-бирига боглаб олиб борилган, ҳар куни аввал ўқиш, кейин ёзув дарси бўлган; ўқиш ва ёзиш онглилик тамойили асосида ўргатилган; болалар қайси товуш, бўгин, сўз ёки гапни ўқиётган ёки ёзаётганини аниқ тасаввур қилган, маъносига тушунган, арабча ҳарфнинг ёлгиз шаклини, ёҳуд бирор ҳарфнинг элементини ёзаётганлигини онгли равишда билган.

Рус-тузем мактабларининг ўзбекча синфида кўчириб ёзишга ва диктантга кўп вақт сарф этилган. 4- бўлимда, улардан ташқари, иншо ( турли тихат, дуои салом ва савдо ишига оид ҳар ҳил хатлар ) ёзишга ҳам ўргатилган

**Савол ва топшириқлар :**

.

1.Ески мактабларда савод ўргатиш қандай методда олиб борилган?

2.Болалар саводи неча босқичда чақирилган. 1 – босқичда қандай метод ва тартибда ўқитиш ишлари олиб борилган ?

3.2- босқичнинг вазифасини айтинг ?

4.3- босқич қандай номланади , унинг вазифаси нималардан иборат?

5.Марказий Осиёга товуш методи қайси манбалар орқали ёйилди?

6.Ўзбек синфлари учун ярартиган дастласбки ўқув қўлланмасининг афзалликлари нимадан иборат?

7.К.Д.Ушинский асос слоган анлитек-синтетик товуш методини кимлар такомиллаштирдилар?

8.Ески мактабда болалар қандай усулда ўқиш ва ёзишга ўргатилган?

9.Ҳозирги кунда амалда қўлланаётган “ Алифбе ” дарсликларини таҳлил қилинг ва уларга тақриз ёзинг.

## Савод ўргатишда аналитик-синтетик товуш методи.

Аналитик-синтетик товуш методига К.Д.Ушинский асос солган. Бу метод ҳозирги кунга қадар анча такомиллашди. Шу боис аналитик-синтетик товуш методи анъанавий тамойилларга ва шаклланиш, ташкил топиш жараёнида бўлган тамойилларга эга. Методнинг анъанавий тамойиллари қуйидагилар :

1.Савод ўргатишда аналитик -синтетик товуш методи шахсни шакллантириш мақсадига кўра таълимий ва ўстирувчи характерда бўлади, нутқий машқлар орқали ақлий ўсишини таъминлайди. Ўқишнинг онгли бўлишини талаб этади.

1.Бу метод ташкилий томондан икки даврга;

А) Алифбегача тайёрлов даври

Б) Алифбо даврига бўлинади, иккинчидан, ёзувга ўргатиш ўқишга ўргатиш билан параллел ҳолда олиб борилади.

Аналитик- синтетик товуш методи психолингвистик нуқтаи назаридан: биринчидан, савод ўргатиш болаларнинг жонли нутқига, улар эгаллаган нутқ малакасига асосланади; иккинчидан, савод ўргатишга товуш асос қилиб олинади, унда товушни ажратишга, анализ ва синтез қилишга, товушлар артикулятсиясига, болаларда фонематик эшитишни ривожлантиришга катта аҳамият берилади, учинчидан, ўқиш бирлиги сифатида бўгин олинади, бўгин устида ишлашга катта аҳамият берилади.

Методнинг шаклланиш ва ташкил топиш жараёнида бўлган тамойиллари:

1.Таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан: савод ўргатиш жараёнида ўқувчиларга дифферинтсиал ва индивидуал ёндашиш;

2.Ўқитишнинг истиқболи нуқтаи назаридан: грамматика, сўз ясалиши, имло, лексикологияга оид билимларни назариясиз амалий асосда мунтазам бериб бориш;

3.Психолого—лингвистик нуқтаи назаридан: товуш ва ҳарфни ўқитишнинг қулай усулнни излаш, товуш ва ярфларнинг мослигини, осонлигини, иккинчидан, таълимнинг тарбиявий ва ўстирувчи характери ҳисобга олинади.

Таълим жараёнида ўқувчиларга тарбия ҳам бериб борилади. Тарбиялаш дидактиканинг муҳим принсипларидандир.

Мактабда ахлоқий тарбия берилади, илмий дунёқараш элементлари шакллантирилади.

Болалар дарсда оммавий сиёсий тушунчаларни эгаллайдилар.

"Алифбе" саҳифаларида дўстлик, байналмилал муносабат, болалар меҳнати, табиат, катталар меҳнати, болалар ўйинлари, оила, мактаб ҳаёти каби расмлар берилган. Турли мавзуларда матн берилган. Булар болаларда ўзаро дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳнатни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, табиатни севиш ва асраш, ҳайвонот дунёсига қизиқиш, уларни муҳофаза қилиш, мактаб ва ўқишни севиш- умуман, эстетик тарбияни шакллантиради. Булар болаларни халқнинг қайноқ ҳаётига, унинг бахтига, орзуларига, муваффақиятларига рухлантиради. Демак, болаларга ахлоқий, гоявий- сиёсий, меҳнат ва эстетик тарбия бериш ҳам савод ўргатиш вазифасмга киради.

Савод ўргатишни тўгри ташкил этиш учун болаларнинг унга нутқий тайёргарлигини махсус ўрганиш талаб этилади. Махсус ўрганиш августда, ҳатто ундан олдин- баҳордан бошланади. 1—синфга келадиган ўқувчининг оиласига ёки болалар богчасига борилади, суҳбат ўтказилади, болаларнинг умумий билим савияси аниқланади.

1.Ўқиш кўникмасини аниқлаш.

а) сўзни сидирга ўқийди,

б) бўгинлаб ўқийди,

в) ҳарфлаб ўқийди (нотўгри ўқиш)

г) анчагина ҳарфларни билади, лекин ўқишни билмайди,

д) айрим ҳарфларни билади,

2.Ёзув кўникмаси.

а) ҳамма ҳарфни ёзишни билади, сўз ёзади, (босма ёки ёзма)

б) айрим ҳарфларнигина ёзишни билади (босма ёки ёзма)

в) ёзишни умуман билмайди
3.Товушни таҳлил қилишга тайёргарлиги.
а) сўзни бўгинларга бўлади,
б) сўз ёки бўгиндаги товушни ажратади,
в) ҳамма товушни тўгри талаффуз қилади,
г) айрим товушларни нотўгри талаффуз қилади (қайси товушлар экани хисобга олинади)
д) нутқнинг баланд ёки пастлиги
4. Огзаки богланишли нутқ. Шеърни ёддан ўқиш.
а)  3 та шеърни билади, уни завқланиб айтади,
б) 1-2та шеърни билади, айтишга уялади,
в) бирорта шеърни ёддан ўқишни билмайди,
5.Огзаки богланишли нутқ. Эртак айтиш.
а) бир ёки бир нечта эртакни айтишни билади,
б) эртак айтишга  ҳаракат қилади, лекин айта олмайди,
в) эртак айтишни билмайди, ўрганишга  ҳам ҳаракат қилмайди,
б.Огзаки богланишли нутқ. Фикр баён қилиш ("Расмда нималар Кўраётганингни айтиб бер?")
а) 20 сўздан ортиқ богланишли ҳикоя, бир неча гап
б) 10 тадан 20 тагача сўз, бир неча гап
в) 10 тагача сўзли богланишли жавоб
г) 3-4 сўзли қисқа жавоб,
Шунингдек, бола нутқининг синтактик қурилиши ҳам, фойдаланадиган сўзлар доирасида ҳам ўрганилади, тўпланган материаллар 2 вариантда ёзилади.
а) Ҳар бир ўқувчи ҳақида алоҳида маълумот, бу болага якка ёки дифферентсиал ёндашиш учун керак бўлади.
б) Синф ўқувчилари учун умумий маълумот, бу маълумотдан дарсда синф ўқувчилари учун умумий ишлар методикасини танлашда фойдаланилади.

**Савол ва топшириқлар:**

1 Аналитик-синтетик товуш методига ким асос солган?
2.Аналитик-синтетик товуш методининг анъанавий тамойилларини айтинг.
3.Аналитик-синтетик товуш методининг шаклланиш жараёнида бўлган тамойиллиари қайсилар?
4.Болаларнинг савод ўргатишга тайёргарлиги қай йуналишларда ўрганилади?
5.Болаларнинг тайёргарлигини ўрганишнинг аҳамиятини гапириб беринг.
6.Ўзингиз бир-иккита боланинг савод ўргатишга тайёргарлигини ўрганинг ва таққосланг, фарқини аниқланг.
7.Огзаки нутқини ўрганиш қандай йуналишларда олиб борилади?
8.Савод ўргатиш жараёнида бола тарбияси устида қандай ишланади?
9.«Алифбе» дарслиги материаллари мавзусини ўрганиб чиқинг, ўқувчи шахсини тарбиялаш устида қилиниши мумкин бўлган иш турларини белгиланг.

## Савод ўргатиш жараёни.

Аналитик синтетик  товуш методида савод ўргатиш жараёни 4 ой давом этади. Бу жараён 2 даврга бўлинади:
А) алифбегача тайёргарлик даври  (2 ҳафта)
Б) алифбо (асосий) давр 31 декабргача давом этади.
Алифбогача тайёргарлик даври, ўз навбатида, 2 босқичга бўлинади:
А) ҳарф ўрганилмайдиган босқич (2 ҳафта)
Б) унли товуш ва ҳарф ўрганиладиган босқич (2 ҳафта)
Савод ўргатиш жараёнидаги дарслар предметига кўра икки турли:
А) "Алифбе" дарслиги асосидаги ўқиш дарслари
Б) "Ёзув дафтари" асосидаги ёзув дарслари

1-босқичнинг асосий вазифаси ўқувчиларни мактаб, синф билан, тартиб-интизом қоидалари билан таништириш. Уларга нутқ, огзаки ва ёзма нутқ ҳақида, гап, нутқнннг гаплардан тузилши, сўз гапларнинг сўзлардан тузилиши; бўгин, сўзларнинг бўгинлардан тузилиши,

сўзларнинг бўгинларга бўлиниши; товуш, бўгинларнинг товушлардан тузилишини; товушларнинг унли товуш ва ундош товушларга ажратилишини ўргатиш, улардан амалий фойдалана билиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Бу даврда махсус нушалар асосида ўқувчиларнинг богланишли нутқи устида ишланади. Уларга «Алифбе»да берилган расмлар асосида ҳикоялар туздиришдан ташқари, ўзлари билган шеър, эртак, ҳикоя, тез айтиш, мақол, топишмоқ, халқ ашулалари, алла, қўшиқлар, латифалардан айттириш лозим.

Таянч сўзлар асосида гап туздириш, «Алифбе» сахифаларидаги сўзлар, уларнинг маънолари устида ишлаш каби ишлар уюштирилади. (Бу тарздаги ишлар ҳар бир дарсда мавзуларга боглиқ равишда изчил давом эттириб борилади.)

Бу босқичдаги ёзув дарсларида ўқувчиларда дафтар билан, ёзув чизиқлари билан таништириш, ҳарф элементларини ёзишга ўргатиш, намунага қараб график хатоларини аниқлаш – ўз-ўзини текшириш, ҳарф ораларининг тенглигига риоя қилиш каби кўникмалар ҳосил қилинади.
2-босқичда унли товуш ва унли ҳарфлар ўргатилади. Бунда уларнинг уч хусусиятини: а) огизда тўсиққа учрамаслиги; б) чўзиб айтилиши; в) таркибида фақат овоз. қатнашиши кабиларни ўқувчиларнинг амалий равишда пухта эгаллашларига эришиш лозим.

Шунингдек, бу босқичда товуш билан ҳарфни фарқлашга ўргатиш кўзда тутилади. Бу босқичдаёқ товуш ва ҳарф ўртасидаги чегарага қатъий риоя қилинади. Болаларга товуш ҳақида маълумот китоб очтирилмай берилади. Товушни ифодаловчи ҳарф кўрсатилгач, ҳарф устида ишланади. Товуш ва ҳарфга оид хусусиятлар (товушларни талаффуз қиламиз, эшитамиз, ҳарфларни ёзамиз, кўрамиз, ўқиймиз) ҳам изчил равишда ўқувчиларни ўзлаштиришларини ҳисобга олган ҳолда очила борилади.

Алифбо даври. Бу давр 31 декабргача давом этади. Унда асосан ўқувчилар ундош товуш ва ундош ҳарфлар билан таништирилади. Ундошлар осондан қийинга тамойили асосида жойлаштирилади. Олдин сонор товушлар( н, м, л,) кейин эса б, к, д, т, с каби ундошлар сўнгра икки товушни ифодалайдиган ж, ҳарф бирикмалари (нг, ш,ч), товуш билдирмайдиган тутуқ белгиси билан таништирилади. Товуш ва ҳарфни яхши танишлари, элементар ўқишни муваффақиятли эгаллашлари учун бўгинга бўлиш, бўгин чегарасини аниқлаш, бўгиндан товушни ажратиш, товуш ва ҳарф муносабатини аниқлаш, кесма ҳарфлардан бўгин тузиш ва ўқиш, бўгин-товуш, товуш-ҳарф, таҳлили каби машқлардан фойдаланилади.

Бу даврда бўгинлаб ўқиш асоси шакллантирилади: икки ҳарф ёпиқ, икки ҳарфли очиқ, уч ҳарфли ёпиқ бўгинлар ( ил, ол, ла, ло, ном, лим) ўқишга ўргатилади.

Алифбо даврини ўрганиладиган товуш-ҳарфнинг мураккаблигини ҳисобга олиб 3 босқичга ажратиш мумкин;

1-босқичда о-на, а-на,ил, ин, би-лан, тузилишидаги сўзлар; 2-босқичда артикулятсияси қийин бўлган р, к, в, ф каби ундошлар ва йул—барс, дўст, расм каби тузилишидаги сўзлар;

2-босқичда ўрганилганлар такрорланиб, ҳарф бирикмалари нг 2 товушни ифодалайдиган ж, тутуқ белгиси ва журнал, жирафа, тонг, сўнг, бодринг, чойнак, шудринг каби сўзлар ўқишга ўргатилади.
Алифбе даврининг охирида ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарур:

А) Ҳамма товушларни таниши ва ҳар қандай ҳолатда тўгри талаффуз қилиши

Б) сўзни бўгин товуш, товуш—ҳарф таҳлилини билиши, сўздаги товушларнинг изчил тартибини аниқлай олиши, керакли товушни сўз ва бўгинга ажрата олиши

В) кесма ҳарф ва бўгинлардан сўз туза олиши ва ўқиши

Г) 2-3-4 бўгинли сўзларни бутунлаб ўқиши, адабий-орфоепик талаффуз билан ўқиши

Д) гапларни оҳангига риоя қилиб ўқиши

Е) ўқиган матнининг мазмунини тушуниб, онгли ўқиши

Ж) ўқиган матн мазмунини саволлар асосида соддагина қилиб қайта ҳикоялаб бериши

З) ўқиган матнга сарлавҳа топиши

И) тўгри, тез, онгли ва ифодали ўқиш малакалари шакллантирилиши

Алифбо даври ёзув дарсларининг вазифаси - кичик ва бош ёзма ҳарфларни тўгри шакллантириш, ҳарфларни тўгри улаш, алифбеда ўқиган бўгин, сўз ва гапларни намунага қараб ёзиш, ҳарф, бўгин, сўз, гап диктантларни ёзиш кўникмасини шакллантириш, изоҳли, сайланма, кўрув, таълимий, диктант ёза олишларига эришиш, умуман график малакани шакллантириш. Савод ўргатиш жараёнининг охирида бир дарсда, агар дарснинг 2/3 қисми ёзувга ажратилса, 20 тагача сўз ёза олишлари талаб қилинади.

Маълумки, ўқувчилар 1—синфга ҳар хил тайёргарлик билан келади. Ўқув материаллари 1-синф ўқувчилари савиясига мос, изчил равишда берилади. Шунга қарамай ҳар хил тайёргарлик

билан келган ўқувчиларнинг уни ўзлаштиришлари турлича бўлади. Бу савод ўргатиш жараёнида ўқувчиларга дифферентсиал ва индивидуал ёндашишни тақозо этади. Бундай ёндашиш таълимнинг барча босқичларида ҳам яхши натижа беради.

Дифферентсиал ёндашишда ўқувчилар гуруҳларга бўлинади, ҳар бир гуруҳнинг савиясига ва имкониятига мос топшириқлар берилади. Синф ўқувчилари 3 гуруҳга бўлиниши мумкин. Топшириқлар ҳам 3 вариантда ишлаб чиқилади.

Ўқитувчи синфда фронтал ишлаш жараёнида 3 гуруҳдаги ўқувчилар билан параллел иш олиб боради. 3 гуруҳ учун ҳам ўқув материали алифбе ҳисобланади, унга қўшимча алифбе учун қўшимча тарқатма материаллардан, жадваллардан мустақил ишлардан фойдаланилади.

Алифбедаги ўқув материали ёки ўқилаётган матннинг қийин ўрни олдин тайёргарлиги пухта ўқувчига, сўнг бўш ўқувчига ўқитилади. Баъзи ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда якка тартибда ишлар олиб боришга ҳам тўгри келади.

Янги материал ўрганиладиган ўқиш дарсида ишнинг асосий турлари: ўрганиладиган янги товушни сўзни (шу товуш сўз бошида, ўртасида, охирида келган сўзни) бўгин-товуш томонидан тахлил қилиш билан ажратиш. Янги товуш ажратиладиган сўзни ўқувчилар расм асосида ўзлари тузган гаплари ичидан оладилар. Товушни ажратишда шу сўзнинг шемаси - моделига асосланадилар. Масалан, арча. Товушларни эшитиш, талаффуз қилиш, артикулятсияси (нутқ органларининг товуш чиқаришидага иши) машқ қилинади.

Кичик ва бош ҳарфлар билан таништирилади. Бўгинлар ўқитилади..

Сўзларни аввал доскада, кейин «Алифбе»дан ўқиш. Ҳарф бўгинлардан ҳарф териш картонида сўз, сўз бирикмаси, гап тузиш (урш), сўз маъноси устида ишлаш.

Текстни ўқиш ва таҳлил қилиш, уни қайта ўқиш, расмни текстга боглиқлигини белгилаш.

Нутқ ўстириш: лугатни бойитиш, сўз бирикмаси, гап, богланишли ҳикоя тузиш.

Умумлаштириш: янги ҳарфни жадвалга қўйиш, янга ўрганилган товушни унли ва ундошга киритиш, янги ҳарфни илгари ўрганилганлар билан қиёслаш, товуш ва ҳарфнинг аҳамиятини такрорлаш ва ҳоказо.

Ўрганилганларни мустаҳкамлаш дарсида янги товушни ажратиш, янги ҳарф билан таништириш, машқидан ташқари барча иш турларидан фойдаланилади, шунингдек, қўшимча сўзлар ва матнлар билан ишланади; матнни ўқиш ва таҳлил қилишга, кўргазма воситалар билан ишлашга (ҳарфни териш картон, магнит доскаси, абак, сирли мато, расмлар ва б.) нутқ ўстиришга, ўйинлар ва қизиқарли материалларга, илгари ўрганилган товушлар ва ҳарфларни такрорлаб мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади, Тарқатма материаллардан ҳам фойдаланилади.

Биринчи учраган сўзлар билан ишлаш: очиқ бўгин ҳар бир ундош билан тузилади ва ўқилади, ёпиқ бўгин эса унли билан тузилган очиқ бўгинни ўқиб кейинги ундош ўқилади ва сўз тўлиқ ўқилади.

Янги сўз ургуси қўйилган ҳолда берилади, бу уни ўқишга, бўгинлаб ўқишдек синтетик ўқишга (сўзни бутунлигича ўқишга) ёрдам беради.

Янги сўзни доскада катта босма ҳарфлар билан ёзиш, ўқувчиларга ўқитиш тавсия қилинади. Суз шивирлаш билак ўқилади, кесма ҳарф бўгин билан ёзилади.

Сюжетли (расмнинг асосий мазмунини билдирадиган) расмга қараб ўқитувчи ёрдамида, унинг йулловчи сўроқлари асосида ҳикоя тузиш, ундан гапни ажратиш ва анализ қилиш.

Янги бўгин, сўз тузишда ҳарф териш матоси, магнит доскаси, сирли мато кабиларнинг ва янги сўзни доскада ва дафтарда «ясаш»нинг аҳамияти жуда катта. Ўқиш учун хилма-хил босма материаллардан қанчалик кўп бўлса, улардан турли хил машқлар тузишда фойдаланилса, ўқиш шунчалик онгли, қизиқарли бўлади, малака пухта шакллантирилади.

Бола эндигана ўқий бошлаган босқичда уларни қаторни йуқотмасликка, шунингдек, сўздаги кейинги ҳарфни, кейинги сўзни йуқотмасликка ўргатиш жуда муҳимдир. Бу вазифани савод ўргатишнинг бошлангич босқичида хатчўп (ўқиётган бетни белгилаб қўйиш учун китоб ичига солиб қўйиладиган қогоз ёки лентача) ва таёқча бажаради. Ўқилаётган қаторни кузатиб бориш кўникмаси синф ўқувчиларидан ўртогининг хатосини тўгрилашни талаб қилиш билан ҳам эришилади. Ўқувчилар бу талабни қизганиб бажарадилар, шу йул билан уларда дарсга, ўқишга эътибори жалб этилади.

Савод ўргатишнинг биринчи кунлариданоқ ўқиш онгли бўлиши, болаларни онгли ўқишга ўргатиш жуда муҳим. Сўроқлар ёрдамида ўқилганларни бола қандай тушунгани аниқланади, текширилади. Ўқишдан олдин ўтказилган тайёрлов суҳбати ҳам, ўқилган матн юзасидан ўтқазилган суҳбат ҳам шу мақсадга — онгли ўқиш учун хизмат қилади. Шароитга қараб,

болаларга ниманидир ўқишни талаб қиладиган проблемали ҳолатни яратиш ҳам зарур. Бундай проблемали ҳолатнинг жавобини «Алифбе»дан ёки ҳарф териш матосидан ўқиладиган топишмоқ яратиши мумкин. Бундай мақсадни проблемали саволни келтириб чиқарадиган тахминий сухбат ёрдамида ҳам амалга оширилади. Масалан, «қишда қушлар қаерга учиб кетадилар?» (ҳарф териш матосида: «Иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар».) Мана шу каби тайёрлов машгулотлари ўқишнинг юқори даражада онгли бўлишини таъминлайди.

Онгли ўқишни ифодали ўқишдан ажратиб бўлмайди. Аммо аналитик ўқишнинг биринчи босқичида ифодали ўқиш мумкин эмас, чунки болалар сўзда ургули бўгинни ажрата олмайдилар, тугалланган интонатсияни, сўроқ интонатсиясини, ҳатто, орфоепик тўгри ўқишни ҳам бера олмайдилар. Шунинг учун аналитик ўқиш босқичида сўзни яхлит, орфоепик қайта ўқиш тавсия қилинади. Бундай қайта ўқиш тўгри интонатсияга, ифодалиликка риоя қилиб ўқишга ўргатибгина қолмай, ўқишнинг онгли бўлишига ҳам ёрдам беради.

Савод ўргатишнинг биринчи дарсларидаёқ ўқувчиларга табақалаштириб (дифферентсиал) ёндашиш (бунда ўқвчиларнинг ўқишга тайёргарликларидаги фикрлари ҳисобга олинади) амалга оширилади.

Фонетик ишлар соҳасида жарангли ва жарангсиз ундошларни таққослашга, уларнинг сўз маъносини фарқлашдаги фаолиятини аниқлашга оид машқлар ўтказилади. (зийрак-сийрак, дил-тил каби). Артикулятсияси қийин бўлган ундошлар нг (тонг), лаб-тиш ундоши - в, қоришиқ ундош с, ч, жарангли портловчи - ж ва жарангли сиргалувчи - ж кабиларни ўрганишда товуш артикулятсиясйга оид ишлар қийинлашади.

Асосий даврнинг охирларида жарангсиз жуфти талаффуз қилинадиган ундошли сўзлар: кўриб (кўрип), қайтдик (қайттик), айтиб (айтип), кетаётиб (кетаётип), тортиб (тортип), териб (терип), олиб (олип), обод (обот), боришди (боришти); қисқа талаффуз қилинадиган и унли бор сўзлар: билан (блан); талаффузда тушиб қоладиган ундошли сўзлар: баланд (балан), дўст (дўс), Тошкент (Тошкен), фарзанд (фарзан), дарахт (дарах).

Бундай сўзларни ёзилгандек ўқиш - имлони ўрганишга тайёрлайди. Булар аввал орфографик, сўнг орфоепик ўқитилади.

Шу каби сўзларни ўқиш билан бўгинлаб ўқиш малакаси такомиллашади: ўқувчилар талаффузи ва ёзилишида фарқланадиган сўзларни ўқишни ўрганадилар.

**Савол ва топшириқлар**.

1.Савод ўргатиш жараёни қанча давом этади ва қандай даврлаштирилади?

2.Алифбегача тайёргарлик даврининг мақсад ва вазифаларини айтинг.

3.Алифбе даврини мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

4.Савод ўргатиш даврида ўқувчиларга дифферентсиал ёндашиш деганда нимани тушунасиз?

5.Савод ўргатиш жараёни охирида ўқувчилар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари зарур?

6.Савод ўргатиш ўқиш дарсларига намунали дарс ишланмасини ишлаб чиқинг.

7.Бўгин-товуш, товуш—ҳарф таҳлили машқларининг мазмуни ва аҳамиятини шарҳлаб беринг.

## Савод ўргатишнинг асосий даврида ўқувчиларни ўқишга ўргатиш.

Маълумки, савод ўргатиш, ўқиш дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларга товуш ва ҳарфни таништириш, уларнинг тўгри талаффузини ўргатиш орқали болаларда тўгри, онгли, ифодали ўқиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Шунингдек, ўқувчилар лугатини бойитиш, богланишли нутқини ўстириш, билимини бойитиш, мавхум тафаккурини шакллантириш, эшитиш, қабул қилиш сезгисини ўстиришда ҳам бу давр масъулиятлилиги билан алоҳида ўрин тутади.

Тайёргарлик даври ўқишда ўргатиш учун замин ҳозирлайди. Бу даврда болаларда ўзгалар нутқинг эшитиш, диққатни тўплаш, тил бирикмаларини (товуш, бўгин, сўз, гап) фарқлаш, ажратиш, уларнинг вазифаларини англаш каби хусусиятлар шаклланади. Булар ўқувчиларнииг ўқишни муваффақиятли эгаллашларига ёрдам беради.

Ўқишга ўргатиш учун аввало ўқувчи товуш ва ҳарф билан яхши таништирилиши лозим. Товуш ва ҳарф билан таништиришда бўгиндан товушни ажратиш тамойилига риоя қилинади. Ҳарф билан таништириш бир неча хил йуналишда амалга оширилиши мумкин:

1.Мазмунли расм юзасидан савол-жавоб усули билан богланишли ҳикоя туздирилади. Унданکеракли гап, сўнг керакли сўз ажратиб олинади, сўнгра сўз устида юқоридаги каби таҳлил ишлари уюштирилади.

2.Сўз асос қилиб олинади. Аналитик машқлар ёрдамида ўрганиладиган товуш ажратиб олинади: от. Ўқитувчи от расмини кўрсатади, ўқувчилар унинг номини – сўзни айтади. Ўқитувчи о товушини чўзиб (о-о-о-о т) айтади ва қайси товушни чўзиб айтаётганини ўқувчилардан сўрайди. Ўқувчилар о товушини айтгач, унинг хусусиялари ҳақида савол-жавоб ўтказилади. О товушли сўзлар ўйлаб топтирилади. Шундан сўнг о ҳарфи кесма ҳарфдан ёки расмли алифбодан кўрсатилади. Бунда о ҳарфининг шаклини эсда олиб қолишларига алоҳида эътибор берилади.

3.Ўрганилган ҳарфлар ичига бугун ўрганиладиган ҳарф аралаштириб қуйилади болалар унинг ичидан нотаниш ҳарфни ажратадилар, сўнг ўқитувчи бу ҳарф ифодалайдиган товушни айтадилар. Ўқувчилар товушнинг хусусиятларини айтадилар. Шу ҳарфни кесма ҳарфлар ичидан топиб, китоб саҳифасидан, расмли алифбодан кўрсатадилар.

Шу тариқа товуш-ҳарф билан таништирилгач, ўқишга ўргатиш устида ишланади.

Ўқишга ўргатишда буган асос қилиб олинади. Бунинг учун ўқитувчида бўгин жадвали бўлиши лозим. Бўгин жадвали асосида ўқиш намунаси кўрсатилади, яъни ҳарфлаб эмас, ичида, биринчи ҳарфни кўз билан кўриб, унинг номини дилда сақлаб, иккинчи ҳарфни кўриш ва иккаласини боглаб, унлини мўлжаллаб улаб айтиш тушунтирилади. Бўгин ўқиш ўқитувчининг намунаси асосида доимий равишда ҳар бир дарсда изчил олиб борилади. Бунда қуйидаги каби жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Бунда «Алифбе» саҳифаларидаги сўзларни олдин бўгинга бўлиш, сўнг ўқишни машқ қилиш яхши самара беради. Ўқитувчининг намунали ўқишидан сўнг хор билан ўқиш, якка— якка ўқишдан, шивирлаб ўқишдан фойдаланилади. Айниқса, секин ўқийдиган ўқувчилар бўлган синфларда хор билан ўқитиш ўқишни тезлаштиришга ёрдам беради. Синф ўқувчиларининг ўқиш кўникмаларидан келиб чиқиб, матндаги сўзларни ҳарф хаттахтасига бўгинларга бўлиб ёзиш, ўрганилган ҳарфларни хисобга олган ҳолда қўшимча сўз бирикмалари, гаплар тузиб ёзиш ва ўқитиш усулидан ҳам фойдаланилади.

Маълумки, «Алифбе» саҳифаларида бўгин тузилиши мураккаблашиб боради. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир бўгин тузилишининг мураккаблигига қараб иш усулларни белгилаб олиши зарур. Масалан, уч товушдан тузилган, тўрт товушдам тузилган бўгинларни ўқишга ўргатиш ҳам ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бунда о~лам, Ман—нон, типидаги бўгинларда — о~ла:м, Ма: н~ но: н тарзидаги қўшимча чизиқдан, бодринг, дўст типидаги бўгинда ринг, дўст тарзидага қўшимча чизиқлардан фойдаланилади. Сўзларни ўқишга ўргатишда билиб ўқитишдан ташқари жадваллар ҳам яхши самара беради.

ку: к ку: Р
ку: ч
ку: п са

Умуман олганда, ҳар бир ўқиш дарсида албатта бўгин тузилиши мураккаб сўзларни ўқиш машқи ўтказилиши лозим. Бу усул ўқувчиларда ўқиш малакасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Ўқишга ўргатишда сўзларни ва гапларни тўлдириб ўқиш кўникмаларини ҳосил қилиш ўқувчини гап тузишга, тез фикрлашга йуналтирилади. Ўқувчи тушириб қолдирилган ҳарф ва сўзни расмга қараб топади, унинг гап мазмунига мос ёки мос эмаслигига эътибор беради, ўртоқларига нисбатан тез топиб, ўқитувчининг раҳматига сазовор бўлишга интилади.

«Алифбе» дарслигидаги матнларда турли тиниш белгилари ишлатилган. Улар шуларга мос оҳанг танлашни, тўхташ, пауза қилиш ўринларини белгилаб олишни тақозо этади. Бунда ҳам ўқитувчининг тушунтириши (биринчи учраган тиниш белгини изоҳлаши) ва ифодали ўқиш намунасини кўрсатиши катта аҳамият касб этади. Ифодали ўқилган матнгина тушунарли тузилади.

Ҳар бир предметда бўлгани каби ўқиш дарсларида ҳам таълим-тарбия бирлигига эътибор берилади. Ўқиш дарсларида тарбия ўқилган матннинг онгли ўзлаштирилишига боглиқ. Ўқувчи матнда фикр нима ҳақида бораётганини англасагина, ўзида шундай хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Иккинчидан эса яхши инсон бўлиш учун ўқишнинг зарурлигини англайди. Шунинг учун онгли ўқишни таъминлашда матн билан унга ишланган мазмунли расмлар

ўртасидаги богланишларни аниқлаштиришга, матн юзасидан саволлар беришга диққат қаратиш лозим. Масалан, расмни кузатинг, матнда нима ҳақида гап боради? Расмда нима тасвирланган? Улар орасида богланиш борми?

Матн мазмунини расмга қараб сўзлаб беринг.

Ёки: Болалар қайерга бордилар? Қизнинг исми нима? Боланинг исми-чи? Али, Лола нима қилди? Улар қандай лолалар тердилар?

Демак, ўқиш ўқиганларни ўзлаштиришга йуналтирилган бўлиши лозим, шундагина матндаги асосий фикр, илгари сурилаётган гоя ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилади. Сўнг сўз ва матнлар ёд олинган тақдирда ҳам ўқувчиники бўлиб қолади.

Ўқишнинг онглилигини ва таъсирчанлигини таъминлаш учун матн мазмунини ўқувчиларнинг кўрган -кечирганларини, таассуротлари билан боглаш лозим. Шунда ўқувчида ўқишга, ўрганишга қизиқиш ортади.

Онгли ўзлаштиришни амалга оширишда лугат устида ишлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 51-саҳифада увол, ризқ-рўз сўзлари бор. Уларнинг маъноси устида тўхталиш, биринчидан, фикрни ойдинлаштирса, иккинчи томондан тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

Шеър, тез айтиш, топишмоқ, қўшиқ, мақол, хикматли сўзлардан ўқитиш, ёд олдириш ҳам ўқувчиларни ўқишга қизиқишини оширади, ўқиш малакасини шакллантиради, хотирасини мустаҳкамлайди.

Ўқиш дарсларининг учдан икки қисми ўқишни машқ қилишга ажратилиши лозим.

Демак, ўқувчиларни ўқишга ўргатиш, уларнинг ўқиш суръатини ошириш, ифодали ва онгли ўқиш элементларини шакллантириш, тарбиялаш ўқиш дарсларининг муҳим вазифалари ҳисобланади.

**Савол ва топшириқлар.**

1.Ўқишга ўргатишнинг муваффақиятли бўлиши учун унга қандай ва қачон замин тайёрланади.

2.Ҳарф билан таништириш қандай йуналишларда амалга оширилади? Сиз қайси йуналишни маъқул деб ҳисоблайсиз?

3.Ўқишга ўргатишнинг қайси усули энг қулай усул?

4.Ўқишга ўргатишда қандай жадвал ва кўргазмалардан фойдаланиш мумкин?

5.Ўзингиз яратган кўргазмаларнинг аҳамияти ва ундан фойдаланиш йулини дарс жараёнида кўрсатинг.

6.Ўқишнинг бола ҳаётидаги аҳамиятини айтинг.

## **Савод ўргатиш машқларининг асосий турлари**.

1.Товуш савод ўргатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Савод ўргатиш даврида сўз ва бўгинларни товуш томонидан анализ ва синтез қилиш, товуш ва уларнинг артикулятсиясини анализ қилиш машқлари ўтказилади, диктсия (равшан, бурро гапириш) устида ишланади, логопедик ишлар олиб борилади. Товуш устида ишлаш билан айниқса, кесма ҳарфлардан сўз тузиш каби синтез қилиш усуллари бирлашиб кетади; товуш ва ҳарф ўртасидаги муносабатни доимо аниқлаб бориш ўқиш малакаларини шакллантириш учун ҳам, имло томонидан саводли ёзиш асосини яратиш учун ҳам фойдалидир.

С.П.Редозубов товушни анализ ва синтез қилиш усулларини тўлиқ ишлаб чиққан. Шулардан ўзбек тилида савод ўргатишда қуйидаги ууллардан фойдаланилади:

Анализ машқлари;

1.Нутқ (гап)дан сўзни ажратиш; сўзни аниқ талаффуз қилиш; бўгинларга бўлиш ва бўгинларни аниқ талаффуз қилиш, ургули бўгинни ажратиш ва уни бошқа бўгинлардан фарқлаб, кучли талаффуз қилиб ўқиш, махсус товушни ажратган ҳолда сўзни бўгинлаб ўқиш (аааа-на, nooон, ииил. Ссса-на, ки-йййик, иииш)

2.Шу дарсда ўрганиладиган янги товушни ажратиш. Янги товушни биринчи марта ажратишнинг бир неча усули бор:

а) сўздан товушни узун талаффуз килиб ажратиш: ааа-на, лooo-ла, ииин, бооо-ла;

б) ундош товушни ёпик бугандан ажратиш: Уссс-мон, О- лимммм, А-миннн.

в) сиргалувчи ундошни очиқ бўгиндан ажратиш: ссса-на, то-йййи, ззи-рак;

г) бўгин ҳосил қилган бир унлини ажратиш: о-на, у-нум, ў- тин, ё-рур, о-нта, ю-туқ, у-зук;

д) ўрганилган товушни сўз бошида келган сўзлардан ажратиш (сўзни оқъитувчи айтади, биринчи товушни эса ўқувчи айтади): нок,ток, лола,...;

е) расм номини ифодаловчи сўзни айтиш: ўқитувчи нокнинг расмини кўрсатиб, ноа дейди, ўқувчилар к товушини қўшиб айтадилар нок.

Асосан, дарсда янги товуш биринчи марта ажратиб, талаффуз қилингандан сўнг, шу товуш сўз бошида, ўртасида, охирида келган ва аниқ талаффуз қилинадиган сўзлар танланиб, ўқувчиларга талаффуз қилдирилади: к товуши учун: куз, тик, ток.
О товуши: олма, ош, О-мон;
Д товуши: дор. Одил (сўз охирида жарангсизлашадиган озод, ҳисоб каби сўзларни танлаш тавсия қилинмайди).

3. Сўздаги товушларни санаш ва уларнинг номини тартиби билан айтиш, сонини аниқлаш, бўгинларни санаш: Олма - ол~ма - о-л-м-а; тўртта товуш, тўртта ҳарф, икки унли товуш, икки ундош товуш, икки бўгин .... Бу усулдан оқъув йилининг иккинчи ярмида ва кейинги синфларда ҳам фонетик тахлил сифатида фойдаланилади.

4. Жарангли ва жарангсиз ундошли сўзларни таққослаш: дил-тил, олдин-олтин, тор-тош, мой-чой-лой-бой-сой-той каби.
Савод ўргатишда анализ синтез бир-биридан ажратилмайди, чунки анализ ўқиш жараёнини эгаллаш учун замин яратади, синтез эса кўпроқ ўқиш малакасини шакллантиради.

Синтез машқлари

1.Товуш томонидан анализ қилинган сўзни ёки бўгинни талаффуз қилиш ва уни кесма ҳарфдан тузиш (ёзиш); шу сўз ёки бўгинни ўқиш.

2.Ўрганилган ундош билан (на,но, ла.ло, ни, ли, би, си, ма, мо, ми, та, то, ти, ди, до, со, са, ...) бўгин жадвалини тузиш; бўгин жадвалини китобдан ёки матндан ўқиш; кесма ҳарфлардан бурин жадвалини тузиш.

3.Бола-лола-тола, бой-той-сой-лой, бахт-тахт, она-ота, мош-бош каби бир ундош ҳарф билан фарқланадиган ёки она-опа, укки-икки, ош-иш каби бир ундош ҳарф билан фарқланадиган сўзларни ўқиш (бундай сўзларни ўқувчиларнинг ўзлари топиб ўқишлари мумкин).

4.Сўзнинг бошига ёки охирига бир ҳарф қўшиб, янги сўз ҳосил қилиб ўқиш; ола-лола, ош-бош, ой-той, бой, сой, лой; ўроқ-сўроқ; ол—хол, сол; сава-сават, йелка~йелкан; сон~осон; айиқ ~кайик,- ўлка-йулка; олти-олтин; олди~олдин.

5.Сўз ўртасига ҳарф қўшиб, янги сўз ҳосил қилиб ўқинг; кўмак-кўлмак, зирак-зийрак, тана-ташна, оша-ошна.

б.Бўгинларни алмаштириб янги сўз ҳосил қилиш ва ўқинг Гулнор—Норгул.

6. Товушларнинг ўрнини алмаштириб янги сўзни ҳосил қилиш ва ўқиш: сомон-осмон, тилак – калит, қуй - юқ

7. Товушни ёки бўгинни тушириб қолдириб янги сўз ҳосил қилиш ва ўқиш: анор-нор, гулнор—гул, елкан-елка, богла-бола.
Бўгин қўши1иб янги сўз: ҳосил қилиш ва ўқиш: бог-богча, гул-гулзор, богбон, дорбоз.

Синтетик ишларнинг бу усуллари товуш устида ишлатиб ҳарф устида ишлаш билан бирга қўшиб олиб боришни талаб қилади. Бу иш усуллари қизиқарли бўлиб, дарсда ярим ўйин ҳолатини вужудга келтиришга имкон беради.

Хулоса қилганда фақат анализ ёки фақатгина синтез билан кифояланиб бўлмайди, аммо тафаккур фаолиятининг у ёки бу тури йетакчи рол ўйнайди. Сўзни анализ қилиш билан ўқувчи сўзни лексик маънога эга бўлган бир бутун сифатида англайди, бу - синтездир; сўз синтез қилинганда унинг товуш таркибига диққат жалб этилади, бу эса анализдир.
Умуман, савод ўргатиш жараёнида аналитик-синтетик ишлар системаси боланинг актив фикрлашини таъминлайди. Аналитик-синтетик ишлар усулигина ўқувчиларнинг билиш мустақиллигини таъминлайди, «муаммоли» вазият яратади, болаларда кузатувчанликни, зийракликни ўстиради.

Товуш-ҳарф томонидан анализ ва синтезни йенгиллаштирадиган фойдали воситалар сифатида кесма ҳарфлар, кесма бўгинлар ва ҳарф териш полотноси, шунингдек, ҳарф ёки бўгин абак, кадоскопдан фойдаланилади; товушларнинг талаффузи устида ишлаш учун, шунингдек, ёзиб олинган ифодали нутқни (асосан, бадиий асарни) такрорий эшиттириш учун магнитафон (ёки лингофон) кабинети хизмат қилади.

в) товушлар артикулятсияси, диктсия устида ишлаш.
Анализ-синтез ишлари системасида товушнинг ўзини анализ ва синтез қилиш, товушни талаффуз қилиш вақтидаги нутқ аппарати органларининг холати ва харакатини кузатиш (анализ) ва ҳарф

билан ифодаланган товуш ва товушлар бирикмасини талаффуз қилиш мақсадида нутқ органларини зарур ҳолатга келтириш (синтез) муҳим ўрин тутади. Масалан: у товушнинг анализини олсак: тил танглайга томон баланд кўтарилади, танглай билан тил орасида торгина бўшлиқ қолади, лаблар бир—бирига яқинлашиб юмалоқлашади, овоз ҳосил бўлади;

Р товушининг синтезида огиз озрок очиқ тишлар орасида бўшлиқ бўлади, лаблар озгина кенгроқ тортилган, тил озроқ орқага итарилган ва танглай (тепа)га томон баланд кўтарилган ҳолатда; овоз эшитилади, ўтаётган ҳаво кучи билан тилнинг учи титрайди.

Синфда барча товушларнинг артикулятсияси (ҳосил бўлиши) ни кўрсатиб бўлмайди. Масалан: африкатлар (ч, ж), чуқур тил орқа (к, р, х), бўриз товуши (х,) артикулятсиясини кўрсатиш қийин. Аммо бундай товушларнинг ҳосил бўлишини тушунтириш учун ўқитувчи, ўқувчилар диққатини жалб қилган ҳолда, товушни талаффуз қилиб кўрсатади, сўнгра ўқувчилар талаффуз қиладилар. Бундай усулни бир неча бор такрорлаган маъқул.

Диктсия устида ишлаш ўқувчилар нутқини тушунарли, соф, тиниқ, жарангдор бўлишига эришишдир. у савод ўргатиш учун , ифодали ўқиш, орфоепик ва орфографик малакани, хушовозлик кўникмасини ўстириш учун ҳам жуда муҳимдир. Яхши диктсия товуш ҳосил қилувчи аппаратнинг эгилувчанлигига боглиқ шунинг учун диктсияни ўстириш машқлари товуш ҳосил қилувчи аппаратнинг эластиклигини ўстиришга қаратилади.

Диктсия устида ишлаш машқларига мисоллар:

1.Баланд талаффузни машқ қилиш: Масалан. Сара-шира- сара-шира сўзларини овозни то қичқириққача баландлата бориб, сўнгра овозни то шивирлашгача пастлатиб талаффуз қилиш.

2.Талаффуз темпини машқ қилиш. Шу шира- шира сўзларини секин талаффуз қилиб, темпни аста тезлаштира бориш.

3.Айрим ундош товушларни, айниқса, ўқувчилар нуқсон билан талаффуз қиладиган сўзларни қайта талаффуз қилиш машқи.

4.Мураккаб товуш бирикмаларини талаффуз қилишни машқ қилиш. Бунинг учун тез айтишлардан фойдаланилади. Масалан, /ани гилдиракни гизиллатиб гилдиратди.

Болаларни сўзлаётганда тўгри нафас олишга, товушларни тўгри талаффуз қилиш ва ўргатиш зарур. Баъзи тортинчоқ болалар товушни талаффуз қилишга уяладилар. Бундай вақтда товушни, сўзни хор билан талаффуз қилдириш, хор билан ўқитиш, тез айтишларни хор билан айттириш фойдалидир.

2.Савод ўргатиш даврида ўқувчилар нутқини ўстириш.

## Савод ўргатиш даврида ўқувчилар нутқини ўстириш.

Она тилидан олиб бориладиган ишларнинг ҳаммаси, шу жумладан савод ўргатиш ҳам, ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўстириш билан боглиқ ҳолда уюштирилади. Савод ўргатиш давридаги ишларнинг миқёси кенг бўлиб, экскурсиялар, болаларнинг кузатишлари, предмет дарслар, расм юзасидан суҳбат ва бошқалар билан богланади. Бу даврда ўқувчилар нутқини ўстиришнинг вазифалари:

1) болалар нутқидаги камчиликларни тўгирлаш;

2) уларнинг тасаввур ва тушунча доирасини кенгайтириш билан боглик ҳолда лугатини бойитиш;

3) ўқувчилар нутқидаги айрим сўзларнинг маъносига аниқлик киритиш;

4) гап ва уч—тўрт гапли кичик «ҳикояча» (богланишли нутқ)ни огзаки турли тузиш кўникмасини ўстиришдан иборат.

Болалар бу даврда, биринчидан, кийим-кечак, иш қуроллари, мевалар каби предметлар билан танишиш ёрдамида сўзни онгли ишлатишга; иккинчидан, турли типдаги содда йирик гап (Болалар югуряптилар), содда ёйиқ гап (Лола магазинга борди), уюшиқ бўлакли гап (Анвар ойисига ёрдамлашади, укасига қарайди), тузадилар. Улар бу кўникмаларни амалий—машқлар ёрдамида эгаллайдилар.

Болаларнинг шахсий тажрибалари, кишилар ҳаёти ва табиати, кузатишлари нутқ ўстириш учун асосий манба ҳисобланади. Предметлар, уй—рўзгор асбоблари, ўсимликлар, ҳайвонлар

қизиқарли суҳбат учун мавзу бўлиб хизмат қилади. Суҳбат жараёнида болаларда ҳосил қилинган тасаввур асосида аниқ тушунчалар шаклланади.

Биринчи синф ўқувчилари нутқни ўстиришда болаларнинг ўйин ва эртаклари, расм кўриш ва Бу нима? Бу ким? Бу қандай предмет? Ким нима қиляпти? Каби саволлар асосида суҳбатдан ҳам фойдаланилади.

Савод ўргатиш даврида нутқ ўстиришга оид иш турларига атрофдаги жонли предметларнинг номини, уларнинг белгиларини айтиш, предметларни маълум белгилари асосида гуруҳлаш каби машқлар киради. Масалан, оқьитувчининг топширигига мувофиқ, маълум бир темада (куз, мевали бор, сила, синф, мактаб ҳақида) икки сўздан иборат гап тузадилар; кейинроқ эса шундай йирик гаплар тузиб, уни саволлар ёрдамида ёйиқ гапга айлантирадилар. Ўрганган ҳарфларидан сўзлар ва кичик гаплар тузиб ёзадилар. Ўқиш дарсларида расмга қараб кичик ҳикояча тузадилар, ўқитувчи саволига тўлиқ жавоб беришга ўрганадилар. Алифбедаги рангли чиройли расмлар теварак-атрофдаги предмет ва ҳодисалар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг номини идрок этишга, билиб олишга ёрдам беради.

**Савод ўргатиш даврида грамматик-орфографик билимларни амалий узлаштириш**.

Савод ўргатиш давридаёқ болалар грамматика ва имлодан айрим материалларни амалий асосда ўзлаштира борадилар, яъни уларга мавзу тушунтирилмайди, назарий маълумот берилмайди.

Болалар огзаки ва ёзма нутқни ўзлаштириш ва ёзма машқларни бажариш билан ўқув йилининг иккинчи ярмида ёки кейинги синфларда ўрганиладиган мавзуларни ўзлаштиришга тайёрлайдилар.

Савод ўргатишнинг биринчи ойларидаёқ болалар Али, Омон, Олям, Найма каби жуда кўп исмларни ўқийдилар ва кишиларнинг исмлари бош ҳарф билан ёзилишини амалий ўзлаштира борадилар.

Бу билан улар ўқув йилининг иккинчи ярмида ўрганиладиган кишиларнинг исми бош ҳарфлар билан ёзилишига доир имло қоидасини ўзлаштиришга тайёрланадилар. Тил-дил, олти-олди каби сўзларни ўқишни машқ қилиш жарангли ва жарангсиз ундошларни ўзлаштиришга, сон-сана, гул—гулчи-гулдон—гулзор, бор-богбон-борча каби сўзларни ўқишни машқ қилиш эса болаларни «Ўзакдош сўзлар» мавзусини ўзлаштиришга тайёрлайди.

Пропедевтик машқлар системаси бошлангич синфлар грамматика ва имло дастурининг босқичли изчиллик тамойили асосида тузилишига мос келади. Амалий ишлар натижасида болаларда маълум нутқ тажрибаси, тил қоидаларини, сўзни, унинг таркиби ва ясалишини, бошқа сўзлар билан богланганда ўзгаришини кузатиш тажрибаси тўплана боради. Мана шу тажрибалар асосида ўқувчилар назарий умумлашмаларни ўзлаштирадилар, булар асосида эса грамматик тушунча ва орфографик қоидалар шаклланади.

**Савол ва топшириқлар.**

1. Савод ўргатиш жараёнида қайси машқлардан фойдаланилади?

2.Анализ-синтез машқларини ким ишлаб чиққан? Унинг аҳамиятини айтинг.

3.Анализ машқларининг турларини айтинг. Улардан қайси ўринларда фойдаланилади?

4.Синтез машқларининг турларини айтинг. Синтез машқларини уюштиришда кесма ҳарф ва кесма бўгинларнинг аҳамиятини мисоллар асосида изоҳланг.

5.Товуш ва ҳарф томондан анализ-синтезни онгирлаштирувчи воситалар нималар? Уларни ясанг ва дарс жараёнига тадбиқ этинг.

6.Савод ўргатиш жараёнида товушларнинг тўгри ва равон талаффузи устида қандай ишланади?

7.Диктсия устида ишлаш машқларига нималар киради?

8-Савод ўргатиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстиришда қандай манбалардан фойдаланилади?

9.Савод ўргатиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстириши вазифаларига нималар киради?

10.Савод ўргатиш даврида нутқ ўстиришга оид иш турлари нималардан иборат?

11.Назарий материалларсиз грамматика ва имлони амалий ўзлаштириш деганда нимани тушунасиз?

**Савод ўргатиш жараёнида ёзувга ўргатиш.**

Савод ўргатиш жараёнида ўқувчилар ўқишга ўрганиш билан параллел равишда ёзувдан ҳам элементар малака ҳосил қиладилар. Дастурга мувофиқ ўқувчилар ёзувдан қуйидаги малакаларни эгаллашлари лозим:

1. Партада турли ўтириш, дафтарни турли қўйиш, чизиқларни чамалаш, ёзаётганда ручкадан тўгри фойдаланиш, ҳошияга риоя қилиш.

2.Иш дафтари ёки алифбе асосида ўзбек алифбосидаги барча катта ва кичик ҳарфларни ёзиш, шунингдек, ҳарфларни сўзда бир—бирига боглаб ёза олиш: босма матнни ёзма матнга айлантириб ёзиш.

3.Таҳлил қилинган сўз ва икки—уч сўзли гапларни ўқитувчи ёрдамида ёзиш.

4.Талаффузи билан ёзилишида фарқ қилмайдиган сўзларни кўчириб ёзиш ва диктовка билан ёзиш: ёзганларини матнга қараб, шунингдек, изоҳлаб ўқиш билан текшириш.

5.Огзаки тузилган ҳикоядан олинган гапни ёзиш.

Аналитик-синтетик товуш методи тамойилига мувофиқ, ўқиш ва ёзув бирлиги сақланади.

Ҳарфларни ёзишда ўқишга ўргатишдаги таркиб асос қилиб олинади, яъни ўқиш дарсида ўқувчилар ҳарфни ўзлаштирадилар, матнни ўқийдилар, ёзув дарсида эса шу ҳарфли сўзни ёзадилар.

Ёзувга ўргатиш, биринчи навбатда, график малака ҳосил қилишдир. Ҳар бир малака ҳам таълим бериш, кўникмани шаскллантириш ва шу асосда қатор машқларни бажариш натижасида ҳосил қилинади.

График малака, биринчидан, қўл-ҳаракат малакасидир, бу ҳаракат биринчи қарашда мускул кучига асосланади. Иккинчидан, ёзув жараёнида нутқнинг ўзлаштирилган бирлиги булган товуш график белгиларга, яъни ҳарфга таржима қилинади. Бу ёзувга онгли фаолият тусини беради. Ёзувнинг онглилиги, биринчидан, товуш ва ҳарфнинг тўгри нисбатини, иккинчидан, бир қанча график ва орфографик қоидаларга риоя қилишни, учинчидан, ўз фикрини, таассуротини ифодалашда ёзув малакаларидан фойдаланишни талаб қилади.

Ёзишдан бирдан-бир мақсад фикрни ифодалашда ёзувларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу мақсадни болалар тез англаб йетсалар, уларда ёзма нутқ малакаси шунчалик муваффақиятли ва тўгри шаклланади. Савод ўргатиш жараёнида болалар жуда секин ёзадилар, ўз фикрини, ҳатто бир ёзув билан ёзма ифодалаш учун ҳам ярим ойлар ўтади.

Ёзув малакаси ўқиш малакаси билан узвий боглиқдир. Бола ёмон ўқиса, ёзувни эгаллаши қийин бўлади, чунки бўгинлаб ўқиш малакасидан сўнг, бўгинлаб ёзиш малакаси шаклланади.

Ёзиш ва ўқиш учун боланинг умумий нутқий ривожланиши катта аҳамиятга эга. Кейинроқ болаларда ўз фикрини ёзма ифодалаш малакаси бир ўз барқарорлашганда, бу малака нутққа, фикрни ифодалаш жараёнига ҳам ижобий таъсир қилади.

График малакани шакллантиришда қуйидаги босқичлар

1.Турли шакллар андозаси устидан чизиш. Эркин расмлар чизиш . Ёзув қуролларини тўгри тутиш, турли қия елементлар чизиш, узунликни, оралиқ масофани чамалаш ва ҳоказо.

2.Ҳарф элементларини ёзиш, баравар масофада қисқа ва узун элементлар, ости ва усти илмоқли элементлар чизиш.

3.Бош ва кичик ҳарфларни алоҳида ёзиш ҳарф бирикмаларини, бўгинни ёзиш, ҳарфларни тўгри тушиб ёзиш малакасини ҳосил қилиш учун сўз ёзиш. График малакани ҳосил қилишдан асосий мақсад, ҳарфларни босмасдан бир текисда, элементларга ажратмай боглаб тез, бир маромда ёзиш, сўзларни қаторга тогри жойлаштиришдир. Шуни таъкидлаш керакки, савод ўргатиш даврида бола ҳарфларни ёзишдан олдин уни қандай шакллантиришни кўз олдига келтириб, фикрлаб олади, баъзан ҳарф шаклини завода «чизади», ҳарф намунасини кўчиради, таркибини таҳлил қилади, уни қандай ёзишни ўзича секин гапиради: ўқитувчи ўқувчи ёнига ўтириб, ручкани тўгри ушлатади ва унинг қўли билан ҳарфни ёзишни кўрсатади ёки ўзи ёзиб тушунтиради. Бундан ташқари, бола ёзувнинг техник томонига катта жисмоний куч сарфлайди. Савод ўргатиш охирида бола бир дарсда 20 тача сўзни ёзиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўгрисида»ги қонун қабул қилинди. 1995 йил 6 майда қонунга ўзгартиришлар киритилди. Бу алифбодаги ҳарфларнинг асосий

хусусияти босмасдан, қўлни узмасдан боглаб ёзишга- мўлжалланган. Шунинг учун ёзувга ўргатиш методикасида ҳарфларни қўшишга алоҳида аҳамият берилади. Ўқувчилар барча ҳарфларни бир-бирига қўшиш йулини билишлари лозим.

Мактабда асосий ёзув қуроли шарикли ручка, хаттахтада ёзиш учун бўрдан фойдаланилади.

Савод ўргатиш даврида болаларни ёзувга ўргатиш учун турли вақтларда турли хил чизиқли дафтарлардан фойдаланилган: дастлаб чизиқсиз силлиқ қогоз ишлатилган бўлса, кейин қуёқ ёпиқ чизиқлар билан кесилган уч чизиқли дафтардан фойдаланилган.

------------------------------

------------------------------

Бундай дафтарда ёзувга ўргатилган бола болангич синфларни битиргунга қадар беш хил дафтарга ёзишни ўрганиши талаб этилар эди.

----------------------------

----------------------------

----------------------------                    -------------------------
----------------------------
                                                 -------------------------
----------------------------
----------------------------                    -------------------------

Ҳозирги вақтда ёзувга ўргатиш учун икки чизиқли дафтар тавсия этилади. Хаттахта ҳам шунга мос бўлиши талаб қилинади; 2-синфдан, баъзан биринчи синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб бир чизиқли дафтарга ёзишга ўтилади.

Дафтар тутишда болаларни хошия қолдиришга, дафтар чизиқларига риоя қилишга, харфларни бир хил хажмда ёзишга, сарлавҳани аниқ ва тўгри ажратишга, хат бошидан ёзишда жой қолдиришни унутмасликка ўргатиб бориш уларда саранжом-саришталикни тарбиялайди. Ёзув дарсида ўқувчилар «Ёзув дафтари» билан ишлайдилар. Синфда ўрганилган ҳарфни уйда машқ қилиш учун алоҳида дафтар бўлгани маъқул.

Ўқитувчи ёзиш вақтида 65о қияликда ёзишни, бунинг учун дафтар парта устига 25о қияликда қўйилишини таъкидлаб туради.

Орфография грекча «тўгри» ва «ёзаман» сўзларидан олинган бўлиб, адабий тилнинг ёзма шакли билан боглиқ. Орфография тўгри ёзиш ҳақидаги қоидалар кўникмасидир. Орфографияни билмай туриб, фикрни адабий тил нормалари асосида ёзма ифодалаб бўлмайди. Ўқувчиларнинг орфографик саводхонлиги ҳақида гамхўрлик қилиш тилнинг аниқлиги, фикрни тўгри ифодалаш, кишилар билан ўзаро хатосиз муомала қилиш учун гамхўрлик демакдир. Савод ўргатишда болаларда график малакани шакллантириш билан бир вақтда имлога оид малакани шакллантиришга ҳам замин яратилади.

Савод ўргатиш даврида ўқувчилар: а) талаффузи ва ёзилишида фарқ қилмайдиган сўзларда товуш билан ҳарфнинг мослигини; б) сўзларни алоҳида ёзишни, яъни ёзув воситасида сўзни маъно бирлиги сифатида ажратишни; в) сўзнинг сатрга сигмай қолган қисмини кейинги қаторга бўгинлаб кўчириб ёзишки, бунда бўгин ҳосил қилган бир унли ҳарфни қаторга кўчириб ёзиб бўлмаслигини; г) гап бошида, шунингдек, кишилар исмида, ҳайвонларга қўйилган номларда бош ҳарфнинг ишлатилишини амалий тарзда ўрганадилар.

Савод ўргатиш давридаёқ кўчириб ёзиш, диктант ва ижодий ёзувлардан фойдаланилади. Ўз-ўзини текширишга ўрганадилар.

Ёзув дарсларида ҳам ўқувчилар нутқини ўстиртиш, фикрлашга ўргатиш асосий вазифалардан хисобланади.

**Савол ва топшириқлар**:

1.Ёзувнинг инсон хаётидаги аҳамиятини айтинг.

2.Ҳозирги ёзув шрифтига ўз муносабатингизни билдиринг.

3.Ёзувга ўргатишни ташкилий ва гигиеник шартлари нималар?

4.Ёзувга ўргатишнинг таълимий шартларидан мисоллар келтиринг ва уларни бирор ҳарфни ёзиш дарсига тадбиқ этинг.

5.Ёзув дарсларида ўқувчиларга қандай имловий билимлар берилади?

6.Ёзув дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга қандай амалга оширилади?

7.Ёзув дафтари устида ишлашни биласизми?

## Савод ўргатиш даврида ўқиш ва ёзув дарслари.

Дарс таълимнинг асосий шакли ҳисобланади. Савод ўргатиш дарслари хилма-хил бўлишига қарамай ўқиш ёки ёзув дарслари ва уларнинг айрим турлари учун умумий бўлган асосий талаблар мавжуд. Бу ўринда умумдидактик талаблар талабалардаи сўраб аниқланади. Сўнгра она тили дарсларига қўйиладиган талаблар санаб курсатилади.

1.Ўқувчилар нутқи учун қайгуриш.

2.Дарсда адабий тил нуқтаи назаридан тўгри ифодали, образли, аниқ нутқ эшиттирилади.

3.Дарсда нутқ маданияти ҳукмрон бўлади.

Ўқиш ва ёзув кўникма малакаларини шакллантириш машқлари дарсда йетакчи ўринни эгаллаб тахминан, дарснинг 2,3 қисмига тўгри келиши лозим.

Ҳар бир ўқиш ва ёзув дарсида "Алифбе"даги матнлар билан бир қаторда Қ.Мухаммадий, П.Мумин, А.Обиджон каби севимли болалар шоири ва ёзувчилари асарларидан намуналар танладик. Шундай қилиб ўқиш синфдан ташқари ўқиш, ўқиб берилган матнни эшитиш билан богланади. Ўқиш ва ёзув дарслари бир— бири билан узвий богланади: ўқиш дарси ўқувчиларни ёзув дарсига тайёрлайди, ёзув дарси олдинги ўқиш дарсининг давоми сифатида хизмат қилади.

Талабалар билан "Дарс ва унинг вазифалари, қурилиши" ҳақида суҳбат қилинади. Уларнинг жавобларини якунлаб, савод ўргатиш дарслари қуйидаги белгиларига кўра фарқланади.

Савод ўргатиш даврида ўқувчилар билими дарс жараёнида барча ишларга боглаб аниқланади богланишли нутқни ўстириш ҳам ўқиш ва ёзув дарсларига узвий богланиб кетади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларига раҳбарлик қилишларига хафтада бир марта 20 дақиқа ажратилади.

Савод ўргатиш дарсларида вақти-вақти билан дам олиш дақиқалари ўтказилади. Дарслар системаси дейилганда ўқув вақтини мавзуларга назарий ва амалий жиҳатдан режали тақсимланган дарсларнинг мантиқийлиги ва истиқболи бир-бири богланган дарс турлари ва унда ўқитувчи билан ўқувчилар фойдаланиладиган асосий методик воситалар хилма~хил бўлган изчиллик назарда тутилади.

Амалдаги "Алифбе" дарслиги ва уларга ёзилган қолланмаларга асосан савод ўргатишда тайёргарлик даври (8 дарс) алифбе ажратилади. Таълимнинг ҳар бир босқичидаги дарснинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Дарслар қурилишида ички мантиқийлик бўлиб, ҳар бир дарсда янги товуш ва ҳарф ўрганиладиган дарс билан янги мавзу ўрганилмайдиган дарсни навбатлаштириш, орфография ва сўзнинг бўгин тузилиши ҳақида маълумот бериш, ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўстириш каби талабларга риоя қилинади. Дарслар умумлаштириш такрорлаш дарси билан якунланади.

Оз комплектли мактабларда савод ўргатишни ташкил этиш ўқитувчи бир вақтнинг ўзида икки ёки уч синф билан ишлайди. Бундай синфларда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида бир неча синф ўқувчилари билан иш олиб боради. Бундай синфларда дарс жадвали интеграллаштирилган бўлиши керак ва дарслар 30 дақиқага қисқартирилиши мумкин.

Оз комплектли мактабларда ўқувчиларнинг мустақил ишларига алоҳида аҳамият берилади. Шунинг учун мустақил ишлар тизими ишлаб чиқилиши зарур. Чунончи, ҳарф териш картони ва абак ёрдамида турли хил аналитик-синтетик ишлар, расм асосида суҳбат ёки ҳикояга тайёрланиш,

овоз чиқариб ўқиш ёки ҳикоя қилишга тайёрланиш, техника воситаларидан фойдаланиш ва ҳоказо.

"Алифбе" дарслиги сизнингча қандай бўлиши керак? саволига олинган жавоблар умумлаштирилади.

1."Алифбе" материали болаларда онгли, тўгри, равон ўқиш ва тўгри ёзиш малакаларини ҳосил қилишга ёрдам бериши керак.

2.Ўқиш учун берилган матнлар, расмлар болалар савиясига мос бўлиши, шу билан бирга уларнинг тафаккури ва нутқини ўстириши.

3."Алифбе" тузилишида товуш ҳарфларнинг тез ва кўп ишлатилиши тамойилидан фойдаланилади.

4„"Алифбе" нинг ҳажми савод ўргатишга ажратилган вақтига мос бўлиши керак.

5."Алифбе"нинг ҳарфи терилиши, қогози, расмларининг бўёқлари гигиеник талабларга жавоб бериши.

6."Алифбе"нинг ташқи кўриниши чиройли, болалар диққатини ўзига тортадиган бўлиши керак.

Алифбега қўйилган барча талаб ва тамойилларни фақат алифбе тузувчилар эмас, балки у билан ишлайдиган ўқитувчилар билиши зарур; ўқитувчи, аввало, алифбенинг мазмунини, тузилишини яхши билиб олиб, ундаги материалдан педагогик жараённи ташкил этиш (алоҳида бир дарс режасини тузиш, дарслар системасини белгилаш, алифбе материалига қўшимча материал танлаш, баъзи материалларни қайта кўриб чиқиш) да фойдаланади. Шундагина ўқитувчи китобга ижодий ёндашиб» ундан методика талаблари ва ўзининг педагогик тажрибасидан келиб чиқиб фойдаланган бўлади.

## Синфда ўқиш методикаси

### Ўқиш дарсларининг мақсад ва вазифалари, таълимий - тарбиявий аҳамияти

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарслари ўз моҳияти, мақсад ва вазифаларига кўра таълим тизимида алоҳида ўрин тутади. Негаки унинг заминида саводхонлик ва ахлоқий-таълимий тарбия асослари туради. Шунинг учун ҳам бошқа предметлар таълимини ўқиш таълимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. ўқувчи матнни тўғри, тез, тушуниб ўқиш, мазмунини ўзлаштириш билан илк бор ўқиш дарсларида юзлашади.

Ўқиш дарслари орқали ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари (ДТС) талаблари бўйича ўзлаштиришлари кўзда тутилган ўқув-билув кўникма-малакалари ҳамда билимларни эгаллашларига йўл очилади. Айнан ўқиш таълимида инсоннинг, аввало, ўзлигини, қолаверса оламни англашга бўлган интилишларига туртки берилади.

Шу мақсадда «Ўқиш китоби» дарсликларига она табиат, атрофимизни ўраб турган олам, Ватанимиз тарихи ва бугунги қиёфаси, катталар ва болалар ҳаёти, меҳнатсеварлик, истиқлол ва миллий-маънавий қадриятлар, халқлар дўстлиги ва тинчлик каби турли мавзулар бўйича атрофлича тушунчалар беришга мўлжалланган бадиий, ахлоқий-таълимий, илмий-оммабоп асарлар киритилади.

Ўқиш дарслари савод ўргатиш даврида ўқувчиларни бўғин, сўз ва гаплар билан таништириш ва уларни ўқиш, расмлар асосида ҳикоя қилиш тарзида уюштирилса, ўқиш техникаси эгаллангандан сўнг ўқиш муайян мавзулар бўйича танланган бадиий, илмий-оммабоп матнлар юзасидан олиб борилади.

Бошланғич таълим бўйича ДТС ва «Она тили» ўқув дастурида ўқиш таълими олдига қўйилган талабларни амалга ошириш синфда ўқишни тўғри ташкил қилиш, ўқитиш босқичлари, тамойиллари ва методлари, биринчи навбатда, илғор педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, синфда ўқиш асосида бадиий ва илмий-оммабоп матнлар туради. Ўқувчиларни матн билан таништириш ўқишга тайёргарлик босқичидан бошланади.

Тайёргарлик босқичи ёзувчилар ҳақида маълумот бериш, ўқувчиларни асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, асар пафосини ҳис этиш, нотаниш ва кўп маъноли сўзлар, мураккаброқ тарздаги образли ифодаларни изоҳлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Агар асар йил фасллари ҳақида бўлса, табиат қўйнига саёҳат уюштириш ҳам синфда ўқиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

Матн билан дастлабки танишувдан сўнг қуйидагича саволлар билан мурожаат қилиш дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширади:

*1. Ҳикоядаги қайси эпизодни қизиқарли деб ўйлайсиз?*

*2. Ҳикоя қаҳрамонларидан қайси бирининг хатти-ҳаракатини маъқуллайсиз? Қайси бирининг феъл-атвори, ўзини тутиши сизга ёқмади?*

*3. Ҳаётда шундай кишиларни учратганмисиз?*

Синфда ўқишнинг муваффақиятини таъминлайдиган омиллардан яна бири *танлаб ўқиш*дир. Масалан: 3-синфда Х. Тўхтабоевнинг «Ҳасса» ҳикояси билан танишиш жараёнида Қобил бобонинг саволларига Шавкатнинг жавоблари ёки С. Анорбоевнинг «Баҳс» ҳикоясидаги болаларнинг баҳслашиши эпизоди юзасидан ўқитувчи топшириғига кўра мазкур ўринларни танлаб қайта ўқилиши натижасида ушбу асарларнинг бадиий эстетик қимматини чуқурроқ ўзлаштиришга эришилади.

«Ўқиш китоби» дарсликларидан турли мавзудаги асарлар ўрин олган. Ватанпарварлик, атрофимиздаги олам, меҳнатсеварлик кабилар ўқиш дарсликларидаги кенг қамровли мавзулардан бўлиб, 2-синфда *«Она юртим-олтин бешигим»* бўлимига киритилган *«Ўзбекистоним» (Ҳ. Имонбердиев), «Истиқлол» (Ж. Жабборов), «Ўлка» (Э. Воҳидов), «Юр тоғларга» (У. Носир)*, 3-синфда *«Она битта, Ватан ягона»* бўлимидаги «*Ватанни суймак» (А. Авлоний), «Ватан мўътабардир» (Х. Даврон), «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» (Тоҳир Малик)*, 4-синфда *«Ўзбекистон - Ватаним маним»* бўлимидаги *«Серқуёш ўлка» (З. Диёр), «Иқболи буюксан» (А.Орипов), «Тошкентнома» (М. Шайхзода)* каби асарлар мисолида атрофлича таҳлилга тортилади.

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўрганиладиган асарларнинг мавзу доираси анча кенг бўлиб, она табиат, йил фасллари, халқ оғзаки ижоди, меҳнатга муҳаббат, асосий байрам саналари, миллий истиқлол ва маънавият каби умумий мавзулар доирасида бирлаштирилган.

Узлуксиз таълимнинг бошқа босқичларидан фарқли ўлароқ, бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини шакллантириш, асар матни устида ишлаш таълимнинг дидактик мақсади ҳисобланади. У турли мавзудаги матнлар устида ишлаш орқали маънавий-аҳлоқий, адабий - эстетик тарбия билан чамбарчас боғлаб олиб борилади.

Шунга кўра ўқиш дарсларининг етакчи ҳусусияти ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш билан бирга бадиий адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кириш, миллий мафкура асосида юксак ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилади.

Ўқиш таълими бўйича ўқувчиларни фақат матн билан таништириш ёрдамида дастур талабларига жавоб бериб бўлмайди. Негаки матн тагзаминидаги тарбиявий ғоя уни тушуниш, идрок қилиш натижасидагина очилади. Бошқача айтганда , ҳар қандай асардаги сеҳр-жозиба матн заминидаги яширин мазмун-моҳиятни англаб етилганда ўқувчи диққатини ўзига жалб этиши мумкин. Бунга адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш, адабий таҳлил малакаларини шакллантириш орқали эришилади.

Асар таҳлили жараёнида ўқитувчи саволларига ўқувчиларнинг ўз сўзлари билан жавоб бериши ҳам матнда тасвирланган воқеа - ҳодисалар юзасидан мантиқий фикрлашга, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашга яқиндан ёрдам беради. Саволлар узуқ-юлуқ ва мантиқсиз бўлмасдан, қатъий мақсад асосида изчил берилиши ўқувчиларнинг ўқилган матн моҳиятини чуқур англаб етишларига имкон яратади. Негаки ҳар қандай жавоб мустақилликни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ўзларини ҳам савол тузишга ўргатиш лозим. К. Д. Ушинский қайд этганидек, тўғри қўйилган масаланинг ўзи ярим жавобдир. Матн юзасидан савол тузишда ўқувчининг дарс мавзуси билан боғлиқ жиҳатларга эътибор бериши асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишларни билиб олишга, ҳаётий хулосалар чиқаришга йўл очади. Шунинг учун ҳам матн юзасидан савол тузиш ўқувчини онгли ва тушуниб ўқишга йўллайди. Унинг ўзига хос хусусиятини ўқувчиларни бадиий адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кириш орқали дунёқарашларини миллий истиқлол мафкураси асосида тўғри шакллантиришга қаратилиши билан белгиланади.

Ўқиш дарслари учун танланган мавзулар ўқувчиларга кундалик ҳаёт, мустақилликни мустаҳкамлаш ва инсоний муносабатлар бўйича ҳам билим ва тарбия беришни кўзда тутади. Булар ичида истиқлол, ватан, маънавият ва табиат ҳақидаги мавзулар алоҳида ажралиб туради. Улардан кўзланган мақсад ўзликни англаш, истиқлол, ватан ва табиат билан боғлиқ туйғуларини уйғотишдир.

Табиатга оид мавзулар ёрдамида ўқувчилар табиатдаги ўзгаришлар, йил фаслларининг алмашинуви, ҳайвонот оламига доир билимларни эгаллайдилар. Улар ўқувчиларни кузатувчанликка, табиатни севишга, унга нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ўргатади.

«Ўқиш китоби» дарсликларидаги материаллар синфдан синфга ўтган сари мавзу жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам кенгая бориши ҳисобга олинган.

1-синфда ўргатиладиган *«Аждодларимиз-фахримиз», «Илм-ақл чироғи», «Зумрад баҳор», «Кумуш қиш»* каби мавзулар 2-4 синфларда ҳам давом эттирилади. Натижада ўқувчиларнинг олдинги билимлари тўлдирилади ва бойитилади.

Дарсликлардаги ҳар бир мавзу учун танланган матнларнинг жанрий ранг-баранглигига, поэтик мукаммаллигига, ўқувчиларнинг билим даражаси ва ёш хусусиятларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий-тарихий мазмундаги мавзулар Ватанимиз ўтмиши, халқимиз ҳаёти, мардонавор кураши, улуғ сиймолар томонидан амалга оширилган ишлар, тарихий саналар тўғрисида муайян тасаввур беради. Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа аждодларимиз ҳақидаги матнлар шулар жумласидандир.

Бу хилдаги асарлар ўқувчиларни фақат ўтмишимиз билан таништириб қолмасдан, Ватан олдидаги фарзандлик бурчи ва масъулиятини теран англашга ҳам ёрдам беради. Уларда Ватанга муҳаббат туйғуси шу тариқа шаклланади.

Ватанимиз ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинган асарлар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар ўтмиш билан бугунги кунни таққослаш имконига эга бўладилар. Жамият тараққиёти хусусида қисқача бўлса-да, тушунча ҳосил қиладилар. Бу борада айниқса миллий истиқлол билан боғлиқ *Ҳ. Имонбердиевнинг «Ўзбекистоним», Ж. Жабборовнинг «Истиқлол» (2-синф), А. Рустамовнинг «Байроқ нима?», А. Обиджоннинг «Ўктам авлод» (3-синф), С. Барноевнинг «Мангуликка татигулик кун», Уллибибининг «Эъзоз» (4-синф)* мавзусидаги асарлари яқиндан ёрдам беради.

Бадиий асарлар матни устида ишлаш жараёнида уларнинг жанрий хусусиятларидан ташқари, мавзуси ҳам назарда тутилади. Масалан, табиат тасвирига оид матнлар устида ишлашда табиат бағрига саёҳат уюштирилиб, болалар кузатувчанликка ўргатилса, ватанпарварликка оид асарлар таҳлили ватаннинг донгдор кишилари билан учрашувлар ёки мавзуга дахлдор кинофильмлар намойиши воситасида амалга оширилса, дарс самарадорлиги янада ортади.

Умуман «Ўқиш китоби» дарсликларидаги барча мавзулар ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга, уларнинг луғатини бойитишга, оғзаки ва ёзма нутқини тўғри шакллантириш, нутқ маданиятини ўстиришга ҳам қаратилади.

Ўқувчилар дарсликлар ёрдамида ўзлаштириладиган билим, кўникма ва малакаларининг келажак ҳаётда зарур бўлишини тушуниб етишларига эришиш ўқитувчилар олдидаги муҳим вазифалардандир.

Ўқиш дарслари олдига қўйиладиган дидактик вазифалар қуйидагилардан иборат:

*1. Ўқувчиларда яхши ўқиш сифатлари: тўғри, тез, онгли, ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш.*

*2. Ўқувчиларни китобдан фойдаланишга, ундан керакли билимларни олишга ўргатиш, китобга муҳаббат уйғотиш; уларни оддий китобхондан чуқур мулоҳаза юритувчи, ижодкор китобхон даражасига кўтариш.*

*3. Ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва бойитиш ҳамда илмий дунёқарашларини шакллантириш.*

*4. Ўқувчиларни ахлоқий, эстетик жиҳатдан етук ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш.*

*5. Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ва адабий эстетик тафаккурини ўстириш.*

*6. Ўқувчиларнинг хаёлот оламини бойитиш.*

*7. Адабий тасаввур элементларини шакллантириш.*

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир таълимий вазифани бажаришнинг аниқ ва илмий методик усуллари мавжуд бўлиб, улар замонавий ўқитиш усуллари билан бойитиб борилмоқда. Бу вазифалар бошқалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ва синфдан ташқари ўқиш машғулотлари жараёнида ҳал қилинади.

## Ўқиш дарсларида қўлланиладиган метод ва усуллар

«Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» да таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш кабилар умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаларидан бири сифатида таъкидланган.

Илғор педагогик технология усулларидан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти доирасини аниқ белгилаб беради.

Инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўқиш фаолияти барча предмет дарсларида амалга оширилади. Лекин ўқишга ўргатиш йўл-йўриқларини ўқиш методикаси ишлаб чиқади. Ўқиш методикаси кичик ёшдаги ўқувчиларнинг умумий ривожланиши, психология, хусусий методика соҳасидаги ютуқлар асосида такомиллаштирилиб борилади.

Ўқиш дарсларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим методларининг тўғри танланишига боғлиқ.

*«Метод»* атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, муаян мақсадга эришиш, борлиқни амалий ва назарий ўзлаштириш усуллари мажмуидир. Бинобарин фаннинг ўзи каби ўқитиш методлари ҳам доимий ривожланишда бўлади. Масалан, эски мактабларда ўқиш қуруқ ёд олиш методи асосида ўргатилган бўлса, ҳозир изоҳли ўқиш асосида олиб борилади. Ёд олиш методида матндаги сўзларга изоҳ беришга, маъносини тушунтиришга, ўқилганни қайта ҳикоялашга умуман олганда, ўқишнинг онгли бўлишига мутлақо эътибор берилмаган. Уларда кўпроқ тўғри талаффуз, қироат билан ўқиш, ифодали ўқиш назарда тутилган.

Ҳозир мактабларда ўқиш изоҳли ўқиш методи асосида олиб борилаётган экан, қуйидагича савол туғилади: *Изоҳли ўқиш нима?*

Изоҳли ўқишга XXX асрнинг 60-70-йилларида рус педагоги К. Д. Ушинский асос солган, у ўқишда ўқувчиларни «онгли, тушуниб, ўйлаб ўқишга» ўргатишни алоҳида таъкидлайди ва уни «Изоҳли ўқиш» деб номлайди.

Изоҳли ўқиш методига К. Д. Ушинский ишининг давомчилари янгиликлар киритдилар. Корф ва Вахтерев изоҳли ўқиш ўқувчиларга реал билим бериш воситаси деса, Водовозов ва Бунаков ўқувчиларга ўқиш жараёнида билим бадиий асар таҳлили ва асарнинг тарбиявий характери билан боғлиқ ҳолда берилади, деган фикрни илгари сурадилар.

Профессор Асқар Зуннунов ўқитишнинг мазмуни ва усуллари ҳақида фикр юритиб, ўқувчиларнинг олдин билимларни ўзлаштиришига, сўнг ёд олишларига эътибор берилиши таълим жараёнида изоҳли ўқиш деб номланганини таъкидлайди.

Демак, ***изоҳли ўқиш*** деб ўйлашга, ҳис қилишга, асарни тўлиқ идрок қилишга, ўқилганнинг мазмунини ўзлаштиришга олиб келадиган ўқишга айтилади. Изоҳли ўқиш асар мазмунини тушунишни, асардаги муҳим фикрни, ёзувчи илгари сураётган ғояни англашни таъминлайди.

Изоҳли ўқиш қўйидаги тамойилларга тўлиқ амал қилингандагина муваффақиятли бўлади.

*1. Ўқишни ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш.*

*2. Ўқишнинг онгли ва таъсирчан бўлиши учун ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларига, таассуротларига асосланиш.*

*3. Ўқишни кўргазмали ташкил қилиш, табиатга, тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини кузатиш, расмлар, жадваллар, предметлар билан таништириш ҳамда матнни ўқувчининг ифодали ўқиши тарзида олиб бориш.*

Бошланғич синф ўқиш дарсларида асосан шеърлар, масаллар, эртаклар, ҳикоялар, афсоналар, мақол ва топишмоқлар, илмий-оммабоп асарлар ўқиб ўрганилади. Табиийки, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл, услуб ва мазмунда яратилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир жанрга мансуб асарларни ўзига хос усулда ўқиб ўрганиш тақозо қилинади.

Бадиий асарни изоҳли ўқишга яқин бўлган методлардан бири ***ижодий ўқиш***дир. Атоқли методист олим Н. И. Кудряшов ижодий ўқиш методи таркибига қуйидаги иш усулларини киритади:

а) ўқитувчиларнинг бадиий матнни шарҳлаб ўқиши ҳамда ўқувчиларнинг асарни тўғри ва имкон қадар янада чуқурроқ, эмостионал идрок этишларини таъминлаш мақсадини кўзда тутувчи сўзи;

б) ўқилган асардан ўқувчиларнинг бевосита олган таассуротларини чуқурлаштириш мақсадига эга бўлган ва уларнинг диққатини матннинг муҳим ғоявий ва бадиий хусусиятлари сари йўналтирадиган суҳбат уюштириш ёки ўқилган асардан келиб чиқадиган бадиий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муаммонинг қўйилиши;

в) ўқитувчининг асар ўқилганидан кейин ўқувчиларнинг асарни тадқиқ этиш жараёнида тўйинган бадиий кечинмаларини фаоллаштириш мақсадини кўзда тутувчи сўзи[1].

Кўринадики, ижодий ўқиш изоҳли ўқишдан фарқли ўлароқ, тўғридан - тўғри матн моҳиятини очишга ижодий ёндашишни тақозо этади. Масалан 4-синфда *А. Ориповнинг «Деҳқонбобо ва ўн уч болакай қиссаси»* асарини ижодий ўқиш методи асосида ўрганиш жараёнида матн мазмуни ва шоир ғоявий ниятидан келиб чиқиб Ватанимиз ҳудудларидаги аҳолининг яшаш тарзи билан боғлиқ миллий ҳусусиятлар ҳақида ҳам атрофлича тушунча берилади.

2-синфда *«Ўтинчи йигит»,* 3-синфда *Ўткир Ҳошимовнинг «Хазончинак»,* 4-синфда *С. Анорбоевнинг «Қўрқоқ»* асарларини ҳам ижодий ўқиш методи асосида ўқитиш ижобий самаралар беради.

***Ифодали ўқиш.*** Бошланғич таълим тизимида мантиқий ўқиш *(матнни тўғри, тушуниб, тез (меъёрида) ўқиш)* ва адабий ўқиш мукаммал ўзлаштирилганидан сўнг ифодали ўқишга ўтилади. У ёд олинган шеърий асарларни ифодали ўқишни ҳам ўз ичига олади. Ифодали ўқишнинг муваффақияти ўқувчиларнинг асар мазмуни, ғоявий-бадиий ҳусусиятлари ҳақида муайян тушунчага эга бўлиши билан боғлиқ.

Оҳанг ва интонастия шеърий асарларни ифодали ўқишда қай даражада муҳим бўлса, насрий асарларни ўқишда ҳам муҳим талаблардан биридир.

Насрий асарларни ифодали ўқишдан олдин унда қандай ғоя илгари сурилаётганини аниқлаш зарур. Масалан, 4-синфда Х. Тўхтабоевнинг «Хатосини тушунган бола» ҳикоясини ифодали ўқишдан олдин ўқувчиларга хатосини тушунган бола ким эканлиги, унинг хатоси нималардан иборат бўлганлиги, мақтанчоқликнинг иллат эканлиги тўғрисида тушунча берилади.

Ифодали ўқиш олдига қўйилган бу талаб *М. Абдурашидхоновнинг «Ҳар ким экканин ўрар», Ш. Саъдулланинг «Лақма ит», А. Ориповнинг «Деҳқонбобо ва ўн уч болакай қиссаси»* каби шеърий ҳикояларини ўқишга ҳам хосдир.

***Бадиий ўқиш.*** Бадиий ўқиш ифодали ўқишнинг юксак босқичи ҳисобланади. Унда сўз санъатининг барча компонентлари иштирок этади. У ўқувчидан асар руҳига батамом киришни, санъаткорона ўқишни талаб этади. Бадиий ўқишда асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати, кечинмалари тўла англаб етилгандагина таъсирчанликка эришиш мумкин. Бадиий ўқишга тайёргарлик кўришда актёрларнинг аудио-видео тасмаларга ёзилган ижроларидан фойдаланиш яхши самара беради.

***Изланиш методи***. Бу метод асардаги воқеа ва тафсилотлар асосида ўқувчиларга савол-топшириқлар тузишда, қаҳрамонларга баҳо беришда кенг қўлланиладиган усулдир.

Ўқиш дарсларида ***репродуктив метод***дан ҳам фойдаланилади. Масалан, ўқитувчи дастлабки дарсларда ўзи асар матнини қисмларга бўлади, ёзувчи ёки шоирнинг айтмоқчи бўлган муҳим фикрига ўқувчилар диққатини жалб қилади, уни аниқлаб кўрсатади, ўқувчилар билан бирга тасвир воситаларига юклатилган маънони очиб, ўқувчиларга кўмаклашади. Буларнинг бари ўқувчилар учун бир кўрсатма вазифасини ўтайди. Шундан сўнг ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмалари ёрдамида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ўзлари мустақил равишда бажарадилар.

Юқорида таъкидланган методлардан ташқари, бошланғич синф ўқиш дарсларида илғор педагогик технология усулларидан *«Ақлий ҳужум», «Тармоқлар», «Гуруҳлар билан ишлаш»* кабилардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир дарсда қандай методдан фойдаланиш, дарсда қандай усулларни қўллаш ўқитувчи томонидан олдиндан белгилаб олиниши ва пухта ишлаб чиқилиши керак.

---

[1] Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. - Москва: Просвешение. . 1981.- 60-стр.

## Ўқиш малакаларининг сифатлари ва уларни такомиллаштириш йўллари

Дастур талабларини тўлиқ бажариш ва амалга ошириш учун, биринчи навбатда ўқиш кўникмаларини тўғри ва пухта эгаллаш ва такомиллаштириб бориш зарур.

Ўқиш кўникмалари савод ўргатишг жараёнида шаклланади, ўқитишнинг кейинги босқичларида такомиллашади.

*Ўқиш малакаларининг сифатларига* бадиий асар матнини тўғри, тез, онгли ва ифодали ўқиш киради. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ўқиш малакалари шакллантирилади ва такомиллаштирилади. Ўқиш малакасининг сифатлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийси онгли ўқиш ҳисобланади: ўқувчи матнни тез ва тўғри ўқиса-ю, англаб ўкимаса ёки унинг тез ўқиши натижасида бошқалар матн мазмунини тушунмаса, тўғри ўқиса-ю, ўта секин ўқиса, нутқ бирликлари орасида паузаларга эътибор бермаса, матнда ифода этилаётган фикр тушунилмайди. Муайян тезликда ва тўғри ўқиш онгли ўқишга хизмат қилади; тўғри, тез ва онгли ўқиш эса ифодали ўқишнинг асоси ҳисобланади.

Ўқиш малакаларини эгаллаш мактабда ўқитиладиган барча предметларни муваффақиятли ўзлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўқиш фаолиятнинг асосий тури бўлиб, ўқувчиларни ғоявий-сиёсий, ақлий, эстетик ва нутқий томондан ривожлантириш учун жуда катта имконият яратади. Бу жараён эса ўқиш малакаларини ўстириш ва такомиллаштириш устида систематик ва мақсадга мувофиқ ишлашни талаб қилади.

Ўқиш малакасини эгаллаш анча мураккаб бўлиб, уни шакллантириш узоқ вақтни талаб этади. Психолог Т. Г. Егоров ўзининг «Очерки психологии обучения детей чтению» номли асарида ўқиш малакаларини шакллантириш жараёнини уч босқичга ажратади: *аналитик босқич, синтетик босқич ва автоматлашган босқич.* Аналитик босқич савод ўргатиш даврига тўғри келади, бунда сўзни бўғин-ҳарф томонидан таҳлил қилиш ва бўғинлаб ўқиш малакаси шакллантирилади. Синтетик босқич учун сўзни сидирға ўқиш характерлидир; бунда сўзни кўриш орқали идрок қилиш ва унинг талаффузи сўз маъносини англаш билан асосан мос келади. Ўқиш сўз маъносини идрок қилиш билан амалга ошади. Ўқувчилар синтетик босқичга 3-синфда ўтадилар. Бундан кейинги йилларда ўқиш автоматлаша боради.

Ўқиш дарсларида асар устида ишлашни шундай ташкил этиш керакки, асар мазмунини таҳлил қилиш ўқиш малакаларини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлсин.

**Тўғри ўқиш** деганда хато қилмасдан, янглишмасдан ўқиш тушунилади, яъни тўғри ўқиш сўзнинг товуш-ҳарф таркибини, грамматик формаларни бузмасдан, сўздаги товуш ёки бўғинни тушириб қолдирмай, ошиқчасини қўшмай, ҳарфлар ўрнини алмаштирмай, аниқ талаффуз қилиб, сўзга урғуни тўғри қўйиб ўқиш ҳисобланади. М. Одилова ва Т. Ашраповалар *«Адабий талаффуз нормаларига қўйилган барча талаблар тўғри ўқиш кўникмасига ҳам тааллуқлидир»,* - деб таъкидлайдилар. Рус методисти Яковлева тўғри ўқишга қуйидагича таъриф берган: *«Тўғри ўқиш - бу материални товуш томондан хатосиз ва бир текисда равон нуша кўчиришдир».* Демак, тўғри ўқиш сўзнинг товуш таркибини, грамматик шаклини бузмасдан адабий-орфоэпик меъёрлар асосида ўқишдир.

Бошланғич синф ўқувчиларида идрок этиш, талаффуз қилиш ва матн мазмунини тушуниш ўртасида пухта синтез йўқ бўлгани учун улар ўқишда хатога йўл қўядилар. Бу эса матн мазмунини тушунишни қийинлаштиради.

Тўғри ўқиш сўзнинг узун-қисқалигига, ўқувчининг сўз бойлигига, яъни сўзнинг лексик маъносини қанчалик билишига ҳамда сўзнинг бўғин ва морфемик таркибига боғлиқ. Ўқувчилар кўпинча қуйидаги сабабларга кўра хатога йўл қўядилар:

1.Сўзни талаффуз қилиш билан унинг маъносини тушуниш ўртасида пухта синтез бўлмагани учун, яъни бола сўзнинг олдин товуш томонини кўради, уни талаффуз қилишга ошиқади. Сўзнинг маъносини эса эътибордан четда қолдиради.

2. Сўзнинг бўғин тузилиши мураккаблиги туфайли. Сўз кўп бўғинли бўлса, бола уни олдин эшитмаган бўлса хатога йўл қўяди.

3 Сўзнинг маъносини битлмаслик туфайли хатога йўл қўяди.

4. Тез ўқийман деб хатога йўл қўяди.

5. Тўғри ўқиш ёрёғликка ва ёруғликнинг тушишига ҳам боғлиқ.

6. Ундош товуш сўзнинг ўртасида ва охирида келган ёпиқ бўғинли сўзларни ўқишда қийналадилар.

Хато ўқишнинг олдини олиш учун қуйидагилар эътиборга олинади:

1.Матнни ўқитишдан олдин ундаги ўқилиши қийин сўз, бирикма ва гапларни аниқлаш ва улар устида ишлаш усулларини белгилаб олиш. Тузилиши мураккаб сўзларни бўғинлаб ўқилишини машқ қилдириш.

2.Матнни ўқишдан олдин унинг мазмунини тушунишни қийинлаштирадиган сўзларнинг луғавий маъносини тушунтириш. Сўз маъносини изоҳлаш усулларини аниқлаш.

3. Вазифаларни аниқ ва тушунарли қилиб бериш

4. Матнни диққат-эътибор билан ўқишлари учун шароит яратиш.

5. Олдин ичда ўқитиш, сўнг овоз чиқариб ўқитиш.

6.Ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш,яъни матннин осон, ўртача қийинликда ва қийин ўқиладиган ўринларини белгилаб олиб унга кучи етадиган ўқувчиларга олдиндан тақсимлаб олиш.

7.Ўқувчиларнинг ўқишини мунтазам текшириб туриш.

8. Хатонинг характерига қараб, уни методик томондан тўғри тузатиш йўлини аниқлаш.

9.Ўқувчиларни хато қилиш мумкин бўлган ўриндан огоҳлантириб туриш.

10.Хат чўпдан фойдаланиш.

11. Хато ўқиш ўқувчининг шахсий кўрув сезгисига ҳам боғлиқ бўлади.

Ўқитувчи тузилиши мураккаб сўзларни олдиндан доскага ёки картонга бўғинларга бўлиб ёзиб қўйиб, ўқувчиларга хор бўлиб ўқитилиши яхши натижа беради.

Ўқувчилар йўл қўйган хато икки хил йўл билан тузатилади: 1) Ўқувчи сўз охиридаги қўшимчани нотўғри ўқиса, ўқувчини ўқишдантўхтатмасдан хатони тўғрилаш мумкин; 2) хато ўқиш билан гапларнинг мазмуни бузилса, қайта ўқитиш усулидан фойдаланилади.Бунда ўқувчига ўқиган матни юзасидан савол берилса, ўқувчи эътиборли бўлиб қайта ўқийди.

**Тез ўқиш**. Тез ўқиш нормал тезликда ўлиб, ўқиш суръати матннинг мазмунини тушунишдан ажралиб қолмаслиги керак. Ўқиш тезлиги матнни тушуниш тезлиги билан мувофиқ равишда ўсуви керак. Ўқилаётган асар мазмунини ўзлаштиришни, матин мазмунини онгли идрок этишни таъминлайдиган ўқиш тез ўқиш дейилади.

Ўқиш сифатларини яхши ўзлаштирган ҳолда ўқувчиларнинг ўқиш суръати бир-биридан фарқ қилади. Бу дастур талабларини бажармади, деган гап эмас. Оғзаки нутқ темпига тўғри келадиган ўқиш суръати нормал тезлик ҳисобланади. Чунки ўта тез ҳам , ўта секин ўқиш ҳам матн мазмунини ўзлаштиришни қийинлаштиради.

Ўқиш тезлиги бир дақиқада ўқиладиган сўзлар сони билан белгиланади. 2005 йилда эълон қилинган ўқиш дастурида 1- синфнинг 2- ярим йиллигида ўқиш суръати 20-25 сўз (нотаниш матнни ўқиш тезлиги Хам 20-25 сўз); ўқув йили охирида 25-30 сўз; 2- синфнинг 1- ярим йиллигида матнни ўқиш тезлиги 30-35 сў; 2-ярим йиллигида 40-50 сўз; 3- синфнинг 1- ярим йиллигида 60-70 сўз; 2- ярим йиллигида 70-80 сўз; 4- синфнинг 1- ярим йиллигиджа ичда овозсиз 110-130 сўз, овозли ўқишда 90-100 сўз.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир дақиқада бола 250 сўзли матнни ўқиса, ундаги 200 та сўзни эслаб қолар экан. Агар ҳарфлаб, бўғинлаб ўқиса, унинг диққат марказида сўз эмас, бўғин бўлади. атижада у сўзларни эслаб қола олмайди. (Ж.Ғ.Йўлдошев.1992 йил «Ўқитувчилар уйидаги ижодкор ўқитувчиларнинг 1- анжуманидаги нутқидан).

Бу 4- синф ўқувчиларининг ўқиш тезлигига татбиқ этилса, 125 сўздан 100 сўзни эслаб қолади. Бу эса юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради.4- синфда хатто бир дақиқада 170-180 та сўз ўқийдиган ўқувчилар ҳам бор.

Ўқиш тезлиги тўрт йил давомида тўғри ва онгли ўқиш билан боғлиқ ҳолда аста ортиб боради. Ўқиш тезлигини текширганда ўқитувчи ўқиладиган материалнинг характерини , яъни ғоявий мавзувий мураккаблигшини , сўз ва гапларнинг тузилишини , уларнинг болалар нутқида қайдаражада ишлатилишини, ўқишнинг тўғри ва онгли бўлишини ҳисобга олади. Ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги ҳар хил бўлади, албатта. Ўқитувчининг вазифаси барча ўқувчиларнинг ўқиш тезлигини, иложи борича бир хилликка келтиришдан иборат. Бунга асосан матнни овоз чиқариб ўқишни машқ қилиш билан эришилади.

**Онгли ўқиш**.Онгли ўқиш яхши ўқишнинг асосий сифати ҳисобланади. Онгли ўқилган матннинг аниқ мазмунини, асарнинг ғоявий йўналишини, образларини ва бадиий воситаларининг ролини тушуниб ўқиш, шунингдек, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга ўзмуносабатини ифодалай олишдир.Онгли ўқиш ўз навбатида, ўқувчиларнинг зарур ҳаётий тажрибасига, сўзнинг лексик маъносини,гапда сўзларнинг боғланишини тушунишга ва бир қатор методик шартларга боғлиқ. Ҳозирда онгли ўқиш атамаси адабиётларда ва мактабтажрибасида икки маънода:

биринчидан, ўқиш жараёнини эгаллашга  нисбатан ўқиш техникаси маъносида,иккинчидан, кенг маънодаги ўқишга нисбатан ўқиш сифатларидан бири маъносида қўлланади.

Матнни онгли ўқиш учун ўқувчилар ўқиш сифатларидан тўғри, меъёрида ўқишни эгаллаган бўлишлари ва ўқиш жараёнида қийналмаслиги талаб этилади. Ўқувчилар матнни онгли ўқишлари учун матн мазмуни ва бадиий воситалари жиҳатидан таҳлил қилинади.

Онгли ўқишнинг муҳим шарти асар қурилиши ва мазмунини тушуниш ҳисобланади.Ўқитувчи онгли ўқишни матнни ифодали ўқишга (агар овоз чиқариб ўқилса) ва асар мазмуни юзасидан берилган саволларга жавобнинг тўғрилигига қараб баҳолайди. Онгли ўқиш ва ифодали ўқиш бир-бирини тақозо қилади, аммо бир-бирига айнан ўхшамайди.

**Ифодали ўқиш** интонастия – оҳанг ёрдамида асарнинг ғояси ва жозибасини тўғри, аниқ, ёзувчи ниятига мос равишда ифодалай билишдир. ”Ифодали ўқиш адабиётни конкрет ва кўргазмали ўқитишнинг  дастлабки ва асосий формасидир”, деб таъкидлайди методист олима М.А.Рибникова.1 Демак, ”Ифодали ўқишнинг асарнинг мазмунини ва эмостионаллигини интонастия орқали ўқувчиларга кўргазмали қилиб кўрсатишдир. Ифодали ўқишнинг асосий тамойили  ўқиладиган асар ғояси ва бадиий қимматини чуқур тушунтиришдир”2.

Оҳанг оғзаки нутқнинг биргаликда ҳаракат қилувчи элементлари: урғу, нутқ темп ива ритми, пауза , овознинг паст-баландлигининг йиғиндисидир. Бу элементлар бир-бирига таъсир этади ва ҳаммаси биргаликда асарнинг мазмунини, ғоясини, қаҳрамонларнинг турли кайфиятини, ички кечинмаларини ифодалайди.

Ўқувчилар ифодали нутқ асосларини эгаллашлари учун муҳим шартлар қуйидагилардан иборат:

1.Нутқ жараёнидан нафасни тўғри олиш ва тўғри тақсимлай билиш.

2. Ҳар бир товушнинг тўғри артикулястияси ва аниқ дикстия(бурро гапириш) малакасини эгаллаш.

3. Адабий талаффуз меъёрларини эгаллаш.3

Бу шартлар фақат ифодали ўқишгагина эмас, балки ифодали нутққа, яъни ҳикоя қилишга ҳам таалluқлидир. Ўқувчининг ҳар қандай оғзаки ҳикояси ифодали бўлиши зарур.

Ифодали ўқишнинг асосий воситаларидан бири овоздир. Овоз нафас билан узвий боғланади. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг ифодали нутқи устида ишлашни талаффуз қилаётганда ўз нафасини бошқара олиш ва овоздан тўғри фойдаланишга ўргатишдан бошлайди. Овоз кучи баланд-пастлик, узун-қисқалик, тезлик (темп), ёқимли-ёқимсизлик хусусиятлари билан характерланади. Ўқувчилар матн мазмунига қараб, баланд ёки паст овозда ўқиш(гапириш)га, нутқда тез, ўртача ёки секин темпни танлашга, бирор туйғуни ифодалашга ўрганадилар. Ифодали ўқишга ўргатишда ўқувчилар пауза ва логик урғу билан ҳам таништирилади.

Ифодали ўқишга тайёрланиш шартли равишда уч босқичга бўлинади:

1.Асарнинг аниқ мазмунини тушуниш , унда қатнашган шахсларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш, асарнинг ғоясини белгилаш,яъни асарнинг ғоявий мавзувий асосини, унинг образларини бадиий воситалари билан яхлит ҳолда тушуниш.

2. Матннинг қаерида пауза қилишни, мантиқий урғунинг ўрнини,ўқиш темпини белгилаб олиш.

3. Ўқишни машқ қилиш. Автор фикрини, унинг тасвирланган воқеа-ҳодисаларга ва қатнашувчи шахсларга муносабатини овоз билан бера олиш учун матнни қайта ўқиш.

Асарнинг мазмуни ва ғоявий йўналишини таҳлил қилиш ифодали ўқишга ўргатиш билан боғлаб олиб борилади. Ифодали ўқишга ўргатишда  матн мазмунини тушуниш, муаллиф ҳикоя қилган воқеаларга ўз муносабатини билдириш асосий вазифа ҳисобланади. Ўқувчиларда ифодали ўқиш малакасини шакллантириш учун асарни ўқитувчининг ифодали ўқиши муҳим аҳамиятга эга.

## Ўқиш турлари

Бошланғич таълимда ўқишнинг уч туридан фойдаланилади:

1. Овозли ўқиш.

2.Ичда ўқиш.

3. Шивирлаб ўқиш

Овозли ўқиш овозга асосланган ўқиш бўлаб, ундан таълим жараёнида кенг фойдаланилади.

Овозли ўқишнинг якка, жўр ва ролларга бўлиб ўкиш у4суллари мавжуд. Ёд айтиш ҳам овозли ўқишнинг бир шаклидир.

Ичда ўқиш ҳам товушга асосланган , лекин унда овозсиз ўқилади.

Шивирлаб ўқиш ярим овоз билан ўқишдир.Малакали китобхон ўқишнинг ҳар уч турини билиши зарур.

Овозли ўқишнинг ҳам, овозсиз ичда ўқишнинг ҳам, шивирлоаб ўқишнинг ҳам ўз қўлланиш ўрни ва афзалликлари ҳамда камчиликлари бор. Масалан, 2- синф ўқувчмлари ичда ўқиганда кам сўз ўқийди, сўзнинг маъноларини тушунмай қолади, ўқиганларининг мазмунини тўлиқ ўзлаштира олмайдилар. Психологик изланишлар ўқишни энди ўрганаётган ўқувчилар ўқилаётган матнни тушуниб боришлари учун эшитиш сезгисига ҳам сезганликларини кўрсатганлар. Иккинчидан, иккинчи синф ўқувчиларида ўқиш кўникмалари яхши шаклланмагани учун ичда ўқиш жараёнида айрим сўзларни нотўғри ўқиш натижасида унинг маъносини тушунмаганлар. Шуларни назарда тутган ҳолда 1- 2- синфлар овозли ва шивирлаб ўқишдан фойдаланилади.

3-4- синфларда овозли ўқиш билан бирга ичда ўқишдан ҳам фойдаланилади. 3-4- синфлар ичда ўқиш анча самарали бўлади. Лекин бу синфларда ичда ўқиш механик ўқишга айланмаслиги керак. Ичда ўқиш бирор мақсадга йўналтирилиши керак, яъни турли топшириқлар асосида ичда ўқитилиши лозим. Масалан, «Шеърни ичингизда ўқиб, ифодали ўқишга тайёрланинг.»,»Ҳикояни ичингизда ўқинг , маъноси тушунарсиз сўзларни луғат дафтарингизга ёзинг.», «Луғатдан фойдаланиб, уларнинг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилинг».

-Ҳикояни ичингизда ўқиб,уни қисмларга бўлинг.

-Ичингизда ўқиб, овоз чиқариб тўғри ўқишга тайёрланинг.

-Ичингизда ўқинг. Табиатни нг кўриниши тасвирланган ўринни топинг.

Бу топшириқлар синфдан синфга ўтган сари мураккаблашиб боради. Бунда ўқувчиларнинг асарни қанчалик идрок этганликлари текширилиб бори лиши зарур. Ичда ўқиш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Бир вақтнинг ўзида бутун синф ўқувчилари ўқийди.
2. Ўқувчиларда асар матни устида мустақил ишлаш кўникмалари такомиллашади.
3. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг мустақил ишлаш жараёнида ўзлаштириш даражасини аниқлайди.
4. Ичда ўқишда онгли ўқишга талаб , эътибор кучаяди.

Ичда ўқишда ўқитувчи ўқувчилар ўқишидаги камчиликларни аниқлай олмайди. Бу ундан фойдаланишдаги камчиликдир.

Овозли ўқишнинг афзалликлари қуйидагилар:

1. Ўқитувчи ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини , ўқиш кўникмаларини аниқлай олади.
2. Кичик ёшдаги ўқувчилар овоз чиқариб ўқисалар, матн мазмунини тез тушуниб оладилар.
3. Овозли ўқишдан китобхон эстетик завқ олади.
4. Овозли ўқишда ифодалиликка ката эътибор берилади.
5. Овозли ўқиш ўқувчилар луғатини бойитиш ва нутқини ўстиришда ката аҳамиятга эга.

Мактабда ўқишнинг бу уч тури навбатма навбат алмаштириб турилади. 1-2- синфларда овозли ва пичирлаб ўқишдан ичга ўқишга ўтилса, 3-4- синфларда ичдан ўқишдан овозли ўқишга ўтилади. 3-4- синфларда ўқишнинг турларидан фойдаланишда чегара қўйилмайди.

Бошланғич синфларда ўқишнинг ҳамма турига бир хил талаб қўйилади, яъни ўқиш тўғри бўлиши, тез, онгли ва ифодали бўлиши зарур.

## Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни идрок этишдаги психологик хусусиятлари

Бошланғич синфларда бадиий асарни таҳлил қилиш методикасида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни идрок қилишидаги психологик хусусиятлар ҳисобга олинади. Психолог олимларнинг текширишларидан маълум бўлишича, асарни идрок қилишга , билим олишга хизмат қиладиган компонентлар билан бирга , уни эмостионал-эстетик ҳис этиш ҳам киради.Бадиий асарни яхши идрок этиш учун уни тушунишнинг ўзигина етарли эмас. Асарни идрок этиш мураккаб жараён бўлиб, асарга унда тасвирланган воқеликка қандайдир муносабатнинг юзага келишини ўз ичига олади. Психологик текширишлар натижасида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг адабий қаҳрамонларни идрок этиши ва баҳолашидаги психологик

хусисиятлари ўрганилган ва улар адабий қаҳрамонга  икки хил муносабатда бўлишлари аниқланган:

1.Адабий қаҳрамонга эмостионал муносабат;

2. Элементар таҳлил қилиш.

Асарда қатнашувчи шахсларга баҳо беришда ўқувчилар ўз шахсий ва ахлоқий тушунчаларидан фойдаланадилар. Бундай ахлоқий тушунчалар кичик ёшдаги ўқувчиларда чегараланган бўлади, албатта. Улар ахлоқий сифатлардан ботирлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, яхшилик тушунчаларини кўп ишлатадилар. Қаҳрамонларнинг бошқа сифатларини тасвирлаш учун уларнинг сўз бойликлари етишмайди. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар билан таҳлил қилиб, улар нутқига персонажларнинг ахлоқий, интеллектуал, эмостионал  сифатларини тасвирловчи сўзларни кирита боришдан иборат. Бу адабий қаҳрамонларнинг характерини яхши ёритиш шартларидан бири ҳисобланади.

4- синфда ”Қодир биланСобир»  ҳикоясидаги Қодир ва хусусиятларини очишда элементар таҳлилга танлаб ўқиш асосида тармоқлаш усулидан фойдаланиб ўргатилиши мумкин.Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволларига жавобни доскада тармоқлаш усулида ёритиб болради. Масалан, Қодир қандай бола? Қодирнинг мақтанчоқлиги тасвирланган ўринни топиб ўқинг. Қодирнинг кўрқоқлиги ифодаланган ўринни топиб ўқинг. Қодирнинг ёлғон гапини Собир қандай тўғрилади? Шу ўринни топиб ўқинг. Қодирнинг зўравонлиги ифодаланган ўринни топиб ўқинг. Ўқиган қисмларингиз асосида Қодирнинг хусусиятларини исботлаб беринг. Шу саволлар асосида доскада қуйидаги жадвал ҳосил бўлади:

Папкасининг чанги билан синфга кирмоқчи бўлади

Четдан қўрқиб қочади

Қўрқоқ

тозаликка риоя қилмайди

Қодир

мақтанчоқ

командир бўламан

зўравон

ёлғончи

дарсдан кечикканда

ёнидагиларни туртади

одамдай балиқларни тутиб олганман

Ўқиш дарсларида ўқилаётган асарнинг онгли ўзлаштирилишини таъминлашда ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

## Бадиий асар устида ишлаш жараёни

Бадиий асар устида ишлаш ва унинг асосий босқичларини белгилашда ўқитувчи бадиий асарнинг санъат асари сифатида ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини назарда тутади.

Бадиий асарда барча қисмлар (ғоявий асос, композистия, сюжет, тасвирий воситалар) ўзаро боғлиқ бўлади. Сюжет ривожи асосида асар қаҳрамонларининг янги-янги қирралари очила боради. Бу хусусиятлар асар устида ишлашда уни яхлит ўқиш ва идрок этишни талаб этади.

Ўқувчиларни бадиий асар устида ишлашга ўргатиш уларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантириш ва ўстириш орқали таълим-тарбия беришни назарда тутади. Асар матнини таҳлил қилиш муаллиф фикрини, ҳиссиёти ва хулосаларини тушунишга ёрдам беради, асарда ифода этилган воқеаларга муносабат уйғотади. Асар таҳлили ўқитувчидан ўқувчилар фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришни тақозо қилади.

*«Мактабда бадиий асарни таҳлил қилишдан асосий мақсад асарда ифодаланган ҳаётий воқеани ёритиш орқали ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига олиб кириш, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишга имконият яратишдан иборатдир. Ўқувчиларнинг ёзувчи олдинга сурган ғоя, муаммоларни тўлиқ*

*тушунишларига эришмай туриб, адабиётнинг ёшларни тарбиялашдаги вазифасини амалга ошириб бўлмайди»*[2].

Ўқувчи асарнинг мазмуни билан уни мутолаа қилиш пайтида танишса, таҳлил қилишда унинг поэтик воситаларига мурожаат қилади. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешласа, таҳлил асар замиридаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Ўқитувчи бадиий асар устида ишлашда қуйидаги масалаларни ҳал қилиши лозим:

1. Асар устида ишлашнинг мақсад ва мазмунини аниқлаб олиши.
2. Асарни таҳлил қилиш учун дарс босқичларини белгилаб олиши.
3. Ҳар бир асар таҳлили учун топшириқлар тизимини ишлаб чиқиши.
4. Асарни қандай методлар асосида ўрганишни аниқлаши.
5. Ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалар доирасини белгилаб олиши.

Бошланғич синфларда бадиий асар устида ишлаш уч асосий босқичга бўлинади:

**Биринчи босқич** *(биринчи синтез).* Бу босқичнинг асосий вазифаси матнни яхлит идрок этиш асосида асарнинг аниқ мазмуни ва тасвирий ифода воситалари билан таништириш дан иборат.

**Иккинчи босқич** *(анализ).* Бу босқичнинг вазифаси ва иш мазмуни воқеалар ривожининг боғланишини белгилаш, иштирок этувчи шахсларнинг хулқ-атвори ва уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш (нега шундай қилди ва бу унинг қандай хусусиятини очади), асар композистиясини очиш (тугун, кульминастион нуқта, ечим), асарнинг аниқ мазмунини тасвирий воситалар билан бирга таҳлил қилиш ва қаҳрамонлар хулқ-атворини баҳолаш (муаллиф нимани тасвирлагани, қандай тасвирлагани, нима учун у ёки бу далилни танлагани)дан иборат.

**Учинчи босқич** *(иккинчи синтез).* Бу босқичнинг иш мазмуни иштирок этувчи шахсларнинг муҳим хусусиятларини умумлаштириш, қаҳрамонларни таққослаш ва баҳолаш, асарнинг ғоясини аниқлаш, бадиий асарни ҳаётни билиш манбаи ва санъат асари сифатида баҳолаш (қандай маълумотларга эга бўлдик, асар нимага ўргатади, муаллиф ўз фикри ва таассуротларини қандай қилиб аниқ, равшан ва таъсирли тарзда етказади ва ҳоказо)дан иборатдир.

## Бадиий асарни ўқишга тайёргарлик

Асарни ўқишга киришишдан олдин ўқувчиларни бадиий асарни ўқишга тайёрлаш лозим бўлади. Чунки ўқувчилар асар мазмунини тўғри идрок этишлари учун ҳаёт ҳақида маълум тасаввурга эга бўлишлари зарур. Бунинг учун тайёргарлик ишлари ўтказилади. Тайёргарлик ишларининг вазифалари қуйидагилар:

1. Ўқувчиларнинг асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, матнни онгли идрок қилишга таъсир этадиган янги маълумотлар бериш, бадиий асарда тасвирланган далилларни ўқувчиларнинг ўз ҳаётида кузатганлари билан боғлай олишларига шароит яратиш.
2. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига қизиқиш уйғотиш.
3. Ўқувчиларни асарни ҳиссий идрок этишга тайёрлаш.
4. Асар мазмунини тушунишга халал берадиган сўзларнинг луғавий маъноларини тушунтиришдан иборат.

Тайёргарлик ишларининг шакллари хилма-хил бўлиб, ўқитувчи асар мазмуни ва шароитга қараб иш турини танлайди. Тайёргарлик даврида нималар ҳақида маълумот бериш мақсад қилинган бўлса, аввало ўқувчиларнинг ўзларидан улар ҳақида билганлари сўраб аниқланади.Масалан, ”Китобга ихлос” асарини ўқишга тайёргарликда ўқувчиларнинг дастлабки билимлари қуйидагича аниқланади:

Ўқитувчи: Бугун биз Ватанимизнинг ўтмишига саёҳат қиламиз. Саёҳатимиз ухоро шаҳрига бўлади. Саёҳатчилар икки гуруҳга бўлинади. Бухоро дарвозалари очилиши учун бир неча тилсимларни ечишимиз зарур. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўзига берилган савол-топшириқларни бажариб, шоҳсупага кўтарилиши зарур.

1- гуруҳ учун савол-топшириқлар:

1.Тарихда яшаган буюк олимлар, шоирлар, ёзувчилар, саркардалардан кимларни биласиз?
2. Бухорода қайси буюк шахслар яшаган?
3. Бухородаги тарихий бинолар, жойлар номини айтинг.

---

[2] Зуннунов А. ва бош°. «Адабиёт ¢°итиш методикаси» - Т.: ¡°итувчи, 1992, 160 - бет.

2- гуруҳ учун ҳам шу тарздаги савол- топшириқлар берилади ёки ҳар икала гуруҳ учун шу савол- топшириқлар берилиб, ”Ким олдин шаҳсупага етиб боради?” шарти қўйилади.

Доскага буюк шахслар портрети, тарихий жойлар тасвирланган расмлар илиб қўйилади.

***Экскурсия.*** Бу иш туридан табиат тасвирига бағишланган ёки ишлаб чиқариш, қурилиш, шаҳар, қишлоқ ҳаётига, касбга доир мавзулар ва тархий асарлар ўрганилганда фойдаланиш мумкин. Чунончи, 1-синфда “Иссиқхонада”, 2-синфда “Метрополитен” каби мавзуларни ўрганишдан олдин экскурсия қилиш мақсадга мувофиқ.Экскурсия ўқувчиларнинг асарда ифода этилган ҳодисаларни аниқ ва онгли ўзлаштиришларига ёрдам беради, билимларини чуқурлаштиради, табиат ҳодисаларини кузатиш ва уларни аниқ тасвирлаш кўникмаларини шакллантиради.

Экскурсия болаларда табиатга меҳр уйғотади, уни севиш ва табиат эҳсонларини асраш ҳиссини тарбиялайди.

Ишлаб чиқариш корхоналарига, музей кабиларга экскурсиялар эса тарихий воқеаларнинг тўғри идрок этишларини таъмитнлайди; катталарнинг машаққатли меҳнати билан таништиради; ўқувчида меҳнатга муҳаббат уйғотади; касбга йўналтиради.

***Фильм намойиш қилиш.*** Тарихий материалларни, асар муаллифи ҳаётини ўрганишдан олдин фильм намойиш қилинса, ўқувчиларнинг асарни идрок қилишлари фаоллашади.Масалан, 1- синфда

2- синфда ”Гулзорда” ҳикоясини ўқишда ”Меҳробдан чаён” фильмидан парча кўрсатилиши,

3-4- синфда Ибн Сино ҳақидаги асарларни ўрганишда ”Улуғбек хазинаси”,Алишер Навоий ҳақидаги асарлар билан таништиришда Алишер Навоий фильми намойиш этилиши мумкин.

Кинофильм ва диафильмлардан ўқувчиларни асарни ўқишга тайёрлаш даврида фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг тасаввур қилишларига, тушунчаларини ойдинлаштиришга, онгли ўқиш ва эмостионал идрок этишларига ёрдам беради.Фильм намойишида туғилган айрим саволларига янги ўқийдиган асарларидан жавоб топадилар. Тайёргарлик ишларини бундай уюштириш ўқувчилоарнинг ўқишга бўлган қизиқишларини оширади.

Бошланғич синфда шоир, ёзувчиларнинг ўз тилидан ўқиган асарлари ёки улар ҳақида бошқалар айтган фикрларни магнит тасмасидан эшитттирилса ёки видео тасмадан кўрсатилиб, унга ўқитувчи ҳикояси қўшилса дарснинг самарадорлиги янада ошади. Масалан, 4- синфда Ўзбекистон Республикаси Давлат Матҳияси айтилгач, А.Ориповнинг ўзи айтган ”Ўзбекистон” шеъри қўйиб эшиттирилиши мумкин.

**Ўқитувчи ҳикояси**. Бу метод асар муаллифи ҳақида маълумот беришда энг самарали ҳисобланади.Асар муаллифи шоир ва ёзувчилар ҳақида сўзлаб берилаётганда уларнинг портретлари, болалар учун ёзган асарлари намойиш этилса, ўқувчиларнинг муаллиф ижодига қизиқишлари ортади. Ўқитувчи ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги маълумотларни ўқувчилар савиясига мос қилиб, ҳажонли қилиб ҳикояласа, ўқувчиларнинг бадиий асарни ўқишга ички истаги кучаяди, уларда китоб ўқишга муҳаббат ортади. Ёзувчи ҳақидаги маълумот 1- синфдан 4- синфга боргунга қадар кўпайтирилиб, чуқурлаштрилиб борилади.Асарни ўқишга тайёргарлик бевосита ўқувчиларнинг мустақил изланишлари асосида ҳам ташкил этилади. Масалан, ”Китобга ихлос” (4- синф) асарини ўқишга тайёргарликда ўқувчиларнинг ўтмишда яшаган тарихий шахслар ҳақидаги тушунчалари аниқлангач, ўқувчилар хаёлан саёҳатга олиб чиқилади.Ўқитувчи ўқувчиларни Бухородаги тарихий музейга таклиф этади. Музейда ўқувчилар Абу Али ибн Сино портретини кузатадилар, у ҳақдаги ёзувларни ўқийдилар (Музей учун синфнинг бирор томони ажратилади.)

| |
|---|
| Абу Али ибн Сино – маърифатпар аллома. |

| |
|---|
| Абу Али ибн Сино – буюк ҳаким |

| |
|---|
| Мен кечалари кам ухлар, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим.(Ибн Сино) |

| |
|---|
| Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ерда тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. (Ибн Сино) |

| |
|---|
| Ибн Сино дориворлар тайёлаш, юрак касаллиги, жарроҳлик ва бошқа соҳаларга доир 400 дан зиёд асар ёзган. |

Ўқувчиларни мустақил изланишга ўргатишнинг Яна бир усули ўқувчиларга олдиндан ёзувчи ёки асар ёзилган давр ҳақида китоблар, манбалар тавсия этилиб, улардан маълумотлар тўплатилади, альбомлар тайёрлатилади, сўнг ўқувчилар ўзлари аниқлаган маълумотларни ўқиб ойи сўзлаб берадилар.

Синфдан синфга кўчиш билан ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўқувчилар билими ортиб боради. Асар муаллифи билан таништиришга қўйилган талаблар ҳам кўпаяди. Ўқитувчи қисқа маълумот беришдан ёзувчи ҳаёти билан тўлиқроқ таништиришга ўтади. Бунда у кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёшига мос имкониятларни, улар ёзувчи билан қай даражада таниш эканлиги ва унинг асарларидан нималарни ўқиганлигини ҳисобга олади.

## Асар билан таништириш

Тайёргарлик давридан сўнг 1-босқич амалга оширилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси асар мазмунини билан таништиришдир. Бадиий асарни яхлит идрок этиш муҳим бўлгани учун мактаб тажрибасида асар устида ишлаш шу асар ёки унинг бир дарсда ўрганишга мўлжалланган қисми яхлит ўқиш усулида таништирилади.

Ҳикоя, масал, шеърнинг мазмунини тўғри идрок этиш, шунингдек, матннинг эмостионал таъсирини ошириш учун ифодали ўқиш катта аҳамиятга эга.

Асар матни билан таништиришнинг бир неча усуллари мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Матн **ўқитувчи томонидан** ифодали ўқиб берилади (баъзан асар матни магнитафон орқали ҳам эшиттирилиши мумкин). ўқувчилар матн мазмуни билан таништирилгач, ўқитувчи уларга бошлағич таассуротларини айтишни талаб қиладиган саволлар беради. Масалан, ***«Ҳикоянинг қайси ўрни сизга ёқди?», «Қаҳрамонлардан қайси бири сизга айниқса ёқди?», «Ҳикоя ўқилганда сиз қайси ўринда жуда хурсанд бўлдингиз?»*** каби ва ҳ. Кириш суҳбати, биринчидан, асарнинг ўқувчиларга қандай таъсир қилганини билиш, иккинчидан, болаларни асар матнини таҳлил қилишга қизиқтириш, дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадини кўзда тутади.

2.Яхши ўқийдиган ўқувчига ўқитиш. Ўқувчининг олдиндан ўқитувчи ўқиш йўллари билан таништиради ва унинг ўқишини ўзи кузатади, хато ва камчиликларини бартараф этади. Шундан сўг тайёрланган ўқувчи синф жамоасига ўқиб беради.

3. Оғзаки қайта ҳикоялаб – сўзлаб бериш. Бу ўқитувчидан алоҳида тайёргарликнинг талаб этади. Чунки асар матнига яқинлаштириб, бадиий воситаларини тўлиқ сақлаган ҳолда ҳикоялаш зарур, акс ҳолда ўқувчиларнинг бадиий асарни ўқишга бўлган қизиқиши сусаяди.

4. Ёддан ифодали айтиб бериш. Шеърий асарлар ёддан айтиб бериш орқали таништирилса, ўқувчи ўқитувчининг маҳоратини юқори баҳолайди. Ўзида ҳам ёд олишга қизиқиш пайдо бўлади.

5. Асарнинг муҳим диалогли ўринларини ёки бутун асарни саҳналаштириш орқали таништириш.

6. Асарнинг бир қисмини ( муаммоли ўрнига) ўқитувчи ўқиб беради. Қолган қисмини ўқувчилар ичда мустақил ўқийдилар.

8. Асар мусиқа садолари остида ўқиб берилиши ҳам мумкин. Бу асарнинг таъсирини кучайтиради , ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялайди, уларни толиқишдан сақлайди.

## Бадиий асар матни устида ишлаш

Бошланғич синфларда тўғри, тез, онгли ва ифодали ўқишга ўргатиш вазифаси ўқувчиларда асарни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш билан бирга амалга оширилади. Ўқиш малакаларини шакллантириш билан матн устида ишлашнинг ўзаро боғлиқлиги асарни таҳлил қилишга қандай ёндашишни белгилаб беради.

Бадиий асар устида ишлашнинг 2-босқичи асар таҳлилидир. Асарни таҳлил қилишнинг асосий йўналиши матннинг аниқ мазмуни (воқеалар ва унинг ривожланиши)ни, композистиясини, иштирок этувчи шахсларнинг ахлоқи ва характерли хусусиятларини, асарнинг ғоясини аниқлаш ҳисобланади.

Асарни таҳлил қилишнинг методик шартларидан бири асар мазмунини унинг тасвирий-ифодали воситалари билан боғлиқ ҳолда қарашдир. Яна бир асосий қоида асар устида ишлаш жараёнида таълим-тарбиявий вазифаларни умумий равишда амалга ошириш ҳисобланади. Бу

қоидалар асар устида ишлашнинг асосий йўналишини белгилайди, шунингдек, матнни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар бажарадиган топшириқларни ва муҳокама қилиш учун уларга бериладиган саволларнинг характерини аниқлаб олишга ёрдам беради

Асар таҳлили жараёнида матн устида ишлашнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

***Танлаб ўқиш.*** Бунда ўқувчи матннинг берилган вазифага мос қисмини ўқийди. Вазифа асарнинг мазмунини ойдинлаштириш, сабаб - натижа боғланишини белгилаш, бадиий хусусиятини очиш, ўқилган матнга ўз шахсий муносабатини ифодалашдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, 4 - синфда “Олтин куз” матнидан “Табиатдаги ўзгаришлар берилган қисмларни топиб ўқинг”, “Бақа ва тақа” эртагидаги “Тақачининг насиҳати берилган жойни топиш ўқинг” каби.

Танлаб ўқиш матн устида ишлашнинг энг самарали усулидир. Танлаб ўқишдан матн устида ишлашнинг барча босқичларида турли хил қийинчиликда, мураккабликда фойдаланилади. У ўқувчиларда яхши ўқиш сифатларини ўстириш билан бирга уларнинг ижодий тасаввури, нутқи ва зеҳнини ўстиришга ёрдам беради.

Энг оддий танлаб ўқиш асар мазмунини юзасидан бўлади. Масалан, 4- синфда ”Тошкентнома” (М.Шайхзода) асари юзасидан танлаб ўқиш учун қуйидаги топшириқлар берилади:

-Шеърдан ўзбек халқининг меҳмондўстлиги тасвирланган ўринни топиб ўқинг.

- Ёз фаслининг зўрлиги тасвирланган ўринни топиб ўқинг.

”Деҳқонбобо ва ўн уч болакай қиссаси” (А.Орипов) асари матни юзасидан қуйидаги топшириқ берилади:

- Матндан Деҳқонбобонинг Ватан ҳақидаги гапларини топиб ўқинг.

Танлаб ўқишнинг Яна ҳам мураккаброқ турлари матндан сабаб-натижа муносабати билан боғланган фактларни таққослашни, умумлаштиришни талаб қиладиган ўринларини топиб ўқиш ҳисобланади. Масалан, ”Харита” ҳикояси (Нормурод Норқобилов юзасидан топшириқлар:

- Синф раҳбари Расулни нима учун Самадга бириктириб қўйди? Шу ўринни топиб ўқинг.

-Самаднинг Расулдан аразлаш сабаби ифодаланган ўринни топиб ўқинг.

Бунда ўқувчи бирор қатнашуввчи шахс ўзини қандай тутишини, нима учун у шундай тутишини тасдиқлаш учун матндан материал танлаб ўқийди.

Танлаб ўқиш онгли ва ифодали ўқиш малакасини шакллантиришни матн устида ишлаш кўникмасини шакллантириш билан бирга қўшиб олиб боришга, болаларнинг ижодий тасаввурини, нутқи ва зеҳнини ўстиришга имкон беради, шунинг учун ундан ўқиш дарсларида кенг фойдаланилади. Танлаб ўқиш матн режасини тузишда ( матн қисмига унинг мазмунини ифодалайдиган гапни, яъни режа қисмини топишда) қаҳрамонга тавсиф бериш (* матндан қаҳрамоннинг муайян бир хусусиятини , ҳаракатини тавсифловчи материаллар танлоаш) да , асар ғоясини аниқлаш ( ғояни англатган ўринни топиб ўқиш) да татбиқ этилади.

***Ўқувчиларнинг берилган савол ва топшириқларга ўз сўзлари билан жавоб бериши.*** Машқнинг бу тури ўқувчиларда ўқилганлар юзасидан муҳокама юритиш кўникмасини ўстиришга, асарда қатнашувчи қаҳрамонларни баҳолашга, муаллиф тасвирлаган ҳаётий лавҳалар билан асар ғояси ўртасидаги боғланишни аниқлашга имкон беради. Ишнинг бу турида бериладиган саволлар маълум мақсадга йўналтирилган ва муайян изчилликда бўлиши ,ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга ундаши лозим. Бошланғич синф ўқиш дарсларида саволва топшириқлар қайси мақсадга йўналтирилганига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

1.Асар мазмунини ўзлаштириш ва қайта ҳикоялашга доир савол- топшириқлар.

2. Асар тилини ўрганиш ва ўзлаштиришга доир савол-топшириқлар.

Сабаб-натижа тарзидаги саволлардан ҳам фойдаланилади. Агар ўқитувчи асар ғоясини тушунишда ўқувчиларга ёрдам беришни кўзда тутса, савол сабаб-натижа тарзида бўлади. Анвар Обиджоннинг ”Одобли бўлиш осонми?” эртаги (4- синф) ғояси ўқувчиларни саломлашиш одоби билан таништириш, уларда муомала маданиятини тарбиялашдир. Эртакдаги асосий фикрни аниқлаш учун ўқитувчи ”Анвар Обиджон айтмоқчи бўлган салом бериш мавридларини ўз сўзингиз билан айтиб беринг.” ,”Нима учун эчки сичқонга насиҳат қилди?”, ”Тошбақанинг сичқонча ҳақидаги фикрини гапириб Беринг” каби савол-топшириқлардан фойдаланилади.

Савол-топшириқлар устида жамоа, жуфт ва якка тартибда ишланади.

Бошланғич синфларда савол-топшириқларга жавоб бериш иш турига катта ўрин берилган. Ўқитувчининг вазифаси ана шу савол-топшириқлар устида ишлаш усулларини олдиндан белгилаб олишдир. Ижодий характердаги саволлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. 4-синф

«Ўқиш» китобидан ўрин олган «Қодир билан Собир» матни юзасидан ўқувчиларни ўз фикрини айтишга ундовчи «Собир ўқишдан кечикиш сабабини очиқ айтиб тўғри қилдими?», «Унинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз?» каби саволлар ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини, оғзаки нутқини ўстиради ва матнни яхши ўзлаштиришларига ёрдам беради.

***Ўқувчиларни савол беришга ўргатиш.*** Ўқувчиларни савол беришга ўргатиш матн устида ишлашда яхши натижа беради. Методист олимларнинг фикрича, тўғри берилган саволда ярим жавоб тайёр бўлади. Ўқувчилар уни онгли ўзлаштира олсаларгина матн юзасидан савол бера оладилар. Ўқувчиларга савол беришни ўргатишни 2-синфдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни онгли равишда савол тузишга ўргатиш учун ўқитувчи матнга ўзи тузган ёки «Ўқиш китоби»да берилган саволларни таҳлил қилади. Таҳлил учун «Нега у ёки бу савол қўйилган? Унда Ким ёки нима ҳақида гап боради. Савол кўпроқ қайси сўзлар билан бошланади? « каби саволларни ишлатади ва матндан фойдаланган ҳолда бу саволларга жавоб беришни ўргатади. Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини матнга савол тузиш йўлига қаратади ва савол тузишдан олдин матнни диққат билан ўқиш, қатнашувчи шахсларни кўрсатиш, савол тузиладиган қисмни ажратиш кераклигини тушунтиради. Савол тузишга ўргатишнинг бошланғич босқичи бу машқ жамоа бўлиб бажарилади ва таълимий характерда бўлади; бунинг учун қулайроқ савол ажратилиб, нима учун у қизиқарли экани ёки, аксинча, ноқулай бўлса нима учун ноқулайлиги тушунтирилади. Масалан, 3- синфда”Аҳиллик улуғ бахт” эртагида ”Одамларнинг чолнинг болалари ҳақидаги фикри юзасидан савол тузинг (Одамлар ақлли чолнинг болалари ҳақида нима дейишди?) 4- синфда ”Қовун сайли” (Ш.Саъдулла) ҳикояси юзасидан савол тузиш топшириғи қуйидагича берилади:

-Ҳикоянинг биринчи хатбошини ўқинг ва шу қисм юзасидан савол тузинг.

-ҲИКОЯНИНГ 1 ХАТБОШИСИДА қЎЛЛАНГАН СўЗЛАРНИНГ МАЪНОСИНИ ИЗОхЛАШ БўЙИЧА САВОЛ-ТОПШИРИқЛАР ТУЗИНГ.(Бежирим, сертор, сўзларининг маъносини изоҳланг.)

-Ҳикоя қаҳрамонлари юзасидан саволлар тузинг каби.

Кейинчалик муҳокама ва ижодий саволлар беришни ҳам ўзлаштириб оладилар.

***Матнни тасвирлаш.*** Матнни 2 хил тасвирлаш мумкин: 1) сўз билан тасвирлаш; 2) график тасвирлаш.

Сўз билан тасвирлаш ўзига хос мураккаб иш тури бўлиб, унда манзарани сўз ёрдамида аниқ қайта тиклаш талаб этилади. Бунда сўзларни аниқ танлашга эътибор қаратилади. Турли табиат манзараларини, қатнашувчи кишиларнинг ташқи кўринишини, воқеа содир бўлган жойларни тасвирлаш топшириқ қилиб берилиши мумкин.

Матнни сўз билан тасвирлашга ўргатишни дарсликда берилган расмни матндаги шу расмга мос қисм билан таққослаб тасвирлашдан бошлаш керак.

Сўз билан тасвирлаш бос қичма-босқич, махсус тайёргарликдан сўнг амалга оширилади:

1. Матндан манзара, вазият ёки қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши тасвирланган ўринлар аниқланади.

2. Нисбий тугалланган ўринлар ажратилади.

3. Тасвирлашга лексик-услубий тайёргарлик кўрилади, яъниёзувчи, шоир қўллаган луғавий бирликларга ўқувчилар диққати тортиладива улар таҳлил қилинади. Тасвирлашда сўзни аниқ танлашга ёрдам беради.

4. Сўз билан тасвирлашга ўргатишнинг дастлабки пайтида доскага фойдаланиладиган сўзлар ёзиб қўйилиши зарур. Сўз билан тасвирлаш қайта ҳикоялашга айланиб аслиги лозим.

График тасвирлаш кўпроқ уйда бажарилади. Бунинг учун ўқувчилар тасвирланадиган матн қисмини ажратадилар, уни диққат билан ўқиб чиқадилар, мазмунини ўзлаштирадилар ва унга мос расм чизадилар.Бунда ўқувчи Лар билан қандай ранглардан фойдаланиш, ранглар ифодалайдиган маънолар бўйича суҳбат ўтказилади. Расмлар кўргазмаси ташкил этиладли. Ҳар бир расм муаллифи ўзи чизган ранг тасвирини изоҳлаб беради. Компьютерлаштирилган синфлар график тасвирлашда синфда бажартирилиши мумкин. Бунда ўқувчиларнинг ижодий ёндашувларига имкон берилади.

Ўқувчилар асар воқеалари ривожини серияли расмлар асосида муайян изчилликда тасвирлашлари ҳам, ҳар бир расм серияси остида шу қисмда ифода этилган муҳим фикрларни ёзиб қўйишлари ҳам мумкин. Булар асар матнини тўлиқ , қайта ҳикоялаш , шунингдек, ўқилган ҳикоя,мақоланинг режасини тузиш, матн мазмунини, унинг тасвирий воситаларини билиб олишга ёрдам беради.

***<u>Асар режасини тузиш</u>.*** Режа матн мазмунини онгли ва чуқур тушунишда, асосий фикрни ажратишда, воқеаларнинг изчиллигини белгилашда, матн қисмларининг ўзаро боғланишини тушунишда ўқувчиларга ёрдам беради. Режа устида ишлаш ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўстиради. Улар матнни мазмунан тугалланган қисмларга бўлишга ва ҳар бир қисмнинг асосини топишга уларга қисқа ва аниқ сарлавҳа топишга, уни режа қисми сифатида шакллантиришга ўрганадилар.

Режа тузишга тайёргарлик ишлари савод ўргатиш давридаёқ бошланади. Тайёргарлик машқининг энг оддий тури берилган сарлавҳалардан кичик матн мазмунига мосини топиб қўйиш ҳисобланади. Бундай машққа ўргатишда ўқитувчи сарлавҳа асосий фикрни ифодалашини таъкидлайди, болалар топган сарлавҳани таҳлил қилиб, у ёки бу сарлавҳа нима учун мос ёки мос эмаслигини тушунтиради. Режа тузишга тайёргарлик ишининг 2-тури ўқитувчи раҳбарлигида танлаб ўқиш ҳисобланади, болалар матндан ўқитувчи берган саволга жавоб бўладиган ўринни топиб ўқийдилар.

Режа тузиш «оддийдан мураккабга» тамойили асосида аста-секин мураккаблаштирилиб, муайян изчилликда ўтказиб борилади. Ўқувчилар 1-синфда ўқилган кичик матнга ўқитувчи раҳбарлигида сўроқ гап тарзида сарлавҳа танлашлари, 2-синфда кичик мақоланинг режасини ўқитувчи раҳбарлигида сўроқ ёки дарак гап тарзида тузишлари, 3-синфда ўқилган матн режасини жамоа бўлиб тузишлари, 4-синфда мустақил режа туза олишлари керак.

Режанинг энг оддий шакли расмли режа ҳисобланади. Бунинг учун аввал болалар китобда берилган расмлардан матн қисмига мосини танлашга ва уни номлашга ўргатилади, кейин матн қисмига тайёр расм берилмайди, уни болаларнинг ўзлари сўз билан тасвирлайдилар. Ҳикоя ўқилади ва қисмлари бўйича таҳлил қилинади, сўнг ўқувчилар матннинг 1-қисмини ўқийдилар, ўқитувчи улардан қандай расм чизиш мумкинлигини сўрайди. Қолган қисмлари устида ҳам ишлар шу тарзда ишланади.Ўқувчилар чизган расмларига ном (сарлавҳа) қўядилар. Улар қўйган ном сарлавҳа доскага режа қисми тарзида ёзиб берилади.

Ўқувчилар расмли режа тузишдан логик режа тузишга ўтадилар, логик режа тузиш қуйидаги изчилликда ўргатилади:

1. Ўқитувчи қисмларга бўлинган матнга танлаб режа тузади ва матн режасининг ўрнини алмаштириб, сарлавҳа тарзида хаттахтанинг чап томонига ёзиб қўяди. Ўқувчилар матннинг 1-қисмини ўқийдилар, шу қисм мазмунига мос сарлавҳани топадилар, уни ўқитувчи хаттахтанинг ўнг томонига ёзади. Ана шу тарзда хаттахтада ўқилган матннинг режаси ҳосил бўлади.

2. Матн қисмларини таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ҳар бир қисмдаги асосий ғояни аниқлайдилар ва унга сарлавҳа топадилар, ўқитувчи сарлавҳаларни режа тарзида хаттахтага ёзиб боради.

3. Қисмларга бўлинмаган матн танланади, сарлавҳалар матн режаси тартибида доскага ёзилади. Ўқувчиларга берилган сарлавҳалардан фойдаланиб, матнни қисмларга бўлиш топширилади. Улар матнни ўқишади ва сарлавҳаларга тегишли қисмни ажратадилар.

4. Қисмларга бўлинмаган матн танланади, сарлавҳалар аралаш тарзда хаттахтага ёзилади. Ўқувчиларга юқоридагидай қисмларга бўлиш топширилади. Ўқувчилар матнни ўқиб, нисбий тугалланган қисмни ажратадилар ва унга мос сарлавҳани хаттахтадан танлайдилар. Иш шу тарзда давом эттирилиб, матн режаси тузилади.

Ўқувчиларда режа тузиш кўникмаси ҳосил бўлгач,улар матнни мустақил равишда қисмларга бўладилар.( 3-4- синф) Ҳар бир қисмга режа тузадилар. Режани 3-4- синфларда дарак ва атов гап тарзида шакллантириладилар. Режада ҳар бир қисми бир турдаги гаплар шаклида бўлиши лозим.

Ҳозир мактаб тажрибасида изоҳли ўқиш, ижодий ўқиш, адабий ўқиш усулидан, муаммоли ўқитиш методларидан, илғор педагогик технология методларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, ***А. Қодирийнинг «Чин дўст»*** ҳикоясини ўрганишда изоҳли ўқиш методидан фойдаланиш мумкин. Чунки бу асар матнида ўқувчиларга луғавий маъноси тушунарсиз бўлган сўзлар учрайди. Масалан, ҳикоядаги ***сабоқдош, мирзабоши, ҳаволанмас, асранди, ғарқ, ҳолда, маҳдум, марсия, хун, ҳамнишин, дилдор, нотавон, ғурбат*** каби сўзлар изоҳ талаб этади.

Методик адабиётларда бадиий асар матнини таҳлил қилишнинг уч усули: бадиий асарни ёзувчига эргашиб яхлит ўрганиш; образлар воситасида ўрганиш, мавзули - муаммоли ўрганиш алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Бошланғич синфларда, асосан, текстуал таҳлилдан фойдаланилади, яъни, ўқитувчи асарни таҳлил қилишда асар матнига асосланади. Уни ўзгартирмаган ҳолда ундаги маънони, жозибани ўқувчиларга етказиб беради.

Бошланғич синфларда муаммоли таҳлил усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ***«Бобур ва Ҳумоюн»*** ҳикоясини ўрганишда ўқувчиларга *«Бобурнинг айтган гаплари ўринлими?», «Ҳикоядагидай ҳолат содир бўлиши мумкинми?»* каби муаммоли саволлар бериш ўринли бўлади. Ўқувчилар асарни ичда ўқийдилар, жамоа бўлиб фикр алмашадилар, баҳслашадилар. Баҳс давомида ўқувчилар маънавий оламида ҳам, ақлий дунёсида ҳам муайян ўзгаришлар, ривожланишлар содир бўлади. Асар таҳлилида қўлланадиган танлаб ўқиш, унга муносабат билдириш, муносабатларнинг турли хилда бўлиши ҳам мунозарани келтириб чиқаради. Мунозарали ўрин муаммони юзага келтиради. Энди ўқув жараёни олдида муаммони тўғри ҳал этиш вазифаси туради.

Шундай қилиб, бошланғич синфларда ҳам бадиий асар матнини таҳлил қилишда, умуман, бадиий асарларни ўрганишда ўқувчи шахсига кучли таъсир қилувчи, уларнинг савиясига мос, билимларнинг ўзлаштирилишини таъминловчи метод ва усуллардан, таҳлил турларидан фойдаланиш мумкин.

***Савол ва топшириқ лар***

1. Бошланғич синф она тили дастури («Ўқиш» бўлими) ва ўқиш дарсликларида берилган ўқиш мавзуларини аниқланг. Уларга муносабатингизни билдиринг.

2. Бадиий асар устида ишлашнинг шематик режасини тузинг ва уни асосланг, бадиий асар устида ишлашнинг ҳар бир босқичи олдидаги вазифани айтинг.

3. 1 - 4 - синф «Ўқиш» китобида берилган топшириқларни гуруҳланг.

4. Ўқитувчилар учун нашр этилган ***«Биринчи синфда ўқиш дарслари», «Иккинчи синфда ўқиш дарслари», «Учинчи синфда ўқиш дарслари», «Тўртинчи синфда ўқиш дарслари»*** методик қўлланмаларида мавзуларни режалаштиришда нималар ҳисобга олинганини аниқланг.

5. Матн устида ишлаш юзасидан 1-4-синф ўқувчиларининг билимига қўйилган дастур талабларини таҳлил қилинг.

5. «Ўқиш дарсларида ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш», «Ўқиш дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш» мавзусида қисқача ахборот тайёрланг.

**Адабий тушунчалар устида ишлаш**

Умумий ўрта таълимнинг биринчи босқичи бўлган Х-ХV синфлар дастурида ўқувчиларда китобхонлик маданияти ва нутқини ўстиришга алоҳида эътибор берилади, бадиий асар билан ишлаш кўникмасини тарбиялаш ва ўстириш назарда тутилади. Дастурда бадиий асарни тўғри, тез ва ифодали ўқиш кўникмасини тарбиялаш ва ривожлантириш йўли билан ўқувчиларда асар устида мустақил ишлаш ва уни ўқиш малакасини ўстириш асосий вазифа қилиб қўйилади. Бу синфларда ўқувчилар бадиий ва илмий-оммабоп асарлар мазмунини тўлиқ тушунишга одатланадилар, яъни асарнинг таъсирчанлигини, образлилигини ҳис эта бошлайдилар. Шу асосда уларда ахлоқий, эстетик, образли таассурот таркиб топади.

Бошланғич синфларда ўқувчилар эртак, ҳикоя, масал, шеър, мақол, топишмоқ, илмий-оммабоп асарлар ва достонлардан парчалар ўқиш орқали уларда ифодаланган воқеа-ҳодисалар, образлар ва уларнинг хулқ-атвори билан танишадилар, ўқиган асарларига баҳо беришни ўрганадилар; уларда асарнинг тили, услуби, ёзувчи қўллаган тасвир ва ифода воситалари ҳақида дастлабки адабий тушунчалар шакллана бошлайди.

Ўқувчилар асар мазмунини ўзлаштириш билан бирга унда баён этилган асосий фикрни аниқлаб олишга, фикрлар ўртасидаги боғланишни белгилашга ўрганадилар. Бадиий асарни ўқиш билан болаларда ўзларини ўраб турган муҳит, Ватан ва унинг табиати, кишилар меҳнати ҳақида ҳам тасаввур ҳосил бўлади.

Ўқиш дарслари ўқувчиларда бадиий асарларнинг бир-биридан фарқини ажрата олиш, ёзувчининг ҳаётий воқеаларни қандай бадиий воситалар орқали акс эттиргани ва қандай образлар яратганини аниқлай олиш, мустақил ўқиш ва асарни таҳлил қилиш малакасини ҳосил қилади. Ўқувчилар адабий маълумотларни ўзлаштириш орқали бадиий асарнинг мазмуни, ғояси ва аҳамиятини англаб ола бошлайдилар.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда, юқоридагилар билан бирга, адабий тушунчаларни шакллантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Ўқувчилар адабий тушунчаларни ўрганиш натижасида бадиий адабиёт санъатнинг бир тури эканлиги, унинг ҳаёт билан алоқадорлигини билиб оладилар.

Асар таҳлилида ўқувчиларнинг ҳаётий таассуротлари ва асарни ўрганиш натижасида уларда пайдо бўлган эстетик ҳис-туйғулар ҳисобга олинади. Акс ҳолда, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши сусая боради.

Мактабда болалар адабиётини ўқитишда аниқ маълумотларга, бадиий асарни ўрганиш натижасида ўқувчиларда туғиладиган ҳис-туйғуларга суяниб иш кўрилади. Бу эса ўқувчиларда асар муаллифи, образ, ғоя, адабий тур, сюжет каби адабий тушунчаларни элементар тарзда шакллантиришга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда асар таҳлилида бадиий тил воситалари - сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш, муболаға ва адабий жанр турлари - эртак, ҳикоя, масал, шеър, достон, мақол, топишмоқ кабилар билан амалий равишда таништирилади.

Бадиий асарда ғоявий мазмун образлар орқали ифодаланади. Образлар эса сўзлар ёрдамида яратилади. Сўз адабиётда бадиий образни яратиш қуролидир. Асарнинг бадиий ифодалилиги ёзувчининг ундан қай даражада фойдаланганлигига боғлиқ.

Асарда тасвирланган ҳаётий воқеа-ҳодисаларни образли акс эттиришда бадиий тил асосий воситадир. Шунинг учун ҳам бадиий асар юзасидан олиб бориладиган кузатиш ишлари ҳар бир образни, умуман бадиий асар мазмунини очишда катта аҳамиятга эга.

Бошланғич синфларда бадиий асар тилини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда ўз она тилига муҳаббат ҳисси, бадиий асарни онгли ўқиш кўникмаси ўстирилади, асар ғоясини чуқур идрок этишга замин ҳозирланади, ўқувчилар нутқи ривожлантирилади.

Халқ оғзаки ижодида эртак жанрининг болалар томонидан яхши қабул қилиниб, қизиқиб ўқилишининг сабабларидан бири эртак тилининг таъсирчанлиги, ўткир сюжетлилиги ва халқ тилига яқинлигидир. Эртак ўқиб бўлингач, унинг бадиий тили устида ишлашга алоҳида аҳамият бериш зарур.

2-синф «Ўқиш китоби»да келтирилган ***«Карнайчи шоҳ»*** эртагида *«ёв қора булутдай ёпирилиб келаётган экан»,* ***«Куйчи терак»*** эртагида *«Теракнинг шохлари худди сурнай чалгандек овоз чиқариб, япроқлари эса шилдираб рақсга тушар экан», «Тўрғайлар қўшиқ айтиб, уларга жўр бўлар эканлар», «Оҳ, деб нола қилибди терак», «Устун уларнинг нағмаларига жўр бўлиб, шўх-шўх куй чалибди»* каби бадиий воситалар ёрдамида тасвирланган манзаралар жуда кўп. Улар устида ишлаш ўқувчи нутқини ўстириш билан бирга уларни фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ўргатади.

Эртакларда ўхшатишлар, жонлантириш ва муболағалардан фойдаланилган. Ўқувчиларга уларни изоҳлаб бериш, кейинчалик матндан топтириш, қайта ҳикоялашда улардан нутқларида фойдаланишга ўргатиш зарур.

Асар ўқиб бўлингач, бадиий тил воситалари устида ишланади. Чунки уларнинг маъноси контекстдан, асар мазмунидан англашилади. Айниқса, масалларда аллегорияни очишда кўчма маъноли сўзлардан кўп фойдаланилади. Улар болаларга масал мазмунини тушунишга халал бергани учун айрим кўчма маънода ишлатилган сўзлар асарни ўқишдан олдин тушунтирилади.

3-синф «Ўқиш китоби» дан ўрин олган ***«Аямажиз»*** *(Қудрат Ҳикмат)* шеърида *«Бўралар <u>қор капалак</u>», «Боғлар сокин <u>мизғишар</u>, <u>Мисоли оқ капалак</u>», «Муз ойналар совуқ еб»* мисраларида ўхшатиш, жонлантириш; *«Сахий она табиат», «қучоғида ҳаво соф»* мисраларида метафора; *«Аямажиз изғийди, Кўчаларда тутоқиб, Шох-шаббани тортқилар, Ялмоғиздек ютоқиб»* каби мисраларда жонлантириш ва ўхшатишлар қўлланган. Булар устида ишлаганда қуйидагича савол-топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

*1. Шоир қорни нимага ўхшатади?* (оқ капалакка).

*2. Аямажизни нимага ўхшатади?* (Ялмоғизга).

*3. «Муз ойналар совуқ еб» мисрасини қандай тушунасиз? Ойна совуқ қотадими?*

Ушбу дарсликнинг ***«Кумуш қиш»*** бўлимида *«Қиш»* матни берилган. Ушбу матнда ҳам кўплаб жонлантиришлар қўлланган. Масалан, *«ҳамма ёқда совуқ изғирин <u>кезади</u>», «<u>Инграр</u> оғриқ каби қари тол, ойналарни <u>безар</u> қиш - <u>гулкор</u>», «Дарахт куртаклари роҳатланиб ухламоқда», «ҳозир уруғлар тинч <u>уйқуда</u>»* каби. Матн таҳлилида *«Матннинг биринчи қисмини ўқинг. Унда қайси сўз ўз маъносидан бошқа маънода қўлланган?» ёки «Матннинг иккинчи қисмида жонсиз нарсалар жонлидек тасвирланган ўринларни топиб ўқинг. Бошқа маънода қўлланган сўзларни ўз маъносида қўллаб гап тузинг. Бу сўзлар қандай маънода қўлланганда таъсирчан бўлади?»* каби савол-топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Мақол жанрида ҳам кўчма маъноли сўзлар кўп қўлланади. Мисол учун «*Юрт <u>бошига</u> иш тушса, Эр йигит ҳозир*» мақолида ***<u>бошига</u>*** сўзи метафора йўли билан маъноси кўчган, ўқувчиларга унинг маъноси қандай усул билан кўчганлиги айтилмайди, фақат бошқа маънода қўлланганлиги ўз маъноси билан таққосланган ҳолда ўкувчиларга ўргатилади.

Тарихий асарларда ҳам таъсирчан, тасвирий-бўёқдор сўзлар кўп учрайди. Жумладан, ***«Бобур ва кабутар»*** асарида *<u>ҳазрат</u>, <u>аъёнлар</u>, <u>олий ҳазрат</u>* сўзлари қўлланган. Асар матнида қадимий давр билан боғлиқ қўшимчаларнинг қўлланилиши ҳам асарга жозиба бағишлайди. Масалан:

*«Кабутар не дейдур?»* каби. Мазкур асарда иккинчи шахс қўшимчаси ўрнида ҳурмат маъносидаги учинчи шахс қўшимчаси қўлланган: «Хатда: *Олий ҳазрат, қовун айни пишди. Келиб қўл уриб берсалар».* Шу ўриндаги *«қўл уриб берсалар»* бирикмаси ибора ҳисобланади. Иборалар доим кўчма маъно ифодалаб, нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Матндан иборалар аниқлангач, маъносини изоҳлашдан ташқари, уларга маънодош ёки қарама-қарши маъноли ибораларни топшириш ҳам яхши самара беради.

Топишмоқларда ҳам жонлантириш ва ўхшатишлар жуда кўп. Масалан: *«Аёз бобо новвот сотди, Олган эдим, қўлим қотди»* топишмоғида ўхшатиш, *«Чиқ-чиқ» ишлаб толмайди, тунда ухлаб қолмайди»* топишмоғида жонлантириш қўлланган.

***«Чумоли ва Типратикан», «Ўжар тошбақа»*** масалларида ҳам бадиий тил воситалари мавжуд. Хусусан, уларда *«Ўғирлик мол айлар жонсарак», «Бола кўнглин кўтарар», «Косанг жонингга ҳузур», «Сенга қалқон усти-бош», «Парча гўшт бўлиб юрар», «Жиш Тошбақа»* каби ибора, бирикма ва гаплар учрайдики, улар устида ишлашда *«Бундай мажоролар қачон ва кимлар орасида бўлиб ўтиши мумкин? Уларга ҳаётдан мисоллар келтиринг»* каби топшириқлар бериш, улардаги маънони бошқача йўсинда баён эттириш, ўзаро таққослаш, таъсирчанлигидаги фарқни аниқлатиш катта таълимий аҳамият касб этади. Масалан: *«Бола кўнглин кўтарар»* - Боласига яхши гаплар гапирар; *«Косанг жонингга ҳузур»* - Косанг жонингни, соғлиғингни асрайди» каби.

Бошланғич синфларда адабий тушунчалар ва бадиий воситалар устида ишлаш ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстиришга, уларда жонлантириш, ўхшатиш, муболаға каби адабий тушунчалар юзасидан дастлабки тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

**Савол ва топшириқлар**

*1. Бадиий тил воситаларига мисоллар келтиринг.*

*2. Шеър жанрига хос асарни таҳлил қилишда қандай адабий тушунчалардан фойдаланилади?*

*3. «Ўқиш китоби» да берилган табиат манзараси тасвирланган биронта матн таҳлилини ишлаб чиқинг.*

*4. Эртакни ўрганишда қандай адабий тушунчалар устида ишланади?*

*5. Мақол, топишмоқ жанрига хос матнларни ўрганиб чиқинг ва уларда қўлланган бадиий тил воситаларини аниқланг. Бу жанрлар устида ишлаш бўйича савол-топшириқлар тузинг.*

## УКИШ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ АСАРЛАРНИ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА КУРА УРГАНИШ

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида гарчи илмий жиҳатдан бўлмаса-да, амалий жиҳатдан турли жанрга мансуб асарлар ўқиб ўрганилади. Ўқиш дарсликларга, асосан, ҳикоя, шеър, эртак, масал, мақол, достон, ривоят ва топишмоқ каби жанрдаги асарлар киритилган. Булардан ташқари, илмий-оммабоп асарлар ҳам ўқитилади.

Турли жанрдаги бадиий асарлар қурилиши, услуби жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг ўқувчиларга таъсири ҳам ҳар хил бўлади. Табиийки, ҳар бир жанрга оид асар матни лингвистик жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, шеърий асарлар матни ҳикоя матнидан, эртак матни шеър матнидан, илмий-оммабоп мақола матни масал жанрига таалуқли асарлар матнидан тубдан фарқ қилади. Топишмоқ предмет, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликни таққослаш орқали ўзлаштирилса, мақоллар мазмуни ҳаётий мисоллар воситасида шарҳлашни тақозо этади. Шунга кўра, турли жанрдаги бадиий асарларни ўқишда ўқитувчидан унга мос усуллар танлаш талаб этилади.

### ЭРТАКНИ ЎҚИШ МЕТОДИКАСИ

Халқ оғзаки ижодида эртак жанрининг болалар томонидан яхши қабул қилиниб, қизиқиб ўқилишининг сабабларидан бири эртак тилининг таъсирчанлиги, ўткирлиги, маънодорлиги ва

халқ тилига яқинлигидир. Эртакларнинг кўпчилигида реал ҳаёт тасвири саргузашт элементлар билан қўшилиб кетади.

Эртакнинг ўткир мароқли сюжети, воқеа ривожидаги фавқулодда ажойиб вазият болаларни мафтун қилади, ундаги мард, кучли, топқир, довюрак, чаққон қаҳрамонлар, эртакнинг ғоявий йўналиши, унда эзгулик кучининг - яхшиликнинг доимо ғалаба қилиши болаларни ўзига тортади. Эртакда қабул қилинган ҳикоя қилиш шакли бир хил сўз ва ибораларнинг қайта-қайта такрорланиб туриши, оҳангдорлиги, тилининг таъсирчанлиги, ифода воситаларининг жонлилиги, болалар учун жуда қизиқарлидир. Эртакда қатнашувчилар кўпинча раҳмдил, сахий, адолатли ҳамда уларнинг акси бўлган ёвуз, бахил, очкўз образларга бўлинади.

Эртакнинг педагогик қиймати шундан иборатки, ўқувчилар унда тўғрилик, ҳалоллик ғалаба қилганидан, камбағал кишилар қийинчиликдан қутилганидан, яъни яхшилик, эзгулик рўёбга чиққанидан ва ёмонлик, ёвузлик маҳкумликка учраганидан қувонадилар. Улар ҳаётда ҳам доимо шундай бўлишини истайдилар. Масалан, «Ҳалоллик» эртагида (3-синф) асосий фикр камбағалларга ёрдам кўрсатиш, ўз меҳнати билан ҳаёт кечириш бўлиб, бу ҳатто бутун халқ истаги эканлиги ғояси илгари сурилган бўлса, «Ҳийлагарнинг жазоси» эртагида (4-синф) соддадилнинг тўғрилиги ҳийлагарнинг макри устидан ғолиб келиши, хиёнат жазосиз қолмаслиги ғояси илгари сурилган. Ҳар икки эртак ҳам тўғрисўзлиликнинг ғалабаси билан якунланади. Бундай ғалаба маиший эртаклардан ташқари, сеҳрли эртакларда ҳам ифодаланган.

Эртак болаларда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини муҳокама қилиб, баҳолаш кўникмасини ўстириши билан бирга яхшиликнинг доимо ғалаба қозонишига ишонч уйғотади. Ўқувчилар эртакни таҳлил қилиш жараёнида *«Кишилардаги қандай сифатлар сизга ёқди? (ёки ёқмади?) Нима учун?», «... нима учун жазоланди? (ёки рағбатлантирилди?)», «Нима учун эртакдаги баъзи қаҳрамонларга ҳатто табиат кучлари ҳам ёрдам беради? (ёки баъзиларидан юз ўгиради?)»* каби саволларга жавоб топиш жараёнида мушоҳада қиладилар, муҳокама қилиб, хулосага келадилар.

Бошланғич синфларда ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар кўпроқ ўқитилади. «*Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак» (Анвар Обиджон), «Кўзача билан тулки», «Олапар, Мош, Мусича»* каби эртаклар аниқ ҳаётий ҳикоялар тарзида ўқитилади ва таҳлил қилинади.

Эртак матни устида ишлашда танлаб ўқиш, саволларга жавоб бериш, ўқувчиларнинг ўзлари эртак мазмунига оид саволлар тузиб, жавоб беришлари, режа тузиш, қайта ҳикоялаш, ижодий давом эттириш, эртак айтиш, қаҳрамонларни график тасвирлаш каби иш турларидан фойдаланилади. Бундай эртакларда ҳайвонларнинг одатлари таҳлил қилинади, аммо уларни кишилар характерига таққослаш тавсия қилинмайди.

Мактаб тажрибасидан маълумки, кичик ёшдаги ўқувчилар эртакдаги ҳайвонлар гапирмаслигини, тулки ва турна бир-бириникига меҳмонга бормаслигини яхши биладилар, аммо эртаклар дунёсини ҳаётий ҳикоя каби қабул қиладилар. Эртакни ўқиб таҳлил қилганда, барча ишлар унинг мазмунини яхши идрок этишга, сюжет ривожини, қатнашувчи персонажларнинг хатти-ҳаракати, ўзаро муносабатларини тўғри тасаввур этишга йўналтирилади. Бунда танлаб ўқиш ва қайта ҳикоялашнинг аҳамияти катта. Масалан, «Одобли бўлиш осонми?» (А. Обиджон) эртагининг мазмунини ўзлаштириш учун қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

*1. Сичқончанинг онаси билан қилган суҳбатини ўқинг. Сичқончанинг «Одобли бўлиш учун нималар қилиш керак?» деган саволига онаси қандай жавоб қайтарганлигини сўзлаб беринг.*

*2. Сичқончанинг Мушук билан учрашган ҳолати акс эттирилган ўринни топиб ўқинг. Нима учун «Шум Бароқ» кўзидаги ёвузлик бирданига сўнади?*

*3. Эчки нима учун Сичқончани «Кам бўлма» деб дуо қилади? Шу ўринни топиб ўқинг.*

Эртакни таҳлил қилишнинг охирги босқичида *«Эртакда сизга жуда ёққан жойини топиб ўқинг», «Нима учун айнан шу жойи ёққанини айтинг», «Ҳаётингизда эртакдаги воқеаларга ўхшаш воқеалар бўлганми?»* каби савол-топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг эртак хулосасини тушунишларига эришилади.

Бошланғич синф ўқувчилари ҳайвонлар ҳақидаги эртаклардан ташқари, «Давлат», «Илм афзал», «Ҳийлагарнинг жазоси», «Ҳунарсиз киши ўлимга яқин» каби маиший эртакларни ҳам ўқийдилар. Бундай эртакларда халқ ўз ҳаётини ҳикоя қилади, шу сабабли ўқувчилар эртакни ўқигач, ўтмишдаги халқ ҳаётини, уй-фикрлари ва орзу-истакларини билиб оладилар.

Бундай эртакларни таҳлил қилиш бадиий ҳикоя тарзида уюштирилади. Болалар ўқитувчи раҳбарлигида эртакда қатнашувчиларнинг хулқ - атвори, айрим хатти-ҳаракатларини баҳолайдилар, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини айтадилар ва шулар асосида

айрим образлар ҳақида хулосалар чиқарадилар, эртак режасини тузадилар, эртакни ролларга бўлиб ўқийдилар.

*«Давлат»* эртаги (4-синф) оддий турмушга тегишли ҳодисаларни тасвирловчи эртакдир. Эртакни ўқишга тайёрлаш учун ота-боболаримиз атрофни, табиатни, борлиқни қандай тасаввур этишлари ҳақида суҳбат ўтказилади. Бундай суҳбат эртакдаги бадиий образларни, уларнинг ўзаро муносабатларини, хулқ-атворлари, характерларини тўғри тушунишга ёрдам беради. *«Давлат»* эртаги матни устида ишлаш жараёнида ўқувчилар *«Деҳқоннинг хонадони қандай ҳаёт кечирар экан?», «Нима учун Давлат деҳқоннинг хонадонидан кетишни истамайди?»* каби саволларга жавоб топиш орқали эртак қаҳрамонларини баҳолайдилар, аҳил ва иноқ бўлиб, ҳалол меҳнат қилиш лозим деган хулосага келадилар.

Эртак устида ишлашда болаларни эртакни ўқишгагина эмас, балки уни айтиб беришга ўргатиш ҳам муҳимдир. Эртак айтиш оғзаки нутқни ўстиради, болалар нутқини янги сўз ва иборалар билан бойитади.

Ўқувчиларни 1-синфдаёқ эртак тилидан эркин фойдаланишга ўргатиш учун эртак билан биринчи таништиришда уни ўқитувчи айтиб бериши мумкин.

Ўқувчи эртак мазмунини ўзлаштириб олгандан сўнг, унинг тили устида ишлашга алоҳида аҳамият қаратилиши зарур. Эртак мазмунини қайта ҳикоялашда, қаҳрамонларга тавсиф беришда ўқувчиларнинг ўз нутқида тил воситаларидан ўринли фойдаланиш талаб қилинади. Тил воситаларидан фойдаланиш учун талаб ва вазият, эҳтиёж яратиш зарур.

Эртак тилида шундай сўз ва иборалар борки, улар болага ўзгача таъсир кўрсатади. Масалан, *«Йўлбарс, Тулки ва Бўри»* эртагида «Тоғ эчкиси сиз улуғимизники бўлсин», «Қуён сиз подшоҳимизнинг эрталабки нонуштангиз бўлсин», «Кийик кечқурунги таомингиз, қўй кундузги хўрагингиз бўлсин» каби гаплар таркибидаги ажратиб кўрсатилган сўзларга ўқувчилар диққати қаратилиб, эртакни сўзлаб бераётганда улардан нутқда фойдаланишларига эришиш зарур.

Эртакларда келтирилган мақоллар устида ишлаш, уларда илгари сурилаётган ғояларни болалар онгига етказиш, ёд олдириш йўли билан боғланишли нутқни ўстириш, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш лозим. Масалан, «Ростгўй бола» (1-синф) эртагида бола ўз ростгўйлиги билан подшога маъқул бўлганлиги ҳикоя қилинган. Эртак ғоясига мос хулоса эса *«Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир»* мақоли билан ифодаланган. Ўқувчилар ушбу мақол мазмунини тушуниб олишса, ўзлари ҳам юқоридаги каби эртак тузиб, ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

Сўз маънолари устида ишлашда бошланғич синф ўқувчиларига мос бўлган усуллардан бири расмдан фойдаланишдир. Масалан, 2-синфда *«Кўнгилчан ўтинчи»* эртагида қайин, эман, шумтол, заранг, зирк, тоғтерак, қарағай, қайрағоч, чинор каби дарахт номлари келтирилган. Уларни бола кўз олдига келтира олмайди. Эртакни ўқишдан олдин шу дарахт расмларини кўрсатиб, унинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш ва номларини айтиш лозим. Шундан сўнг дидактик ўйин ўтказилади:

*«Дарахт расмлари болаларга бўлиб берилади. Ҳар бир ўқувчи ўзига берилган расмдаги дарахтнинг номини айтиши ва эртакдаги шу дарахтнинг сўзини ўз сўзлари билан айтиб бериши керак бўлади».*

Шу эртакни ўқиб, мазмуни билан таништирилгач, ўқувчилардан шайланиб, рўпарасида, шарбат, хайрли иш, хивчин, муҳайё сўзларининг маъноси сўралади. Жавоблар тўлдирилади, умумлаштирилади.

Юқоридаги барча фикрларни ҳисобга олганда, эртакни ўрганиш дарсларининг қурилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

*1. Ўқувчиларни эртакни идрок этишга тайёрлаш;*

*2. Ўқитувчининг эртакни ифодали ўқиши, ёд айтиб бериши;*

*3. Эртакни ўқувчилар қай даражада идрок этганликларини аниқлаш мақсадида қисқача суҳбат ўтказиш;*

*4. Эртакни қисмларга бўлиб ўқиш ва таҳлил қилиш; ундаги айрим тасвирий воситалар, маънодош сўзларни топиш, луғат иши (айрим сўзлар маъносини тушунтириш);*

*5. Эртакни айтиб беришга тайёрланиш (ичда ўқиш);*

*6. Эртакни сўзлаб бериш;*

*7. Умумлаштирувчи суҳбат (эртак ғоясини очиш);*

*8. Маълум вазифа билан эртакни қайта ўқиш (ижодий ва мустақил ишлар);*

*9. Вазифани текшириш ва якунлаш;*

*10. Уйда эртакни ўқиб (ёки айтиб) беришга тайёрланиш.*

Эртак ўтиш дарси намунасини келтирамиз:

**Мавзу. Кумуш қиш**

**Ўқув материали. Рангин қорлар. Оллоёр.**

Дарснинг мақсади.

1. Ўқувчиларнинг қиш фасли ҳақидаги тушунчаларини бойитиш.
2. Табиатдан завқ олишга, унга зарар келтирмасликка ўргатиш.
3. Уларни мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстириш, хотирасини мустаҳкамлаш.

Ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш, луғатини сўзлар билан бойитиш.

Дарс тури. Янги билим берувчи, эртак ўқиш дарси.

Дарс методи. Изоҳли ўқиш, мустақил иш методи, гуруҳларда ишлаш.

Дарснинг жиҳози: Қоғоз, фломастер, елим, қисқич, қайчи, микротестлар, аквариум, балиқлар, рағбатлантириш учун жетонлар.

Синф шароити. Ўқитувчи турли усуллар билан ўқувчиларни гуруҳларга ажратади. Синфдаги парталар доира шаклида қўйиб чиқилади.

Ташкилий қисм. Синф ўқувчилари гуруҳга бўлиниб ўтирадилар. Ўқитувчи гуруҳлар билими тенг бўлиши учун қизил, кўк, оқ, йзшил, сариқ рангли доирачалардан фойдаланиши мумкин. Бир хил рангдаги доира эгалари бир гуруҳни ташкил этиши айтилади. Ҳар бир гуруҳ ўзига ном танлайди. Бунинг учун ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш, қизиқтириш, ҳаракатга келтириш, мавзуни мустақил англаб етишлари учун топишмоқлардан фойдаланиш лозим. – Топишмоқнинг жавобини топинг.

Елакдан ун эланди
Супра унга беланди.

— Қор қайси фаслда ёғади?

—Ўйланг, бугун ўрганадиган ўқиш мавзуимиз ҳам нима ҳақида экан?

Доскага  бўлим номи - «Кумуш қиш» ёзилади. Сўнг гуруҳга қиш фасли билан боғлиқ ҳолда ном танлашлари мустақил иш қилиб берилади.

Тахминан 1-гуруҳ «Қорпарча», 2-гуруҳ «Аёзбобо», 3-гуруҳ «Қорбобо», 4-гуруҳ «Сумалак», 5-гуруҳ «Қиш» деб номлайди. Гуруҳ аъзолари ўзларининг ичидан сардор сайлайди.

Дарснинг бориши.

И. Чақирув босқичи. Гуруҳлар тақдимоти.

Ҳар бир гуруҳ ўз номининг маъносини изоҳлайди, номини ифодаловчи расм чизиб кўрсатиши ҳам мумкин.

1-гуруҳ — «Қорпарча»: Мен қиш фаслида дунёга келганман. Қир-адир, тоғу-тош, дала-даштда учиб, ўйноқлаб ерга томон интиламан. Ҳаммаёқни оқ чойшаб билан ўрайман. Мен ёғганда болалар, ҳатто катталар ҳам қорбўрон ўйнайди, қорбобо ясашади. Қорхат ёзишади.

2-гуруҳ — «Аёзбобо»: Мен иссиқ ҳавони совутаман. Ерларни, сувларни музлатаман. Мен туфайли яхмалаклар пайдо бўлади. Болалар яхмалакда чанғида, чанада учади, конки отади. Тарновларда сумалаклар осилади.

3-гуруҳ — «Қорбобо»: Мен қиш фаслида болаларнинг энг севимли бобосиман. Узоқ-узоқ ўлкалардан уларга янги йил байрами совғаларини, қорқизимни олиб келаман. Уларнинг куй-қўшиқлари, ўйин-кулгилари жаранглаган байрамни бирга нишонлайман. Мен туфайли Аёзбобонинг изғирин совуқларини сезмайдилар. Мен уларга куч-кувват бағишлайман. Ҳаммангизни янги — қутлуғ йилингиз билан табриклайман.

4-гуруҳ — «Сумалак»: Мен Аёзбобо билан Қорпарчаларнинг фарзандиман. Томларнинг бўғотида қишнинг қуёш нурларида ялтираб тураман. У ердан болаларнинг ўйин-кулгиларини томоша қиламан. Бориб болаларга қўшилиб ўйнай олмаганимдан кўзларимдан чак-чак ёшим оқади. Шу кўз ёшларим билан ернинг дардларига малҳам бўламан.

5-гуруҳ — «Қиш»: Юқоридаги сўзга чиққанларнинг барчаси менинг дилбандларим. Улар туфайли мен борман. Улар туфайли мен йилнинг бошида тураман. Декабр, январ, феврал ойлари менинг қўйнимда яшайди. Уларнинг ҳар бирига яхши кунларни — байрамларни тақсимлаб берганман.

8-декабр - Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси кунини, 31-декабр Янги йил байрамини нишонлайди. 14-январ Ҳарбийлар кунини байрам қилади. 9-февралда улуғ бобомиз Мир Алишер Навоийнинг таваллуди нишонланади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобини умумлаштириб, ҳар бир гуруҳни рағбатлантиради. Шу тарзда янги бўлимни, асарни ўқишга тайёргарлик даври якунланади.

ИИ. Англаш босқичи. Бу босқичда "Рангин қорлар" (Оллоёр) эртаги (ўқитувчи қисмларга бўлиб келган бўлади)нинг ҳар бир қисми гуруҳдаги яхши ўқийдиган ўқувчиларга ўқитилади. "Ифодали ўқиш" мусобақаси уюштирилади. Энг яхши ўқиган ўқувчи аниқланади ва рағбатлантирилади.

Шундан сўнг гуруҳларга асар матни ичда ўқишга топширилади. Гуруҳ ўқувчиларига қуйидаги топшириқ берилади:

— Ҳар бир гуруҳ ўз қисмини ичида ўқийди. Унинг мазмунига ва қаҳрамонларига доир савол-топшириқлар тузади ва конвертга солиб узатади.

ИИИ. Фикрлаш босқичи. 1. Ўқувчилар тузган саволлардан намуналар:

— Қадимда қорбўрон қандай қорлар билан ўйналган? Нима учун?

— Буёқ бозори қанча йилда бир бўлар экан?

— Нега қорлар оқ рангда ёғар экан?

— Баҳорой қайси бўёқларни харид қилибди?

— Куз келганда қозонларда қайси бўёқлар бор эди?

— Қиш келганда қозонда қайси бўёқ қолган эди?

— Ёз уйқудан уйғониб нимани ўйлаб кетибди?

— Ёз қайси буёқларни олганини ўйлаб топинг.

— Куз қайси бўёқларни ўчириб, унинг ўрнига қайси бўёқларни суртиб чиқди?

— Қиш ўз заҳрини нималарга сочадиган бўлиб қолибди?

Ҳар бир савол ва унинг жавоби рағбатлантириб борилади.

2. Дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлаш. Буларни барча гуруҳ бажаради. Гуруҳнинг фаол иштирокига қараб балл қўйилади.

3. Ўқитувчи «Кумуш қиш» ва ўқилган асар юзасидан тузган тест топшириқларини гуруҳларга тарқатади.

Тест намуналари.

3. Қиш фасли билан боғлиқ мақол ва топишмоқлар айтиш.

Баҳор, ёз, куз қишлайди, Қиш пайтида ишлайди. (Печка)

Қиш ёпингичингни қўйма, Ёз ўзинг биласан. (Мақол)

4. Ўқитувчи сардорлар учун асар матни юзасидан қуйидаги савол-топшириқларни тузиб келади: Бу савол-топшириқлар конвертларга солиниб гуруҳларга берилади.

1 – гурух учун. Аёзбобо дераза ойналарига қандай қилиб накшлар чизади?

— Қиёмига келиб — бирикмасининг маъносини изоҳлаб беринг, (айни меъёрига, маромига етган нормал ҳолга келган).

— Баҳоройнинг гуллари номини санаб беринг?

2 – гуруҳ учун. Фалак, либос сўзини қайси сўзлар билан алмаштириш мумкин? (фалак — осмон гумбази, осмон, кўк; либос — кийим, уст-бош)

3 – гуруҳ учун. Шитоб сўзининг маъносини биласизми? (ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик

— Саратон қайси пайт эканини айтинг.

4 – гуруҳ учун. Баҳор табиатида юз берадиган ҳодисаларни айтинг?

— Заъфар, зарғалдоқ ранглар қандай ранг? Ранглар ичидан олиб кўрсатинг. (зарғалдоқ — тўқ сариқ ранг; заъфар — сап-сариқ, сомон ранг)

5 – гуруҳ учун. Қиш чилласи неча кун ва унга қайси вақт киради?

— Эртакда бадиий воситалардан нима кўпроқ қўлланган? (жонлантириш)

5. Дарсни якунлаш ва тарбиявий хулоса чиқариш. Дарс сизга ёқдими? Нимаси ёқди? Бугун дарсда нималарни билиб олдингиз? Сиз қишда табиатни, табиат эҳсонларини асраш учун нималар қиляпсиз?

6. Ўқувчиларнинг умумий балларини эълон қилиш.

7. Уйга вазифа: Эртак матнини ифодали қилиб ўқишга, унга режа тузиб, шу режа асосида қайта ҳикоялашга тайёрланиб келиш.

## Хикояни укиш методикаси

Ҳикоя кичик ҳажмли бадиий асар бўлиб, унда киши ҳаётидаги маълум бир воқеа, ҳаётнинг муҳим томонлари умумлаштириб тасвирланади.

«Ҳикоя кўпинча киши ҳаётида бўлган бир эпизодни тасвир этади. Унинг мазмунини эртакдагидан ортиқроқ ҳаётийдир».

Ҳикоя мазмунан бошланғич синф ўқувчилари учун мос жанр ҳисобланади. Кичик ёшдаги ўқувчиларни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ташқи кўриниши, портрет тасвири, воқеа-ҳодисалари ҳақидаги ҳикоялар кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун болаларни бадиий асар тури бўлган ҳикоя билан таништириш унинг сюжетини тушунтиришга боғлаб олиб борилади.

Бошланғич синфларда ҳикояни ўқишга бағишланган изоҳли ўқиш дарсларида ўқилган ҳикоя мазмунини очиш, луғат устида ишлаш, ўқилган матнни қайта ҳикоялаш кабилар асосий иш турларидан ҳисобланади. Ҳикоя мазмуни одатда саволлар асосида таҳлил қилинади. Сўроқлардан икки мақсадда: ҳикоя мазмунини таҳлил қилиш ҳамда далиллар, мулоҳазалар, хулосаларни таққослаш, воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракат ўртасидаги боғланишларни аниқлаш ва умумлаштириш учун фойдаланилади.

Ҳикояни ўқиш дарсида ўқувчилар тушунмайдиган сўз ва иборалар маъносини тушунтириш ҳам муҳим, акс ҳолда улар ҳикоя мазмунини тушуна олмайдилар.

Ҳикояни ўқишда унинг мазмунини таҳлил қилиш ва шу асосда ўқувчилар нутқини ўстириш марказий ўрин эгаллайди. Ҳикоя ўқиб бўлингач, ўқувчилар ўйлаши, ўз мулоҳазаларини айтиши учун тайёрланишга вақт бериш керак. Ўқилган асар юзасидан бериладиган дастлабки саволлардан мақсад, ҳикоя болаларга ёққан-ёқмаганлиги, ундаги қайси қаҳрамоннинг характери болага таъсир этганини билишдан иборат. Шундан кейингина ҳикоя сюжети, воқеанинг йўналишини очишга, персонажлар характерини тушунишга, ниҳоят, асарнинг асосий ғоясини билиб олишга ёрдам берадиган саволлардан фойдаланилади.

Бадиий асарни таҳлил қилишда сюжетни тўлиқ тушунтиришга берилиб кетиб, қаҳрамонларга тавсиф бериш, асар қурилиши ва тилини таҳлил қилиш каби иш турлари эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Эртак жанрига хос матнлар жозибадорлиги билан болани ўзига тортади. Лекин, ҳикоя жанри ҳам ҳаётийлиги билан ўзига хос. Ҳикояда воқеалар тез ривожланиб боради. Унда инсон ҳаёти, у билан боғлиқ ҳаётий лавҳалар баён этилади. ўқувчилар қаҳрамонларнинг характери, улардаги хусусиятлар билан қизиқадилар. Масалан, 3-синф «Ўқиш китоби»да «Дадам қурган денгиз» (Ҳаким Назир), «Олма» (Малик Муродов), «Илмли минг яшар» (Нурмат Мақсудий), «Хазончинак» (Ў. Ҳошимов), «Қўштерак» (А. Ирисов), «Ваъда берди» (К. Ерсарин), «Меҳнаткаш қиз» (Ойбек) ва бошқа қизиқарли ҳикоялар берилган. Улар мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиб, қаҳрамонларининг характер - хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади.

Ҳикоя бирор бир давр билан боғлиқ бўлади. Ўқувчилар қаҳрамонларнинг маънавиятига бўлган қизиқишлари туфайли ҳаётнинг нурли ва қоронғи томонлари хусусида муайян тушунчага эга бўла бошлайдилар. Уларда гўзаллик ва нафосатга муҳаббат, ёвузликка нисбатан нафрат туйғуси ҳикоялар билан танишиш ва уни таҳлил қилиш давомида шаклланиб боради. Масалан, 3-синфда «Жалолиддин Мангуберди» ҳикоясида Чингизхон ва унинг қўшинларига нисбатан нафрат уйғотилса, Жалолиддин Мангубердининг хатти-ҳаракати орқали она-Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотилади, унинг тақдири орқали ўз аждодларидан фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

Ҳикоя таҳлили адабий тур сифатида ўзига хос хусусиятлари ва вазифасидан келиб чиқиб иш кўришни тақозо этади. Ундаги ҳар бир сўз, ибора, гап ёзувчининг фикрини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳикоя матни унинг мазмунини ёки бадиий хусусиятларини ўрганишдагина эмас, таҳлилнинг ифодали, адабий, шартли ёки ижодий ўқиш, муаммоли усуллардан фойдаланиш учун ҳам манба бўлиши лозим.

Бошланғич синфларда ҳикоя сюжети, композистияси, қаҳрамонларини ўрганиш бўйича турли таҳлиллар матн устида ишлаш асосида олиб борилади. Бунда ўқувчининг ижодий фаоллиги ортади, ижодий фикрлаш доираси кенгаяди.

«Жалолиддин Мангуберди» ҳикояси қаҳрамонларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва таҳлил қилишни матнга таянган ҳолда қуйидаги режа асосида амалга ошириш мумкин:

1. Чингизхоннинг ҳийла ишлатган ўрнини матндан топинг. У сизда қандай таассурот қолдирди?

2. Жалолиддин Мангубердининг Эрон ва Афғонистонда мўғулларга қарши курашиб, эришган ғалабаси тасвирланган ўринни топиб ўқинг.

3. Лашкарбошиларнинг ўлжа тақсимлаши оқибатида нима юз беради? Бу ўринни матндан топинг.

4. Жалолиддин Мангубердининг жасорати яна қайси ўринда кўринади?

5. Чингизхон Жалолиддин Мангубердига нима учун тан беради?

Шундан сўнг ўқувчилар Жалолиддин Мангуберди ҳақида онгли фикр юритадилар. Чингизхон билан Жалолиддин Мангубердининг хатти-ҳаракатларини таққослаб, фарқлайдилар.

Ҳикоя мазмунини ўзлаштириш бўйича матн асосида қуйидагича ишлар амалга оширилади:

1. Матн мазмуни юзасидан ўқитувчи саволларига жавоб бериш;
2. Ҳикоя матнига берилган савол-топшириқларни бажариш;
3. Ҳикоя мазмуни юзасидан ўқувчиларнинг саволлар тузиши;
4. Ҳикоя мазмунига мос расмлар чизиш;
5. Ҳикоя матнини қисмларга бўлиш;
6. Ҳар бир қисмга сарлавҳа топиш;
7. Ҳикояга режа тузиш;
8. Режа асосида қайта ҳикоялаш (тўлиқ, қисқартириб ва ижодий қайта ҳикоялаш)
9. Режа асосида баён ёзиш.

Таҳлилда ўқилаётган ҳикоя матнининг тушунарлилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тушунарлилик деганда ёзувчи яратган бадиий оламнинг ўзига хослиги, образли тасвирнинг ўқувчи ҳаётий тажрибаси, билим даражасига мувофиқлиги назарда тутилади.

Ҳикояни ўрганишда саволларни, одатда, ўқитувчи беради, аммо асар мазмуни, қатнашувчи шахсларнинг хулқ-атворини очиш юзасидан ўқувчиларга ҳам савол туздириш жуда фойдали. Бу усул болаларга жуда ёқади ва ишни жонлантиради, асар мазмунини яхши тушуниш, ўз фикрини изчил баён қилиш малакасини эгаллаш, мазмун ва воқеалар орасидаги боғланишни тўлиқ эсда сақлаб қолишда ўқувчиларга ёрдам беради.

Ҳикояни изоҳли ўқиш дарсини қуйидагича режа асосида олиб бориш мумкин:

1. Ҳикояни ўқишга тайёрлаш (ҳикоядаги каби одамлар ҳаёти ва даврга характеристика бериш ва бошқа.);
2. Ҳикояни ўқиш (бунда тўлиқ ва маъно жиҳатдан тугал қисмни ўқитувчи ёки олдиндан тайёрланган ўқувчи ифодали ўқиши мумкин);
3. Луғат устида ишлаш;
4. Идрок этишни текшириш (қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, шахслар ва воқеалар ўртасидаги муносабатлар юзасидан қисқача суҳбат);
5. Ҳикояни қайта ўқиш (қисмларга бўлиб, ролларга бўлиб ўқувчиларга ўқитиш)
6. Ҳикоянинг ҳар бир бўлими (қисми) юзасидан суҳбат уюштириш, хикоя режасини тузиш;
7. Режа асосида қайта ҳикоялаш;
8.Ҳикоя асосида ижодий ва мустақил ишлар;
9. Ҳикояни ифодали ўқишга ёки саҳналаштиришга тайёрланиш (синфда ёки уйда);
10. Ҳикояни ифодали ўқиш ва ифодали қайта ҳикоялаш.

Қуйида ҳикоя ўтиш дарси намунасини келтирамиз:

Мавзу. Ширин қовунлар мамлакатида.

Ўқув материали. Қовун сайли. Ш. Саъдулла.

Дарснинг тури. Янги билим берувчи, ҳикоя ўқиш дарси.

Дарс шакли. Ноанъанавий дарс.

Асосий масалалар. Ўқувчиларнинг куз фаслида полиз маҳсулотларини йиғиб олишнинг тартиб-қоидалари, деҳқончилик, халқ анъаналари ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, қовун турлари билан таништриш, ўқиш малакаларини такомиллаштириш.

Таянч тушунчалар. Умбирвоҳи, кўкалампиш, дониёр, қизилуруғ, қўзивой.

Дарсда фойдаланиладиган таълимий воситалар: турли қовун расмлари , полиз маҳсулотларини йиғиб олиш тасвири, тест.

Дарс методи. Изоҳли ўқиш, тармоқлаш, муомоли ўқитиш методи.

Ўқитувчининг мақсади. 1. Ўзбекистонда етиштириладиган полиз экинлари, қовун сайли ҳақида ўқувчилар билимини бойитиш. 2. Ўқувчиларда она-юртимиз бойликларини асраш, халқ анъаналарини ҳурматлаш ва давом эттириш ҳиссини тарбиялаш. 3. Луғатини бойитиш, нутқини ўстириш, ўқиш малакаларини шакллантириш.

Идентив ўқув мақсади.

1. Ҳикоя матнини тўғри, ўқув суръатига мос, онгли ва ифодали ўқийдилар.

2. Асар матни юзасидан берилган топшириқларни якка ва жуфт бўлиб бажарадилар.

3. Матн мазмунини қайта ҳикоялайдилар.

Дарснинг бориши.

1. Даъват босқичи.

1. «Куз» шеъри ифодали ёд айттирилади ва ўқитилади.

2. Ўқитувчи ўқувчиларнинг олдинги дарсларда олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида куз ҳақида, унинг ноз-неъматлари ҳақида суҳбат ўтказади.

— Ўлкамизга куз фасли келганини нималардан билиш мумкин?

— «Олтин фасл» матнидан табиат тасвирини топиб ўқинг.

Кузда қайси сабзавот ва мевалар пишади?

стол устидаги узум расмларини олиб, номини айтинг. (кишмиш, ҳусайни, ҳасайни, чарос, ...)

Сиз олманинг қайси навларини биласиз?

Олма номларини тармоқлаш усулида кўрсатинг.

Намуна.Шема.     олма

3. Янги мавзуни ўрганишга ўқувчиларни тайёрлаш.

Қовун қайси туркумга киради? Сабзавотгами ёки меваларгами?

Қовун номларини биласизми? Уларнинг номларини ҳам тармоқлаш усулида ёзиб кўрсатинг.

«Куз» шеърини ким ёзган эди?

Ш. Саъдулланинг ҳаёти ва ижодини

4. Бугунги дарсда Ш. Саъдулланинг «Қовун сайли» ҳикояси билан танишамиз.

Ҳикоянинг биринчи дарсга мўлжалланган қисми ўқиб берилади ёки магнит тасмаси орқали эшиттирилади.

5. Кичик гуруҳлар билан ишлаш. Ўқувчилар 5 гуруҳга бўлинади. Ўқувчилар 1,2,3,4,5 деб санадилар. Ўз рақамлари бўйича гуруҳланиб стол атрофига ўтирадилар.

Ҳар бир стол атрофидаги ўқувчиларга ҳикоянинг қисмлари бўлиб берилади ва топшириқлар конвертларда узатилади.

1-топшириқ. Гуруҳингизга ном қуйинг. Уни таърифланг.

1. «Ҳандалак» гуруҳи. Ҳандалак баҳор фаслининг охирги ойида эрта пишади. Одамлар уни соғиниб кутишади. Ҳандалак думалоқ, унинг ҳиди ёқимли, ўткир бўлади. Устки қисми сертўр, мазаси тилни ёрар даражада ширин бўлади.

2. «Қўзивой» гуруҳи...

3. «Умрбоқи» гуруҳи...

4. «Кўкалампиш» гуруҳи...

5. «Дониёр» гуруҳи...

ИИ. Англаш босқичи.

1-топшириқ. Ҳамма гуруҳга бир хил топшириқ берилади. Берилган қисмни, тўғри ва ифодали ўқишга, тайёрланинг. Маъноси тушунарсиз сўзларни ўқиш дафтарингизга ёзинг. Асосий фикрни аниқланг.

2-топшириқ.

1. Ўқиган қисмингизни матнга яқинлаштириб қайта ҳикоялаб беринг.

2.Маъноси тушунарсиз сўзларнинг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

3. Ўз қисмингиздаги беринг кўчма маъноли сўзларни топинг ва изоҳланг.

4. Ўқиган қисмингизга сарлавҳа қўйинг ва дафтарингизга ёзинг.

«Ҳандалак» гуруҳи. Луғат иши: қовун бошига — бошига кўчма маънода; бежирим — ихчам; сертор — пўстида тарам-тарам чизиқлари бор.

Сарлавҳа: «Болалик хотиралари».

«Қўзивой» гуруҳи. Луғат иши: Дастурхон ёздилар — ёздилар — ейдилар маъносида; ёзди хат ёзди — шаклдош сўзлар; ўчоқ боши – боши сўзи кўчма маънода; карч – қовун ёки тарвуз қисмидан кўндалангига кесилган қисм; тилни ёрай дейди — ибора, ўта ширин маънода; коса — кўчма маънода, қовуннинг 4 дан 1 қисми.

Савлавҳа: Қовунхўрлик.

«Кўкалампиш» гуруҳи. Сарлавҳа. Тоғамнинг фикри.

«Дониёр» гуруҳи. Луғат иши: ой чиқди — чиқди кўчма маънода; қулоқ солинглар — эчшитинглар; қовун дум беряпти — пишди маъносида.

Савлавҳа «Тунги воқеалар».

Ўқувчилар ҳамма гуруҳнинг луғатини ва топган сарлавҳасини давтарларига ёзиб боради.

Ўқувчилар аниқламаган сўзларни ўқитувчи айтиб, изоҳлаб беради.

4. Ифодали ўқиш ва қайта ҳикоялаш машқи. Ҳар бир гуруҳ ўз қисмини ўқиб гапириб беради.

5. Ролларга бўлиб ўқитиш, ҳар бир гуруҳдан ўқувчилар танланади. (Тоға, муаллиф, Ҳасан, Зуҳра).

ИИИ. Фикрлаш босқичи.

1.Ҳар бир гуруҳ асар матни остида берилган 1-, 2-, 3-, 5- саволларга жавоб беради. Ўқувчиларга қўшимча саволлар:

— Ўзбек халқининг куз фаслида ўтказиладиган қайси анъанавий байрамларини биласиз? «Қовун сайли»да қандай ишлар қилинади?

Жавоб намунаси. Ўзбек халқининг жуда яхши ва кўп анъаналари бор. Шулардан «Ҳосил байрами», «Қовун сайли» байрамларидир. «Қовун сайли» қовунлар айни ғарқ пишган паллада қовун полизда ўтказилади.

«Қовун сайли»да қовунлар айтишуви ҳам бўлади. Бунда ҳар бир қовун ўзини таърифлайди, мақтайди. Қовун-тарвузларни узиб, йиғиб олишга ёрдам беради.

«Қовун сайли»да йиғилган одамлар пишиб кетган қовунларни сўйиб, қовун қоқи қиладилар. Қишки қовунларни осиб қўйиш учун тўрва халталар тўқийдилар.

Булар ҳаммаси деҳқонга анча ёрдам бўлади.

2. Режа тузиш.Ҳар бир гуруҳ ўз қисмига режа тузади.

Режа намунаси:

1. Тоғамнинг таклифи.
2. Чўлда қовун полизлари.
3. Қовунхўрлик.
4. Ҳасан — Ҳусан чайлада.
5. Тунги воқеалар.

3. Режа асосида ҳикоянинг 1 бўлимни тўлиқ қайта ҳикоялаш мусобақаси.

4. Тест ечиш. Ҳар бир гуруҳга конвертда тест топшириқлари берилади.

Тест намуналари.

1. Қовун номлари берилган қаторни топинг.

А. Бўрикалла, дониёр, босволди.

Б. Қўзивой, кўкаланиш, умрбоқи.

Д. Чарос, қизилуруғ, даролти.

2. Узум номлари берилган қаторни топинг.

А. Чарос, буваки, қўзивой.

Б. Ҳасайни, чиллаки, кишмиши.

Д. Қизилуруғ, Кўкалапиш.

3. Ҳасан, Ҳусан, Фотима, Зуҳра қайси асар қаҳрамонлари?

А. «Олтин фасл».

Б. «Харита».

Д. «Қовун сайли».

4. Дарсда ўрганилганларни умумлаштириш ва тарбиявий хулоса чиқариш.

- Фасллар ва деҳқончилик билан боғлиқ қандай анъаналарни биласиз? Ўзингиз шундай анъаналарда иштирок этганмисиз?

.-Анъаналарни сақлаб қолиш ва давом эттириш учун нима қилиш керак?

5. Уйга вазифа. Асарнинг биринчи бўлимни ифодали ўқишга тайёрланиб, матн юзасидан саволлар тузиб келиши.

6. Гуруҳларнинг тўплаган балларини эълон қилиш. Ҳар бир гуруҳда фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириш..

Иккинчи дарс намунаси:

Мавзу. Китоб — билим булоғи.

Ўқув материали. Китобга ихлос. Миркарим Осим.

Дарснинг мақсади.

1. Ўтмишдаги ватанпарвари олимларимиздан Абу Али ибн Сино ҳаёти билан таништириш, унинг китобга бўлган муҳаббатини ўқувчилар қалбига кўчириш.

2. Ўқувчиларда аждодларимиз билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш.

3. Ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш, ўқувчи нутқига истилочи, Хусайн, мутолаа, яроғ каби сўзларни киритиш, қайта ҳикоялаш асосида боғланишли нутқини ўстириш.

Дарснинг тури. Янги билим берувчи, ҳикоя ўқиш дарси.

Дарс шакли. Саёҳат дарси.

Дарс методи. Изоҳли ўқиш, суҳбат, тармоқлаш, мустақил иш методи.

Дарснинг жиҳози. Бухоро, Самарқанд, Регистон майдонлари суратлари, Абу Али ибн Сино расми. Ибн Синонинг гаплари ёзилган плакатлар, асар мазмунига ишланган расм.

Дарснинг бориши.

1. Ўтилганлар юзасидан қисқача суҳбат.

— Ўқиш дарсида қайси мавзудаги бўлимларни ўргандик?

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» бўлимида қандай билимларга эга бўлган эдик? (Ўзбекистоннинг табиатини, халқимизнинг ҳозирги ҳаётини билиб олган эдик).

2. Бугун биз Ватанимизнинг ўтмишига саёҳат қиламиз. Доскага «Ватанимиз ўтмишидан» мавзуси ёзиб қўйилади. Саёҳатчилар икки гуруҳга бўлинади ва уларга сардор тайинланади. Бугунги саёҳатимиз Бухорога бўлади. Саёҳатчи гуруҳлар бир неча тилсимларни ечиб, зиналардан шоҳсупага чиқса, Бухоро дарвозалари улар учун очилади:

Савол-топшириқлар ёзилган карточкалар солинган конвертлар гуруҳ сардорларига берилади.

— Тарихда яшаган буюк олимлар, саркардалар, шоир ва ёзувчилар номини айтинг.

— Бухорода қайси буюк шахслар яшаган?

— Бухорода қандай тарихий бинолар, жойлар бор?

(Доскага буюк шахслар портрети, тарихий жойлар тасвирланган расмлар илиб қўйилади. Ўқувчилар улардан фойдаланиб саволларга жавоб тайёрлашлари ҳам мумкин. Жавоб бериш жараёнида расмлардан тарихий шахсларни, тарихий жойларни кўрсатади.

Жавоблардан намуналар.

— Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Юсуф Хос Ҳожиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва ҳоказо.

— Абу Али ибн Сино.

— Ситораи Мохи Хоса, Минораи калон, Арк, Лаби ҳовуз.

— Бухоро шаҳридамиз. Бухоронинг тарихий жойларига ёъл оламиз. (Бухоронинг тарихий жойлари тасвирланган жойлари бир ансамбл шаклига келтирилади. Шу нарсага ўқувчилар диққати тортилади.

Мана, Бухоро тарихида яшаб ўтган олимлар ҳақида маълумот берувчи музей.

Ҳозир Ибн Сино учун ажратилган хонага кирамиз. Деворга илиб қўйилган Ибн Сино портрети ва у ҳақидаги ёзувларга ўқувчилар эътибори қаратилади ва ўқитилади.

Абу Али ибн Сино — маърифатпарвар аллома.

Абу Али ибн Сино — буюк ҳаким.

Мен кечалари кам ухлар, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим. (Абу Али ибн Сино).

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. (Абу Али ибн Сино)

Ибн Сино дориворлар тайёрлаш, юрак касаллиги, жарроҳлик ва бошқа соҳаларга доир 400 дан зиёд асар ёзган.

Ибн Сино шеър ҳам ёзган

Қора ер қаъридан авжи Зуҳал,
Коинот мушкулин барин мен қилдим ҳал,

Кўп чигал тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал.
(Абу Али ибн Сино)

4. Ўқитувчи: ҳозирги кунда яшаб ижод этаётган ёзувчиларимиз ҳам Ибн Сино ҳақида асарлар ёзишмоқда.

Ҳозир китоб жавони олдига борамиз. (Жавонга Миркарим Осимнинг «Китобга ихлос» асари китобча шаклига келтирилиб қўйилган бўлади. Китоб расмлар билан безатилган бўлиши лозим.) Жавондан шу китоб олинади: — Болалар, шу китобдаги асарни ўқиймиз. Қани, бу китобда Ибн Сино ҳақида нималар дейилган экан?

Ўқитувчи асарнинг 1-бўлимини (бир дарсга мўлжалланган) ифодали қилиб ўқиб беради.

5. Асар юзасидан кириш суҳбати.

— Асар орқали Ибн Сино ҳақида нималарни билиб олдингиз?

— Ибн Сино қандай даврда яшаган экан?

— Ёш ҳакимнинг юраги нимани сезди?

6. Энди «Сўзлар оламига саёҳат»имизни бошлаймиз.

Ўқувчилар билан оғзаки суҳбатдан сўнг, қуйидаги сўзлар луғати ёзилган картон доскага илиб қўйилади. Ўқувчилар сўзларни ўқийдилар ва дафтарларига ёзиб оладилар. Уларнинг маъносини дарсликдаги изоҳли луғатчага қараб аниқлайдилар. Айримларини ўқитувчидан сўрайдилар.

Қорабуғрохон — Шимолий Туркистон хони

сурон — шовқин, тўполон

зайл — бирор жойни томоша қилиш

мутолаа — ўқиш, китоб ўқиш

яроғ — қурол

истилочилар — босқинчилар.

Ким сўз маъносини тўғри ёзиб борса, шу саёҳатчига Ибн Сино кутубхонасига киришга, «Китобга ихлос» асарини олиб ўқишга рухсат берилади.

7. Асарни қисмларга бўлиб ўқитиш ва қайта ҳикоялатиш. Асарнинг 1-бўлими 4 қисмга бўлинади. Икки гуруҳ ўртасида «Ким тўғри, ва ифодали ўқийди?» мусобақаси уюштирилади.

Ҳар бир гуруҳдан иккитадан ўқувчи ўқийди.

8. Бадиий воситалар устида ишлаш.

Картонга қуйидаги кўчма маъноли сўзлар ёзиб қўйилади. Уларнинг маъносини изоҳлаш бўйича савол-топшириқлар берилади.

Бирикмаларни ўқинг. Тагига чизилган сўзларнинг маъносига диққат қилинг. Уларнинг қайси маънода қўлланганини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

оловнинг қип-қизил тиллари — гурулаб ёнаётган оловнинг юқорига буралаб-буралаб кўтарилиш

оловнинг ... тиллари осмонни ялар — баланд кўтарилар

ўзини ўтга урмоқчи — оловнинг ичига кирмоқчи

Ўқувчиларга ёрдам бериш мақсадида шу сўзларни ўз маъносида қўллаб, таққослаш услубидан фойдаланиш мумкин:

оловнинг тили — одамнинг тили

одам тили билан ялайди — олов тили билан осмонни ялайди

ўтга урмоқчи — болани урмоқчи

Қайси бирикмада тил, ялайди, уради сўзлари ўзининг маъносида қўлланган? Қайси бирикмада кўчма маънода қўлланган?

Ўхшатишлар устида ишлаш. Гаплар олдиндан доскага ёки картонга ёзиб қўйилади ва улар юзасидан топшириқ берилади. Гапни ўқинг. Аланга нимага ўхшатиляпти?

... ёнғин борган сари кучаяр, қимматли китобларни аждаҳодек ютаётган аланга қутуриб, ҳужра эшигидан тутун аралаш чиқиб турар эди.

— Сув алангага қандай таъсир қилди? Нима учун?

— Челаклаб сепилган сув унга кор қилмас, аксинча мойдек таъсир қилаётгандек эди.

— Ибн Сононинг ҳолати нимага ўхшатиляпти?

— Ибн Сино худди яқин кишисини кўриб, қабристондан қайтган кишидек бошини қуйи солиб, ярим-ёрти куйган китобни қўлтиқлаган ҳолда уйга жўнади.

— Ибн Сино қора қузғунлар уясига айланган шаҳарни тарк этиб...

Иборалар устида ишлаш. Бунда қуйидаги топшириқ берилади:

Берилган гапларни ўқинг, тагига чизилган ибораларнинг маъносига диққат қилинг. Уларни бир сўз билан алмаштириш мумкинми? Ёки: уларнинг маъносини бошқа сўз билан ифодалаш мумкинми?

Аскарларнинг сурони қулоқни қоматга келтиради. — қаттиқ эшитилади

Кечаси уйқуси келиб, кўзига қум тиқила бошлаганда ... ҳовлига тушди. — Кўзи оғрий бошлаганда, уйқуси кела бошлаганда

Баъзилар меҳнати бекорга кетаётганини кўриб, қўлларини қўлтиққа урдилар —

... кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлди —… ишини тўхтатди

... кийими билан ўзи ёниб кетиши турган гап эди. — аниқ эди

Охири бахайр бўлсин — яхшилик билан тугасин.

...нима тўғрисида бош қотираётганини билиб турибман — ўйлаотганини

Бул ерда қолсам бир куни мени чақириб, оёғимга болта урадилар — ёъқ қиладилар

9. Режа тузиш. Асар мазмуни юзасидан режа тузиш ҳар бир гуруҳга мустақил иш қилиб берилади.

Топшириқ. Матнни ичингизда ўқинг. Ҳар бир қисмга режа тузинг.

Режа.

1. Қорабуғрохоннинг халқ бошига қора кунларни солиши.
2. Ибн Синонинг тунги машғулоти.
3. Кутубхона ўт ичида.
4. Ибн Синонинг уйга қайтиши.

10. Ҳар бир режа асосида асарни қисмларга бўлиб ўқиш.

11. Режа асосида қайта ҳикоялаш. Гуруҳлар ўртасида «Ким режа асосида тўлиқ ва изчил қайта ҳикоялайди?» мусобақаси уюштирилади. Ғолиб гуруҳлар ва уларнинг баллари эълон қилинади.

12. Дарсни якунлаш ва тарбиявий хулоса чиқариш.

— Китобларни нима учун билимлар кони деймиз?

— Китоб ўқиган одам ундан нима олади?

— Ўзингиз ўқиган китоблар ҳақида гапиринг.

Саёҳатимиз Ибн Сино кутубхонасида тўхтайди. Кейинги дарсда яна саёҳатимизни давом эттирамиз.

Ўқитувчи: — Ибн Сино бобомиз сизда қандай таассурот қолдирди?

Сизда нимага интилиш пайдо бўлди?

13. Кейинги саёҳатга бориш учун 1-бўлим юзасидан дарсликда берилган савол-топшириқларга жавоб тайёрлаб келиш. Асар мазмуни юзасидан савол тузиб, карточкаларга ёзиб келиш. Матнни ролларга бўлиб ўқишни машқ қилиш.

Изоҳ, «Китобга ихлос» асарининг 2-бўлими ҳам шу дарс каби ташкил этилади.

## Масални укиш методикаси

Масал - ахлоқий, сатирик ва кесатиқ мазмунини киноявий образларда акс эттирган аксарият кичик шеърий, баъзан насрий асардир. Инсон характерига хос хусусиятлар масалда киноявий образлар - ҳайвонлар, жониворлар ва ўсимликлар дунёсига кўчирилади. Тимсолларнинг киноявий характерда бўлишидан ташқари, кулгили савол-жавоб ҳам масал тили ва услуби учун характерлидир. Кўпинча масалнинг кириш қисмида, баъзан пировардида қиссадан ҳисса - ибратли хулоса чиқарилади.

Адабиёт назариясида масалга лиро-эпик жанрлардан бири сифатида шеърий шаклдаги, мажозий характердаги қисқа сюжетли асар деб таъриф берилади. Масалларда турли ҳайвонлар мажозий суратда асарнинг қаҳрамонлари сифатида тасвирланади.

Масал кичик ҳажмли, аммо бой мазмунли, тугун, кульминастион нуқта ва ечими бўлган кичик пьесани эслатади. У бирор воқеа-ҳодисани қисқа, мазмунли тасвирлашда ажойиб намуна бўла олади.

«Антик адабиётда Эзоп масаллари жуда машҳур бўлган. Ўз маъносидан кўчирилган (мажозий) сўз ва киноявий иборалар орқали қилинадиган "яширинча" танқиднинг тили ва услуби Эзопга нисбатан берилиб, "Эзоп тили" дейилган ва шу таъбир жорий қилинган»[3].

Эзоп қулдорлик жамияти шароитида ҳукмрон доираларнинг жирканч кирдикорларини очиқдан-очиқ танқид қилиш иложини тополмагач, ўзининг сатирик асарларини киноявий тил ва услубда ёзишга мажбур бўлган. Феодал истибдоди шароитларида яшаб ижод этган машҳур рус масалчиси И. А. Крилов ҳам, атоқли ўзбек масалчиси Гулханий ҳам "эзоп тили"да ёзганлар. Франстуз шоири Лафонтеннинг масаллари ҳам машҳур. А. Навоий достонларининг бир қанча эпизодлари, "Шер билан Дуррож", "Кабутар" сингари масаллари яхши хислатларни тарбиялашда катта роль ўйнайди.

XVXX асрдан XXX асрнинг 2-ярмигача бўлган даврда яшаб ижод этган Сайидо Насафий, Махмур, Гулханий каби шоирлар ҳам Навоий анъаналарини давом эттирганлар, болаларбоп бир қанча масаллар ёзганлар.

Ҳайвонлар, паррандалар, ҳашоратлар, гуллар ҳақидаги мажозий асарларни болалар қизиқиб ўқийдилар. Мана шу нуқтаи назардан Сайидо Насафийнинг "Баҳориёт" ("Ҳайвонотнома") асари аҳамиятлидир. Сайидонинг масаллари, ахлоқий ва тарбиявий масалаларга доир фикр ҳамда қарашлари болаларнинг ўқиш ва тарбиясида катта аҳамият касб этиши билан бирга, уларнинг китобхонлик доирасини ҳам кенгайтиради.

Машҳур масалнавис Гулханийнинг "Тошбақа билан Чаён", "Маймун билан Нажжор" масаллари бошланғич синф ўқувчиларининг ёшига мос келади. Уларда дўстлик, ростгўйлик, қўлидан келмайдиган ишга уринмаслик каби ғоялар илгари сурилади.

Маълумки, тарбия кўпроқ таълим жараёнида бериб борилади. Болаларга мактабга келган кунидан бошлаб, билим олишга ҳавас туйғуси шакллантирилади. Уларда аста-секин билим олишга эҳтиёж пайдо бўлади ва бу орқали ўкувчилар маънавий озуқа ола бошлайдилар. Бу билан болада келажакка интилиш, орзу-ҳавас, меҳнатга чанқоқлик, хайру эҳсонда софдиллик, она-Ватанга меҳр-муҳаббат, фидойилик, миллий ғурур, матонат, меҳр-оқибат, дўстлик, эзгулик каби юксак ҳислар пайдо бўлади.

Жумладан, масал жанридаги асарлар ҳам боладаги қўполлик, қўрслик, ёлғончилик, ялқовлик, бепарволик каби иллатларни бартараф этишда ёрдам беради. Лекин, амалдаги бошланғич синф "Ўқиш китоби" дарсликларида масал жанрига кам ўрин берилган. Ваҳоланки, бола тарбиясида масалнинг ўрни беқиёсдир. Масалдаги қиссадан ҳисса ўқувчи матндаги эътибордан четда қолдирган, юзаки ўқиб ўтиб кетган, яхши англашга ҳаракат қилмаган ўринни, бўшлиқни тўлдиради.

3-синф "Ўқиш китоби"дан ўрин олган *"Қайсар бузоқча"* (О. Кўчқорбеков) масали оиласи, ўртоқлари, дўстларидан ажралиб, ёмон йўлларга кириб қолган, оқибатда кўнгилсиз ҳолатларга тушиб қолган болаларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Ушбу масалдаги асосий хулоса масал охирида берилган қиссадан ҳиссада, яъни ота-боболаримиз яратиб, бизга насиҳат сифатида қолдирган *"Бўлинганни бўри ер"* ҳикматида ўз ифодасини топган. Бу ҳозирги кунда мақол тусини олган. Шоир эса бундан жуда усталик билан фойдаланган.

*"Чумоли ва Типратикан"* масали эса насрий турга мансуб бўлиб, унда Чумоли тимсоли орқали болалар ҳалолликка ўргатилади, ҳар бир нарсани, у катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар, сўраб олишга, эгасининг рухсати билан фойдаланишга даъват этилади. Масални ўқишда болалар Типратикан тимсолига танқидий назар билан ёндашадилар, агар ўзининг ҳаётида бирон-бир шундай ҳолат-воқеа юз берса, уни бошқа такрорламасликка ўрганадилар.

Масалнинг, аввало, ихчамлилиги, тилининг қисқа ва лўндалиги, соддалиги, ўткирлиги ва халқчиллиги бола ҳиссиётига қаттиқ таъсир қилади. Булар ўқувчилар нутқини ўстиришда ҳам муҳим материал ҳисобланади. Масал қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, нутқий ўзига хосликлари ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилади.

2-синф "Ўқиш китоби"да берилган "Ўроқ ва Комбайн" масалида ўроқ ва комбайн асар қаҳрамонлари қилиб олинган. Уларнинг мунозараси орқали техниканинг афзаллиги: кам вақт сарфлаб, самарали натижага эришиш мумкинлиги ҳамда уларнинг аҳил бўлиб, биргаликда меҳнатга бел боғлашлари каби ғоялар илгари сурилади. Оддий предметлар тилга киради.

[3] ²омидий ². ва бош°. «Адабиётшунослик терминлари лу¼ати» - Т.: ¡°итувчи, 1979, 104 - бет.

Инсонлар томонидан айтиладиган техника ва иш қуроллари ҳақидаги гап-сўзлар бевосита предметлар тилидан берилади.

3-синф “Ўқиш китоби”да *“Қайсар бузоқча” (О. Қўчқорбеков), “Чумоли ва Типратикан”, “Ўжар Тошбақа” (Ҳ. Ёқубов), “Чаёндан сўрадилар”* каби масаллари жой олган. Бу масалларнинг қаҳрамонлари ҳам ҳайвонлар: бузоқча, чумоли, типратикан, тошбақа, чаён. Мажозий қаҳрамонларни танлашда ҳам ёзувчи ҳар бир ҳайвоннинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, бузоқчалар арқондан бўшатиб юборилса, шаталоқ отиб, узоқ-узоқларга кетиб қолади. Қайсар бузоқча ҳам тўдасидан ажралиб, бўрига дуч келади, яъни кўнгилсиз воқеа юз беради. Бузоқча орқали онасидан узоқлашиб кетган болалар, ватанидан йироқда турли кулфатларга дуч келаётган кишилар назарда тутилган.

“Чумоли ва Типратикан” масалидаги мажозий қаҳрамонлар ҳам аслида жамиятимиз аъзоларидир. Чумоли ҳаётдаги ҳалол, пок, тўғрисўз инсонлар бўлса, типратикан ўғри, қаллоб бировнинг устидан куладиган кишилардир.

“Ўжар Тошбақа” масалидаги Тошбақа ҳаётдаги ўжар, қайсар, ўз билганидан қолмайдиган, кўнгли тусаганини қиладиганлар тимсолидир.

Бошланғич синфларда масални ўрганаётганда болаларни масални ифодали ўқишга ва унинг мазмунини қисқа, баъзан бир неча сўз билан айтиб беришга, айрим қатнашувчиларнинг характерли хусусиятларини аниқлаб, ўзаро қиёслашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалнинг аллегорик мазмунига тўхталмасдан, бош қаҳрамон қиёфасини таҳлил қилишга киришилади. 1-синфда болалар масални ҳайвонлар ҳақидаги эртакка ўхшаш кулгули асар каби қабул қилсалар, 2-синфдан бошлаб улар масалдаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, ўзаро муносабатлари баъзан кишилар ҳаётида ҳам учрашини, масал ахлоқий билим берадиган ҳикоя эканини, кўпроқ шеърий тарзда бўлишини, унда кишилардаги айрим камчиликлар тасвирланишини билиб ола бошлайдилар.

Масалларда яширинган ўткир киноя, воқеаларнинг тез-тез ўрин алмашиниб туриши уни бир маромда ўқишга халақит беради. Шунинг учун ифодали ўқишга етарли малака ҳосил қилмаган ўқувчи аввал матн билан яхшилаб танишиб чиқиши лозим.

Масал таҳлил қилинаётганда, воқеа ривожини жонли тасаввур қилиш, образларни аниқ идрок этишда ўқувчиларга ёрдам бериш зарур. Чунончи, уларга айрим эпизодларни сўз билан тасвирлаш, баъзиларига ўқитувчи ёрдамида тавсиф бериш, ишнинг охирги босқичида ролларга бўлиб ўқиш кабиларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ. Қаҳрамонларга тавсиф беришда унинг хатти-ҳаракати билан бирга, тилнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳам фойдаланилади. Масални ифодали ўқишга тайёрланишда унинг сюжетини билиш билан бирга, муаллиф тилини яхши тушуниш зарур.

4-синф «Ўқиш китоби»да берилган Ш. Саъдулланинг “Лақма ит” масалида ит марказий тимсол саналади. Мушук, сигир, хўроз, товуқ ва куркалар тимсолини ит бирлаштириб туради. Шунинг ўзиёқ ит характерини очиш учун унинг атрофидаги тимсолларнинг характер-хусусиятини билишни талаб этади.

Мушукнинг ит ҳақидаги сўзларини матндан топтириб ўқитиш итнинг хусусиятини очиб беради:

*Ажаб бўлди .... уй қурмадинг.*
*Ўз ваъдангда сен турмадинг.*

*Ёзи билан лақилладинг.*
*Мени кўрсанг акилладинг.*

Сигирнинг ит ҳақидаги қуйидаги сўзларини ҳам матндан топиб ўқитиш орқали итнинг бошқа хусусияти очилади:

- *Менга бундоқ ҳийла қилма*
*Сигирларни ахмоқ билма....*

*Уйда ётдинг оёқ чўзиб*
*Соғин сутни ҳадеб бузиб.*

Сўнг ўқувчиларга итга хос хусусиятларни очувчи сўз ва ибораларни топтириб айттирилади. Шу тариқа ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида итга тавсиф беради. Сўнг бошқа тимсоллар устида ишланади. Бунда таққослаш усулидан фойдаланилади. Мушукнинг яхши хислатлари саналади. Бу

каби тавсифлар сигир, хўроз, товуқ, куркаларга ҳам берилади. Қаҳрамонларга тавсиф бериш матн устида ишлаш орқали амалга оширилади. Ёзувчи фойдаланган тил воситасида ўқувчилар қаҳрамонларга тавсиф беришга ўрганадилар, уларнинг тили ҳам янги сўзлар билан бойийди. Ўқувчиларни тавсиф беришга ўргатиш учун ўқитувчининг ўзи қаҳрамонни характерловчи сўз, ибораларни тавсия қилади. Улар ичига масалдаги тимсолларга хос бўлмаган хусусиятларни ифодаловчи сўз, иборалар киритиб қўйилади. Ўқувчи улар ичидан мосини танлаб олиш жараёнида мантиқан фикрлайди. Бу сўз ва иборалар эса болалар нутқига кўчади.

4-синф “Ўқиш китоби”да берилган *“Бақа билан Тақа”* (Азиз Абдураззоқ) масалида бақа тимсоли орқали ёзувчи ўзига мос бўлмаган, ўзига тўғри келмайдиган нарсаларни орзу қилиш ва бу орзуни амалга оширишда бошқаларнинг маслаҳати, насиҳатига қулоқ солмай, ўз айтганидан қайтмайдиган, ўжар кишиларни танқид остига олади. Бақа отлар каби тақа билан товуш чиқариб юришни, юрганда ерни жаранглатиб, одамларга бу дунёда ўзининг борлигини билдириб яшашни истайди. У тақачининг *“Тақани ўйлама, уни отга чиқарган, сенга тақа қоқсам, сакрашдан маҳрум бўласан ... Сен тақа билан йўрғалай олмайсан. Йўрғалашни ҳам отга чиқарган”, “Сен борлигингни билдириб юрмоқчи бўлсанг, сайраб юравер”* дейишларига қулоқ солмайди. Бу ўжарлик унинг бошига кулфат келтиради: сув тагига чўкиб кетади. Ёнидаги бақалар бўлмаганда ҳалок бўлиши ҳам тайин эди. Кеч бўлса ҳам бақа хатосини англаб етади, тақачи олдида хижолат чекади. Бу ҳолатлар ўқувчини ўз ҳаётига, хатти-ҳаракатига бир назар ташлашга ундайди. Улар ўз тенгқурлари каби яшаш кераклигини англайдилар.

Шундай қилиб, масал устида ишлаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: *масал мазмунини аниқ идрок этиш; композистияси, қатнашувчиларнинг характерига мос хусусиятларини, хатти-ҳаракатларининг сабабларини очиш; аллегорияни аниқлаш; масал хулосасини таҳлил қилиш.*

Мана шу изчиллик ҳисобга олинса, масал ўқиш дарсининг қурилиши қуйидагича бўлади:

*1. Тайёргарлик ишлари:*

а) масал муаллифи ҳақида ўқитувчи ҳикояси;

б) ўқилган масал мазмуни билан боғлиқ суҳбат;

в) ўқилган масалда қатнашувчи тимсолларга хос хусусиятлар ҳақида суҳбат.

*2. Масални ўқитувчи ўқиши (магнитафон ёзувини эшитиш ёки фильм кўрсатиш ҳам мумкин).*

*3. Масал матни устида ишлаш:*

а) масалнинг тузилиши ва композистиясини аниқлаш (ўқиш, режа тузиш ва ҳок.);

б) қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори, характерига хос хусусиятларини тушунтириш (танлаб ўқиш, сўз билан ва график тасвирлаш, саволларга жавоб бериш);

в) масалнинг аниқ мазмунидан келиб чиқиб, ундаги асосий фикрни белгилаш;

г) кроссвордлар, таълимий ўйинлар, топишмоқлардан фойдаланиб, масал мазмуни ва ғоясини ўзлаштириш.

*4. Аллегорияни очиш.*

*5. Ахлоқий хулоса акс эттирилган қисмни таҳлил қилиш.*

*6. Ҳаётда учраган шунга ўхшаш ҳодисаларга таққослаш.*

## Шеърни ўқиш методикаси

Шеър - оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ. Шеърий нутқни оҳанг жиҳатидан маълум бир тартибга солиш воситалари ритм (бир-бирига монанд кичик бўлакларнинг изчил ва бир меъёрда такрорланиб келиши) ва қофия (мисраларнинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар) ҳисобланади[4].

---

[4] ²омидий ². ва бош°. «Адабиётшунослик терминлари лу¼ати» - Т.: ¡°итувчи, 1967, 92 - бет.

Шеърни ўқиганда кичик ёшдаги ўқувчилар табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларининг поэтик тасвиридан ҳаяжонланишлари муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синфларда шеър тарзида ёзилган ҳикоялар, эртаклар, яъни шеърий асарлар ва лирик шеърлар ўқитилади.

Шеърий ҳикояда сюжет, яъни воқеалар тизими ва унинг ривожи характерлидир. Лирик шеър "бирор ҳаётий воқеа-ҳодиса таъсирида инсонда туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали турмушни акс эттиради". Лирик шеърнинг хусусияти "кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирлироқ ифодалашда қўл келади"[5].

Шеърни ўқиш дарсларида асосий иш тури ифодали ўқиш ҳисобланади. Ўқувчи шеърнинг асосий мазмунини тушунсагина, уни ифодали ўқий олади. Шеърий ҳикояни таҳлил қилишда, асосан, ҳикоя, эртак, масални таҳлил қилишда қўлланган иш турларидан фойдаланиш мумкин.

Лирик шеърни ўқиш ва таҳлил қилиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Ҳолбуки, кўп ҳолларда шеърга оддий матн нуқтаи назаридан ёндашилади. Бундай ҳолда шеърий санъат ҳиссиёт билан боғлиқ эканлиги унутилади, шеър маъносининг сатрлар, сўзлар заминида яширин берилиши англаб етилмайди. Бунинг оқибатида ўқувчилар шеърдаги образлиликнинг мағзини чақа олмайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай асар заминидаги яширин маънони ўқиш меҳнатталаб ишдир. Бусиз ҳатто адабий таълимнинг мақсади ҳам амалга ошмайди.

Шеърий оҳангни ҳис қилмаслик, матн сўзларини тўла тушуниб етмаслик шеър ёдлашни зерикарли машғулотга айлантиради. Маъноси англанмаган матнни ёдлаш осон кечмайди. Буни деярли барча синфларда ўрганиладиган *"Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси"* мисолида кўриш мумкин. Маълумки, мадҳия кичик ёшдаги болаларга мўлжаллаб махсус яратилмайди. Бинобарин, унинг матнидаги "ҳур ўлка", "то абад", "илму фан", "шуҳратинг", "аждодлар", "мардона руҳи сенга ёр", "ўчмас иймони", "истиқлол машъали", "тинчлик посбони", "ҳақсевар она юрт", "мангу бўл обод", "жўш урган" каби кўпдан-кўп сўзлар, иборалар ўқувчиларга изоҳлаб тушунтирилмаса, таълимдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

4-синфда Қ. Ҳикматнинг *"Қиш тўзғитар момиқ пар"* шеърини ўрганишда албатта табиат манзараларини изоҳлаш талаб этилади. Шеърни ўқишдан олдин унда тасвирланган йил фасллари ҳақида суҳбат ўтказилади ёки шеър мазмунини тушуниш учун ўқувчилар билиши лозим бўлган воқеаларни ўқитувчи қисқа қилиб айтиб беради.

Маълумки, қиш фасли гўзал кўриниши билан одамда ёқимли туйғулар уйғотади. Қишда болалар чана учиш, қорбобо ясаш, қорбўрон ўйнашдан олам-олам завқ оладилар. Қишдаги соф ва тоза ҳавогина эмас, оппоқ қорга буркалиб турган дарахтлар, дала-боғлар кишида ажиб бир кайфият уйғотади.

*"Қиш тўзғитар момиқ пар"* (Қудрат Ҳикмат) шеърини ўрганиш жараёнида агар қор ёғмаган бўлса, айни манзара тасвирланган расмлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Қиш фасли ҳақида гапирилар экан, албатта, "кумуш" сифати қўшиб айтилади. Бу шу фасл ҳукмронлиги давридаги манзарага, қорнинг оппоқ бўлиб товланишига, кўзларни қамаштиришига ишорадир. Ушбу шеърни ўрганиш дарси дастлаб ўқувчиларнинг қиш фасли ҳақидаги тушунчаларини аниқлашдан бошланади. Қишнинг ўзига хос белгилари, қишда ўйналадиган ўйинлар, қиш манзараси юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Ўқувчиларнинг қиш фаслида совуқ бўлиши туфайли айрим қушларнинг ўлкамизни тарк этиб жанубга учиб кетишлари, қишда совуққа мос иссиқ кийимларнинг кийилиши ҳақидаги тушунчалари аниқлаштирилиб, тўлдирилади. Шундан сўнг ўқитувчи шеърни ифодали ўқийди.

Бошланғич синфларда кўргазмали таълимнинг асосий шакли шеърни ифодали ўқиш ҳисобланади. Лирик шеърни ҳам ўқувчилар ҳаяжон билан яхлит идрок этишларига эришиш муҳим. Шунинг учун шеър биринчи марта ўқилганда, ҳеч қандай тушунтириш берилмайди. Шеър ўқувчиларга қандай таъсир қилганини ҳисобга олиш, билиш зарур. Ўқитувчи шеърни шундай ифодали ўқиши керакки, болалар унинг асосий мазмунини англасинлар, уларга жонли сўз кучлироқ таъсир этсин. Сўнгра шеърни мустақил ўқиш топширилади. Ўқиш оддий бўлиши керак. Ўқиётганда табиий завқ-шавқ, шодлик, хурсандлик, қаҳр-ғазаб ҳиссини қичқириқ овоз билан сохта ифодалашга йўл қўймаслик зарур. Болалар шеърни ўқиганда, шеърий сатрга риоя қилишлари керак, бу жараёнда уларнинг шеър ритмини бузмасликларига эришиш керак.

[5] ¡ша асар, 93 - бет

Ўқувчилар шеър матнини мустақил ўқиётганларида доскага маъноси изоҳланадиган сўзлар ёзиб қўйилади. Масалан, *“Қиш тўзғитар момиқ пар”* шеъри ўрганилганда *“тўзғитар”, “момиқ пар”, “оқ намат”, “наздимда”, “зарра”* сўзлари изоҳланади. Шундан сўнг, шеър ўқувчиларга навбат билан ўқиттирилади, унинг мазмуни юзасидан саволлар асосида суҳбат ўтказилади. Унда қуйидагича саволлар берилиши мумкин: *“Шеърда қайси фасл тасвирланган экан?”, “Шоир қор ёққан жойларни нимага ўхшатади?”, “Шеърда қор ёғиши нимага қиёсланган?”, “Шоир қорга қандай мурожаат қилади?”*. Ўқитувчи берилган жавобларни тўлдириб, ўқувчиларнинг қиш фаслига доир тушунчаларини бойитади.

*“Қиш”* (Турсунбой Адашбоев) шеърининг ҳажми унчалик катта эмас. Лекин у қишда ҳайвонлар ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларни билиб олишга яқиндан ёрдам беради. Бу шеърни ўқишдан олдин ҳам ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказилади. Ўқувчилар диққати ҳайвонларнинг қишдаги ҳаётига қаратилади. Масалан, қишда ёввойи қуёнларнинг ранги ўзгариб, қорда ўзини душмандан ҳимоя қиладиган оқ рангга кириши, айиқнинг ўсиқ юнглари совуқда яшашга қўл келиши тўғрисида тушунча берилади. Шеър матни билан танишишдан олдин доскага *“аёз”, “қуйруқ”, “сўқмоқ”, “пийма”, “пўстин” “паҳмоқ”* сўзлари ёзилиб, маъноси изоҳланади. Шеърни навбат билан ўқувчиларга тўрт-беш марта ўқитилганидан кейин унинг мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Шеърнинг тўла мазмуни уч-тўрт ўқувчиларга гапиртирилади, уларнинг фикр-мулоҳазалари тўлдирилади. Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида мактаб атрофига саёҳат уюштириш ҳам мумкин. Қишда қор босган далаларни, томларни, дарахтларни, одамларнинг ва қушларнинг қишдаги ҳаётини кузатиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва нутқининг ифодали, сермазмун бўлиши учун бой материал беради.

Ўқувчилар барглари тўкилиб, совуқда қор босиб турган дарахтларни кўрар экан, шу ҳолатни ифодалаган *“қор кўрпасига ўранган яланғоч дарахт”* ёки *“совуқда мудраётган дарахт”* каби ибораларни топишга ҳаракат қилади, бу эса ўқувчиларнинг луғат бойлигининг ошишига хизмат қилади.

Шеър матни ҳам саволлар асосида таҳлил қилинади. Аммо, шеър мазмуни ҳақида ўқувчиларга кўп савол бериш тавсия этилмайди. Ўқувчилар шеърнинг асосий мазмунини тушунганликларига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифоя. Шуни ҳам айтиш керакки, болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос фикрлари, ҳис-туйғулари, қизиқишларини ифодаловчи, шунингдек, замонамиз қаҳрамонлари, ўзбек халқи, Ватан ҳимояси, халқимизнинг қаҳрамонона ишлари ҳақидаги шеърлар мазмунини тўлиқроқ таҳлил қилиш талаб этилади. Бундай шеърларни ўқишга махсус тайёрланилади: шеър мазмунига асос бўлган тарихий воқеа ҳақида қисқача сўзлаб берилади ёки суҳбат ўтказилади.

Бошланғич синфларда ўрганиладиган кўпгина шеърларни таҳлил қилиб, ифодали ўқиш машқ қилингач, ифодали ёд айтиб бериш вазифаси топширилади.

Шеърий нутқ енгил ёдлаб олинади, болада эстетик ҳис-туйғу уйғотади. Кичик ёшдаги ўқувчилар савиясига мос болаларбоп равшан тил билан ёзилган содда ритмли жарангдор шеърларни болалар тез ва осон ёдлаб оладилар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларга шеърни қандай ёдлаш кераклиги ўргатилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчилар билан шеърни тенг сатрли бир неча қисмга бўлади. Ўқувчиларга ҳар бир сатр охирида пауза (тўхтам) қилиш, бунинг учун сатр охирида тиниш белгиси бўлиши шарт эмаслиги, ритмик тўхтамда овозни нуқтадаги каби пасайтирмаслик лозимлиги, бу тугалланмаган фикрни давом эттиришга имкон бериши тушунтирилади ва бўлинган қисмлар навбати билан ёдлатилади.

Эпик (воқеий) шеърлар ёки шеърий усулдаги адабий эртаклар кишилар ҳаётида юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган бирор воқеани умумлаштирган ҳолда ифодалаш билан ҳикояларга ўхшайди. Воқеаларни ифода этувчи воситаларнинг оҳанг жиҳатдан тартибга солиниши, кичик бўлакларнинг изчил ва бир меъёрда такрорланиши, мисраларда оҳангдош сўзларнинг қўлланиши билан шеърий нутқ саналади. Шу сабабли бундай асарларни ўрганишда шеър ва ҳикоя устида ишлаш методикасидан фойдаланилади.

Эпик шеърларни ўқишга ўқувчилар алоҳида тайёрланади, уларда ифода этилган воқеалар юз берган давр ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Бундай шеърларнинг мазмуни қай даражада ўзлаштирилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунда таълимий воситалар-расмлардан фойдаланиш яхши самара беради. Асар матни устида ишлашда уни қисмларга бўлиш,

ҳар бир қисмдаги асосий фикрни аниқлаш, режа тузиш ва қайта ҳикоялаш, қаҳрамонларга тавсиф бериш ва тарбиявий хулосалар чиқариш каби таҳлилий ишлар амалга оширилади.

Эпик шеърларнинг насрий асарлар каби тугуни, кульминастион нуқтаси, ечими мавжуд бўлади. Шу сабабли асар мазмуни савол-топшириқлар орқали таҳлил қилинади. Савол-топшириқлар ўқувчилар томонида ҳам тузилиши мумкин.

Бундай шеърларни таҳлил қилиш асар воқеалари жараёнида қаҳрамон ҳолатларини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантириш имконини беради. Бунда айрим эпизодларга расмлар ҳам чиздириш мумкин.

Эпик шеърларнинг бадиий тил воситалари маъноларини очиш, оҳангдош сўзларни аниқлаш, банд ва мисралар, бўғинлар сонини белгилаш, ифодали ўқиш, айрим эпизодларни ёд олдириш каби иш турлари қўлланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4-синф «Ўқиш китоби» да *«Мардлик ва ақл ёруғлиги»* (М. Аъзам), *«Деҳқонбобо ва ўн уч болакай қиссаси», «Шарқ ҳикояси»* (А. Орипов), *«Ҳар ким экканин ўрар»* (М. Абдурашидхонов), *«Содда қишлоқи ва унинг эшаги қиссаси»* (А. Жомий), *«Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак»* (А.С. Пушкин), *«Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак»* каби эпик шеърлар берилган. Бу асарлар устида ишлашда ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган иш турларидан фойдаланиш керак.

Шеърни изоҳли ўқиш дарсининг тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

*1) шеър мазмунини яхлит идрок этиш учун уни ифодали ўқиб бериш (биринчи синтез);*

*2) шеърда тасвирланган пайт, ҳодиса ҳақида суҳбат (анализ);*

*3) шеърни ифодали ўқишни машқ қилиш (иккинчи синтез);*

*4) шеърни ёд айтиб беришга тайёрланиш.*

*5) эпик (воқеий) шеърлар устида ишлаш.*

Шеър ўтиш дарси намунасини келтирамиз:

**Мавзу.** Қор — ҳаёт суви.

Ўқув материали. Қиш тўзғитар момиқ пар. Қудрат Ҳикмат.

Ўқитувчининг мақсади: 1. Ўқувчиларни шеърни ифодали ўқишга, шеър матни устида ишлашга ўргатиш; шоирнинг қишнинг хусусиятларини шеър орқали тасвирлашдаги маҳоратини очиб бериш; ўқувчиларнинг қишнинг хусусиятлари, қорнинг ҳаёт учун фойдаси ҳақидаги тушунчаларини бойитиш.

2. Ўқувчиларнинг луғатига булут тўшаги, момиқ пар, оқ намат (қор), изғирин, ҳовуз, мўрком, сурункаси, файз бермоқ, оқ чойшаб каби сўз ва ибора, тасвирий ифодаларни киритиш.

3. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятларини ошириш.

4. Табиатни севиш, унинг эҳсонларини қадрлашга ўргатиш.

Дарснинг тури. Янги билим берувчи, лирик шеър ўрганиладиган дарс.

Дарснинг методи. Изоҳли ўқиш, мустақил иш методи, тармоқлаш методи.

Дарснинг жиҳози. Қиш фасли тасвирланган расмлар. Қ.Ҳикмат портрети, шоир ҳақидаги маълумотлар.

Дарснинг бориши.

1. Ўқувчиларда янги мавзуни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, топишмоқ айтиш ёъли билан бугунги дарснинг мавзусини аниқлаштириш:

Оппоққина дастурхон

Ер юзини қоплаган. (Қор)

Бостирдим икки товуқ,

Бири иссиқ, бири совуқ. (Ёз, қиш)

Савол: Бугунги ўқиш дарсимиз қайси мавзу ҳақида экан?

2. Қиш фасли ҳақида кириш суҳбати. Доскага қиш фасли тасвирланган расмлар илинади. Саволлар.

— Йил қайси фасл билан бошланади?

— Қиш фасли ҳақида нималарни биласиз? Расмлардан фойдаланиб сўзланг.

— Қиш бекорчилик фаслими?

— Қор ҳақидаги афсонани биласизми? Афсона қисқа сўзлаб берилади: Қадимда осмондан ун ёғилар экан. Одамлар ўз эҳтиёжларига ярашасини олиб, уйларига олиб кирар экан. Қишлоқда бир очкўз бой унларни ўзига керагидан ҳам ортиғини қоплаб ўз уйига таший бошлабди. Ҳатто ер юзини чегаралаб олибди. Ўз ерим деган жойлардаги унларни бошқаларга бермабди. Шунда осмон-у қиш ва булутларнинг жаҳли чиқиб, унларни муздек қорга айлантириб қўйишибди.

Савол: Табиатда ранглар ҳар хил. Сиз қайси рангларни яхши, ёқимли деб ҳисоблайсиз?

3. Ўқувчиларнинг қиш фасли ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш. Топшириқ. Қиш фаслига хос хусусиятларни айтинг. Ўқитувчи тармоқлаш усулида ёзиб боради:

Қиш

совуқ

изғирин шамол

қор ёғади лайлак қор

ерлар музлайди

дарёлар музлайди

ҳаво булут бўлади

ҳаво баъзан очиқ бўлади

қуёш иситмайди

тоғларга қор кўп ёғади

ер сирпанчиқ бўлади

қорлар куралади

4. Доскага «Қиш тўзғитар момиқ пар» Қудрат Ҳикмат, деб ёзилади. Ўқитувчи: — Шеър муаллифи ким экан? У ҳақида нималарни биласиз?

Ўқитувчи ҳикояси.

Қудрат Ҳикмат — истеъдодли болалар шоири. У қисқа умр кўрган. Шоир ўз ижодини кичкинтойларни илмга иштиёқ, она-Ватанга, жонажон юртимизга садоқат руҳида тарбиялашга бағишлади.

Қудрат Ҳикмат 1925-йилда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Биринчи шеърлари 1945-йилда болалар газеталарида босилди:

1960-йилдан бошлаб болалар нашриётида ишлади.

Унинг «Менинг Ватаним» (1950), «Бахтли болалар» (1952), «Ободлик» (1953), «Дўстлик» (1954), «Родной Узбекистан» (1955) каби қатор шеърий тўпламлари нашр этилган. Кейинчалик «Илоншоҳ ва унинг амалдори ари ҳақида эртак» (1963), «Соатжоннинг соати» (1964), «Тошбақалар ҳужуми» (1965), «Дайди бола», «Ўғлим билан суҳбат» каби китоблари босилди.

Китоблари кўрсатилади. Уларни ўқишга даъват этилади.

Ўқитувчи унинг бирор шеърларидан парча ўқиб бериши ҳам мумкин:

Тинчлик ҳақида қўшиқ

Тинчлик жуда соз,

Тўкин-сочин ёз.

Ўқ товуши чиқмас,

Янграр дўстлик, соз,—

Бўлса-чи уруш

Ўт тушар ҳар ён.

Тинч, ширин турмуш,

Бўлади вайрон.

5. Шеър билан таништириш. Ўқитувчи шеърни ифодали ўқиб (ёки ёд айтиб) беради.

6. Шеър юзасидан кириш суҳбати.

— Шеър нима ҳақида экан?

Шеърдаги қайси жумлалар сизга жуда ёқди? Нима учун?

7. Шеър ичда ўқитилади.

8. Шеърни топшириқлар асосида ўқитиш.

— Биринчи тўртликни ўқинг. Унда қайси сўз ва иборалар ўз маъносида қўлланмаган? Уларнинг қайси маънода қўлланганини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

— Иккинчи тўртликни ўқинг:

Маҳалла-кўй кўчада

Чувурлашиб қор курар,

Есиб совуқ изғирин:

— Тезроқ юр! — деб буюрар. Қайси мисраларда жонлантириш қўлланган? Жонлантириш деганда нимани тушунасиз?

— Учинчи тўртликни ўқинг.

Пирпиратиб кўзини

Автобуслар ўтади.

Қаҳратон қиш ҳовурни

Мўркон каби ютади.

— Шу тўртликнинг кейинги икки мисрасидаги сўзларнинг маъносини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

Мустақил иш. 1-топшириқ.

Шеърни ичингизда қайта ўқинг. Қайси мисрада ўхшатиш борлигини аниқланг.

Ўқувчилар:

Томлар кийди оқ қалпоқ

Ҳовлиларда сен тепа

Осмон элак, наздимда,

Шаҳримизга ун сепар.

— Охирги тўртликда 3-мисрада бор. Ўра кумуш чойшабга.

2-топшириқ. Шеърни яна ичингизда ўқиб, қорга берилган буйруқни топинг.

Етар шунча ёққанинг

Узоқ дала, қирга бор — буйруқ.

Водийларга файз бериб

Гуллат боғ-у роғини — буйруқ.

Ўра кумуш чойшабга,

Ўлкамнинг ҳар ёғини.

3-топшириқ. Жонсиз нарсалар шеърда жонли қилиб ифода этилган мисраларни топинг.

Улар сени кутмоқда

Ҳар заррангга бўлиб зор.

Саваб булут тўшагин

Қиш тўзғитар момиқ пар — мисраларида қайси бадиий восита қолланганини айтинг.

9. Шеърлаги қаҳрамонлар устида ишлаш. Саволлар.

— Шеърда нималар ҳақида гап боряпти?

— Уларни шеърдаги қаҳрамонлар дейиш мумкинми? Нима учун?

— Ўйланг, шеърда нечта қаҳрамон бор? Улар қайсилар?

(Қиш, изғирин, автобус, осмон)

— Шеърда ким ғорга қарата гапиряпти? (Шоир)

— Шоирнинг қорга қарата айтган гапларини ўқинг.

10. Дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлаш.

Осмон элак наздимда

Шаҳримизга ун сепар...

Ўра кумуш чойшабга

Ўлкамнинг ҳар ёғини,

деганда шоир нималарни назарда тутади?

Уйга вазифа. Шеърни ёд олинг. Шеър мазмунига мос расм ишланг.

11. Шеърдан олган таассуротингиздан фойдаланиб, қиш, қор, совуқ ҳақида 4-5 гапли матн тузинг. Матнингизда шеър матнидаги қуйидаги сўз ва иборалардан фойдаланинг: момиқ пар, оқ чойшаб, қаҳратон қиш, осмон элак, қор зарралари, изғирин, файз беради, оқ кийимда.

Намуна: Қаҳратон қиш кунлари эди. Осмон элак каби қор зарраларини ерга эларди.

Ер бир зумда оқ чойшабга ўралди.

Дарахтлар қордан оқ кийим кийди. Бу қишлоғимизга файз бериб турарди.

12. Якунловчи суҳбат. — Дарсда нима ҳақидаги шеър билан танишдингиз?

— Биз бугун қиш фасли ҳақидаги шеърни ўқидик. Бунинг гўзал элчиси — қор ҳақида, унинг ёқиши даги гўзал манзаралар билан, фойдаси билан танишдик.

Табиатнинг эҳсонларига қандай муносабатда бўлиш керак экан?

— Қор, қиш ҳақида қандай топишмоқларни биласиз? Мақоллар-чи?

12. Ўқувчиларни рағбатлантириш.

Мавзу: Баҳор уйғониш фасли

Ўқув материали. Баҳор. Қудрат Ҳикмат.

Дарснинг мақсади.

1. Ўқувчиларнинг. Баҳорда табиатда, ҳайвонот ва қушлар ҳаётида бўладиган ўзгаришлар ҳақидаги билимларини бойитиш.

2. Баҳор фаслида табиатни кузатишга, ундаги ўзгаришларни пайқаб олишга ўргатиш.

3. Табиатни севиш, асраш, унинг гуллаб яшнаши учун ҳисса қўшишга ёъллаш.

4. Ўқувчилар нутқини сўзлар билан бойитиш.

Дарс тури. Янги билим берувчи, шеър ўқиш дарси.

Дарс шакли. Ноанъанавий дарс.

Дарс методи. Кичик гуруҳлар дарс билан ишлаш, мустақил иш методи, суҳбат методи, тармоқлаш методи.

Дарснинг жиҳози. Кортон қоғоз, рангли фломастер, гул, қушлар расми, табиий ҳодисалар тасвири.

Ташкилий қисм. Синф 4 гуруҳга ажратиб ўтқазилади.

Дарснинг бориши.

И. Даъват босқичи. Мақсад. Ўқувчиларнинг баҳор фасли, ундаги ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш. Янги мавзуни ўрганишга тайёрлаш ва қизиқиш уйғотиш.

Метод. Мустақил иш методи.

1. Ўқувчилар гуруҳига ўтилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар ёзилган карточка солинган конвертлар берилади.

Савол-топшириқлар.

1-гуруҳ учун: Баҳор фасли ҳақида қайси асарни ўқиб келдингиз? Унда табиатдаги об-ҳаво ўзгаришлари қандай тасвирланган? Сўзлаб беринг.

— Насим, фирдавс сўзининг маъносини изоҳлаб беринг.

— «Баҳор таърифида» матнининг 1-қисмини ифодали ўқиб беринг.

2-гуруҳ учун: «Баҳор таърифида» асарида ернинг юз қисмидаги, дов-дарахтлардаги ўзгаришлар қандай тасвирланади? Сўзлаб беринг.

— Чин сўзининг маъносини изоҳлаб беринг.

— Асарнинг 2-қисмини ифодалаи ўқиб беринг.

3-гуруҳ учун: — Қушлар ҳаёти қандай тасвирланади? Шуларни сўзлаб беринг.

— Каклик, оққуш, ўрдак расмлар ичидан танлаб кўрсатинг.

— Асарнинг 3-қисмини ифодали ўқиб беринг.

4-гуруҳ учун: — Ҳайвонлар ҳаракати қандай тасвирланган? Шу ўрнни ҳикоялаб беринг.

Жайроннинг расмига қараб, унинг ташқи кўринишини тасвирланг.

— Асарнинг 4-қисмини ифодали ўқиб беринг. Ўқувчилар тўплаган баллар эълон қилинади.

2. Баддий тил воситалари устида ишлаш.

Ўқитувчи: Бугун дарсда дахатдаги олмалардан узишга рухсат бераман. Фақат унинг орқасига ёзилган савол-топшириқни бажарсангиз, олма сизники бўлади ва уни ўз саватчангизга соласиз.

Ҳар бир гуруҳдан ўқувчилар навбат билан чиқиб олмадардан олади ва шу вақтнинг ўзидаёқ саволларга жавоб беради:

Ўқинг. Қандай бадиий восита қўлланганини айтинг.

Уйқуга кирган дарахтлар яна яшил тўн кийди, оқ, сариқ, кўк, қизил рангли ёпинғичлар билан безанди.

Ўқинг. Қандай бадиий воситалар қўлланганини айтинг.

Бўз ер юзига яшил парда тортди, гўё Хитой карвони

Чин ҳарири ипак матоларини ҳар томонга ёйди.

Ўқинг. Қандай бадиий восита қўлланганини айтинг.

Қора қарға тумшуғини кўпиртириб қағиллайди, унинг овози тантиқ қизнинг овози каби ёқимсиздир.

Ўқинг. Қандай бадиий восита қўлланганини айтинг.

Мағрур турналар кўкда овозини баралла янгратмоқда, тизилган туя карвонидек учмоқда.

Гуруҳлар балли эълон қилинади.

3. Матнни топшириқлар асосида ўқитиш.

— «Баҳор таърифида» матнини ўқинг. Ундан кўчма маънода қўлланган сўзларни топинг. (Баҳор нафаси, фирдавс ели, ўз ҳукмига, ҳарир ёпинғич, ҳар томонга ёйди, каклик кулмоқда, гуллар юз очиб, қаҳ-қаҳ уриб кулмоқда каби). Гуруҳларнинг балли эълон қилинади.

4. Баҳор фасли ҳақида ўқувчилар тушунчасини аниқлаш.

- Баҳор фаслига хос хусусиятларнинг тармоқлаш усулида ифодаланг, уни доскага илинг ва изоҳлаб беринг.

- «Баҳор» шеъри муаллифи Қудрат Ҳикмат ҳақида нималар биласиз? Оғзаки гапириб беришга тайёрланинг. Қайси шеърларини ёд биласиз? (Ўқувчилар «Қиш тўзғитар момиқ пар» шеърини айтишади)

Ўқитувчи ҳикояси.

Қ. Ҳикмат болалар учун шеър ёзган.Шунинг учун болалар шоири деб айтишади. У Тошкентда туғилган. Педагогика олийгоҳида ўқиган. У атиги 43 йил яшаган. Лекин болалар учун кўплаб шеърлар тўпламини яратган. Унинг «Менинг Ватаним», «Бахтли болалар»). «Уч ўртоқнинг совғаси», «Соатжониннг соати», «Ўғлим билан суҳбат» тўпламлари бор.

Гуруҳнинг балли эълон қилинади.

XX. Англаш босқичи.

Мақсад. «Баҳор» асари орқали ўқувчиларнинг баҳор табиати, қушларнинг ҳаракати ҳақидаги билимларини бойитиш, ифодали ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш.

Ўқувчилар нутқига майин шамоллар, соябон толлар, тонг еллари, ўтлар тебранар, кўкни қучган тераклар ибораларини киритиш.

Метод. Муспақил иш методи.

1-топшириқ. Шеърни ичингизда ўқинг. Ифодали ўқиб беришга тайёрланинг. Ўқиш учун 1-2 дақиқа берилади. Сўнг ҳар бир гуруҳдан 4-5 ўқувчига ўқитилади. Улар баҳоланиб боради, гуруҳнинг ифодали ўқиш бўйича умумий балли эълон қилинади.

2-топшириқ. Дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишланг. Ҳар бир гуруҳ ўз ичида савол-топшириқларни бўлиб олиб тайёргарлик кўрсин. Тайёр ўқувчи туриб жавобини айтаверади. Гуруҳлар бир-бирининг жавобини тўлдиради.

ХХХ. Фикрлаш босқичи.

Мақсад: Ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билимларини ҳаётда кўрган-кузатганларини, эшитганлари билан боғлаб ифодалаб беришга ўргатиш. Дарс таассуротларини эшитиш орқали кейин дарснинг вазифаларини режалаштириб олиш.

Метод. Суҳбат методи.

Саволлар: — Бугунги дарсда нималарни билиб олдингиз? Шеърни ўқишдан олдин баҳор, унинг об-ҳавоси, табиат кўриниши, қушлар ҳаёти ҳақида нималарни билар эдингиз? Бугунги дарсда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз? Дарс сизга ёқдими?

— Сизнингча, дарсда қайси гуруҳ фаол иштирок этди?

Ўқувчиларнинг фикри умумлаштириб, гуруҳлар тўплаган балл ва айрим фаол ўқувчиларнинг баҳоси эълон қилинади.

Уй вазифаси: Шеърни ёд олиш. Шеър мазмунига мос расм чизиш.

## Мақол ўрганиш методикаси

Мақол - турмуш тажрибалари заминида туғилган ва халқ донолигини ифодалаган қисқа, кўпинча шеърий шаклдаги ҳикматли сўзлар, чуқур маъноли ибoралардир. Мақол хилма-хил мавзуларда бўлиб, ҳаётнинг турли масалаларини қамраб олади. Кўпинча мақол ўгит, насиҳат характерида бўлади: *“Ер ҳайдасанг - куз ҳайда, Куз ҳайдамасанг юз ҳайда”, “Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг”* каби.

Мақол халқ оғзаки ижодининг жуда қадимий шаклларидан бири бўлиб, унда хилма-хил бадиий ифода воситалари - оҳангдор товушлар такрори бўлади.

Катта ҳаётий ва ижодий тажрибага эга бўлган ажойиб сўз усталарининг ўлмас сатр ва ҳикматли сўзлари ҳам кўпинча, халқ мақолларига ўхшаб кетади. Масалан, А. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”да айтган бир қанча ҳикматли сўзлари шулар жумласидандир: “*Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”, “Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз”* ва бошқ.

Маълумки, бадиий асар матни устида ишлаш босқичма-босқич амалга оширилади. Мақолларни ўрганишда ҳам бу босқичларга эътибор қаратиш керак. 1-2-синфларда мақолларни ўрганишнинг биринчи босқичи бўлса, савод ўргатиш даври мақолларни ўқиш ва ўрганишнинг тайёрлов босқичидир.

Савод ўргатиш давридаёқ ўқувчилар мақолларни ўқийдилар. Алифбе даврида берилган мақоллар матн мазмуни билан боғлиқ бўлиб, улар матн ғоясини ўқувчиларга лўнда, аниқ етказиш учун ҳам хизмат қилади. Бу вақтда ўқувчиларга мақоллар ўқитилади, маъносини билганларича изоҳлаб беришлари сўралади. Ўқувчилар жавобини ўқитувчи тўлдириб, мисоллар билан далиллаб беради.

Мақолларни ўргатиш ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади. Ҳар бир дарсга тайёрланаётганда асар мазмунига ва унда илгари сурилган ғояга мос мақол устида қандай машқ уюштиришни режалаштириб олиш лозим. Иложи борича уларни дарс режасига киритиш, изоҳли луғатлар *(Масалан: Ш. Шомақсудов, Ш. Шораҳмедовнинг «Ҳикматнома» (ўзбек мақолларининг изоҳли луғати), Тошкент, 1990)* дан унинг маъносини осон изоҳлайдиган, содда тил билан тушунтириш мумкин бўлган шаклларини билиб олиш зарур. Бунинг учун ўқитувчи “Мақоллар тўплами” ва уларнинг изоҳига оид адабиётларга эга бўлиши керак.

Бошланғич синфларда матн остида берилган мақолларни ўқиш ва ўрганиш, таҳлил қилиш асар ўқиб, таҳлил қилиниб бўлингач, амалга оширилиши керак. Акс ҳолда асар мазмуни ва унда ёзувчи айтмоқчи бўлган ғояни тушунмай туриб, мақолнинг маъносини изоҳлаш қийин бўлади. Муаллифлар ҳам мақол маъносини асар воқеалари билан изоҳламоқчи бўладилар.

1-2-синфларда мақолни ифодали ўқиш ва ёд олишга аҳамият берилади. 1-синф дарслигида бўлим юзасидан берилган савол топшириқларда ҳам мақолларни ўрганишга катта эътибор берилган. Масалан, *“Халқ ўгити - бахт калити”* бўлимидаги савол-топшириқларда *“Ростгўйлик*

*ҳақидаги мақоллардан айтинг", "Одоб инсонга ҳусн"* бўлимида *""Қаноатда - баракат" мақолининг маъносини тушунтириб беринг", "Кўклам - яшнади олам"* бўлимидан сўнг *"Билим олиш ҳақидаги мақолларни айтинг"* каби вазифалар берилган. Ҳар бир бўлим юзасидан берилган вазифаларда у ёки бу мақолни ўрганиш кўзда тутилган.

1-2-синфда мақолнинг мазмунини ўрганиш ва ёд олишдан ташқари, унинг матнидаги изоҳталаб сўзлар, бирикмалар устида луғат иши ўтказиш, бадиий тил воситалари, кўчма маъноли, қарама-қарши маъно билдирувчи, мақолда такрорланиб келаётган сўзлар маъноси юзасидан иш олиб бориш талаб этилади.

Масалан, 1-синф «Ўқиш китоби» да *"Она юртинг - олтин бешигинг"* мақоли берилган. Мана шу мақол матни устида ишлаганда, *""Юрт" сўзини қайси сўзлар билан алмаштириш мумкин?", "Мақолда она юрт нимага тенглаштирилаяпти?", "Бешик олтин бўладими?"* каби саволлар бериш йўли билан ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, боғланишли нутқини ўстириш устида ишланади. Бундан ташқари, *"Элинг сенга чўзса қўл, Унга доим содиқ бўл"* мақолининг маъносини тушунтиришда шу бўлимдаги асарлардан, болалар учун давлатимиз томонидан яратиб берилган шароитлардан мисоллар келтириш лозим. Масалан, *""Жар" спорт комплекси сизнинг соғлом ўсишингиз учун яратилди. Мактабда бепул билим оляпсиз. Шунга жавобан сиз нима қилишингиз керак?"* каби. Шу мақолнинг бадиий тил воситаси устида ишлашда *""Қўл чўзса" деганда нимани тушундингиз?"* каби саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилиш ва унинг қандай маънода келаётганини айтиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

2-синфда *"Иш иштаҳа очар"* матнидан кейин: "*Иш иштаҳа очар, Дангаса ишдан қочар", "Куч бирликда"* матнига *"Бирлашган ўзар, Бирлашмаган тўзар"* мақоллари келтирилган. Бу мақоллар устида ишлаганда ҳам дарсликдаги матн ўрганиб бўлингач, асарнинг ғоясини очишда ва хулоса тарзида мақол мазмуни очилади. Мақол тили устида 1-синфда уюштирилган ишлар 2-синфда ҳам давом эттирилади. Мақол устида ишлаш орқали ўқувчилар унинг яратилиши ҳақида, унинг оддий гапдан фарқини билиб оладилар.

1-синфда мақолларни тўғри ўқиш ва ёд олишга эътибор кўпроқ қаратилади, 2-синфда эса ўқувчилардан матн мазмунига мос мақоллар айтишни талаб қилиш мумкин.

3-4-синфларда мақоллар махсус дарсларда ва бадиий асарни ўрганиш жараёнида ҳам мунтазам ўрганиб борилади. Бу синфларда мақолларни ўрганишдан кўзланган мақсад ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш, тўғри ва онгли ўқиш малакаларини такомиллаштириш, мақолдаги ҳар бир сўзнинг ва яхлит мақолнинг маъносини тўлиқ идрок этишга эришишдир. Ўқувчилар ўқилган матн ичидан мақолларни, ҳикматли сўзларни ўзи мустақил топа олиш кўникмасини эгаллаши, улар ёрдамида ўқилган асарлар юзасидан тўғри ҳукм чиқаришга ўрганишлари зарур.

3-4-синфларнинг «Ўқиш китоби» да *«Халқ оғзаки ижоди»* бўлими таркибида *«Мақоллар»* мавзуси алоҳида олинган. Бу мавзуни ўрганишда мақолнинг келиб чиқиши, яратилиши ҳақида дастлабки элементар маълумотлар берилади. Бунда мақоллар халқнинг узоқ йиллик ҳаётий тажрибаси асосида вужудга келганлиги, тарбия воситаси сифатида ҳар бир халқнинг миллий маънавиятининг шаклланишида муҳим восита бўлиши ҳақида дастлабки тушунчалар берилади.

Мақоллар мавзулар бўйича гуруҳлаб ўргатилади. Масалан, 4-синф «Ўқиш китоби» да мақоллар *«Она юртинг-олтин бешигинг», «Элдан айрилгунча, жондан айрил», «Меҳнат-бахт келтирар», «Одобинг-зебу зийнатинг», «Олим бўлсанг, олам сеники», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар»* каби мавзулар асосида бирлаштирилиб берилган. Ўқувчиларга мақолларни мавзу бўйича гуруҳлаб ўргатишда ўқиш мавзуларига асосланилади. Бунда мақол мазмунига мос асарлар номини келтириш, унинг мазмун-ғоясини мақол билан боғлаш керак. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибалари асосида мисоллар келтириш билан мақолларни изоҳлаш ёки ўқувчиларга мақол ғоясига мос биронта ҳикоя тузиш мустақил иш сифатида берилиши ҳам мумкин.

3-4-синфларда мақол жанри бўйича таҳлилий ишлар ўқув йили давомида изчил уюштирилиб борилади, яъни *«Асар ғоясига оид мақол айтинг», «Мақоллар асосида кроссворд тузинг, ребус яратинг»* каби топшириқлар берилади, *«Мақоллар айтиш мусобақаси», «Мақоллар мушоираси»* кабилар ташкил қилинади.

Мақолларни ўрганишда кўргазмалилик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, таълим-тарбиянинг бирлиги тамойилларига амал қилинади.

4-синф якунида мақол жанрини ўрганиш юзасидан умумлаштирувчи дарсни ташкил қилиш зарур. Бунда ўқувчиларга ёд олинган мақоллар мавзусига қараб гуруҳлаш устида иш олиб борилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, мақолни ўрганишда қуйидаги иш турларидан фойдаланилади:

*1. Мақолни ўқиб, унинг мазмуни устида ишлаш;*

*2. Мақолдаги сўзларнинг маъносини изоҳлаш;*

*3. Бадиий тил воситалари устида ишлаш;*

*4. Мақолни ёд олдириш;*

*5. Мақол матнидаги қарама-қарши маъноли ва маънодош сўзларни аниқлаш ва уларнинг мақолда ифода этилган ғоя билан алоқасини очиш;*

*6. Матн мазмуни ва ғоясига мос мақол топтириш;*

*7. Мақолларни мавзулар бўйича гуруҳлаш.*

Қуйида мақол жанрини ўрганиш дарси ишланмасини келтирамиз:

Мавзу. Халқ ҳикматлари

Ўқув материали. Мақоллар

Дарснинг мақсади.1. Ўқувчиларга мақолларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Мақолларни ифодали ўқиш, мазмунини тўлиқ англаб етиш малакасини ошириш.

**2.** Мақоллар орқали ўқувчилар онгига ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, илм олишга қизиқиш, камтарлик, оққўнгиллик туйғуларини сингдириш.

3. Ўқувчиларни кўрган-билган, эшитган, ўқиганлари юзасидан хулоса чиқаришга, ўз нутқида мақоллардан фойдаланишга ўргатиш.

Дарснинг тури. Янги билим берувчи, мақол ўқиш дарси.

Дарснинг бориши.

1.Даъват босқичи. Мақсад. Ўқувчиларда янги мавзуни ўзлаштиришга иштиёқ уйғотиш. Мақолларниг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

Методи. Суҳбат методи.

1. Ўқитувчи докага қуйидаги мақолларни ёзиб қўяди:Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.Аввал ўйла, кейин сўйла

Ўқитувчи: Абдулла Авлонийнинг «Яхшилик ерда қолмас» ҳикоятини биласизми?

Ўқитувчининг ҳикояси: Яхшилик ерда қолмас. Доскага ҳикоя мазмунига мос расмлар илинади.Бир ари сув устинда учиб борур эди. Бирдан сувга йиқилиб кетди. Қанотлари ҳўл бўлиб учарга кучи етмади. Ўлар ҳолатга етди. Буни бир кабутар кўриб, арига раҳми келуб дарҳол бир чўпни тишлаб, сувга ташлади. Бечора ари бу чўпни кема қилиб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўйиб, кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келуб, боланинг қулоғини чақди. Бола қулоғининг аламидан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ғанимат билиб, учиб кетуб, ўлимдан қутилди.

Топшириқ.Докадан сиз тинглаган ҳикояга мос мақолни топиб, белгиланг. (Ўқувчилар “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” мақолини белгилайдилар.)– Қолган мақолларга мос қандай ҳикоя, эртаклар ўқигансиз? (“Билим – ақл чироғи” мақоли мазмунига мос “Илм афзал” эртагини ўқиганмиз.)– Мақолларни яна қандай ном билан аташ мумкин? (“Доно фикр” деб аташ мумкин.)Бугунги дарсда нималарни ўрганар эканмиз? Мақоллар нима ҳақда бўлади? Мақоллар нима мақсадда яратилади? Ўқувчилар жавоби тўлдириб, умумлаштирилади.

**НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТ. МАҚОЛЛАР – ХАЛҚНИНГ ҲИКМАТЛИ ИФОДАЛАРИ. ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ДОНО ФИКРЛАРНИНГ ИХЧАМ ШАКЛИ. МАҚОЛЛАР ШЕЪРИЙ ВА НАСРИЙ ТУЗИЛИШГА ЭГА. МАҚОЛЛАР ОНА – ВАТАННИ СЕВИШГА, УНИНГ ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕРИ УЧУН КУРАШГА, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШГА, МЕҲАНТ ҚИЛИШГА, ТЎҒРИ СЎЗ БЎЛИШГА, ЯХШИ ОДОБ ВА ОЛИЖАНОБ ХУЛҚЛИ БЎЛИШГА ЧАҚИРАДИ.**

**XX. АНГЛАШ БОСҚИЧИ. МАҚСАД. МАҚОЛЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ, МАЗМУНИНИ МИСОЛЛАР БИЛАН ОЧИБ БЕРИШГА ЎРГАТИШ.**

**МЕТОД. СУҲБАТ, ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИБ ИШЛАШ.**

**1. ЎҚУВЧИЛАР 4 ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ. ҲАР БИР ГУРУҲ УЧУН МАЪЛУМ МАВЗУДАГИ МАҚОЛЛАРНИ ЎҚИБ ЎРГАНИШ ТОПШИРИЛАДИ.**

**1. ТОПШИРИҚ. ИФОДАЛИ ЎҚИШ МАШҚИ. ГУРУҲДАГИ ҲАР БИР ИШТИРОКЧИ БИТТАДАН МАҚОЛНИ ИФОДАЛИ ЎҚИБ БЕРАДИ. МУСТАҚИЛ ИШ. ЎҚУВЧИЛАР**

ДАРСЛИКДАН ЎҚИГАН МАҚОЛЛАРИГА ДАРСЛИКДАН МОС АСАРЛАРНИ ТАНГЛАБ, МАҚОЛНИНГ МАЪНОСИ БИЛАН АСАРДА АЙТИЛАЁТГАН ФИКРНИНГ БОГЪЛИҚЛИГИНИ ИЗОҲЛАБ БЕРАДИЛАР. МАСАЛАН, «ЕЛИДАН АЙРИЛГАН ЕТТИ ЙИЛ ЙИҒЛАР, ВАТАНДАН АЙРИЛГАН ЎЛГУНЧА ЙИҒЛАР» МАҚОЛИГА БОБУР ҲАҚИДАГИ "ҲИДИ ТИЛИМИ ВА МАЗАСИДАН" АСАРИНИ МИСОЛ ҚИЛИБ КЕЛТИРАДИЛАР. ДАРСЛИКДАН "ЕЛ БОШИГА ТУШГАН ИШ?

ЕР БОШИГА ТУШГАНИ" МАҚОЛИГА МОС АСАРНИ ЭСЛАНГ. ШУ МАҚОЛ ҚАЙСИ АСАР ГОЯСИГА МОС КЕЛАДИ? БИЛАГИ ЗЎР БИРНИ ЙИҚАР, БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚАР МАҚОЛИГА ҚАЙСИ АСАР ҒОЯСИ МОС ("МАРДЛИК ВА АҚЛ ЁРУҒЛИГИ" ) ВА ҲАКОЗО.

3. МАҚОЛЛАР ЮЗАСИДАН РЕБУС ЕЧИШ.

1) [ОЛТИН РАСМИ] [ЎТ РАСМИ]ДА БИЛ[ИН РАСМИ] [АРИ РАСМИ] (Р Д),
[ОДАМ РАСМИ] – [МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН КИШИ РАСМИ]ДА

2) [КЎЗ РАСМИ](К)И [100]СИЗНИНГ [КЎЗ РАСМИ](К С)И [ТУЗ]СИЗ.

МАҚОЛНИ ИФОДАЛИ ЎҚИБ БЕРАДИ.

2. ТОПШИРИҚ

3) БИЛ[АРИ РАСМИ](Р Г) [ТЎР РАСМИ](Т З) [1]НИ ЙИ[ҚОР РАСМИ](О А),
[БОЛ](О И)ИМИ [БЎР РАСМИ] [1000]НИ.

III. ФИКРЛАШ БОСҚИЧИ. МАҚСАД. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАВЗУ ЮЗАСИДАН ЭГАЛЛАГАН БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ. НУТҚИДА МАҚОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ЎРГАТИШ.

МЕТОД. АҚЛИЙ ҲУЖУМ, СУҲБАТ МЕТОДИ.

1. АҚЛИЙ ҲУЖУМ.

– ҚАЙСИ МАВЗУЛАРДАГИ МАҚОЛЛАРНИ ЎҚИДИНГИЗ?

– МАҚОЛЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

2. МАҚОЛЛАРДАН ЁД АЙТИШ МУСОБАҚАСИ.

1-ГУРУҲ. МЕҲНАТСЕВАРЛИК ҲАҚИДАГИ МАҚОЛЛАРДАН АЙТИНГ.

2-ГУРУҲ. ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДАГИ МАҚОЛЛАР АЙТИНГ.

3-ГУРУҲ. ТЎҒРИСЎЗЛИК ҲАҚИДАГИ МАҚОЛЛАР АЙТИНГ.

4-ГУРУҲ. ДЎСТЛИК ҲАҚИДАГИ МАҚОЛЛАРДАН ЁД АЙТИНГ.

3. МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ИШ.

ҲАР БИР ГУРУҲГА БИТТА МАҚОЛ БЕРИЛАДИ. ГУРУҲ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИРГАЛИКДА ОХИРИ БЕРИЛГАН МАҚОЛ БИЛАН ХУЛОСАЛАНАДИГАН ҲИКОЯ ТУЗИБ ЁЗИШАДИ. ЎҚИТУВЧИ ГУРУҲЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАҚОЛЛАРНИ БЎЛИБ БЕРИШИ МУМКИН:

**1) ҲАМЖИҲАТЛИК – ДАВЛАТ,**

**ЁЛҒИЗЛИК – КУЛФАТ.**

**2) ИЛМИ ЙЎҚНИНГ КЎЗИ ЮМУҚ.**

**3) ОДОБЛИ – ЭЛДА АЗИЗ.**

**4) ҲУНАР БЎЛСА ҚЎЛИНГДА, НОН ТОПИЛАР ЙЎЛИНИНГДА.**

**ҲИКОЯНИ ЭРТАК ТАРЗИДА ЁКИ ҲАЁТДА УЧРАЙДИГАН БИРОР ВОҚЕА ТАРЗИДА ЁЗИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ ВА ЁРДАМ БЕРИЛАДИ. МАСАЛАН, "ОДОБЛИ – ЭЛДА АЗИЗ" МАҚОЛИ АСОСИДА ТАХМИНАН ҚУЙИДАГИЧА ҲИКОЯ ТУЗИШ МУМКИН:**

**ОДИЛЖОН ОЙИСИ, АДАСИ БИЛАН ХОЛАСИНИКИГА МЕҲМОНГА БОРДИ. ХОЛАСИ МЕҲМОНЛАРНИ ПИСТА-БОДОМ, ШИРИНЛИКЛАР, КУЛЧА НОНЛАР БИЛАН СИЙЛАДИ. ОДИЛЖОН МЕҲМОНДА ШЎХЛИК ҚИЛМАДИ. ШИРИНЛИКЛАРГА ҲАДЕБ ҚЎЛ ЧЎЗАВЕРМАДИ. КЕЛГАН БОШҚА МЕҲМОНЛАР ОДИЛЖОННИ "ОДОБЛИ БОЛА ЭКАН" ДЕЙИШДИ. ОДИЛЖОН "ОДОБЛИ – ЭЛДА АЗИЗ" ЭКАНЛИГИНИ БИЛИБ ОЛДИ.**

**БУ УЙГА ВАЗИФА ҚИЛИБ БЕРИЛИШИ ҲАМ МУМКИН.**

**4. МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТАРБИЯВИЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ.**

**— БУГУНГИ МАҚОЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ДАРСИ СИЗГА ЁҚДИМИ?**

**— МАҚОЛЛАР БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗМИ? ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЎТКАЗИШИ МУМКИН?**

**— СИЗ БУГУН ЎЗИНГИЗГА ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРДИНГИЗ?**

**— ЎҚИГАН ҚАЙСИ МАҚОЛИМИЗ СИЗГА ҲАМ ТЕГИШЛИ?**

**5. ГУРУҲЛАР ТЎПЛАГАН БАЛЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ. ЎҚУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ.**

**6. УЙГА ВАЗИФА. МАҚОЛЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ ВА ЁД ОЛИШ. ДАРСЛИКДАН ЎҚИГАН ЭРТАКЛАРИ МАЗМУНИГА МОС МАҚОЛЛАР ТОПИБ, ДАФТАРГА ЁЗИБ КЕЛИШ.**

## ДОСТОН ЎҚИШ МЕТОДИКАСИ

Ўзбек халқи оғзаки ижоди жуда узоқ тарихга эга. Оғзаки ижоднинг қадимдан шаклланган жанри достондир. У энг мураккаб, йирик ва кенг тарқалган шакллардан ҳисобланади. *«Достон»* сўзи «*қисса», «ҳикоя», «таъриф», «мақтов», «шон-шуҳрат», «саргузашт»* маъноларида ишлатилади. Адабий атама сифатида йирик ҳажмли, лиро-эпик асарларни англатади. Дастлаб халқ оғзаки ижодида шаклланган бу жанр кейинчалик ёзма адабиётда ҳам салмоқли ўрин тутган.

Халқ достонлари махсус ижрочилар томонидан куйланган. Улар ҳозир ҳам *бахши, оқин, шоир* номлари билан аталади. Халқ достонларининг матни назмий ва насрий парчалардан иборат бўлиб, мавзусига кўра хилма-хилдир. Халқ достонлари қуйидаги турларга бўлинади:

*1. Қаҳрамонлик достонлари;*

*2. Жангнома достонлар;*

*3. Ишқий-романтик достонлар;*

*4. Тарихий достонлар;*

*5. Китобий достонлар.*

Халқнинг қаҳрамонона курашлари қаҳрамонлик достонларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. *«Алпомиш», «Ёдгор»* каби халқ қаҳрамонлик достонларида фантазия ва романтик тасвирнинг кучли бўлишига қарамай, уларнинг асосини халқ ҳаёти ва кураши, унинг орзу-армонлари ташкил этади. Халққа хос инсонпарварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, меҳнатсеварлик, дўстлик ва садоқат каби олийжаноб фазилатлар халқ достонларидаги қаҳрамонлар образида мужассамлашган.

Бошланғич синф ўқиш дарсликларида достон жанрига кам ўрин берилган. 3-синф «Ўқиш китоби» да *«Алпомиш», «Рустамхон»* достонларидан парчалар берилган бўлса, 4-синфда М. Шайхзоданинг *«Тошкентнома»* достони келтирилган.

3-синфда ўқувчиларга достон ҳақида бериладиган маълумот *«Рустамхон»* достонига боғлиқ ҳолда баён этилади. Дарсда ўқитувчи достон ҳақида қуйидаги маълумотларни беради:

*«Достон ҳам халқ оғзаки ижодининг бир туридир. Достонда халқ ҳаёти, кураши ва орзу-умидлари акс этади. Ўзбек халқ достонларида воқеа-ҳодисалар шеърий ва насрий йўл билан ифода қилинади, қаҳрамонларнинг хусусиятлари, хулқ-атвори, ички кечинмалари ва ҳаракати баъзан бахши нутқида, баъзан достонда қатнашувчилар нутқида акс этади. Достонларда воқеалар маълум тартибда берилади: аввал қаҳрамонларнинг ёшлик чоғлари, хулқ-атвори, кейин воқеалар ҳикоя қилинади».*

Бошланғич синфларда достонлардан берилган парчаларда, асосан, қаҳрамонларнинг болалик даври акс этган эпизодлар келтирилади. Бунда болаларни қаҳрамонликка, Ватанга садоқатли бўлишга чорловчи воқеалар тасвирланади. 3-синф дарслигидан ўрин олган *«Рустамхон», «Алпомиш»* достонлари халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлганлиги учун муаллиф ҳақида маълумот берилмайди. Фақат бу достонлар ўрганиладиган дарсларда достонни қўшиқ қилиб айтадиган бахшилар ҳақида маълумот бериш мумкин.

Қаҳрамонлик достонлари таҳлилида воқеалар ривожига, қаҳрамонлар ҳаётига алоҳида эътибор қаратилади. Достондаги муболаға, фавқулодда юз берадиган вазиятлар аниқланади, достон қаҳрамонларига тавсиф бериш ва тарбиявий хулоса чиқаришда ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритишлари учун шароит яратилади.

4-синфда ёзувчи Мақсуд Шайхзода томонидан яратилган «Тошкентнома» номли достони ўрганилади. Бу достонни қуйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

*1. 3-синфда достон ҳақида олинган билимлар эсга олинади ва тўлдирилади.*

*2. Достонни ўқишдан олдин унинг муаллифи - Мақсуд Шайхзода ҳақида маълумот берилади.*

*3. Ўқитувчи достонни ифодали ўқиб беради.*

*4. Достон юзасидан дастлабки суҳбат ўтказилади. Суҳбатда ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинади: «Достон қайси шаҳар ҳақида экан?», «Достонни ўқиш орқали Тошкент шаҳри ҳақида яна нималарни билиб олдингиз?» ва ҳок.*

*5. Достон қисмларга бўлиниб, ўқувчиларга ўқитилади.*

*6. Достон мазмуни тўлиқ қайта ҳикоя қилдирилади. Бунда бир ўқувчи мазмунни гапириб бериши ёки бир неча ўқувчи кетма-кет давом эттириши мумкин.*

*7. Достон матни устида ишлашда достондаги бадиий воситаларга эътибор қаратилади, асар мазмуни юзасидан савол-топшириқлар тузиш, достоннинг баъзи эпизодларига расмлар чиздириш, достонга режа тузиш каби иш турларидан фойдаланилади.*

*8. Умумлаштирувчи суҳбат ўтказилади. Бунда «Тошкентда уч фасл ёз», «Осиёнинг қўйнида яшил шаҳар бор» каби гапларни ўқувчилар қандай тушунганликлари сўралади.*

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, достонни ўрганиш дарсининг қурилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

*1. Тайёргарлик ишлари (бунда достон хусусиятлари ва қайси синфда ўқитилишига мос равишда иш турлари танланади);*

*2. Достонни ўқувчи ифодали ўқиши ёки бахши айтганини эшиттириш;*

*3. Достонни қисмларга бўлиб ўқиш;*

*4. Достон мазмунини таҳлил қилиш;*

*5. Достонда ўқувчилар тушуниши қийин бўлган сўз ва сўз бирикмаларининг маъноси устида ишлаш;*

*6. Достондаги бадиий санъатлар устида ишлаш;*

*7. Достонни қисмларга бўлиш ва режа тузиш;*

*8. Достонни тўлиқ қайта ҳикоялаш;*

*9. Умумлаштирувчи суҳбат.*

## Илмий - оммабоп асарларни ўқиш методикаси

Бошланғич синфларда илмий - оммабоп асарларни ўқитишдан асосий мақсад болаларга табиат, кишилар меҳнати ва ижтимоий ҳаёти ҳақида муайян билим бериш, болаларни китоб билан мустақил ишлашга ва ундан аниқ билим олишга ўргатишдан иборат.

Табиатшуносликка оид ва тарихий мавзудаги мақолаларни ўқиш билан боғлиқ ҳолда табиат ҳодисаларини кузатиш *(масалан, дарахт куртакларининг бўртиши)*, ўқувчиларни деҳқонлар меҳнати билан таништириш, мамлакатимизда юз берган ўзгаришларнинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлган инсонлар билан учрашувлар уюштириш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий - тарихий мазмундаги мавзулар Ватанимиз ўтмиши, халқимиз ҳаёти, мардонавор кураши, улуғ сиймолар амалга оширган ишлар, тарихий саналар тўғрисида билим беради. Ўқиш дарсликларидан ўрин олган *Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур* ва бошқа аждодларимиз ҳақидаги матнлар шулар жумласидандир. Бу хилдаги матнлар ўқувчиларни нафақат ўтмишимиз билан таништиради, балки уларнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчи ва масъулиятни теран англашга ҳам ёрдам беради. Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат туйғуси шу тариқа шаклланади.

Ватанимиз ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинган илмий - оммабоп асарлар билан таништириш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчилар ўтмиш билан бугунги кунни таққослаш имконига эга бўладилар. Жамият тарраққиёти ҳақида қисқача бўлса-да, тушунча ҳосил қиладилар. Бу борада, айниқса, миллий истиқлол билан боғлиқ мавзудаги асарлар таҳлилига алоҳида эътибор бериш зарур.

1-синф дастурида ўқиш билан боғлиқ ҳолда кузатиш, саёҳат дарслари мўлжалланади. Масалан, йил фаслларида мавсумий табиат ҳодисалари *(об-ҳавонинг ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёти)* ни, шунингдек, дала меҳнатини кузатиш учун табиатга (дала, боғ, хиёбонларга) саёҳат уюштириш кўзда тутилади. Саёҳатда табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ва кишиларнинг меҳнати юзасидан болаларнинг нисбатан узоқ кузатишлари уюштирилади.

Бундай дарсларда кўргазма сифатида ўқув кинофильмларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тарихий мавзудаги мақолаларни унга мос расмлар билан боғлаб ўқитиш кишиларнинг бахтли ҳаёт учун интилишлари, ота-боболаримизнинг душманлардан Ватанни сақлаш учун қандай курашганликларини тушуниб етишга ёрдам беради; ўқувчилар меҳнат ҳаётнинг асоси эканлигини, инсонлар турмуши меҳнат туфайли ривожланиб, фаровонлашиб боришини билиб оладилар.

Дастурга кўра 2-синф ўқувчилари *«Тошкент», «Тошкент метроси»* мавзусидаги мақолаларни, 4-синфда эса «*Асрга татигулик кун» (Сафар Барноев)* асарини ўқиш орқали ўтмиш аждодларимиз, уларнинг хизмати, ватанимизнинг ҳозирги тарраққиёти ҳақида билиб оладилар. Бу мақолалар халқимизнинг ҳаёти, меҳнати ва кураши ҳақида янги билим бериш билан бирга, болаларни Ватанга, халққа, она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Илмий-оммабоп мақолаларни изоҳли ўқиш дарсини уюштиришда қуйидагича режа асос қилиб олиниши мумкин:

*1. Ўқиладиган матн юзасидан болалар тажрибаси ва билимини аниқлаш, уларни матн мазмунини тушунишга тайёрлаш мақсадида тахминий суҳбат ўтказиш;*

*2. Мақолани ёки унинг маълум бир қисмини ўқиш, ўқувчига нотаниш бўлган сўзлар маъноси устида ишлаш;*

*3. Мақола режасини тузиш;*

*4. Ўқилган мақола юзасидан суҳбат уюштириш;*

*5. Матннинг асосий мазмунини аниқлаш ва режа қисмларини ёритиш;*

*6. Режа асосида мақолани қайта ўқиш;*

*7. Мақолани яхлит ўқиш. Бунда болаларни қайта ҳикоялашга тайёрлаш ва мақола мазмунини яхши ўзлаштиришларига эришиш мақсади кўзда тутилади;*

*8. Режа асосида қайта ҳикоялаш;*

*9. Хулосалаш ва умумлаштириш.*

Илмий-оммабоп мақолаларни узвий бирликда ўрганиш ўқувчиларнинг ҳар бир мавзуда баён этилган тарихий - адабий ҳодисаларни, улар ўртасидаги умумийликни, ҳар бир даврга эга хусусиятларни англаб олишларини таъминлайди. Улар болаларни келгусида газета ва журналларни ўқишга тайёрлайди, ижтимоий - сиёсий, табиатшунослик атамаларини ўзлаштиришга ёрдам беради, уларнинг мантиқий тафаккурини ва нутқини ўстиради.

Илмий-оммоп асарларни ўрганиш дарс намунаси:

Мавзу. Баҳор шабодаси

Ўқув материали. Баҳор таърифида. Юсуф Хос Ҳожиб

Дарснинг мақсади.

1. Ўқувчиларга Юсуф Хос Ҳожиб ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш. Баҳорнинг уйғониш фасли эканлиги, табиатдаги ўзгаришлар ҳақидаги билимларини бойитиш.

2. Баҳор фаслини қадрлаш ва севиш ҳиссини тарбиялаш.

3. Ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини янада ривожлантириш луғатни насим, турдош, чин, сабо, ҳаво сўзлари билан бойитиш. Иборaларнинг маъносини изоҳлаш.

Савол-топшириқлар устида ишлаш.

Дарснинг тури. янги билим берувчи дарс, илмий-оммабоп асарларни ўқиш дарси.

Дарснинг методи. Изоҳли ўқиш, суҳбат, тармоқлаш методи.

Дарснинг жиҳози. Баҳор фасли, табиати тасвирланган расмлар, предмет расмлари: қушлар, гуллар, ҳайвонлар расми.

Дарснинг бориши.

И. Ўқувчиларни янги ўрганиладиган мавзуга тайёрлаш.

1. Мен топишмоқ айтаман. Сиз унинг нима ҳақида эканини, жавобини топасиз. Илон изли ёруғ нур Булутларни қучади. Жарангдор овозидан ер-у осмон кўчади (Чақмоқ).

— Топишмоқни топишда сизга қайси сўзлар ёрдам берди?

— Бу сўзлар қайси фаслини таърифида айтилади?

Ақлий хужум.

— Баҳор фасли қандай сўзлар билан таърифлаш мумкин? Ўқувчилар жавоби тармоқлаш усулида ҳар хил ранглар билан картонга ёзиб борилади.

Фасллар келинчаги

уйғониш фасли

бинафша, чучнома очилади

яшил фасл

Баҳор

Гуллар фасли

қир-адир лолақизғалдоқлар билан безанади

Қора қарғалар учиб кетади

музлар эриб, сувлар кўпаяди

Мамоқалдироқлар гумбурлаб, чақмоқ чақади

Қушлар ҳам баҳорни севиб сайрашади

Осмонда қора булутлар сузади

Оқ булутлар ҳам бўлади.

Тармоқлаш баҳор фаслининг кўринишини эслатадиган шаклда тузилади.

2. Баҳор фаслидаги тарихий саналар ҳақида суҳбат. Савол: Баҳор фаслида қайси байрамлар нишонланади? Сиз қайси байрами жуда севасиз?

3. Ўқувчиларга баҳор ҳақида ёд олган шеъри айттирилади.

Ўқитувчи ўқувчи билан бўлган суҳбатни умумлаштиради: Баҳорни яхши кайфият, меҳнат қилишга иштиёқ уйғотадиган фасл. Шуning учун қадимдан шоир- ёзувчиларимиз баҳорни мадҳ этиб шеърлар битган, ҳикоялар ёзган. Шундай ёзувчиларимиздан бири Юсуф Хос Ҳожибдир.

Сиз бу ёзувчи ҳақида олдинги дарсларимизда эшитгансиз.

Есланг. Ёзувчининг қайси асаридан парча ўқигансиз? Ўша парча нима деб номланган эди? Унда нима ҳақида ҳикоя қилинган эди? (Яхшилик ва ёмонлик, билимдонлик ва нодонлик ҳақида).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан яна бир парча ўқиймиз. Оъйланг. Бу парча қайси мавзуда бўлиши мумкин? Доскага мавзу ўқув материали ёзилади:

Мавзу: Баҳор шабадаси.

Ўқув материали. Баҳор таърифида. Юсуф Хос Ҳожиб

1. Асар билан таништириш. Матнни ўқитувчи ўқиб беради. Топшириқ.

Ўқитувчи: «Асарни диққат билан тингланг. Ёзувчи баҳорни қандай таърифлар экан?

2. Кириш суҳбати.

— Асар нима ҳақида экан?

— Унда нималарнинг таърифи берилган?

3. Топшириқ асосида ичида ўқиш.

— Асарни ўқинг. Ўзингизга маъноси нотаниш сўзларни белгиланг.

4. Луғат иши.

Насим — шабада, шамол чечаклар — гуллар

Фирдавс — боғ, жаннат боғи ифор — ёқимли ҳид

Чин — Хитой кофур –

Мусаффо — тоза, покиза

Мушк-анбар — хушбўй ҳид

Наво — куй

Сабо ели — шамол нафаси

5. Асарни қисмларга бўлиб ўқитиш.

Асар 3 қисмга бўлинади. 3 ўқувчига ўқитилади.

2-қайта ўқитилаётганда қуйидаги топшириқлар берилади.

1-қисм юзасидан: Ёзувчи баҳорни таърифлашда қайси сўзлардан фойдаланган?

— насим, фирдавс, оқ ранг, бўз ер, алвон ранг мусаффо, яшил тўн, оқ, сариқ, кўк, қизил рангли ҳарир япроқчалар, яшил парда, хитой карвони, чечаклар, ифор. (Шу сўзларнинг маъноси сўраб ўтилади).

2-қисм юзасидан: Ёзувчи қайси қушларни ва паррандаларни тилга олади?

— Ғоз, ўрдак, оққуш, қил қуйруқ, турка, каклик, қора қарға, булбул.

— Шу қуш ва паррандаларни расмлар ичидан кўрсатинг. 3-қисм юзасидан. Ёзувчи қайси ҳайвонларнинг номини тилга олган? (Буғу, жайрон).

6. Танлаб ўқиш. Топшириқлар. — Баҳор фаслида дарахтларнинг ҳаракатга келиши тасвирланган ўринни топиб ўқинг.

— Каклик тасвири берилган қисмни топиб ўқинг.

— Қора қарғанинг овози нимага ўхшатилади? Шу мисраларни топиб ўқинг.

Ёзувчи ерни ўтлар билан қопланишини нимага ўхшатади? Шу қисмни топиб ўқинг.

— Турналарнинг учиши нимага ўхшатилган? Шу ўринни топиб ўқинг.

— Асардан жонсиз нарса жонлаштирилган ўринни топиб ўқинг. (Гуллар юз очиб, қаҳқаҳа уриб кулмоқда).

— Зерикарли қишни баҳор қандай ҳайдади? (Баҳор нафасаи билан ҳайдади).

— Дарахтларнинг барг ёйиши нимага ўхшатилган? Матндан топиб ўқинг (... дарахтлар яна яшил тўн кийди).

Ўқитувчи: демак, ёзувчи Юсуф Хос Ҳожиб баҳорни таърифлашда жуда кўп ранг билдирувчи сўзлардан, ўхшатишлардан, жонлантиришлардан фойдаланган. Сиз ҳам уйда «Баҳор – гўзал фасл» мавзусида кичик ҳикоя тузинг. Унда шундай сўзлардан, иборалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Бунда қуйидаги режадан фойдаланинг

Режа

1. Булут сузган осмон.

2. Гулларга бурканган олам.

3. Қушлар навоси (чуғури).

Асарни бир неча марта ўқинг. Ҳикоягизда асардаги сўзлардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг.

7. Дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлаш.

8. Дарсда ўрганилганларни умумлаштириш ва тарбиявий хулоса чиқариш. Сиз бугунги ўқиган асаримиз орқали нималарни билиб олдингиз? Баҳор фаслида табиатда қандай оъзгаришлар содир боълади? У кишиларга қандай кайфият багъишлайди? Баҳор фасли туҳфаларига қандай муносабатда бўляпсиз?

9. Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш.

## Топишмоқ, латифа ва тез айтиш ларни ўрганиш методикаси

Топишмоқлар нарса ёки ҳодисаларнинг атайлаб яширилган белгиси, шакли, хатти-ҳаракати, ҳолати ва вазифасини бошқа нарса ёки ҳодисаларга қиёслаш асосида топишга асосланган шеърий ёки насрий тузилишдаги савол ва топшириқлардир. Топишмоқлар халқ турмуши билан чамбарчас

боғлиқ ҳолда яратилади. Уларнинг заминида кишиларнинг қадимий эътиқод ва тасаввурлари, оламни билиш ва идрок этишга бўлган интилишлари ётади.

Топишмоқда яширилган нарсалар унинг жавоби ҳисобланади. Топишмоқнинг жавобини топиш учун топишмоқ матнини яхшилаб ўқиш, нимага ишора қилинаётганлигини фаҳмлаш, топишмоқнинг асосий хусусият ва белгилари айнан нимага қаратилганлигини тахмин қилиш билан ҳам топишга ҳаракат қилиш керак.

Топишмоқ ўқувчиларни топқирлик ва ҳозиржавобликка ўргатади. Шу сабабли халқ оғзаки ижодининг бу жанридан дарсликларда ҳам кенг қўлланилган. 1-2-синф «Ўқиш китоби» да топишмоқлар кўпроқ ҳар бир матн остида келтирилган. Бундан кўзланган мақсад матн мазмунини топишмоқлар асосида ҳам ўзлаштирилишига эришишдир. Масалан, 1-синф «Ўқиш китоби» да «Китобга меҳр» матни остида «Қат-қат қатлама, Ақлинг бўлса ташлама» топишмоғи келтирилган ва мавзуга жуда мос танланган. Топишмоқлар бундай шаклда берилганда уларнинг жавоби осон топилади. 1-4-синф ўқиш дарсликларида «Топишмоқлар» мавзуси остида ҳар хил топишмоқлар ҳам берилган бўлиб, улар ўқувчиларнинг топқирлигини янада оширади, тафаккурини ўстиради. Дарсликларда топишмоқ жавоблари остига ёзиб қўйилган ёки расмлар орқали берилган. 3-4-синфларга ўтгач эса жавоблар қайд этилмаган. Бунинг сабаби шуки, бу даврга келиб ўқувчилар топишмоқлар устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилган бўлади.

Топишмоқлар болалар шоирлари томонидан ҳам яратилиб келинмоқда. Бундай топишмоқлар шўх, қизиқарли бўлади. Масалан, 4-синф «Ўқиш китоби» да «қувноқ топишмоқлар» (А. Акбар), «Буни топинг, қизларим» (Ғ. Ғулом) каби топишмоқлар келтирилган.

Латифа халқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, нозик, майин киноя, қочириқлар иштирок этувчи кулгули, кичик ҳажмли ҳикоядир. Халқ ўртасида «афанди» деб ҳам юритилади. Латифалар ягона қаҳрамон (Насриддин Афанди) билан боғлиқ ҳолда яратилади, ихчам сюжетга эга бўлади. Латифаларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ҳамма вақт ҳаёт билан ҳамнафас, ҳамқадам боришидир.

Латифа матни устида ишлашда ҳам ҳикоя матни устида ишлашда қўлланган усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бунда латифа жанрининг ўзига хос жиҳатларига ҳам аҳамият қаратиш лозим.

1-синф дарслигида «Уйқум қочиб кетди», «Туя эшикдан сиғмайди» каби латифалар келтирилган бўлса, 3-синфда «Латифалар» мавзуси остида бир неча латифалар берилган. Латифалар устида ишлаганда уларда танқид қилинган иллатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш, ўқувчиларга яхши фазилатли бўлиш кераклигини уқтириб ўтиш керак. Умуман олганда, латифалар орқали ҳам ўқувчиларни тарбиялаб бориш лозим.

Тез айтишлар маълум сўзни, сўз бирикмасини ёки товушни тўғри талаффуз қилишга, уни бошқа товушлардан фарқлашга ўргатадиган, хотирани мустаҳкамлайдиган ва нутқни ўстирадиган жанр ҳисобланади. Шу сабабли 1-синфда кўпгина тез айтишлар келтирилган. Мисол учун «Ботир ботмас ботқоққа», «Қобил қозонда қовурдоқ қовурди», «Баҳодир байроқни Ботирга бердими, Ботир Баҳодирга байроқни бердими?», «Олим олдидаги олтита олмани олди» ва бошқа.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераккки, бошланғич синф дарсликларига ўқувчилар ёшига мос, мавзулар бўйича танлаб олинган, кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга бўлган топишмоқ, латифа ва тез айтишлар танлаб киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Топишмоқ, латифа ва тез айтишларни ўрганиш бошланғич синфларда дастлаб ҳар бир дарсда амалга оширилиб борилади. Алоҳида дарс сифатида ўрганишда эса ўқитувчилар турли усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Қуйида топишмоқ ўтиш дарси намунасини келтирамиз:

Мавзу: Топишмоқлар.

Дарснинг мақсади:

1. Ўқувчиларга топшириқларнинг жанрий хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Уларнинг топишмоқни ифодали ўқиш, жавобини тез топиш малакаларини ошириш, зийракликка ўргатиш.

2. Ўқувчиларнинг муомала маданиятини ошириш.

3. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш. Ижодий фаолиятинига йўллаш.

Дарснинг тури. Янги билим берувчи, топишмоқ ўқиш дарси.

Дарснинг бориши.

I. Даъват босқичи. Мақсад. Ўқувчиларнинг топишмоқ ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, янги мавзуга қизиқиш уйғотиш.

Метод. Суҳбат, изланиш методи.

1. Ўқитувчи доскага осмондаги юлдузлар, ёнғоқ, ерёнғоқ, арра расмларини илиб қўяди.

Доскага қуйидаги топишмоқни ёзади: Тунда кўриб, чўғ дейсан,

Тонгда кўриб йўқ дейсан.

— Шу расмлар ичидан топишмоқнинг жавобини топинг.

— Қайси сўзлар орқали топишмоқларнинг жавоби юлдуз эканини билдингиз?

Доскага 2-топишмоқ ёзилади: Қўшалоқ товоқ. Ичи тўла ёғ.

— Қайси белгиларига кўра топишмоқнинг жавобини топдингиз?

3-топишмоқ ёзилади. Пилла каби бўғиндор. Ҳар бўғинда мағзи бор.

— Ер ёнғоқнинг қайси белгилари топишмоқда келтирилган?

4-топишмоқ.

Оғзи йўғ-у тиши бор, Дурадгорда иши бор.

— Жавоб қайси сўзлар орқали топдингиз?

Ўқитувчи. Топишмоқларни топишда сизга нималар ёрдам берди?

— Топишмоқда нарсанинг белгиларини ифодаловчи сўзлар бўлади.

— Топшимоқларда кўпинча ким?, нима? сўзларига жавоб бўладиган сўзлар яширинади.

2. Топишмоқлар ҳақида маълумот бериш.Ўқитувчининг ҳикояси.

Топишмоқ матнида — нарса ёки ҳодисаларнинг белгиси, — Ҳар бир бўлимга мос сарлавҳа топинг шакли, ҳаракати, ҳолати, вазифаси ва бошқа томонлари берилган бўлади. Топишмоқлар қадимда жумбоқ, топ-топ деб юритилган. Ҳар бир топишмоқ уни яратган халқнинг ҳаёти, урф-одати, ўзига хос расм-русмлари билан боғлиқ бўлади.

II. Англаш босқичи. Мақсад. Дарсликда берилган топишмоқлар билан таништириш. Мустақил ўқишга, топишмоқлар юзасидан ўзаро муҳокама қилишга ўргатиш.

Метод. мустақил иш, кроссворд ечиш, суҳбат методи.

1.Топишмоқни Ифодали ўқиш ва жавобини топиш.

2. Савол-жавоб ўтказиш. Саволлар.

— Биринчи топишмоқнинг жавоби нимага ўхшатилган?(Ғўзага) Тунги осмон нимага ўхшатилган? (кўк кўйлакка) .

— 2-топишмоқда ой нима деб таърифланган? ( патир)

— 3-топишмоқда карамни қайси белгиларига кўра топдингиз? (Карамнинг қават-қават барги қат-қат тўнга ўхшатилган).

3. Кроссвод ечиш.

Ўқитувчи кроссвордни ватманга олдиндан қуйидагича тайёрлаши мумкин. Кроссвод саволлари топишмоқлар кўринишда бўлади. Синфни 3 гуруҳга бўлиб, ҳар бир гуруҳга 1 тадан кроссвод ечиш учун берилади. Бу, болаларнинг топишмоқни тез топишга иштиёқини оширади.

1-гуруҳ учун кроссворд.

Бўйига

1. Керагида сувга ўтасан

Қимирлашин пойлаб ётасан.

2. Касби доим тақир-туқур,

Қайда илон кўрса чўқир.

6. Бирлаштириб кийимни

Иссиқ тутади сизни.

Энига

2. Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.

4. Катта оппоқ дастурхон

Ер юзини қоплаган.

5. Оғзи йўғ-у, тиши бор,

Дурадгорда иши бор.

Жавоблари:

1. Қармоқ. 3. Лайлак. 6. Туғма. 3. Шамол. 4. Қор. 5. Арра.

2-гуруҳ учун кроссворд.

Бўйига

1. Тикувчимас,

Бичувчимас,

Игнаси анча экан.

3. Кундалик тарих ўзи

Ҳар ерда унинг сўзи

5. Бир онадан юз бола,

Юзови ҳам бўз бола.

Энига

2. Уйнинг шифтида ини,

Куйлаб берар ҳар куни

Баҳорда кутиб олиб

Кузатамиз куз уни.

4. Хўппа семиз, бир туки йўқ,.

6. Узун терак, ичи коврак.

Жавоблар. 1. Типратикан. 2. Газета. 5. Узум. 2. Қалдирғоч. 4. Тарвуз. 6. Қамиш.

3-гуруҳ учун кроссворд

Бўйига

1. Пиширсанг ош бўлур,

Пиширмасанг қуш бўлур.

3. Гулсиз мева қилади,

Кўп есанг — тил шилади:

Ғир-ғилдирак ой кулча,

Бу нима, ким билади?

4. Чопса чопилмайди,

Кўмса кўмилмайди.

5. Бодом каби япроғи,

Солланади бутоғи,

Ўзи ширин, туклигина,

Мазаси ҳам тотлигина

Энига

2. Икки ажиб қулоғи бор:

Бири тинглар, бири сўзлар.

6. Ўзи қизил, гўзал бирам,

Қирга ёзар қизил гилам.

7. Пак-пакана бўйи бор,

Етти қават тўни бор.

Жавоблар:1. Тухум. 3. Анжир. 4. Соя. 5. Шафтоли. 2. Телефон трубкаси. 6. Лола. 7. Пиёз.

III. Фикрлаш босқичи.

Мақсади. Дарсликдаги савол-топшириқларга жавоб олиш орқали эгаллаган билимларини аниқлаш. Ўйинлар орқали ижодий изланиш кўникмасини шакллантириш.

1.Дарсликдаги савол ва топшириқлар устида ишлаш.

— Топишмоқларни ким яратган?

— Топишмоқлар қадимда нима деб номланган?

— Топишмоқнинг қандай фойдаси бор?

— Ўзингиз қандай топишмоқлар биласиз?

2. Ўқувчилар бир неча қаторларга ажратилади. Қатор бошлиқлари ўқувчиларга бирор нарса расмини беради. Ўқувчи расмга оид топишмоқ айтади. У айтолмаса, орқадаги ўқувчига узатади. Ўқувчиларнинг ўзларига шунга доир топишмоқни ўзингиз тўқишингиз ҳам мумкин деб айтилади. Қайси қатор топишмоқни биринчи айтса, ўша ғолиб саналади.

3. Уйга вазифа. Дарсликда ўқилмаган янги топишмоқлар топиб, дафтарга ёзиб келиш.

4. Ўқувчиларни рағбатлантириш.

***Савол ва топшириқлар***

1. Адабий жанр деганда нимани тушунасиз?

2. Ҳар бир адабий турнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг ва уларни бир-бири билан таққосланг.

3. Ҳикоя ўқишда қайси иш турларидан фойдаланилади? Ҳикоя ўқиш дарсига мисол тариқасида биронта мавзуга дарс ишланмасини тайёрланг.

4. Бошланғич синфларнинг «Ўқиш китоби» га киритилган эртакларни синфлар бўйича гуруҳлаб, кўпроқ қайси мавзудаги эртаклар берилганини изоҳланг.

5. Масал матни устида қандай ишлар амалга оширилади? Масални ўқиш дарсининг намунасини тайёрланг.

6. Шеър ўқиш дарсидаги асосий иш турларини мисоллар асосида ёритинг.

7. Шеър матнини таҳлил қилиш бўйича ўз тажрибангизни баён қилинг.

8. Илмий-оммабоп асарларни ўрганиш дарсининг хусусиятларини изоҳланг.

9. Мақолларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ва босқичларини баён этинг.

10. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўрганиладиган биронта достон бўйича дарс ишланмасини тайёрланг.

11. Топишмоқ, латифа ва тез айтишларни ўргатиш усулларини мисоллар билан тушунтириб беринг.

**Уқишдан умумлаштирувчи дарсларни ташкил этиш**

Укишдан утказиладиган умумлаштирувчи дарс укувчилар билимини бир тизим комил, урганиладиган такрорлаб умумлаштириш максадига хизмат к5илади. Умамлаштирувчи дарс одатда укиш дастуридаги у ёки бу мухим мавзу юзасидан утказилади. Умумлаштирувчи дарс праграмани бутун бир булимини якунлашга хизмат килиши хам мумкун.

Умумлаштирувчи дарс болалар тасуввури ва тушунчаларни кенгайтиришга йёрдам беради ; бундай дарсларда укувчилар эгаллаган билимларнинг синф ва мактаб коллективи хаётида, хар бир укувчи хаётида кандай ахамиятга эга эканини тушунадилар. Бу дарсда укитувчи болалар билимини бойитадиган шу темага оид кушимча материаллар хам бериши мумкин.

Умумлаштирувчи дарсда такрорлаш илгари укилганлар мазмунини укувчилар ёдида кайта тиклаш эмас, балки умумлаштирувчи характерда булиши, болалар билимини системалаштиришга, айрим тасаввур ва тушунчаларни тартибга солишга ёрдам бериш лозим. Шундай экан, бундай дарслар учун китобдан укиганларгина эмас, балки болаларнинг кузатишлари натижасида бевосита идрокланган табиатдаги предметлар ва ходисалар, ижтимоийст хаёт вокеалари, шахсий тажрибалари хам материал булади. Мактаб хаёти, оила темасига ёки табиатшунosликка од темага багишланган умумлаштирувчи дарснинг вазифаси китоб материалини укувчиларнинг кузатишлари, экскурсиялар жараёнида олган билимлари Билан боглик хисобланади.

Умумлаштирувчи дарсларда иш турлари хилма - хил булиб, курилган ва кечирилганлар юзасидан, иллюстратив материалларни (расмлар, мисоллар) курсатиш ва тахлил килиш, укувчиларнинг айрим асарлардан парчалар укиш, экскурсия ва кузатишлар ъакида болаларнинг огзаки хикояни кабилардан фойдаланилади.

Умумлаштирувчи дарс учу ниш тури дарснинг аник максадидан келиб чикиб танланади. Умумлаштирувчи дарсларга асосан куйидаги педагогик талаблар куйилади:

Укувчилар муайян мавзу устида ишлаб, укиганлари, курганлари, эшитганлари, кузатганлари хакида уз икр - мулохазаларини дадил ва эркин айтиш имкониятига эга булсинлар. Масалан, маълум бир мавзуни якунлаб утказилган умумлаштирувчи дарсда болалар китбдан шу мавзуга оид укиган хикоя ва маколлардан кайси бири кизикарлирок эканини, шунингдек, у ёки бу хикоя ёки маколда катнашувчи шахслар, уларнинг хулк - атворлари хакида уз фикрларини айтадилар, айрим зарурий холларда укилган асар мазмунини киска баён киладилар. Агар мавзуни урганиш жараёнида укувчилар билан экскурсия утказилган булса, улар экскурсияда курганларидан нималар кизикарли булганини, кайсилари кучли тассурот колдирганини айтиб беришларига укитувчи ёрдам беради. Булар укувчилар тафаккурини активлаштиради, уларни актив фикрлашга ургатади, устирувчи таълимнинг асосий шартларидан бири хисобланади.

4 - синфда Ватан хакида билим берадиган “Узбекистон - Ватаним маним” мавзусида берилган “Серкуёш улка” шеъри (З.Диёр),“Тошкентнома” (М.Шайхзода), “Дехкон бобо ва ун уч болакай киссаси” (А.Орипов), “Харита” (Н.Норкобилов), “Мадрлик ва акл ёруглиги” (М.Аъзам) шеър, хикоя укилгандан кейин утказиладиган умумлаштирувчи дарснинг вазифаи укувчиларнинг укиганларини, Ватан буйлаб килган экскурсиялари жараёнида курганлари, хозирда кураётганлари билан боглаб, умумий хулоса чикарадлар. Бунда укувчиларнинг шахсий тажрибаси, оила ва мактаб, колхоз, шахар хаёти хакидаги билимлари ката ахамиятга эга. Бундай дарсларда умумий хулосани укитувчининг ёрдамисиз укувчиларнинг узлари мустакил равишда чикаришлари жуда мухим булиб, бу уларнинг келгуси ишончларини шакллантириш учун уларнинг келгуси ишончларини шакллантириш учун мустахкам асос хисобланади.

Укиш китобларида берилган савол ва топшириклар болалар кизикишларида берилган савол ва топшириклар болар кизикишига якин, уларнинг ёш хусусиятларига мос, шунинг учун улар юзасидан болалар тугри якун ва умумий хулоса чикара оладилар. Мустакил хулоса чикариш тарбияловчи таълимда мухим ахамиятга эга.

Умумлаштирувчи дарсни муваффакиятли утказиш унга укитувчининг кандай тайёргарлик курганига боглик. Бундай дарсда жуда куп материал юзасидан умумий хулоса чикаришни планлаштириш мумкин эмас; бу дарсга куп материал юклаш укувчилар диккатини таркатиб юборади, идрок этиш кобилиятларини пасайтиради ва актив фикрлаш имконини чегаралайди. Укитувчи умумлаштирувчи дарсда укувчилардан нималарни сурашни, тема юзасидан Яна нималарни умумлаштиришни белгилаб олади; дарснинг максади хакида уйлаб, болалар тафаккури ва фаолиятини активлаштиришга таъсир этадиган иш формаларидан фойдаланишни планлаштиради.

Умумлаштирувчи дарсни укиш программасидаги хар бир мавзу урганилган сунг утказиш шарт эмас. Уни факат укиш дарсининг муухим ва ката булимии материаллари урганилгандан кейин утказиш максади мувофик. Мавзуларни урганиш даврида фойдаланилган кургазма кулланмалардан, савол ва топширикларда, экскурсия, кузатиш, учрашув ва сухбат материалларидан умумлаштирувчи дарсларда шундайлигича - бир хилда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Умумлаштирувчи дарс олдига куйилган вазифаларни муваффакиятли амалга ошириш учун укитувчи кундалик машгулотларида фойдаланилган жуда куп материаллардан хар бир мавзу учун жуда мухим ва характерлиларни танлаши, укувчилар мустакил хулоса чикара олишларига ва уз фикр - мулохазаларини мустакил равишда баён этишга имкониятни экскурсия ва кузатишда ёзган хотираларни (агар булса) укиб чикишлари, илгари тайёрланган расмларини йигишлари, китобдаги материалларни куздан кечириб, кизикарли уринларини белгилашлари, у ёки бу асардан айрим парчани ёдлашлари ёки текстга якин баён этишга тайёрланишлари лозим.

Умумлаштирувчи дарс намунаси:

Мавзу. **Мустақиллик — шараф-шоним.**

**«Истиқлолим — истиқболим» бўлими юзасидан умумлаштирувчи дарс.**

**Дарс мақсади.**

**1. «Истиқлолим — истиқболим» бўлими юзасидан ўқувчилар эгаллаган билимларни системага солиш.**

**2. Ўқувчиларнинг бўлим юзасидан олган билимини такрорлаш, умумлаштириш.**

**3. Бўлим юзасидан эгаллаган билимларнинг, ҳаётдаги аҳамиятини тушунишларига, мустақиллик буюк неъмат эканлигини англашларига эришиш.**

**Дарс тури. Умумлаштирувчи дарс.**

**Дарс методи. Суҳбат, тармоқлаш, мустақил иш методи.**

**Дарс жиҳози. «Истиқлолим — истиқболим" бўлимини ўрганишда қўлланган расмлар ва оқувчилар чизган расмлар. Тест топшириқлари.**

**Дарснинг бориши.**

**Синф ўқувучилари икки гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ илмий-оммабоп асарлар устида ишлайди. Гуруҳ номи: «Мустақил юрт фарзандлари».**

**2-гуруҳ саҳна ва шеърий асарлар устида ишлайди. Гуруҳ номи «Истиқболи порлоқ болалар».**

**Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ вакиллари учун савол-топшириқлар тузади ва уни олдиндан ўқувчиларга бериб қўйилиши мумкин. Савол-топшириқлар дарс вақтида конвертда гуруҳ сардорига берилади. Топшириқларни ўқувчилар дарсда жамоа бўлиб бажарадилар.**

**1-тур топшириқ. 1-гуруҳ учун. «Мангуликка татигулик кун» асари юзасидан саволлар тузинг ва 2-гуруҳ аъзоларидан жавоб олинг.**

**2-гуруҳ учун: «Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси» саҳна асари юзасидан савол-топшириқлар тузинг ва 1-гуруҳ аъзоларидан жавоб олинг.**

**Ўқувчилар тахминан қуйидагича саволлар тузадилар.**

**1-гуруҳ аъзолари:**

**1. 1991- йил 31- август нима учун «Мангуликка татигулик кун» дейилади.**

**2. Мустақиллик шарофати билан биз қайси алломаларимизни таниб олдик?**

**3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нималар ривожланди?**

**4. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда пахтадан ташқари нима экила бошланди?**

**5. Асакада қандай завод қурилган? У нималар ишлаб чиқармоқда?**

**2-гуруҳ аъзолари**

**1. Ўзбекистон халқининг ҳуқуқи, бурчи ва вазифаси қайси китобда ўз ифодасини топган?**
**2. Конститустия мамлакатимизнинг нимасини ифодалайди?**
**3. Конститустия неча бўлим, боб ва моддадан иборат?**
**4. «Ўзбекистон қонуний давлат» гапининг маъносини тушунтириб беринг.**
**5. «Истиқболи буюксан» шеърини ёд айтиб беринг.**
**Гуруҳларни 1-тур бўйича баҳолаш.**
**2-тур топшириқ. Берилган шеърни ифодали ўқинг ва унинг нима ҳақида эканини айтинг.**
**1-гуруҳ учун. Аждодлардан мерос бўлиб қолган тупроқ,**
**Боболарнинг қон ва тери томган тупроқ.**
**Қизғалдоқлар очилганда қилмай канда,**
**Қир, адирлар гулхан бўлиб ёнган тупроқ,**
**Тўкин-сочин дастурхонни солган тупроқ.**
**(Турсунбой Адашбоев.)**
**2-гуруҳ учун; Алла бўлиб жаранглаган**
**Она тилим — жон-у дилим.**
**Мир Алишер бобомлардан,**
**Мерос бўлиб қолган тилим**
**Бобур Мирзо шеъридан**
**Ранг ва оҳанг олган тилим.**
**Шундай тилдан тонар бўлсам**
**Ёки ўгай санар бўлсам,**
**Қийма-қийма бўлсин тилим.**
**Она тилим — жон-у дилим.(Турсунбой Адашбоев).**
**3-тур топшириқ. «Зинама-зина» ўйини. Шоҳсупага биринчи чиққан гуруҳ унга«Ўзбекистон байроғини» ўрнатади.Шема.**
**1-гуруҳ учун савол-топшириқлар:**
**1. Ўзбекистон Республикаси қачон мустақиликка эришди?**
**2. Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётганини асослаб беринг.**
**3. Ўзбекистон Республикаси байроғини таърифлаб беринг.**
**4. Истиқлолни улуғлашимизнинг сабаби нимада деб биласиз?**
**2-гуруҳ учун савол-топшириқлар:**
**1. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» гапини ким айтган? Ўзбекистоннинг буюклигини қандай изоҳлайсиз?**
**2. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қачон қабул қилинган?**
**3. Ўзбекистон Республикаси Гербини таърифлаб беринг.**
**4. Мустақиллик ўзбек халқига қандай эркинликлар берди?**
**4-тур топшириқ. 1. Конститутсиядан ёд олган моддаларингиздан айтиб, унинг маъносини изоҳлаб беринг..**
**2. «Истиқлолим — истиқболим» мавзусида тузган 5-6 гапли матнингизни ўқинг ёки ижод этган шеърингизни айтинг.**
**3. «Истиқлолим — истиқболим» мавзусида чизиб келган расмлар кўргазмасини намойиш қилинг.**
**5-тур топшириқ. Ифодали ўқиш мусобақаси. Ўқитувчи бўлимдаги асарлардан белгилаб келган парчаларини ўқитади.**
**Масалан, — «Мангуликка татигулик кун» асаридан буғдой ҳақидаги парчани ифодали ўқинг. Шу асардан Ўзбекистондаги ер-мулк эгаларига билдирилган истакларни ифодали ўқинг.**
**— Конститустияда келтирилган моддаларни ифодали ўқинг.**
**— Автомобил заводини ташкил этилиши ҳақидаги парчани ифодали ўқинг.**
**6-тур. Тест ечиш. Бўлим юзасидан тестлар илова қилинади.**
**Гуруҳларнинг ҳар бир тур топшириқлари бўйича тўплаган баллари эълон қилинади.**
**Гуруҳларда фаол иштирок этган ўқувчилар баҳоланади.**
**Дарсга якун ясаш.**
**7-тур топшириқ. Кроссворд ечиш. Кроссворд иккала гуруҳга берилади,биринчи ечган гуруҳ ғолиб саналади.**
**Бойига.**
**1Мустақиллик сўзига маънодош сўз.**

**2.Ўзбекистон рамзи.**
**3. Чақалоқ беланадиган нарса номи.**
**4. Энг моътабар зот.**
**5. Фарзандига она айтган қўшиқ.**
**6. Ўзбекистон рамзи.**
**7.Мадҳияга куй басталаган композитор.**
**8. Календар сўзига маънодош сўз.**
**9. Юлдузлар илми билан шуғулланган олим.**
**10. Давлат қомуси.**
**11. Автомобил номи.**
**12. Автомобил заводи жойлашган шаҳар.**
**13. Автомобил номи.**
**Жавоблар тўғри топилса, энига шу бўлимда ёд олинган шеър номини ўқийсиз.(Иқболи буюксан)**
**Ўқувчиларни рағбатлантириш.**

**"Истиқлолим – истиқболим" бўлими юзасидан тестлар.**
**1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси сўзини ким ёзган?**
**А. Абдулла Орипов.**
**Б. Эркин Воҳидов.**
**Д. Зафар Диёр.**
**2. «Серқуёш», «Олтин водийлар», «Истиқлол машъали» каби сўзлар қайси шеър матнида учрайди.**
**А. “Иқболи буюксан”**
**Б. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси».**
**Д. «Серқуёш ўлка».**
**3. Қайси кун «Мангуликка татигулик кун» ҳисобланади.**
**А. 1992-йил 2-март.**
**Б. 1992-йил 5-ноябр.**
**Д. 1991-йил 31-август.**

**4. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси қачон қабул қилинган?**
**А. 1989-йил 21-октабр.**
**Б. 1992-йил 2-декабр.**
**Д. 1992-йил 8-декабр.**
**5. Ўзбекистон Конститусияси неча боб ва неча моддадан иборат?**
**А. 20 та боб, 100 модда.**
**Б. 24 та боб, 120 модда.**
**Д. 26 та боб, 128 модда.**
**6. Чиниқтир майлига сен танни,**
**Унутма ва лекин Ватанни. Бу мисралар қайси шеърдан олинган?**
**А. «Иқболи буюксан».**
**Б. «Тошкентнома».**
**Д. “Серқуёш ўлка”**
**7. Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг автомобил ишлаб чиқарадиган қўшма корхонаси қайси шаҳарда жойлашган?**
**А. Самарқанд.**
**Б. Фарғона.**
**Д. Асака.**
**8. «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари қачондан бошлаб ишлаб чиқарила бошланди?**
**А. 1992-йил 5-ноябр.**
**Б. 1993-йилдан.**
**Д. 1996-йил баҳор.**
**9. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» гапини ким айтган?**
**А. Ислом Каримов.**
**Б. Шароф Рашидов.**
**Д. Амир Темур.**

**УКУВЧИЛАРНИНГ СИНФДАН ЎҚИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИ ШВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

**СИНФДАН ТАШКАРИ УКИШ МЕТОДИКАСИ**

СТУнинг максади – укиш малакаларини такомиллаштириш, китоб танлаб оладиган мунтазам китоб укийдиган, укилган китобни турри бахолай оладиган, онгли китобхонни тарбиялаш. Мактабларда 1959 йилдан бошлаб махсус СТУ дарслари ташкил этилган.

СТУ 1-2 синфда хафтада 1 марта, 3-4-синфда 2 хафтада 1 марта утказилади. Савод ургатиш жараёнида хафтадаги охирги алифбе дарсининг 17-20 дакикаси ажратилади.

Бу дарсларнинг асосий вазифаси укувчида бадиий китобларни укишга хавас уйготиш, укиган китоблари юзасидан кундалик юрита олишга ургатиш, болалар адабиётининг машхур адиблари хаёти ва ижоди билан элементар тарзда таништириш. Методиканинг вазифаси СТУ учун укиладиган адабиётлар Руйхатини тавсия килиш, йиллик укув режаси ва даре структураси намуналарини ишлаб чикишдир.

СТУ учун китоб танлашда куйидаги тамойилларга амал килинади:

1.Узбек ва чет эл болалар адабиёти ёзувчилари асарларини

2.Китоб танлашда укувчиларни хар томонлама тарбиялашга хизмат рдншнй кузда тутиш.

3.Асар жанри ва мавзусининг хилма—хиллигига эътибор бериш.

4.Укувчиларнинг ёши ва савиясига мувофиклигини хисобга олиш.

5.Укувчиларнинг шахсий кизикишини мустакил укишда хисобга олиш.

б.Мавсумий тамойилга амал килиш.

Синфда утспш — хаётга тайёрлаш, СТУ хаётнинг узидир.

СТУга рагҳбарликнинг асосий шакли махсус СТО” дарсларидир, у эркин даре хисобланади. СТУ дарсларида укувчиларнинг китобхонлик кизнкишлари, билим доираси, эстетик таассурот, бадиий образларни идрок этиши, ижоди ривожланади, фаол китобхонга хос куникма ва малакалар ривожланади.

СТУ дарсларига куйиладиган талаблар:

-хар бир дарсни кириш сухбати билан бошлаш;

- хар бир дарсда укувчилар укиган китоблар асарларни хисобга олиш;

- хар бир дарсда укиш учун янги асарлар тавсия килиш;

- хар бир дарсда укилган асар юзасидан сухбат методида тахлил ишларини амалга ошириш;

-укилган асарлар юзасидан кургазмалар тайёрлаш, асарга такриз ёзиш, асар муаллифи хасида маълумотлар туплаш, албомлар тайёрлаш, китобхонлик кундалигини юритиш;

- хар бир дарсда тахлил килинган асарлар юзасидан умумлаштирувчи, якунловчи сухбат уюштириш.

СТУ дарларинииг мухим вазифалари:

-асар укиш асар танлашда укувчида мустакилликни тарбиялаш, бунинг учун мустакил бажариш учун топшириклар бериш;

-кизикарли машк турларидан фойдаланиш, энг яхши иншоларни, такризларни, ёзувчи хакида тупланган маълумотларни укитишг "Тез айтиш", "Топишмоклар топиш", "Ифодали укиш", "Маколлар айтиш мусобакаси", "Эртак тукиш", "Билимдонлар анжумани", конку релар ташкил килиш, муайян мавзулар буйича савол жавоблар уюштириш, уйин тарзидаги иш турларидан фойдаланиш зарур.

СТУ нинг йиллик таквим режасини тузиш. Бунда Н.Н.Светловская ишлаб чихен СТУ боскичларига риоя килиш,

СТУга рахбарликнинг ёрдамчи шаклларига :

1.Китобии тарғиб килиш. СТУ га тавсия килинадиган асарлар руйхати синфга ёки мактабнинг махсус жойига осиб куйилади,улар вакти-вакти билан янгиланиб турилади,

гургазмалар ташкил килинади.Укитувчи махсус сухбатлар уюштиради.

2.Якка тартибдаги ёрдам ва кундалик текширув. Укувчи укиган китоблари юзасидан сухбат уюштирилади, укиган китоблар хисобга олинади.Шахсий фикрлар аникланади, уй кутубхоналари билан танишилади, ота—оналари билан сухбатлашилади.

3.СТУ юзасидан оммавий ишлар:адабий эртаклар, викториналар, ёзувчилар билан учрашувлар, адабий экскурсиялар улар учун махсус тайёрланилади.

4.Кутубхонага ёзилиш. 1-синф укувчилари укитувчининг рухсати билан, тавсияси билан кутубхонага аъзо булади.

5«Укувчиларнинг укиганларини хисобга олишда уларнинг китобхонлик кундалигидан фойдаланиш.

1~синф укувчилари 2-ярим йилликдан бошлаб китобхонлик кундалигига ёзувчининг исми, фамилияси ва китоб номини ёзади. 2-синфда эса унга нашр этилган жойи ва йилини кушиб ёзадилар. 3-синфда укиган китобига такриз ёзади, уз мулох,азаларини ёзади.
Мустакил укиш малакаларини шакллантириш боскичлари.

## СТУ дарсларининг турлари

СТУ дарслари укувчиларда мустакил китоб танлаш ва укиш малакаларини шакллантиради. мустакил укиш малакасини шакллантириш 3-боскичга булинади:

1.Тайёрлов боскичи. Бу 1-синфнинг савод ургатиш даврига турри келади. Унга дарснинг бир кисми—17-20 дакикаси ажратилгани учун стУ маълумоти деб юритилади. Унинг узига хос хусусиятлари шундаки, укитувчи асарни узи танлайди, асарнинг кичик хажмда булишига ва бошка китоб танлаш тамойилларига эътибор беради. Асарни узи укиб беради. Укувчилар асарни эхитишга, эшитганларини идрок этишга, уларга соддагина баз^о беришга, асар мазмуни билан сарлавхасининг мослигини аниклашга ургатилади, асар мазмунини хикоялаб беришга Ургатилади. Укиш гигиенаси, китобга кандай муносабатда булиш билан танишадилар.

2.Бошлангич боскич. 1-синфнинг 2—ярим йиллигига тугри Келади. 1ва2-боскичдаги СТУ дафтарда 1 марта утказилади. «бошлангъич боскичда 45 дакикалик дарс ажратилади. Танланган яхши укийдиган укувчига махсус тайёргарликдан сунг укитилади. Асарнинг осон укиладиган уринларини буш укийдиган укувчиларга укитиш мумкин.Бу уларда укишга кизикиш уйг-отади. Асар укилгач укувчилар асар номини, муаллифи билан танишадилар, расмларини томоша киладилар, китобхонлик дафтарларига у хакида киска ва соддагана килиб муаллиф, асар номини ёзадилар. Асар элементар тарзда тахлил килинади.

3 .Асосий боскич 2-4 синфга тугри келади. Бу даврда укувчиларнинг укиш малакаларни мустахкамланади. Бу боскичда укувчиларнинг синфдан ташкари укиганларига бахо куйилади. Бахо куйишда дастур талабларига асосланилади: синфнинг умумий ишларига катнашиши, укиган китобларининг сифат узлаштиришига миедорига, укиган китобига муносабат билдира олишига эътибор берилади. Бунда укувчилар муайян мавзуга дойр бир неча асарларни укиб келадилар, уларнинг айрим уринларини ифодали укиб берадйлар, укиган асарларини узаро таёрлайдилар. СТУ дарсларини хусусиятлари. СТУ боскичлари, дастур талаблари, тарбнявий вазифалари, укувчиларнинг кизикишлари билан белгиланади. Масалн, тайёрлов боскичида кичик хажмдаги асарни укитувхси окиб берса,укилганлари юзасидан сухбат, кайта хикоялаш утказилса,- бошланшч боскичда бутун синф уқувчилари бир хил китсб билан таъминланади, барча уқувчилар битта матн устида ишлайдилар. Бунда битта ёзувчи ёки бир мавзудаги асарлар кургазмаси таншил қилинади. Асар ичда уқишга топшйрилиши хам мумкин, албомлар тайёрланади, киёфйлм, диафилмлардак нарчалар курсатилади, мусиқий дақиқалар утказилади, асар мазмуни шзасидан ижодий расмлар чиздирилади. Китобни сақдаш мақсадида китобни ямаш, ураш ургатилади, "Эртаклар байрамлари", "Ифодали укиш конкурс" утказилади.
Асар тахлилига дойр ишлар кенгайтирилади, укувчилар укиганларини таккослашга умумлаштиришда, хулосалашга ургатилади. Кахрамонларни элементар тавсифлайди.

Ролларга булиб укихдан фойдаланилади. Асосий боскичда СТУ дарслари 2-синфда хафтада 1 марта, 3-4 синфларда 2 хафтада 1 марта утказилади. Укувчилар мустакил укишга ургатилади,улар "Гунча", "Гулхан" журналлари билан, "Тонг юлдузи" газетаси билан таништирилади, яъни болалар матбуоти билан таништирилади. Бу боскичда узбек кардош, чет эл адабиёти ёзувчиларининг турлк жанрдаги, турли мавзудаги асарларидан фойдаланилади. Бир дарсга укувчилар бир нечта асарлар укиб келиб, улар хакида уз фикрларинк айтиб берадйлар. Кахрамонларни тасвирлаб расм чизадилар. Ёзувчилар хаёти ва ижодига дойр кечалар уюштирилади. Шу тарзда адабиётни севадиган, мустакил фикр юрита оладиган китобхон шахси шакллантирилади.

Дарс курилишига доир дарс намуналари:
1.Тайёрлов боскичи.
Мавзу: Чупон йигит Широк.
Дарснинг максади: а) афсонавий кахрамонлар хасида маълумот бериш. б)укувчиларда ватан тушунчасини, ватанпарварлик туйгуларини тарбиялаш;
Дарснинг методи: сухбат.
Дарснинг жихози: асар мазмунини ёритувчи расмлар.
Дарснинг бориши:
1.Кириш сухбати.
Укувчилардан ватанини душмандан асраган кахрамонлардан кимларни билишлари суралади. Тумарис, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро номлари саналиб. Широк деган каҳрамон хам утганлигини, унинг кахрамонлиги хасида халкимиз, "Чупон йигит Широк" деган афсона яратгани айтилади.
2."Чупон йигит Широк" афсонаси укиб берилади.
3.Афсона юзасидан дастлабки сухбат:
Афсона сизга ёкдими? Унда кимнинг кахрамонлиги хикоя килиб берилган? Широк нима учун ханжари билан бурни, кулокларини кесди? Кейин Широк кимнинг олдига борди? У шох Дорога нима деди? Широк Доро кушинларини каерга олиб борди? Широк нима деб хайкирди?
Укувчилар жавоби умумлаштирилиб, улар ватанни севишга, унинг тинчлиги учун курашишга чорлайдилар.
4.Асарга ишланган расмлар курсатилади.
5.Широк расмини уйда чизиб келиш топшириги берилади. Ота-оналаридан кахрамонлар хакида эртак, хикоя, билиб келишлари ва ота-оналарига Широк хакида гапириб беришлари айтилади.
1..Яна нималар хакида билишни исташлари укувчилардан суралади.
2.Бошланғич боскич.
**Мавзу: Табиат- менинг уйим.**
Дарснинг максади: Шеър мазмуни билан таништириш ва табиат хакидаги билим, малакаларини ривожлантириш. Шеър Укиш сифатларини такомиллаштириш. Табиатга мехр-мухаббат ҳиссини кучайтириш.
Дарс типи: Янги билим берувчи.
Дарс усули: сухбат, тушунтириш
Дарс жихози: табиат манзараси тасвирланган плакат, расмлар, кушларнинг расмлари.
Дарснинг бориши.
А) саломлашиш. Б)давоматни аниклаш В) дарсга хозирлаш
Янги мавзунинг баёни.
1.Бир неча укувчига "Табиат - менинг уйим" шеъри ёд айттирилади.
Далаларни айлансам,
Узок хаёлга ботсам,
Чигирткалар кушигин
Утлокда тинглаб ётсам.
Табиат менинг уйим Табиат жонимда жон Шивирлайман мен унга ва онамга:-Онажон!
Шунданми куксим огрир Захарланса она ер, Табиат менинг уйим Табиат энг гузал шеър
Шивирласам гиёхга: Хаприкканча:-Ей кукат Нега келдим дунёга, сирин ургат?
Тошни ёрган гиёхлар
Саботдан даре уқисин,
Ой чумилган дарёлар
Болага шеър туқисин
Учади бола томон
Шу сабаб менинг сузим:
—Табиат— жонимда жон,
Табиат менинг уйим шеър юзасидан сухбат.
Баракалла болажонлар, жуда чиройли шеър айтдинглар. Жойингизга утиринг.
-Табиат шоирнинг уйи экан (болаларнинг жавоби). -Табиат сизнинг уйингиз эмасми? -Тохира табиат сенинг ҳам уйингми?
-Табиат менинг хам уйимдир. Шу табиат куйнида тугилдим, улгайдим.
-Миразиз табиат сенинг ҳам уйингми?

-Табиат менинг хам уйим. Негаки мен хам шу табиат куйнида яшайман. Табиат куйнида усган мевалардан истеъмол қиламан.
-Болалар хозир уртокларингиз укиган шеърларнинг муаллифлари нимани куйлашяпти. Нима хакида гапиришяпти?
-Табиат хакида. (болалар жавоби).
-Сиз юкорида уртокларингиз иштирокида Х.Давроннинг "Табиат менинг уйим" шеърини тингладингиз. Шеърда нималар дейилган экан?
-Шеърда далаларни айланаман, чигирткалар кушиигаи эиштаман, гулларни униб, булбулларни шод килсам, ут билан сухбатлашсам, мушукни сут билан мехмон килсам, хайрон булманг. Улар менинг дустларим. Улар билан кунглим хуш. Табиат менинг уйимдир, деб айтяпти. (болаларнинг жавоби).
—Жуда яхши Умид.
- Шахноза сен давом эттиргин.
-Менинг томиримга туташ ут илдизи, тунлари, ою юлдузлари дафтаримни ёритади. Орол денгизи куриб боряпти. Она ер захарланса куксим огрияпти. Сен уни асра, мангу колсин, улмаош, деяпти. (болаларнинг жавоби).
-Демак, болалар биз танишган шеърларимизда табиат куйланган экан. Табиат бизнинг иккинчи онамиз. Чунки биз онамиз ва табиат кучогида яшаймиз. Шунинг учун хам биз уни "Она табиат" деб атаймиз.
Унинг барридаги усимликларни, кушларни, хайвонларни, дснгизу кулларни ва бошка бояликларни асрашимиз, эъзозлашимиз керак. Табиат инсонга биргина тоза сув, хаво, озик-овкат, кийим-кечаккина эмас, сорлик, аъло кайфият хам беради.
-Болалар табиатимизни кушларсиз тасаввур кила олмаймиз. Улар табиатнинг нодир ва галати жониворларидан бири. Улар заракунанда хашоратларни еб, кишиларга фойда келтиради. Ва эстетик завк бахш этади. Сиз уларни сайрашидан олам-олам завк оласиз.
Масалан: Булбул, саъва, ва бошкалар. (Шу уринда кушларнинг расми курсатилади. Бахор валси эшиттирилади).
Хашаротлардан капалак ва ниначилар табиатимизнинг жонли безагидир. Капалаклар уз чиройи билан узига мафтун ўтадилар. Гуллар чамани узра канот кокиб, хаёт қушигини куйлашади. Лекин хозирги кунда уларнинг турлари камайиб кетган. Буни хамиша ёдда тутинг. Уларни асранг, эрмакка капалак тутманг. (Расм курсатилади). Яъни бизнинг хаётимизда усимликлар хам катта урин тутади. Айникса, ялпиз, кокиут, откулок, каби кукатлар инсон саломатлигини тиклашда урни каттадир.
-Болалар бизнинг ҳаётимизда яна бир мух,им нарса обиҳаётдир. Биз сувсиз хаётимизни тасаввур кила олмаймиз. Мана шу сув хам табиат куйнидан инжу булиб окади. Сувни хам асрашимиз керак. Бунинг учун дарёларни, кулларни, ирмокларни сакламогнмиз даркор. Турмушда кундалик хаётимизда сувларни тежаб ишлатинг...
Демак, укувчилар табиатимизни бундан хам чиройли, обод булиши сиз билан бизнинг қулимизда экан . „ Уқувчиларнинг табиат ҳақида ёдлаган шеърларидан айттириш. Топишмоқ ва мақоллар биласизми? -Кани Зебо сен нима айтмоқчисан? -Топишмоқ.
Денгизу дарёда яшар, Асосан кукларда кезар Зерикса борми, осмондан Замин узра қайтиб тушар. (Сув.)
Икки япроқ бир танда, Кезар гулзор чаманда.
(Капалак.)
Шоирларнинг шеърлар тупламлар кургазмасини утказиш.
Уйга вазифа "Гуллар" ҳақида шеър ёд олиб келинг.
Кейинги дарсимизда "Гуллар айтишуви" киламиз.
Дарсни якунлаш.
Текшириш учун савол ва топшириқлар.
Синфдан ташқари укиш учун китоб танлашда уқитувчи қандай принтсипларга асосланади?
2.Синфдан ташқари уқиш системасида синфдан ташкари уқиш дарсларининг урни ва ролини айтинг.
3.Синфдан ташкари укиш дарсини уқиш дарсига қиёсланг, унинг хусусиятларини айтинг. Синфдан ташқари уқиш дарсига куйилган асосий талабларни санаб беринг.
4.Тайёргарлик, бошлангич ва асосий босқичлардаги синфдан ташқари укиш дареларида укувчиларда китоб укишда мустақиллик кандай тарбияланишини изохланг.

## Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

## Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети

**3-курс БТ ва СТИ йўналиши талабалари учун**

# ОНА ТИЛИ ЎКИТИШ МЕТОДИКАСИ

**фанидан маъруза матнлари**

**Тузувчилар:**

доцент. Х.Ғуломова

педагогика фанлари номзоди, доцент. Ш.Йулдошева

## ФОНЕТИКА, ГРАММАТИКА, СУЗ ЯСАЛИШИ ВА ОРФОГРАФИЯНИ УРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

### Бошлангич синф укувчиларида илмий дунёкараш элементларини шакллаширищ ва она тили урганишнинг роли.

Укувчиларга таълим- тарбия бериш вазифаларидан бири уларда илмий дунёкараш элементларини шакллан тиришдир. Бу вазифани хал килишда максадга мувофик ишлашнинг етакчи шарти - укувчини шахс сифатида муваффакиятли камол топтиришдир. Куйида курсатилган омиллар тилни ургатиш билан боглик холда укувчиларда илмий дунёкараш элэментларини шакллантириш усулини белгилайди.

1.Тилнинг ижтимоий ходиса сифатидаги мохияти унинг алока вазифасини ифодалашдан иборатдир. Мактабда, шу жумладан бошлангич синфларда тилни ургатишнинг етакчи йуналиши укувчилар тилнинг алока вазифасини бажаришини тушунишларига эришиш хисобланади.

2.Тил билан тафаккур узвий боглик булиб, тафаккур суз воситасида юзага чикади. Тил тафаккурнипг махсули хисобланиб онгдан ташкарида узича яшамайди.

3.Тил ва тафаккур атрофимизни ураб олган моддий борликка нисбатан иккиламчидир. Тафаккур ташки дунёнинг тушунчадаги ифодаси хисобланади. Сузнинг тушунчанинг шартли номини узида акс эттиради. Дунёда йук нарса онгда хам, тилда хам булмайди. Бу холат укувчиларда материалистик дунёкарашни шакллантириш асосини ташкил эгади ва дидактик тамойиллардан бирини, яъни тил атрофни ураб олган мухитни, вокеликни кузатиш жараёнида ва базасида фаол билиш фаолияти вазиятида урганилишини белгилайди. Бундай ёндашиш дунёкарашнинг асосий масалалардан бирига, яъни нима бирламчи: табиат (материя)ми ёки онгми деган саволга жавоб тайёрлаш хисобланади; материя — бирламчи, онг — **иккиламчи** деган тушунчадан болалар хабардор булишига ёрдам беради.

4. Тил - барча томонлари узаро диалектик богланишда ва бирликда булган мураккаб, купкиррали ходиса. Алока жараёнида тилнинг барча томонлари, унинг барча компонентлари бир-бирига узаро таъсир этади, шундай шароитдагина тил узининг алока вазифасини бажара олади.

Мактабда тилнинг барча томонлари (талаффузи, фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, суз ясалиши)ни узаро боглик. холда урганиш она тилини ургатишдаги етакчи тамойилини амалга ошириш укувчилар тилни мураккаб, ривожланувчан, узаро богланган мухим томонларга эга булган ходиса сифатида англаб етишлари учун илмий асос яратади. Тилнинг мохиятини бундай идрок этиш ходисларнинг ривожланувчанлиги ва узаро богланган кисмлардан тузилишини диалектик-материалистик тушунишга замин буладн.

Мактаб тажрибаси ва махсус текшпришлар шуни курсатадики юкорида кайд этилган дастлабки кодаларни укув жараёнида амалга оширишда: ижтимоий ходиса сифатида тил хакидаги билимлар мажмуасини тугри танлаш, асосий тил ходисаларини ва категорияларини тушунтиришда укитувчининг тутган методологик йулининг аниклиги укувчилар ак,лий фаолиятини фаоллаштириш тил назариясини ургатишга асос буладиган тил материалининг юкори сифатли булиши каби далиллар хал килувчи таъсир этади. Шубхасиз хар бир омил мактаб тажрибасида бир-биридан ажралган холда булмайди. Аксинча, уларнинг бир-бирига тугри, максадга мувофик, таъсири ижобий натижа беради. Улардан баъзилари хакида, аввало, ижтимоий ходиса сифатида тил билан таништириш хакида тухтаймиз.

Тилнинг ижтимоий мохияти унинг алока вазифасини бажаришда куринади Унинг жамият хаётидаги ахамиятини аник, тушунишга ёрдам бериш учун; биринчидан, укув жараёнида. Хар бир тил бирлигининг нуткимиздаги ахамиятини укувчилар узлаштиришинип таъминлаш зарур. Укувчилар тилнинг алока вазифасини тилнинг асосий бирликлари (фонема, морфема, суз, суз бирикмаси, гап) нинг вазифасини тушуниш жараёнида урганадилар. Иккинчидан, укувчиларнинг тилнинг узаро алока воситаси эканлигини тушунишлари «Тил хар бир киши ва, умуман, жамият хаётида кандай уринни эгаллайди? саволига жавоб топишда ижобий таъсир курсатадин. Болалар синфдан синфга кучиши билан бу саволга жавоб чукурлашиб ва кенгайиб борадн. Тил кишиларнинг биргаликдагип мехнат фаолиятида, янгиликларни маслахатлашиб тушунишида, янги машиналар ихтиро килшда зарурлиги хакида мисоллар топиб, уз фикрларини тасдиклайдилар. Ёшлари ошган сари укувчилар одамнинг одам булишида тилнинг ахамиятини тушуна бошлайдилар. Мехнат ва нутк, кишини яратади, уни хайвонот оламидан ажратди. Одам мехнат жараёнида узининг фикрлаш фаолиянтини ривожлантииш ва нутк,ини устириш билан узини доимо такомиллаштириб борди ва такомиллаштирмокда. Оламни, коинотни узгартира бориб, киши янада камол топа боради, унинг тили хам бойиб боради. Кишилар билан, жамият аъзолари билан алока, муносабат, биргаликдаги мехнат ,хар бир кишининг усиши. ривожланишидаги зарурий шартлардан хисобланади. Учинчидан, бошлангич синф укувчиларининг тплга ижтимоий гходиса сифатида карашини шакллантиришда тилиипг келиб чикиши, тилда янги сузларнинг пайдо булиши хакида уларнииг савиясига мос булган «сир»ни ечиш (тушунтириш) ижобий таъсир курстади Укитувчи укувчиларга тилнинг бир киши томонидан махсус уйлаб чикарилмаганини. У ибтидоий одамларнинг мехнат фаолияти билан боглик. холда яратилганини ва аста ривожланиб борганини тушунтиради. Биздан жуда узок, вактлар илгари тилда факат бир неча унгина суз мавжуд эди, кишилар атрофдаги табиатни,

нарсаларни билиб, иш куроллари ярати нимадир ишлаб чикарганлари сари тилда янги сузлар пайдо була бошладп. Атрофимизда мавжуд булган шахс ва нарсаларгауларнинг белгиларига, жараёнга, жуда куп бошк нарсаларга кишилар ном куйганлар; шундай килиб, тил янги сузлар билан бойиди ва бойиб бормока.

Тилнинг ривожланиши, айрим сузларнинг маънолари хакидаги билимни бошлангич синф укувчилари от, сифат, сон, фсълни урганиш жараёнида аста-секин билиб оладилар. Бу уринда «Сузнинг таркиби» булими катта имкониятга эга. Укувчилар бу булим материалларини урганиш жараёнида тилимизнинг янги сузлар билан бойиб бориши хакидаги мухим манбалар билан, суз ясалиши билан танишадилар. Маълумки, купгина янги сузлар тилда мавжуд булган сузлар заминида яратилади, тилда бор модсллар каби ясалади: *аэродром* типида *космодром, тракторчи* типида *бульдозсрчи* каби. Тилда янги сузнинг пайдо булишп узидан ксйин бир хил узакли сузлар гурухинингхосил булишига сабаб буладп: *радио, радист, радиоли, радиосиз* каби.

*Б*ошлангич синфларда тилнинг ривожланиши хакидаги масала махсус урганилмайди, албатта. Тилга жамиятнинг ривожланиши билан боглик холда ривожланадиган ходиса сифатида илмий карашга замин яратиш мухим. Тилнинг лексик томони бошкаларига нисбатан харакатчан, тез ривожланадиган булгани учун, тил лсксикаси мисолида бошлангич синф укувчилари савиясига мос равишда жамиятнинг ривожланиши билан боглик холда тилнинг хам ривожланиши тушупнтирилади. Тилнинг лсксик составида юз берастган узгаришлар юзасидан укитувчи ва укувчиларнинг кузатишлари болаларда дунёни билиш хакидаги матсриалистик тасаввурини шакллантиришга мос материал бсради.

Кичик ёшдаги укувчиларнинг тилни узлаштириш жараёнини тскшириш шуни курсатадики, тилга илмий караш асосларини шакллантириш унинг мухим богланишларини билишга ёрдам бсради. Хусусан, укувчиларнинг сузнинг товуш томони билан унинг лсксик маъноси, сузнинг морфсмик таркиби билан лексик маъноси, сузнинг грамматик маъноси билан унинг маълум суз туркумига тегшлилиги уртасидаги богланиш кабиларни билиб олиши шу максадга хизмат килади. Бу богланиш тилнинг фонетик, лексик, суз ясалиши ва грамматик томонларининг бир-бирига таъсир килишини характерлай диган умумий богланишларнинг хусусий куриниши хисоб ланади. Шуни таъкидлаш керакки, укувчиларнииг тилга характерли богланишларни тушунтиришлари тилни эгаллаш нуктаи назаридангина эмас, балки дунёкарашларини шакллантиришда хам катта ахамиятга эга

Тилдан билим беришда укувчиларнинг хаётий тажрибасига таяниш мухимдир. Укитувчи назарий характердаги умумлаштириш зарур булган далилий материалларни йигиш боскичида хам, берилган билимларни амалиётга татбик этиш учун хам болаларнинг хаётий тажрибасига, нуткка оид амалиётига таянади. Тилга оид билимни урганиш натижасида укувчиларнинг нутк фаолиятининг сифати узгаради, онглилиги ортади. Тилни урганишни хаёт билан боглаш дунёнинг моддийлигини тушунишга асос яратади. Бу билан бир пайтда она тили дарсларининг асосий вазифаларидан бири булмиш укувчиларда тугри кузатиш ва уз фикрларини огзаки ва ёзма шаклда аник баён этиш куникмасини устириш масаласи хал килинади. Бунда укитувчидан укувчиларда диалектик фикрлаш куникмасини шакллантириш алохида эътибор беришп талаб этилади.

Диалектик тафаккур кенг маънода ходисаларнинг бошка ходисалар ва жараёнларга богликлигини хисобга олиб, уларни хар томонлама мавжуд белгилари йигиндиси билан ривожланихда куриш куникмасини таърифлайди. Тафаккурнинг бундай сифати укуачиларда аста-секин шакллана боради, уз навбатида, улар кузатиш жараёнида далилларни топиш, уларни анализ килиш ва урганиладиган ходисаларнинг айрим томонлари узаро богликлигини аниклаш, таккослаш ва умумлаштириш куникмасини эгаллаб борадилар. Кейинги йилларда укувчиларнинг укув фаолияти тобора изланиш характерни олиб бормокда. Тилни урганишда бошлангич синф укувчилари учун айрим коида ва аникликларни ёдлаб олиш эмас, балки атрофдаги хаетни кузатиш асосида укувчиларнинг узлари «топган» ёки адабий манбалардан тайёр олинган тил материалини максадга мувофик анализ ва синтез килиш етакчи хисобланади. Урганиладиган грамматик, суз ясалишига оид, лексик тушунчаларнинг мавжуд белгинларини аниклаш жараёнида фаaол катнашиш, билиб олинган далилларнинг ухшаш фаркли томондан киёслаш, шунингдск, урганилган назарнй билимларни хар хил нуткий фаолиятга ижодий татбик, этиш — буларнинг барчаси укувчиларда диалектик фикрлаш куникмасини устириш учун замин, шарт-шароит яратади. Бунда мухим омиллардан бири укувчиларнинг алий фаолиятини укитувчи томонидан максадга мувофик, бошкариш, уларда орфографик, грамматик ёки лесик-услубий вазифаларни хал килишнинг умумий мстодларини шакллантириш хисобланади.

Она тилини урганиш жараенида укувчиларда илмий дунёкараш асосларини шакллантириш масаласини х,ал килишда мактабда она тилини ургатишга асос буладиган материал алохида кимматга эга. Материалнинг хакикий томони, унинг гоявий ЙУНАЛИШИ ВА БАДИИЙ ИФОДАЛИЛИГИ УКУВЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАШ фаолияти, хис-туйгуларига таъсир этади, атроф-мухит хакидаги билимларини кенгайтиради,тилга ва уни яратган халкка кизикишини тарбиялайди, укувчиларнинг умумий тараккиёти даражасини устиради ва уларнинг шахсий сифатларининг, дуиёкарашларининг шаклланишига таъсир этади. Кейиги йилларда мактаб она тили дарсликлари ва укитувчилар учун нашр килинган кулланмалар материали мазмунига куйилган талаблар анчагина ортди. Материалнинг асосий мезони ва матн ва алохида гапларнинг билимни бойитувчи киммати, лексик-услубий аниклиги, мавзувий томондан хилма-хиллиги,хаётнинг турлн томонлари билан богланиши, матнларнинг гоявий-мавзувий йуналтирил ганлиги, кичик ёшдаги укувчиларга мослигидир. Шундай килиб, тилни урганиш жараёнида кичик ёшдаги укувчиларда илмий дунёкараш

асосларини шакллантиришга куйидаги омиллар: укитувчининг методологик асослари, укувчилар узлаштирадиган ижтимоий ходиса сифатида ривожланиб борувчи тил хакидаги билимлар мажмуаси, укувчилар урганиб оладиган билиш усули, тилни урганишга асос буладиган материалнинг билим бсришдаги, гоявий-сиёсий ва бадиий киммати хал килувчи таъсир курсатади.

Укувчиларда дунёкараш асосларини шакллантириш купкиррали жараён- булиб, мактабда ва мактабдан ташкарида олиб бориладиган укув-тарбиявий ишларнинг барча тизимида хал килинади.

## БОШЛАНГИЧ СИНФ УКУВЧИЛАРИГА ОНА ТИЛИ УРГАТИШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

Мактабда укув предмети сифатида тилни урганиш тииизими тилнинг барча томонларини, яъни фонетикаси, лексикаси, суз яслиши ва грамматикаси (морфология ва синтаксис)нинг узаро ички борланишларига асосланади.

Тилнинг барча томонлари узаро богланишининг купкирралилиги ва мураккаблиги, уларнинг диалектик бирлиги, аввало, унинг алока вазифасида намоён булади. Алока воситалиги тилнинг мухим хусусияти, асосидир. Бу вазифани тилнинг хар бир кисми бошка кисмлар билан узаро богланишда бажаради. Хар бир сузга хос булган товуш шакли кишиларга алока учун имконият яратади. Аммо сузнинг товуш курилиши, шакли мазмунсиз аклга тугри келмаганидек, узича яшамайди. Исталган товушлар йигиндиси эмас, балки маълум маъно билдирадиган товушлар йигиндисигина алока максадига хизмат килиши мумкин.

Маълумки, маъно билдирадиган товушлар йигиндиси суздир. Тилнинг лугат бойлиги, лсксикаси фикр ифодалаш-учун хизмат киладиган узига хос курилиш материалидир.

Тилнинг лугати канчалик бой булса хам грамматикасиз у улик хисобланади. Тилнинг лугат бойлиги уз-узича алока вазифасини бажармайди. Алока максадида хизмат килиш учун лугат бойлигидаги сузлар бир-бири билан грамматик жихатдан узаро богланиб, гап тузилади. Мана шу тузилган гап оркали фикр ифодаланади.

Тилнинг хар бир томонининг хусусияти ундаги тил бирликларининг узига хослигида намоён булади. Фонетика учун бундай тил бирлиги нутк, товушлари, фонемалар; лексикология учун маъноси ва кулланиши нуктаи назардан суз; грамматика учун суз шакллари, шунингдек, суз бирикмаси ва гап; суз ясалиши учун морфема, тузилиши ва ясалиши тарафидан суз хисобланади.

Суз, суз бирикмаси ва гап грамматик томондан купгина хусусиятларга эга. Сузнинг уз морфемик курилиши, узининг суз яслиш тури, бирор грамматик категорияси (шахс, сон, эгалик, келишик ва бошкалар), маълум синтактик вазифаси бор. Суз бирикмаси хам суз каби суз узгариши (купрок эргаш суз узгаради) шаклларига эга. Гап уз курилишига кура суздан сифат жихатдан фаркланади. суз узи алохида келганда мустакил маъно англатмайдиган морфемалардан тузилади, гапни ташкил этувчи кисмлар эса гапдан ташкарида хам мустакил лексик маъно билдиради, гап таркибида эса унинг маъноси яна ойдинлашади. Гап ва суз бирикмаси «курилиш материали» сифатида хилма-хил тузилган суздан фойдаланади. Гап учун катор синтактик хусусиятлар, шунингдск, тугалланган оханг хам характерлидир.

Шундай килиб. тилнинг хар бир томонининг узига хос хусусиятини куриб чикишнинг узи уларнинг узаро муносабатини. бир-бирига утишининг мураккаблигини таъкидлайди. Тилшунослик фани булимлари уртасидаги муносабатлар хам шунга ухшаш мураккабдир.

Фонетика,лексикология билан хам, грамматика билан хам богланади. Товушлар, фонсмалар, бугинлар тилда алохида эмас, балки маълум лексик маъно билдирадиган суз таркибида яшайди.

Фонетиканинг синтаксис билан богланиши, хусусан, хар бир гапда маъьлум охангда булишида куринади. Грамматик ва семантик жихатдан богланган сузлар мажмуаси маълум охангга эга булсагина гап хиобланадн. Бунда гапнинг мазмуни сузловчинпнг гапда ифодаланган охангига боглик булади. Шундай килиб, оханг гапда суз тартиби, ёрдамчи сузлардан фондаланиш, суз узгартишлар билан бирга гап тузиш усулларидан бири сифатида хизмат килади.

Лексикология суз ясалиши билан жипс богланади; биринчидан, тилнинг лугат таркиби, асосан, тилда мавжуд булган сузлардан янги сузлар ясалиши хисобига тулдирилиб, бойиб боради; иккчидан, ясалган сузлар лексик маъноси ясама негизнинг моддий маъносига асосланади.

Морфология лексикология ва суз ясалиши билан жипс богланган. Морфология,асосан, сузнинг грамматик хусусиятларини урганади. Сузнинг грамматик маъноси доимо лсксик маъноси билан бирга намоён буладн, шундай к.илиб, х.ар бир суз, бир томондан, шу сузга тсгишли булган маълум узига хос лексик-грамматик гурухнинг белгиларини билдиради, иккинчи томондан, у сузнинг уз лсксик маъноси булади. Суздаги мана шу умумий бирлик морфологияда, лсксикадан ажралмаган холда, лексика заминида урганилади.

Суз учун мук,аррар морфсмик таркибии характсрлии булииб, бунга сузгинг лсксик маъноси ва к,атор грамматик белгилари боглик. булади. Янги суз кайси усул билан ясалмасин, у доим грамматик шаклланади ва узининг лексик маъноси буладн. Хар бир суз туркумида суз ясалишининг характерли хусусиятларн мавжуд. Суз-нинг морфемик таркиби ва янги суз ясалиш усуллари тилшунослик фанининг суз ясалиши булимида, грамматика ва лсксикологиядан ажратилмаган х.олда урганилади.

Морфология ва синтаксис х.ар томонлама у.заро богланади. Морфологияда, асосан, сузларнинг грамматик маъноси ва уни ифодалаш шакллари урганилади; синтаксисда сузларни узаро богланиб суз бирикмаси ва гап х.осил килиш усуллари, шунингдск, гап турлари, уларнинг мазмуни ва ишлатилиши урганилади. Суз морфологияда хам, синтаксисда хам урганилади, аммо урганиш объскти х.ар хил булади. Синтаксиснинг урганиш объекти гапдир; унда суз гап ёки суз бирикмасида бошка сузлар билан маъно ва грамматик жихатдан богланган х.олда урганилади. Морфологияда суз гапдан ташкарида х.ам урганилиши мумкин; сузга муайян лсксик-грамматик гурухга кирадиган сузлар билан узаро муносабати нуктаи назаридан каралади. Морфология ва синтаксисда сузга бундай х.ар хил ёндашиш уларнинг бир-бирига богликлигини инкор этмайди, аксинча, улар суз ва гапнинг узида яшайди. Сузлар суз узгариш тизимига эга булгани туфайли гаплар алока вазифасини бажаради. Шакл ясалиши ва суз ясалиши морфологияда урганилади, аммо гапда татбик, этилади, сузларнинг узаро богланиш к.оидаларини урганиш эса синтаксис сохасига тааллуклидир.

Суз бирикмаси таркибидагисузларнинг узаро богланиш усулини аниклашда шу суз бирикмасига кирган суз туркуминиенг морфологик хусусиятлари хисобга олинади. Булар морфология ва синтаксисда бир-бири билан боглик холда урганиладиган тил ходисаларининг айримларидир.

Бу аник мисоллар морфология ва синтаксис бир-бирини такозо килса хам, грамматиканинг мустакил булими эканини таъкидлаш учун етарли.

Келтирилган фикрлар бошлангич синф укувчиларига предметлараро ички богланишни хмсобга олган хрлда она тилини ургатиш методикасини белгилайди.

1.Тилнинг барча (лексик, фонетик, суз ясаш, грамматик) томонлари ўзаро богликлигини ва уларнинг хар бири узига хос хусусиятларга эга эканини хисобга олиб, укувчилар тилни оргли узлаштиришлари учун тилнинг хар бир томони хусусиятларини ва улар уртасидаги богланишни узлаштиришлари зарур.

1-4-синфларда она тилини урганиш тизими фонетика, лексикология, суз ясалиши ва грамматиканинг узаро богланиши мохиятини хисобга олган холда тузилади. Бу хол дастур материалларини урганиш тартибини белгилашда хам, таълим иазмунини (дастур булимлари уртасидаги узвий богланишни ) аниклашда хам хисобга олинади.

2. Тилнинг барча томонларининг бир-бирига таъсири унинг алока вазифасида намоён булади. Тилнинг асосий бирлиги сифатида аоока максадида сузни тугри талаффкз килиш ёки ёзиш,шк тилда сузлашувчибарча кишиларга бир хилда тушунарли булиши, гапда грамматик томондан тугри тузилиши керак.

Шуларни хисобга олиб, кичик ёшдаги укувчилар тилнинг талаффузи, график, лексик, суз ясалиши ва грамматик томонларининг ухаро богланиши мохиятини тушунишлари учун дастур материалини урганишда тилнинг алока вазифаси етакчи экани назарда тутилади,яъни кишилар билан алока хараёнида тилнинг барча томонлари биргаликда фпйдаланиши хисобга олинади.

Укувчиларда кузатиш, мухим нарсаларни сезиш куникмаларини шакллантириш, атроф-мухит хакидаги билимларини бойитиш билан бир пайтда уларнинг нуткини устириш вазифаси хам амалга оширилади.

**Бошланғич синфларда она тили ургатиш мазмунига умумий характеристика**

Мактабларда она тили ургатишнинг мазмуни жамият ривожланишининг хозирги боскичида давлатимизнинг мактаб олдига қуйган вазифасига мосланган. Бу вазифалар қўпқиррали бўлиб, уларпи бажариш ўқувчилар онгини ўстиришга, уларга ғявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, меҳнат тарбиясини беришга йўналтирилган.Она тилини ўргатиш натижасидаўқувчиларда уз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, мазмунли, оҳангга риоя қилиб пфодалай олиш ва уни имловий тўғри ёза олиш куникмалари шакллантирилади. Бу вазифа ўқув предмети сифатида ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти булиб, ўқувчини шахс сифатида шакллантиришга йуналтирилган умумтаълим вазифалари билан боғлик, ҳолда амалгга оширилади.

Она тили курсида бериладиган билимлар мазмунини ўзбек тилининг товуш тузилиши ва ёзма нутқда товушларни ифодалаш усуллари ҳақидаги (фонетик ва график); сузларнинг ўзгариши гапда сўларнинг боғланиши ҳақидаги (грамматик, яъни морфологик ва синтактик); сузнинг морфемик таркибиива суз ясалиш усуллари ҳақидаги (сўз ясалишига доир); сузларнинг лексик-семантик гуруҳи ҳақидаги (лексикологик); ўзбек тили тўғри ёзув тамойиллари ва тиниш белгиларнинг ишлатилиши ҳақидаги (орфографик ва пунктуастион) билимлар ташкил этади. Бу билимлар, биринчидан, грамматик, фонетик, суз ясалишига оид тушунчаларда, иккинчидан, график, орфографик, пунктуастион қоидаларда намоён бўлади. Бундан ташқари, ўзбек тили курси((фнетик, график, морфологик, синтактик ва бошқа куникма ва малакаларни ҳам ўз ичига олади.

Тилни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда бошқа кўпгина ўқув предметлари учун умумий бўлган кўникмалар (предметлараро кўнкмалар)ни ҳосил қилиш устида ҳам иш олиб борилади. Педагогикада бундай предметлараро кўникмаларга анализ, синтез, абстрактлаштириш (тил ҳодисаларини фикран

тасаввур этиш), умумлаштириш, гуруҳлаш, танққослаш кабилар киради. Курсатилган кўникмаларни ўқувчиларда шакллантириш устида мақсадга мувофиқ, ишлаш уларнинг укув фаолиятини фаоллаштиришга, билимларини муваффақиятли эгаллашларига имконият яратади. Она тили курсидан ҳосил қилинадиган махсус кўникмалар билан предметлараро кўникмалар, бир-биридан ажратилмаган ҳолда, ўқув-тарбиявий жараёнда шакилантирилади.

Бериладиган билим ва ўқувчиларда ҳосил қилинадиган махсус кўникмалар мактаб дастурларида қайд этилган. (Булар ҳақида қўлланманинг кейинги бўлимларида мукаммал тўхталамиз.)

Бошланғич синфларда ўрганиш учун тилни онгли эгаллашга ва ўқувчиларда график ва орфографик малакаларни шакллантиришга замин ҳисобланган билимлар танланган. Фонетика ва графика соҳасида ўқувчилар сўзнинг товуш таркибини, унли ва ундош товушларнинг ўзига хос хусусиятларини, сўзда товушнинг маънони фарқлашдаги аҳамиятини тўғри тушунишга имкон берадиган билимларни ўзлаштирадилар, шунингдек, уларга сўзнинг товуш ва график шакли ўртасидаги нисбат (боғланиш) ни онгли аниқлаш, сўзни тўғри ёзиш имконияти яратилади. Морфология соҳасидан ҳам сўзни онгли ўзлаштириш, уни тўғри ишлатиш учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган билимлар танланган. Бошланғич синф ўқувчилари I синфдан бошлаб сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош, феъл)ни ҳар хил савияда ўрганадилар.

Синтаксисдан дастурга нутқ. бирилиги сифатида гап ҳақидаги, гапда сузларнинг боғланиши бош ва иккинчи да ражали бўлаклар ҳақидаги билимлар киритилган . Сўзнинг морфемик таркиби юзасидан ҳар бир морфеманинг муҳим белгиларини, уларнинг аҳамияти ва сўзда бир-бирига таъ сирини бошланғич синф ўқувчилари тушунадиган ва сўзларни тўғри ёзишда фойдаланишлари учун зарур бўлган ҳажмда маълумот берилган. Дастурда «Лексика» бўлими алоҳида берилмаган, аммо ўқвчилар сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (синонимлар, антонимлар) ҳақида, уларнинг лексик маънолари ҳақида сўз туркумлари ва сўз таркибини ўрганиш жараёнида маьълумот оладилар.

Бошланғич синфлар она тили курси 1-4-синфларда тил-нинг ҳамма томонлари ўзаро боғлиқ холда урганилиши хисобга олиниб тузилган, ҳар бир синфда фонетика, лексика, грамматика ва сўз ясалиши ҳақида - элементар билим берилади. Курснинг бундай қурилиши тилнинг барча томонларини бир-бирига ўзаро таъьсир эткадиган бир бутун ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади. Тилни ўрганишга бундай ёндашиш таълим жарёнини ўқувчилар нутқини ўстириш вазифасини ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

Дастурнинг «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» бўлими ҳар бир синфда тўрт қисмни ўз ичига олади: «Товуш лар ва ҳарфлар» Сўз» «Гап», «Боғланишли нутк,». Асосий мавзулар босқичли изчиллик тамойилига асосланиб, ҳар тўрт синфда ўрганилади. Ҳар бир синфда етакчи мавзулар ажратилади. 1-синфда фонетика ва графикага оид мавзуларниўурганишга катта ўрин берилади, чунки ўкувчилар укиш ва ёзиш жараёнини эгаллайдилар. 3- синфда сўзнинг морфемик таркиби ва гапни ўрганиш [1] муҳим ҳисобланади. Суз ясалишига доир билимлар асосида ўқувчиларда сўзнинг лексик маъносига, ундан нутқа фойдаланишга онгли муносабат ўсади. 4-синфда сўз туркумларини ўрганиш биринчи ўринга қўйилади. . (морфологик билим чуқурлаштирилади, отларнинг эгалик ва келишик қўшимчаларини, феълларнинг тусловчи қўшимчаларини тўғри ёзиш малакалари шакллантирилади).

Боғгланишли нутқ устида тўрт йил давомида грамматик вна орфографик материалларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда режа асосида иш олиб борилади.

Она тили дарсларида тил ҳодисалари маъноси,
қурилиши, вазифаси томонидан ўрганилади.

***Савол ва топшириқлар***

1. Бошланғич синфларда она тили курсиниг **мазмунини и**зоҳланг. «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» дастури бўлим лари (Товушлар ва ҳарфлар», «Сўз», «Гап», «Боғланишли нутқ»)ни асоага олиб, унинг шемасини тузинг.Синфдан-синфга кўчган сари ҳар бир бўлим материали қийинлашиб боришини кузатинг.

*2*.. Кичик ёшдаги ўқувчиларда .она **тили ўқитиш** жараёнида илмий дунёқараш қандай шакллантирилади?

3. Мактабда фонетика, лексика, сўз ясалиши ва грамматикани бир-бири билан боғлиқ ҳолда урганишнинг лингвистик асосларини изоҳланг.

## ФОНЕТИКА ВА ГРАФИКА АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Кичик ёшдаги ўқувчилар оғгзаки ва ёзма нутқни эгаллашларида фонетикадан олган билимларининг аҳамияти катта: а) фонетик билимга асосланган ҳолда I синф ўқувчилари савод ўрганиш даврида ўқишни ва ёзишни билиб оладилар; б) фонетик билим сўзни тўғри талаффуз қилиш {товушларни тўғри талаффуз қилиш, урғули бўғинни ажратиш, орфоэпик меъёрга риоя қилши) асосини ташкил этади; в) фонетик билим морфологик ва сўз ясалишига оид билимлар билан бирга ўқувчиларда қатор орфографик мала-калар (жарангсиз ва жарангли ундошларнинг ёзилиши) шакллантириш учун замин бўлади; г) фонстик билим гапннинг оҳангига кўра тўғри айтиш, логик урғу ва гап қурилишидаги паузаларга риоя қилиш учун зарур; д) сўзнинг товуш томонини билиш унинг маъносини тушуниш |ва нутқда онгли қўллаш учун муҳимдир; ҳ*дзир* ва ҳ*озир, атлас* ва *атлас* сузлари маьносидаги фарқ фақат урғу орқали ажратиладп. Сўзнипг товуш

томонини тасаввур қилиш сўзларни талаффузда фарқлаш, айрим сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва қўллаш учун зарур.

Ўқитувчи бошланғич синфларда ўқитиладиган барча фанларга оид дарсларда сўзни аниқ, ва тўғри талаффуз қилиш устида доимий ишлаб боради, шу мақсадда кўпинча сўзнип товуш томондан анализ қилишдан фойдаланади.

Мактаб дастурига мувофиқ, бошланғич синф ўқувчилари фонстик-график кўникмалар кўникмалар ҳосил қиладилар: товушлар ва ҳарфлар, унли ва ундош товушлар, жуфти бор жарангли ва жарангспз ундошлар, жуфти йўқ жарангли ва жуфти йўқ жарангсиз ундошлар; сўзни бўғинларга бўлиш, урғул бўғинни ажратиш кўникмаларига эга бўладилар.

Болалар мактабга келгунга қадар ҳам нутқнинг товуш қурилишини амалий ўзлаштирадилар, аммо улар махсус ўқигунларига қадар сўзни бўғинларга бўлишни, сўздаги товушларни изчил талаффуз қилишни билмайдилар. I- синф ўқувчиларида сўзни тўғри . талаффуз қилиш, бўғинларга бўулиш, ундаги ҳар бир товушни тартиби билан аниқ. айтиш кўникмасини шакллантириш устида мақсадга мувофиқ, ишлаш, ўз навбатида, анализ, синтез, таққослаш, гуруҳлаш каби ақлий машқларни билиб олишга, шунингдек, товушларнинг табиати, сўз таркибида бир-бирига таъсири каби айрим элементар билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

I- синфда фонетика ва графикани ўрганишга катта ўрин берилади, чунки ўқувчилар ўқиш ва ёзиш жараёнини шу синфда эгаллайдилар. Бу билимлар кейинги синфларда, асосан, мустаҳкамланади, такомиллаштирилади.

**Товушлар ва ҳарфлар, унли ва ундош товушларнинг хусусиятлари билан таништириш**

Товуш мураккаб тушунча бўлгани учун бошланғич синфларда унга таъриф берилмайди. Шунга қарамай, болаларда товуш ҳақида тўғри илмий тасаввур амалий машқлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда етакчи усул сўздаги товушларниит талаффузи ҳамда сўзнинг лексик маъноси сўздаги товушларнинг таркибига боғлиқлиги устида кузатиш хисобланади. Масалан, *ака, ука, она, она. ота, кул, гул* каби бир унли ёки бир ундош билан фарқланадиган сўзлар ҳар хил лексик маънони ифодалайди.

Сўзнинг товуш таркиби устида ишлаш савод ўргатиш давриданоқ бошланади. Болалар бу даврда талаффуз қилинган ёки эшитилган сўз товушлардан тузилишини билиб оладилар. Улар сўзни товуш томонидан таҳлил қилишга ўрганадилар, яъни сўзни бўғинларга бўладилар, сўздаги товушларни тартиби билан айтадилар. Бунда товуш томондан таҳлилни .ҳарф томондан таҳлил билан аралаштирмасликка алоҳида аҳамият берилади. Масалан, кўл сўзида к, ў, л товушлари, тинди сўзида т,и,н,д,и товушлари борлигини айтишлари зарур.

Сўзнинг товуш таркибини тўғри тасаввур этиш ундаги ҳарфларни тушуриб қолдирмай ёки ўрнини алмаштирмай ёзиш малакасини шакллантириш учун ҳам, сўзни тўғри талаффуз қилиш учун ҳам катта аҳаминятга эга. Шунинг УЧУН савод ўргатишдан сўнг ҳам, сўзни товуш томондан таҳлил қилиш машқлари ёрдамида
сўздаги товушлар таркибини аниқлаш кўникмасини такомиллаштириш устида ишлаб бориш зарур.

Маълумки, нутк товушлари икки катта гуруҳга бўлинади: унли товушлар ва ундош товушлар. Буни ўқувчиларга тушунтиришда қуйидаги белгилари ҳисобга олинади: 1) талаффуз қилиниш усули (унли товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан эркин рашвишда ўтади, ундош товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оғиз бўшлиғида тўсиққа учрайди); 2) овоз ва шовқиннинг иштироки (унли товушлар фақат овоздан иборат, ундош то-вушлар талаффуз қилинганда шовқин эшитилади, баъзан шовқин ва қисман овоз эшитилади); 3) бўғин ҳосил қилиш хусусияти (унли товушлар бўғин ҳосил қилади, ундош то вушлар бўғин ҳосил қилмайди.

Ўқувчилар бу белгиларни ёдлаб олишларига йўл қўймаслик, аксича, 1-синфданоқ болаларда товушни талаффуз қилганда, овоз ёки шовқин эшитилганда нутқ органларининг вазиятини кузатиш кўникмасини ўстириб бориш лозим. Бундай кузатишлар IV синфда давом эттирилади ва умумлаштирилади. Товушларни ўзлаштиришга бундай ёндашиш, унли ва ундош товушларни пухта ўзлаштиришга имкон бериши билан бирга,ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ўстириш вазифасини ҳам бажаради; хусусан, болалар кузатилгаи ҳодисанинг бир неча белгиларин таққослашга, умумлаштиришга ўрганадилар.

Ўзбек тили ёзуви товуш ёзуви ҳисобланади, чунки товуш ёзу4вда ҳарфлар билан ифодаланади.1- синф ўқувчилари қуйидагиларни билиб олишлари лозим: товушни талаффуз қиламиз ва эшитамиз; ҳарфни кўрамиз, ўқиймиз ва ёзамиз; ҳарф—товушнинг ёзувда ифодаланадиган белгиси. Ўқувчилар кўпинча товуш билан ҳарфни аралаштириб, хатога йул қўядилар.

Ўқувчиларда график малакани шакллантириш учун улар қуйидагиларни билишлари зарур: 1) бир ундош ҳарф ёзувда икки ундош товушни ифодалаши мумкин (масалан, *мактаб* сўзидаги *б ҳ*арфи *п* товушини, *мактабим* сўзидаги *б ҳ*арфи б товушини ифо-далайди); 2) *жўжа, жажжи* сўзларидаги *ж (ж$_ч$)* товуши (жарангли, портловчи) ҳам, *журнал, жирафа* сўзларидаги *ж* товуши (жарангли, сирғалувчи) ҳам битта *ж ҳ*арфи билан ифодаланади; 3) *тонг, кенг* сўзларидаги учинчи жарангли ундош товуш нг икки ҳарф бирикмаси нг билан ифодаланади4)sh ch ҳарф бирикмалари ҳам биртовушни ифодалайди: shamol choy. Жарангли ва жарангсиз ундош товушлар. уларнинг ёзувда ифодаланиши. Ўқувчиларга жарангли ва жарангсиз ундош ундошлар ҳам товушлар талаффузини куза- тишга асосланиб таништирилади. Бунда жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундошлар ажратилади, Кузатишда

ўқуувчилар фаол қатнашиши ва уларга жуфти бор жарангли ундош билан жарангсиз ундошларни ажратиш қанчалик **муҳим** эканини яққол кўрсатиш учун фақат битта ундош товуш билан фарқланадиган *бақир — пақир, гул — кул, дил — тил, зина — сина, жой—чой* каби сўзлардаги товушларни таққослаш мақсадга мувофиқ.. Бунда ўқитувчи ўқувчилар диққтини *б-п, в-ф, г-к, д-т, з-с, ж-ч* товушлари бири жарангли, иккинчиси жарангсиз ундошдан иборат товуш жуфтларини ҳосил қилишига қаратади, уларнинг талаффузидаги фарқни амалий тушунтиради (жарангли ундош товушларда шовқин ва қисман овоз қатнашади, жарангсиз ундошларда эса фақат (шовқин эшнтила-ди); доскага стунидагича езиб К.УЯДН:
жуфти бор жарангли ундошлар: *б, в, г, д, з, ж, э,т. г;*
жуфти бор жарангсиз ундошлар: *п, ф, к, т, с, ч, ш, х.*

Жуфти йук. жарангли ва жуфти йук. жарангсиз ундошлар билан ҳам ўқувчилар ҳар хил фонетик шароитда товушларни талаффуз қилишни кузатиш жараёнида таништирилади. Бунинг учун ўқувчилар сўз охирида ёки унли товушдан олдин келган *кул, билим, отам, олмос; қуён, бино; фабрика; тонг, сингал; қуй, кийик* каби сузлардаги жарангли ундошнинг талаффузини таққослайдилар ва *л, м, н, р, нг,й* жарангли ундош товушлар талаффуз қилинганда, овоз ва шовқин эшитилишини, яъни жарангли ундош товуш эканини, буларнинг жарангсиз жуфти йулигини (жуфти йўқ жарангли ундош товуш эканини) билиб оладилар. Худди шунга ўхшаш усулдаўқувчилар қ, ҳ ундошлари талаффуз қилинганда, фақат шовқин эшитилишини, жарангсиз ундош товуш эканини, жарангли жуфти йўқлигини (жуфти йўқ жарангсиз ундош товуш эканини) билиб оладилар. Кузатиш натижаси қуйидагича кўринишда доскага ёзилади (ёки картонда тайёрланган кўрсатма кўсатилади.

жуфти йўқ жарангли ундошлар: *л, м, н, р, нг,й;*

жуфти йўқ жараигсиз ундошлар: қ,*ҳ*

Болалар жуфти йўқ жарангли ундош товуш сўзнинг охирида кслганда ҳам алфавитдаги худди шу ҳарф ёзилишини, яъни талаффузи доим ёзилишига мос келишини билиб олишлари етарли. Жуфти бор жарангли ундош товушлар шз охирида қолганда, бундай мослик бўлмайдп, яъни кўпинча унинг жарангсиз жуфти талаффуз қилинади (*мактап, озот, ис* каби). Бундай сўзлар ўзбек тилида кўп бўлган учун I синфданоқ ўқувчиларни уларнинг айримлар билан таништириш зарурияти туғилади. Дастурга кўра, I синф ўқувчилари б ва *д* жарангли ундоши сўз охирида келганда, унинг жарангсиз жуфти *п* ва т талаффуз қилиниши билан ва бундай сўзларнинг ёзилишини қандай текшириш билан таништиради. Уларнинг талаффузи ва ёзилишини текширишда фонетикага асосланилади. Ўқувчилар фонетик билимларига асосланган ҳолда, жуфти бор жарангли ундошларнинг ёзилишини қуйидагича тушунтирадилар: *«Китоб* сўзи охирида жуфти бор ундош товушни эшитяпман, шунинг учун сўзни текшириш керак. Шу ундошдан кейин унли товуш эшитиладиган сўз танлайман: *китоби. Китоби* сўзида б товуши эшитиляпти, шунинг учун *китоб* сўзида б ҳарфини ёзаман».

Бундай муҳокама юритиш учун ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларни эгаллашлари керак:

1. Жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундош товушларни ажратиш.

2. Сўз охирида келган жуфти бор жарангли ундош товушнинг жарангсиз жуфти эшитилиши, шунинг учун бундай сўзларни текшириш кераклигини билиш.

3. Ундош товуш унли товушдан олдин келганда, бошқа товуш билан алмашмаслигини билиш. Ундош товушдан сўнг унли товуш келган сўз текширувчи сўз бўла олишини билиш.

4. Текширувчи ва текширилувчи сўздаги ундош ҳарфни таққослаш *(китоби - китоб, мақсади-мақсад-мақсадга).*

Шундай қилиб, ўқувчилар қандай сўзлар текширишни талаб қилиши ва унинг сабабини, қандай сўзлар текширувчи сўз ҳисобланади ва нима учунлигини билишлари зарур.

Ўқитувчи (қандай сўзлар текширишни талаб қилишини тушунтириш учун жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундош товуши бўлган сўзлар устида кузатиш ўтказади: *мактабим — мактаб, Умида — Умид, хат, қоп, эг* каби.

Ўқувчилар ёзилиши талаффузидан фарқ киладиган сўзларни ва сўздаги жарангсиз ундош товуш ўзига мос ҳарф билан ифодаланишини таққослаш билан сўзнинг охирида жуфти бор ундош товуш келса, у сўз текширишни талаб қилишига ишонадилар. Иккинчидан, текширишга таянган ҳолда, ёзишга имконият яратиш учун ўқувчилар текширувчи сўзни текшириладиган сўздан доим олдин ёзадилар: *авлоди — авлод, асбоби — асбоб.*

**Бўғин.** Бўғин мураккаб тушунча бўлгани учун бошланғич синфларда унинг қоидаси берилмайди. Дастурга
кўра, ўқувчиларда сўзни бўғинларга бўлиш кўникмасини шакллантириш вазифаси талаб этилади. Ўқувчилар сўзни бўғинларга бўлишда сўзда нечта унли бўлса, шунча бўғин бўлади, деган тушунчага асосланадилар. Бу тушунчани улар савод ўргатиш давридаёқ ҳосил қиладилар. Болалар ёзилган сўздан дастлаб унли ҳарфни топадилар, кейин сўзда нечта унли бўлса, уни шунча қисм (бўғин)га бўладилар.
I - синфда ўқув йилининг биринчи ярмида оғзаки ва ёзма тарзда бўғинларга бўлиш, шунингдек, ўқитувчи топшириғига кўра, муайян бўғинли сўз танлаш машқлари ҳар куни ўтказилади. Сўзни бўғинларга тўғри ва тез бўлиш кўникмасини ҳосил қилиш 1 - синфда ўтказиладиган муҳим машқлар қаторига киради. Ўқув- чилар ўқиш ва ёзиш жараёнини эгаллашда мана шу кўникмага таянадилар. ўзбек графикасида бўғин тамойили етакчи тамойил ҳисобланади. Ўқувчи сўзни тўғри ёзиш учун уни аввал бўғинларга бўлади. Бўғинлардаги товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини аниқлайди, ундош ва унли товушларни

ифодалаш учун зарур ҳарфлардан фойдаланади. Ўқувчи шундай муҳокама юритади: «Байроқ» сўзида икки бўғин бор. Биринчи бўғинга бай; бе, а, уе ҳарфларини, иккинчи бўғинга роқ: ер, о, қе ҳарфларини ёзаман. Ўқувчи сўзни бўғнларга бўлиш, буғиндаги ҳар бир товушнинг ўрнини, тартибини аниқ кўз олдига келтириб, бўғинлаб айтиш кўникмасига эга бўлса, сўздаги ҳарфларни тушириб қолдирмай, ўрнини алмаштирмай ёза олади. Шунинг учун бўғин устида ишлашга сўзни бўғинлаб кўчириб ёзиш, бўғинлаб диктовка билан ёзиш (бўғинлаб изоҳлаб ёзиш) машқларини ҳам киритиш лозим. Иккинчидан, сўзни бўғин- ларга бўлиш кўникмаси ўқувчилар учун сўнинг олдинги қаторга сиғмай қолган қисмини кейинги қаторга бўғинлаб тўғри кўчириш учун зарур. Ўқувчилар «Сўзлар бир йўлдан иккинчи йўлга бууғинлаб кўчирилади» ва «Бир ҳарфдан иборат бўғинни олдинги йўлда қолдириб ёки кейинги йўлга кўчириб бўлмайди» деган асосий бўғин кўчириш қоидаларини I синфда ўрганадилар. Оддий туюлган биринчи қоида ҳам сўзни бўғинларга бўлиш, бўғин кўчириш қоидасига мос келадиган *мактаб, Раъно, сингил* каби сўзлар мисолида жуда кўп машқлар билан мустаҳкам-лашни талаб этади. Болалар, айниқса, *сингил, кўнгил, тонги* каби сўзларни бўғинга бўлишда қийналадилар, чунки бу сўзларда битта жарангли ундош товуш *нг* ҳарф бирикмаси билан ифодаланади. Бу сўзларни бўғинга бўлишда бу икки ҳарф *синг-лим, кўнг-лим, тонг-ги* сўзларидаги каби олдинги бўғинда қолиши, ёки *си-нгил, кў-нгил, то-нги* сўзларидаги каби кейинги бўғинга кўчирилиши керак. (Бир товушни ифодалаган ҳарфни иккига бўлиб бўлмайди.) Кейинги қоида эса *ака, ота, оила, мудофаа, мутолаа* каби сўзлар мисолида янада кўпроқ машқ билан ўргатиш ва мустаҳкамлашни талаб этади. Бу қоидалар кейинги синфларда Янги мураккаброқ сўзлар мисолида мустаҳкамлаб борилади.

## ГРАММАТИКА ВА СЎЗ ЯСАЛИШИГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Бошланғич синфларда морфологиядан «от», «сифат», «сон» «феъл», «олмош тушунчаларини; сиктаксисдан «гап», «эга» «кесим», «иккипчи даражали бўлак», «уюшиқ бўлак, ундалма» тушунчаларини; сўз ясалишидан «ўзак», «қўшимча», «ўзакдош сўзлар» каби тушунчаларни шакллантириш устида иш олиб борилади.

Ўқитувчи тушунчаларни шакллантириш жараёнини бошқариш, ўқувчилар ақлий фаолиятини тўғри ташкил этиш учун у тушунча нималигини, тушунчани билиб олиш жараёнининг хусусиятларини,тушунчани ўзлаштириш қандай шароитда натижалироқ бўлиши кўз олдга аниқ, келтириши лозим.

### Грамматик тушунчаларнинг моҳияти. Уларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар

Тушунча атроф-мухитдаги предмет ва ходисаларнинг муҳим белгилари ва ўзаро алокадорлиги акс эттирилган тафаккўр формасинн тасвирлаб кўрсатади.

Грамматик тушунчаларда ҳам, бошқа тушунчалар каби, ҳодисаларнинг муҳим белгилари умумлаштирилган ҳолда акс эттирилади. Тил ҳодисаларининг ўзига хос хусусияти, яъни тушунчанинг мазмун томони грамматик тушунчанинг ўзига хос хусусиятини келтириб чиқаради. Тил ҳодисалари, тил категориялари бошқа ҳодисаларга нисбатан жуда мавҳумлиги билан фарқланади. Биологик тушунчаларни шакллантиришда белгиларини кузатиш, системага солиш ва умумлаштириш мумкин бўлган аниқ, ҳодисалар ва предметлар материал сифатида асос қилиб олинади. Грамматик тушунчалар эса сўз, сўз бирикмаси, гап, морфема, лексема, фонема ва бошқаларнинг ўзига хос муҳим белгиларини аниқлаш ва умумлаштириш натижаси хисобланади. Бошқача қилиб айтганда, кишилар томонидан яратилган грамматик тушунчага асос бўлган дастлабки материалнинг ўзи етарли даражада мавҳумдир. Демак, грамматик тушунчалар умумлаштирилганларнинг яна умумлаштирилгани ҳисобланади.

Грамматик тушунчанинг бу хусусиятлари туфайли ўқувчиларда тушунча жуда кўп қийинчилик билан шаклланади. Грамматик тушунчани билиб олиш учун мавҳум тафаккўр маълум даражада ривожланган бўлиши лозим. Мавҳум тафаккўр таълим жараёнида вужудга келади ва махсус машқларни талаб қилади. Бу машқлар муайян ақлий кўникмаларни ва лингвистик тасаввўр ҳамда билимлар комплексини шакллантиришга қаратилган бўли-ши зарўр. Кўпгина психолог олимларнинг текширишлари натижасида аниқланишича, тушунчани шакллантириш жараёни тафаккўрга оид анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, аниқлаштириш амалларини билиб олиш жараёни ҳам ҳисобланади. Ўқувчиларда ту-шунчани шакллантиришнинг натижаси уларнинг мавҳумлаштириш фаолиятининг қайдаражада ўсганлигига боғлиқ. Мавҳумлаштиришда қийналадиган ўқувчилар сўзларни таққослай олмайдилар ва уларнинг муҳим грамматик белгиларига кўра бир группага бирлаштира олмайдилар, тушунчани шакллантиришда қийналадилар ва хатога йўл қўядилар. Масалан, феъл ўрганилганда ўқувчилар феъл предметнинг ҳаракатини билдиришини билиб оладилар. *Юрмоқ, экмоқ, чопмоқ* каби феълларда лексик маъно грамматик маънога мос келади. Кўп феълларда бундай мослик бўлмайди. Грамматикада предмет ҳаракати дейилганда, ҳаракат билан бирга предметнинг ҳолати, унинг бошқа предметларга муносабати, предмет белгисининг ўзгариши кабилар ҳам тушуниладн: *ухламоқ, ўйламоқ, севмоқ, ўсмоқ, кўкармоқ* ва ҳоказо. Предмет ҳаракатини бундай кенг маънода, умумлаштирилган ҳолда тушуниш эндигина тилни ўргана бошлаган ўқувчиларга қийинлик қилади, улар ҳаракатни кўпроқ юриш, силжиш маъносида аниқ тасаввўр қиладилар. Шунинг учун феълни ўрганишнинг бошланғич босқичида *ётмоқ, касалланмоқ, тўрмоқ, қизармоқ* каби сўзларни предмет ҳаракатини билдиради деб ҳисобламайдилар. Бундай ходисани отни ўрганишда ҳам учратиш мумкин. Айрим ўқувчилар *тинчлик, қаҳрамонлик, қадам* каби сўзларни от тўркумига

киритмайдилар. Тушунчани шакллантириш учун ўқувчиларда мавҳум кўникмасини ўстириш, улар диққатини сўзнинг аниқ лексик маъносидан грамматик маъносига қаратиш ва шу гўруҳдаги сўзларга оид умумий, грамматик белгиларни ҳисобга олган ҳолда, уларни бир гўруҳга бирлаштириш талаб этиладп. Масалан, к и м? ёки н и м а? сўроғига жавоб бўладиган барча сўзлар «от» тўркумига бирлашади; предмет билдириш, сон (бирлик ва кўпликда келиш), эгалик қўшимчалари билан ўзгариш, келишиклар билан тўрланиш бу сўзлар учун умумий грамматик бслгилар ҳисобланади. Тушунчани шакллантиришда хато-нинг олдини олиш учун таълим бериш жараёнида қатор методик талабларга риоя қилинади.

**Тушунчани ўзлаштириш устида ишлаш жараёни**

Грамматик тушунчани ўзлаштириш узоқ тушунчани ўзлаштириш давом этадиган ва кичик ёшдаги ўқувчи-
лар учун анча мўраккаб жараёндир. Ўқитувчи бошланғич синфларда тушунчани ўзлаштиришга оид ишларни ташкил этишда ўрганиладиган тушунчанинг лингвистик моҳиятини, билимларни ўзлаштириш жараёнининг психологик-дидактик хусусиятларини, ўқувчиларнинг нутқий ва ақлий ўсиши бир-бирини тақозо этишини, грамматик билимнинг нутқдаги ролини асос қилиб олади.

Грамматик тушунчаларда тил ҳодисаларининг муҳим белгилари умумлаштирилади. Тушунчани ўзлаштириш устида ишлаш жараёнида ўрганиладиган тушунчанинг муҳим белгиларини ажратпш мақсадида муайян тил материали анализ қилинадн. Масалан, сўз ўзгартувчи қўшимча учун икки муҳим белги характерли: 1) сўз ўзгартувчи қўшимча — сўзнинг ўзгарадиган қисми; 2) сўз ўзгартувчи қўшимча синтактик вазифани бажаради, яъни гапда сўзларни боғлаш учун хизмат қилади. Тушунчани ўзлаштиришга оид ишларда ўқитувчи муайян бир тушунчанинг муҳим белгиларини аниқлаб олади, дастўри талабига кўра шу синф ўқувчиларини тушунчанинг қандай белгилари билан таништиришни, фойдаланганда яхши натижа берадиган лексик материалларни методик усул ва воситаларни белгилаб олади.

Тил материалини анализ қилиш жараёнида ўрганиладиган тушунчанинг муҳим белгилари ажратилади (тушунча устида ишлашнинг биринчи босиқичи), сўнг белгилар ўртасидаги боғланиш топилади, бир тушунчанинг хусусияти сифатида улар орасидаги ўзаро муносабати аниқланади, атама берилади (тушунча устида ишлашнинг иккинчи босқичи). Ўқувчилар ўрганилган тушунча моҳиятини англашлари ва билимларни нутқ тажрибасига татбиқ этишлари учун тушунча таърифини аниқ, ифодалаш устида ишланади {тушунча устида ишлашнинг учинчи босқичи); тўртинчи босқичда ўрганилган категорияни би-либ олиш учун машқ; қилинади; амалий вазифани ҳал қилиш мақсадида (фикрни аниқ ифодалаш, сўзни ва гапни тўғри ёзиш учун) ўқувчиларда тушунчага асосланиш кўникмаси шакллантирилади.

Шундай қилиб, тилга оид тушунчаларни шакллантириш жараёни шартли равишда тўрт босқичга бўлинади:

Биринчи босқич — тушунчанинг муҳим белгиларини ажратиш мақсадида тил материалини таҳлил қилиш. Бу босқичда маълум сўз ва гапларнинг лексик маъносидан келиб чиқиб мавҳумлаштириш амалга оширилади ва шу тил ходисаси, тил категорияси учун умумий ҳисоблангани ажратилади. Ўқувчилар таҳлил қилиш ва мавҳумлаштириш ақлий амалини билиб оладилар.

Иккинчи босқич — тушунчанинг белгиларини умумлаштириш улар орасидаги боғланишни аниқлаш (тушунчаларнинг ички боғланишини аниқлаш), атамани бериш.Ўқувчилар таққослаш ва таркиб амалини билиб оладилар.

Учинчи босқич — тушунча таърифини ифодалашни ту-шуниш, белгилар моҳиятини ва улар орасидаги боғланишни аниқлаш.

Тўртинчи босқич — янги тил материали асосида ўрганилаётган тушунчани аниқлаштириш. Билим тажрибага татбиқ этиладиган машқлар ишлаш. Ўрганилаётган тушунчанинг илгари ўзлаштирилган тушунчалар билан боғланишини аниқлаш.

Кўрсатилган босқичларни «феъл» грамматик тушунчасини шакллантириш жараёни мисолида кўриб -чиқайлик.

Тушунча устида ишлаш тил материалини таҳлил қилиш ва тушунчанинг муҳим белгиларини аниқлашдан бошланади. Кўпгина текширишлар, агар ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида муайян вазифани бажариш билан дастлабки тил материалини ўзлари тузсалар ёки танласалар, уларнинг аналитик фаолиятнинг самарадорлиги ортишини кўрсатди. Масалан, ўқувчилар ҳаракатларини кузатиш асосида гап тузадилар. Дарсда ўқувчиларни феълдан фойдаланиш ва эътибор билан ёзишга ундайдиган қулай нутқий вазият яратилади. Экскўрсия, яқинда кўрилган фильм, шу дарсда кўрсатилган диафильмнинг бирор қисми, ўқилган ҳикоя, расм материали юзасидан гаплар тўзиш ҳам мумкин. Гап тўзишда фикрни аниқ ифодалайдиган керакли сўз (феъл)ни жамоа бўлиб топиш имконини берадиган вазият яратиш муҳимдир. Масалан, мавзуни ўрганишдан олдин ўқувчилар бахорда табиатда юз берадиган ўзгаришларни кузатадилар.
Ўқитувчи: — Бахорда табиатда қандай ўзгаришлар юз беради?
Ўқувчилар: — Кунлар исиди.
— Ўтлар кўкарди.
— Дарахтлар куртак чиқарди.
— Бодом гуллади.
— Шафтоли, ўриклар гуллаяпти.
— Олма энди гуллайди.

(Ўқувчилар ўқитувчи тавсия қилган бир неча гапни изоҳлаб ёзадилар.)

Ўқитувчи: Нарсанинг ҳаракатини ифодалаш учун сиз қайси сўзлардан фойдаландингиз? Уларнинг тагига икки тўғри чизиқ чизинг. (Ўқувчилар вазифани бажарадилар).

- Ҳаракатни билдирган сўзларга сўроқ беринг ва таққосланг. (Ўқучилар нима қилди? нима қиляпти? нима қилади? сўроқларини берадилар.)

- Энди дарсликда феъл ҳақида нима дейилганини ўқинг.

- Шахс ва нарсанинг ҳаракатини билдирган сўзлар нима дейилади, қндай сўроқларга жавоб бўлади?

- *Бодом гуллади. Олма энди гуллайди* гапларини гап бўлакларига кўра таҳлил қилинг (Ўқувчилар эганинг тагига бир, кесимнинг тагига икки тўғри чизиқ, иккинчи даражали бўлак тагига тўлқинли чизиқ чизадилар.)

- *Гуллади, гуллайди* феъллари гапда қайси бўлак вазифасида келди. (Кесим.)

- Энди феъл ҳақида нимларни билиб олдингиз? Режадан фойдаланиб айтинг (умумлаштиринг):

1. Феъл нима? (Сўз.) 2. Нимани билдиради? (Шахс ва нарсанинг ҳаракатини.) 3. Қандай сўроқларга жавоб бўлади? (Нима қилди? нима қиляпти? Нима қилади?) 4. Қайси гап бўлаги вазифасида келади? (Кесим.)

- Китобдаги қоидада режанинг қайси пунктларига жавоб берилган? Режа пунктини ўқинг ва унга жавоб беринг.

Ўқувчилар китобдаги ва қўшимча машвларни ишлайдилар.

- Феълдан бошқа яна қандай сўз туркумларини биласиз? (От, сифат, сон.)

- Сўзларни таққосланг: *гул, гулли, гуллади.* Сўз туркумлари (от, сифат, феъл) бир-биридан қандай фарқланади? (Режадан фойдаланиб жавоб берадилар.)

Ўқувчилар мустақил бир неча гап тузадилар, айримларини ёзиб, феълларнинг тагига чизадилар.

Бу дарс фрагментида тушунча билан таништириш жараёнининг юқоридаги тўрт босқичи қисқа шаклда ўз аксини топган. Бироқ бу дарсда ўқувчилар тушунча билан фақат таништирилди., уни ўзлаштириш учун эса дастўрида мавзуни ўрганишга ажратилган барча дарсларда машқлар тизимини бажариш лозим. Мавзуни ўрганиш жараёнида “Феъл” тушунчаси чуқўрлашади ва кенгаяди, ўқувчилар феълнинг янги белгиларини ўрганадилар (феълларда бўлишли ва бўлишсизлик, уларнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланиши, феъл замонлари). Ўқувчиларда феълларни шахс-сон, замон, бўлишсизлик қўшимчалари билан ўзгартириш ва фикр баён этиш мақсадига мос феъл шаклларидан нутқда тўғри фойдаланиш кўникмаси шакллантирилади.

Тушунчани шакллантириш жараёнида сўзнинг лексик маъноси, унинг гап таркибида бошқа сўзлар билан бирга келгандаги маъноси аста-секин аниқланиб , ойданлаштириб борилади, оғзаки ва ёзма нутқда сўзни услубий тўғри ишлатиш кўникмаси орта боради. Бунинг учун ўқувчилар сўзнинг кўп маънолилиги, ўз ва кўчма маънода ишлатилиши, синоним ва антоним сўзлар билан элементар таништирилади.

Ўрганилган грамматик белгиларни амалга кенг татбиқ этиш ва улардан жонли нутқда алоқа мақсадида бевосита фойдаланиш учун грамматик тушунчани шакллантиришда ўқувчиларда мавҳумлаштиришни ва сўзлар учун характерли бўлган умумий грамматик белгиларни син тезлашни ўстириш зарўр, шунингдек, улар СЎЗНИНГ лексик маъносини чуқўр билишларига эришиш муҳимдир. Булар ўқувчиларнинг нутқини ўстириш моҳиятини акс эттиради, яьни ўқуувчилар нутқда сўзлардан амалий фойдаланишга, сўзнинг лексик маъносини тор тушунишдан чуқўрроқ тушунишга ўтадилар, сўзнинг лексик ва грамматик маънолари бир-бирига таъсир қилишини тушуна бошлайдилар, натижада нутқда сўзлардан онгли фойдаланишга асос яратилади.

**Тушунчанинг самарали ўзлашишини таъминлайдиган методик шартлар**

1. Ўқувчилар ақлий фаолиятини фаоллаштириш. Билимни ўзлаштиришнинг натижаси маълум даражада ўқитиш методларига боғлиқдир. Баён методи асосан ўқувчиларнинг эслаб қолишига мўлжалланади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштира олмайди, шунинг учун кутилган натижани бермайди. Мактаб тажрибасини оммалаштириш ва олимлар («П. В. Замков, Ю.Н.Бабанский, Н. П. стрезикозин ва бошқалар) нинг махсус текширишлари таъкидлашича, изланиш методлари (бошланғич синфларда қисман изланиш методи) кўпроқ самарали ҳисобланади. Грамматик тушунчани шакллантиришда изланиш вазияти ўқитувчи берган вазифа ва уни жамоа бўлиб бажариш вақтида яратилади. Изланиш вазияти ўқувчиларни янгиликни билишга қизиқтиради ва вазифани бажариш усулини мустақил равишда ижодий танлашга ундайди. Масалан, ўқувчиларни сўз ясовч қўшимчалар билан таништиришда (2-синф) ўқитувчи доскага *гул — гулчи, ғалла-ғаллакор,ъ трактор — тракторчи,* сўзларини икки устун тарзида ёзади. Ўқувчиларга икки устун шаклида ёзилган сўзларни кузатинг, маъноларидаги фарқини ўйлаб кўринг, шу сўзларнинг маъносини фарқлашга хизмат қилаётган қисмини топинг» топшириғини беради ўтказилган муҳокамадан сўнг ўқувчилар қуйидагича хулосага келадилар: гул сўзи ўсимликнинг бир турини, гулчи эса гулларни парвариш қилувчи киши маъносини билдиради; ғалла ўсимлик, ғаллакор – ғалла етиштирувчи киши; трактор сўзи қишлоқ хўжалик машинасини, тракторчи эса тракторда ишловчи киши маъносини билдиради. Сўзнинг –чи, -кор қисми икки сўзнинг маъносини фарқлашга хизмат қилади; *-чи, -кор* алоҳида келганда маъно англатмайди, булар қўшимча; сўз қўшилганда ишлови, шуғулланувчи киши маъносини англатяпти, янги маъноли сўз ҳосил бўляпти; -чи, -кор сўз ясовчи қўшимча.

Муҳкамали вазиятни орфографик мавзу Билан таништириш жараёнида ҳам яратиш мумкин. Масалан, ўқитувчи “Ҳайвонларга қўйилган номнинг бош ҳарф билан ёзилиши” мавзусини тушунтириш учун ўқувчиларга “ Ким ҳандай уй ҳайвонларини боқади? Уларга ўзингиз ном қўйганмисиз? Қандай ном қўйгансиз?” саволларини беради. Ўқувчилартартиб билан ўзлари боқаётган ҳайвонлари ва унга қўйган номларини айтадилар (мушук – Мош, кучук – Қоплон, сигир – Тарғил, от – Саман каби); ўқитувчи икки устун шаклида доскага ёзиб боради. Ўқитувчи «Иккн устун шаклида ёзилган сўзларни ўқинг, уларни таққосланг. Уларнинг ёзилишида қандай фарқ бор? Нима учун? Исботланг» топшириғини беради. Бу савол-топшириқлар ҳарактери болаларни ўйлашга, изланишга мажбўр қилади. Улар биринчи устундаги сўзлар кичик ҳарф билан, иккинчи устундагилар эса катта (бош) ҳарф билан ёзилганини айтадилар, аммо нима учун шундай ёзилганини исботлашга уларнинг билимлари етишмайди. Шундай қилиб муаммоли вазият яратилади. Ўқувчилар янги материални ўрганиш зарўрлигини сезадилар. Бу методда энг муҳими муаммоли вазият яратиш, тил, ходисаларини таҳлил қилиш, ўзаро таққослаш омилларини бажариш билан болаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳисобланади. Суҳбат — муҳокама жараёнида муаммони ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг ўзлари ҳал қилиш-лари ёки ўқитувчи томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Муҳокаманинг бориши билимлар асосида топшириқларни фаол бажаришни, фаол ақлий фаолиятни талаб қилади.

II. Ўқувчиларда сўз ва гапга лингвистик мунусабатни ўстириш устида мақсадга йўналтирилган ишлар. Ўқувчиларда сўз ва гапга лингвистик муносабат назарий билимларни ўзлаштириш, мавҳум тафаккўрни ўстириш жараёнида шакллантирилади ва тилнинг семантик ва грамматик томонининг бир-бирига таъсирини англашни билдиради.

Ўқувчилар тилни уларда тил бирликларига, хусусан, уларнинг асосийлари бўлган сўз, морфема, сўз бирикмаси, гапга лингвистик муносабатни параллел шакллантириш билан бирга онгли ўзлаштирадилар. Сўзга лингвистик муносабат сўзни товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилиб, унинг товуш ва график томони ўртасидаги боғланишини аниқлаш, сўзни морфемик таҳлил қилиш ва сўзга лексик маъно беришда морфеманинг ролини тушуниш; сўзни грамматик таҳлил қилиш ва шу сўзнинг муайян сўз тўркумига оид экани билан унинг грамматик белгилари ўзаро боғлиқлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишига қараб ўсиб боради.

Лингвистик муносабат ўқувчиларда аста-секин шакллантириб борилади, уларда билиш, тушуниб олиш савияси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, II синф ўқувчилари гапдаги сўз бирикмаларини топадилар, аммо у сўз бирикмасидаги сўзлар ўзаро қандай, яъни нималар ёрдамида боғланганини тушунтира олмайдилар. III синф ўқувчилари гапдаги сўз бирикмасини топадилар ва сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар ўзаро сўз ўзгартувчи қўшимчалар (келишик, шахс-сон қўшимчалари) ёки оҳанг ёрдамида боғланганини тушунтирадилар, яъни боғланиш грамматик воситалар билан ифодаланишини кўрсатадилар. Бу сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиш моҳиятини элементар даражада тушуниш бўлиб, уни юқори синфларда чуқурроқ (сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиш турлари, бош ва эргаш сўзнинг хусусиятларини) тушунадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларда сўзга, сўз бирикмаси ва гапга лингвистик муносабатни таълим жараёнида мақсадга мувофиқ ўстириб боради, хусусан, ўрганиладиган категорияни ўқувчи тушуниб олишига ғамхўрлик қилади.

III. Янги тушунчани илгари ўрганилган тушунчалар тизимига киритиш тушунчани ўзлаштириш, билимни нутқ тажрибасига татбиқ этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Тушунчалар орасида боғланишни вужудга келтириш, амалга ошириш ўқувчилар ўзбек тилидан эгаллайдиган билимлар тизимига ҳамда тилдан онгли фойдаланишга пойдевор бўлади. Тушунчалар орасидаги боғланишни билиб олиш амалий (грамматик, орфографик, нутқий) вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни кўпроғ, татбиқ, этишга имкон беради.

Тушунчалар орасидаги боғланишни аниқламай, уларни билимлар тизимига киритмай тўриб ўқувчилар тилни онгли ўзлаштира олмайдилар.

Бошланғич синф ўқувчилари ўзлаштирадиган асосий боғланиш йўллари:

Сўзга бериладиган морфологик сўроқлар ва уларнинг грамматик белгилари (ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсани билдиради —> бирлик ва кўпликда қўлланади —> эгалик билан ўзгаради —> келишиклар билан тўрланади; қандай?, қанақа? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсанинг белгисини билдиради —> ўзгармайди; неча?, нечанчи? сўроғига жавоб бўлган сўз шахс ва нарсанинг сони ва тартибини билдиради —> асосан, ўзгармайди; нима қилди? нима қиляпти?, нима қилади? сўроғига жавоб бўлган сўз предмет ҳаракатини билдиради —> бўлишли (ва бўлишсиз шаклда қўлланади —> шахс-сон қўшичалари билан тусланади —> ўтган, ҳозирги ва келаси замонни кўрсатади);

сўз тўркуми — гап бўлади (от гапда эга ёки иккинчи даражали бўлак, сифат — иккинчи даражали бўлак, сои —- асосан, иккинчи даражали бўлак, феъл — кесим вазифасида келади);

бош келишикдаги от — эга, бошқа келишиклардаги отлар — иккинчи даражали бўлак;

кишилик олмошлари—феълларда шахс (агар феъл *мен* ёки *биз* олмошлари билан қўлланса, I шахс, *сен* ёки *сиз* олмошлари билан қўлланса, II шахс ифодаланади);

умумий ўзак ва ўзакдош сўзларнинг маъносидаги умумийлик (ўзакнинг умумийлиги ўзакдош сўзларнинг маъносидаги ўхшашликка сабаб бўлади);

сўзнинг лексик маъноси ва унинг морфемик таркиби (сўзнинг морфемик таркиби ўзгарса, кўпроқ; унинг лексик маъноси ўзгаради:

*гул — гулчи, гулдон, гулла* каби

IV. Айрим тил категориялари боғланишининг моҳияти янги тил категориясини ўрганиш жараёнида очилди, шунингдек, бир ёки бир неча тил категорияси ўрганилгандан кейин ойдинлашади. Масалан, сўзнинг лексик маъноси ва унинг морфемик таркиби сўзнинг маъноли қисмларини ўрганиш жараёнида бир йўла муҳокама қилинади, чунки у ёки бу морфеманинг ролини бошқача йўл билан тушунтириб бўлмайди; ўқитувчи сўз таркибини ўзгартиради па шу билан боғлиқ; ҳолда сўз маъносиниг ўзгаришини кўрсатади, бу ўзгариш сўзнинг қайси қисми (сўз ясовчи қўшимча) ҳисобига ҳосил бўлганини тушунтирад: *ишчи - ишла — ишчан; пахтакор — пахтазор.*

Феълларнинг шахс-сон билан тусланиши кишилик олмошлари ўрганилгандан сўнг, феълда шахс кишилик олмошларининг уч шахсни кўрсатиши билан боғлаб ўрганилади.

Мактабда грамматик материални ўрганиш амалий йўналишга эга бўлгани ва, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг нутқий ва ақлий ривожланишига хизмат қилгани учун, бир тил категориясининг бошқасига тобелигини ва бир-бирини тақозо қилишини тушуниш билан бирга, ўқувчиларнинг бу ҳақдаги билимларидан амалий вазифаларни ҳал қилишда, яъни сўзларни ёзиш, гап тўзиш, сўзни таҳлил қилишда фойдаланишга ўргатиш ҳам муҳимдир. Ўқитувчи, тилни ўргатиш вазифаларини ҳисобга олиб, доимо ўқувчиларнинг нутқий тажрбасига суянади ва тил категорияларининг боғлиқлиги ҳақидаги билимларни тажрибага татбиқ этиш жараёнига йўналтиради. Билим компонентлари ўртасидаги боғланишни аниқлаш билимни тажрибага, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқига татбиқ; этиш имконини беради.

Она тилини ўрганиш жараёнида билимларнинг изчиллиги қандай таъминланади? Аввало, мактаб дастўри лингвистик материални ўрганишда янги ўрганиладигаи материалнинг илгари ўрганилганлар билан илмий асосланган боғланишини аниқлашга имкон берадиган изчилликни кўзда тутади. Ўқитувчи бу боғланишнинг моҳиятини методик жиҳатдан аниқ кўз олдига келтириши зарур. Ўзаро боғлиқ бўлган тил ҳодисаларини кетма-кет ва параллел ўрганиш мумкин. Буларнинг қайси биридан фойдаланиш маъқулроқ деган масала кўпроқ, материалнинг лингвистик моҳиятидан келиб чиқиб ҳал қилинади. Масалан, кишилик олмошлари феълдан олдин ўрганилади, бу феълнинг шахс-сон билан тусланишини кишилик олмошларига боғлаб ўрганиш имконини беради. Ўқитувчи янги ўрганиладиган материални илгари ўрганилганлар билан боғлайди. Бунинг учун тил тушунчаларини таққослайди ва бир-бирига қарама-қарши қўяди. Масалан, сўз ўзгартувчи қўшимчаларни ўрганишда улар сўз ясовчи қўшимчалар билан таққосланади ( сўз ясовчи қўшимча янги сўз ҳосил қилиш учун хизмат қилса, сўз ўзгартувчи қўшимча сўзнинг шаклини ўзгартириш учун, гапда сўзларни боғлаш учун хпзмат қилиши аниқланади).

V. Тушунчани кўргазмали ўрганиш. Тушунчани шакллантиришнинг турли босқичида кўргазмалиликдан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Тушунча белгилари билан таништиришнинг бошланғич босқичида кўргазмалиликдан ўрганиладиган ҳодисанннг белгиларини нутқда аниқ, кўрсатиш мақсадида фойдаланилади. Тил тушунчаларини шакллантиришда фойдаланиладиган кўргазмали воситаларнинг ўзига хос хусусияти ўрганила-диган объект ҳисобланган сўз, сўз бирикмаси, гап, гап бўлаги ва бошқаларга мос бўлади. Шундай экан, кўргазмали воситаларга жадвал, шема, бирор предмет, унинг расми билан бир қаторда тил материалнинг ўзи ҳам киради. Танланган матнлар, алоҳида сўз ва гапларда ўрганилаётган ҳодиса аниқ ва лўнда берилган, нутқий вазифаси ва грамматик хусусияти равшан кўрсатилган бўлиши керак. Бу ички кўргазмалилик ўқувчиларга тушунча белгиларини мавҳумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисани бирор томон-дан ўхшашни бўлган бошқа ҳодисалар орасидаи топиш имконини беради. Масалан, ўзакдош сўзларни ўрганишда таркибида бир неча ўзакдош сўз бўлган матндан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: 1. *Мактабимиз ҳовлисида катта гулзор бор. Унга ҳар хил гул экилган. Гулларни гулчи ўқувчилар парвариш қиладилар.* 2. *Раҳимнинг отаси заводда ишлайди. У илғор ишчи. Раҳимнинг ўзи — ишчан бола.* Бу икки матнда учтадаи ўзакдош сўз бўлиб, уларнинг икки муҳим белгиси (бир хил умумий қисмга эгалиги ва маъноларидаги ўхшашлик)ни ҳисобга олган ҳолда, ўзакдош сўзлар юзасидан умумлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўзакдош сўзни шу сўзларнпнг бир формаси бўлган сўз *(гулларни)* билан таққослаб, ўзакдош сўзлар билан сўз формаси ўртасидаги фарқ ҳақида элементар тушунчага эга бўладилар.

Тушунчанинг моҳиятини очишга қаратилган вазифаларнинг ўзи ўқувчиларни уларни бажаришга ундаши, мажбур этиши лозим. Бу билан тушунча кўргазмалилиги таъминланади. Масалан, гапнннг уюшиқ бўлаклари тушунчасининг моҳиятини очишда икки-уч гапдан битта гап тузиш вазифасини бериш мақсадга мувофиқ. *(Баҳорда биз қалдирғочларни қувониб кутиб оламиз. Баҳорда биз майналарни қувониб кутиб оламиз. Баҳорда биз чуғурчуқларни қувониб кутиб оламиз.— Баҳорда биз қалдирғочларни, майналарни, чуғурчуқларни қувониб кутиб оламиз.)* Гаплар гап бўлаклари жиҳатидан таҳлил қилинади; ўқувчилар учала гапда такрорланган сўзларни айтадилар; бундай ҳолларда кишилар уч гап ўрнига битта гапдан фойдаланишларини тушунадилар. Шундай қилиб, улар уч гапдан битта гап тузадилар, уни гап бўлакларига кўра таҳлил қиладилар, шемасини тузадилар. Бу вазифаларни бажариш билан ўқувчилар кўргазмали хулоса чиқарадилар: бир кесимга бир неча иккинчи даражали бўлак боғланиши ва улар бир хил сўроққа (н и м а л а р ини?) жавоб бўлиши мумкин; бир бўлакка қарашли ва бир хил сўроққа жавоб бўлган бундай сўзлар гапнинг уюшиқ бўлаклари дейилади. Юқорида келтирилган мисолларда фойдаланилган кўргазмалилик ўрганилаётган тил ҳодисаларининг белгиларини ажратишга қаратилган, яъни кўргазмалиликдан тушунчни таърифлашдан олдин фойдаланилган.

Дарсда фойдаланиш учун кўргазма материал тан-лашда ўқитувчи қўйилган мақсадга кўра ўқувчилар нимани билиб олишларини аниқ кўз олдига келтириши керак. Бир кўргазма материалдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, предмет ёки унинг расмидан сўзнинг лексик маъносини тушунтиришда ҳам, грамматик тушунчани шакллантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқувчиларни сифатнинг нутқдаги аҳамияти билан таништириш учун ўқитувчи берилган предметни тасвирлаш, унинг белгиларини айтиш вазифасини топширади. Ўқувчилар ҳар қандай предметни тасвирлаш учун ўз нутқларида сифатлардан фойдаланадилар. Бу — табиий. Ўқитувчи «Предметни тасвирлашда сиз қайси сўзлардан фойдаландингиз? Нима мақсадда?» каби савол-лар бериб, болалар диққатини ўрганиладиган грамматик тушунчанинг (бу ўринда сифатнинг) белгиларига қаратади. (Ўқувчилар предметни тасвирлаш учуи қайси сифатлардан бир предметни бошқасидан ажратиш мақсадида фойдаланганликларини айтадилар.) Бу мисолда кўргазмали материал нутқда грамматик тушунча (сифат) нинг ролини кузатиш мақсадида фойдаланганликларини ва ўқувчилар конфет материалдан умумлаштиришга ўтдилар.

Тушунчани шакллантиришни учун жадвал ва шемалардан кенг фойдаланилади. Бу кўргазмалардан кўпроқ, тушунча белгилари ажратилгандан сўнг, мавҳумлашган белгилари умумлаштириш, улар ўртасидаги боғланишни аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Шундай қилиб, грамматик тушунчани ўзлаштиришга ёрдам берадиган лсоеии методик шартлар ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш уларни янги билим олиш учун қизиқтириш, ўқувчиларнинг нутқий тажрибасига таяниш, билимларнинг тизимлилиги, ўқувчиларда тил бирликларига лингвистик муносабатни шакллантириш устида мақсадга мувофиқ ишлаш ҳисобланади.

**Грамматик ва сўз ясашга доир машқлар**

Мактабда тилдан назарнй билимни ўрганишдан мақсад
фикрни оғзаки ва ёзма тарзда грамматик тўғри ва услубий аниқ ифодалаш учун ундан онгли фойдаланиш ҳисобланади. Бироқ назарий билимни амалда қўллашни эса мақсадга мувофиқ ва мунтазам ўргатиб бориш талаб этилади.

Машқлар тизими тушунчани ўзлаштириш босқи-чига ва унинг хусусиятига мос равишда машқ турини танлаш, унинг мураккаблаша боришини ва ўқувчилар мустақиллиги ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, машқларни бажариш изчиллигини аниқлашни кўзда тутади. Бу система машқларнинг ўзаро боғланишига асосланган.

*<u>Машқ турлари.</u>* Грамматик машқлар турли асосга кўра тасниф қилинади, шунинг учун машқнинг ҳар хил тури ҳосил бўлади. Агар билимни шакллантириш характери асосга олинса, грамматик машқлар икки катта гуруҳга бўлинади.
1) морфологик машқлар (бунга лексик-морфологик машқлар ҳам киради); 2) синтактик машқлар. Агар ўкувчилар фаолиятининг характерли, яъни машк жараёнида ўкувчилар бажарадиган аклий омиллар характери асос қилиб олинса, машқлар аналитик, спитетик, такқослашга, группалашга, умумлаштиришга оид машқларга бўлинади.

Машқнинг ўзига хос хусусиятларини аникрок белги-лаш учун юкоридаги икки асос ҳисобга олинади. Масалан, машқнинг вазифаси аралаш берилган сўзлардан гап тузиш-ни ва гап бўлакларини ажратишни талаб этса, бу машқ би-лимни шакллантириш турига кўра — синтактик машқ, фао-лият характерига кўра синтетик-аналитик машқ, ҳисобланади.

Бошланғич синфларда соф морфологик ёки соф син-тактик машқ жуда кам кўлланади, шунинг учун ҳам вазифа-нинг етакчи томони ҳисобга олинади. Масалан, машқни мазмунга мос отни қўйиш, кайси келишик эканини кўрсатиш талаб этилса, бу лексик-морфологик машқдир. Ўқувчи отнинг қайси келишикда эканини аниқлаш учун у боғланган сўз (феъл ёки от) ни аниқлаши ( сўз бирикмасини ажратиши) талаб этилади, шунга кўра бу машқ синтактик машқ ҳисобланади.

Грамматик таҳлил аналитик машққа киради. Грамматик таҳлил сўз туркумига кўра (морфологик) таҳлилни, гап бўлакларига кўра (синтактик) таҳлилни ўз ичига олади.

Гап бўлакларига кўра таҳлил ўқувчилар ўзлаштирган синтактик билимларнинг меъёрига қараб чуқурлашиб боради.

Амалдаги дастурга кўра, I синф ўқувчилари «эга» ва «кесим» терминларидан фойдаланмайдилар, аммо улар гапнииг бош бўлакларини амалий равишда топиш кўникмасига эга бўладилар, яъни гап ким ёки нима ҳақида айтилганини билдирган сўз (эга)ни, у ҳақда нима дейилганини англатган сўз(кесим)ни топадилар. Масалан, *Болалар олмаларни тердилар* гапини таҳлил қилишда ўқувчилар шундай фикр юритадилар: «Гап болалар ҳақида айтилган. Кимлар?— *болалар* ( сўзнинг тагига битта тўғри чизик; чизадилар). *Болалар* — нима қилдилар?— *тердилар*(сўзнииг тагига икки тўғри чизиқ чизадилар). *Болалар-тердилар* — гапнииг асосий қисми; нималарни? (тердилар) — *олмаларни».*

II синфда I синфдагидек муҳокама қилинади, фақат мазмуни чуқурлаштирилади. Мисол учун II синф ўқувчиси *Оппоқ пахталарқ қийғос очилди* гапини қуйидагича таҳлил қилади: Гап пахталар ҳақида айтилган. Н и м а л а р?—*пахталар* — эга (тагига бир чизиқ, чизади). Пахталар ҳақида нима дейилган? *Очилди* — н и м а қ и л д и?—кесим (тагига икки тўғри чизиқ чизади). Қ а н д а й? (очилди)— қ*ийғос* — иккинчи даражали бўлак, кесимни изоҳлаяпти (тагига тўлқинли чизиқ чизади). Қандай? (пахталар) — *оппоқ* (пахталар) иккинчи даражали бўлак, эгани изоҳлаяпти. *Пахталар очилди*—гапнинг асоси. *Оппоқ пахталар* ва *қийғос очилди* — сўз бирикмаси.

III-IV синфда синтактик таҳлил сифат жиҳатидан ўзгармайди, аммо сўз бирикмасини ажратишга аҳамият берилади.

Морфологик таҳлилнинг моҳияти сўзнинг қайси сўз туркуми экани, гапда қандай грамматик формада келганида ифодаланади.

Тўлиқ морфологик таҳлилда ўқувчи сўз туркумининг ўзи ўрганган белгиларини айтади. Масалан, 1 синф ўқувчиси шу сўз қандай саволга жавоб бўлишини ва нимани билдиришини айтади шахс, нарса белгиси, ҳаракати).

III синфда сўз туркумлари ўтилгач, морфологик таҳлил қуйидаги тартибда ўтказилади:

От: 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Бирлик ёки кўпликда.

Сифат: 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Қайси от билан боғланган.

Феъл. 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Бўлишли? ёки бўлишсиз.

Оғзаки таҳлил намунаси: *Мевали дарахтлар гуллади. Мевали* — сифат, қандай — *мевали; дарахтлар* оти билан боғланган: *мсвали дарахтлар; дарахтлар* - от, нималар? — *дарахтлар,* кўпликда; *гуллади* — феъл, н и м а қ и л ди?- гулла*ди,бў*лишли.

IV синфда ўрганилган мавзуларни ҳисобга олиб, морфологик таҳлил бир оз тўлдирилади ва қуйидаги тартибда ўтказилади:

От: 1. Сўз туркуми. 2. Бош келишик шакли. 3. Бирлик ё кўпликда. 4. Эгалик (қўшимчаси, шахс-сони. 5. Келишик.

Сифат. 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Қайси от билан богғланган.

Сон: 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Қайси от билан боғланган.

Олмош: Кшиилик олмоши: 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Шахс-сони. 4. Келишик.

Феъл. 1. Сўз туркуми. 2. Сўроғи. 3. Бўлишли ёки бўлишсиз. 4. Шахс-сони. 5. Замони.

Ўқувчилар таҳлил тартибини билиб олишлари учун ҳқитувчи бу тартибга риоя қилиб сўзга характеристика беришнинг қулайлигини тушунтирадп.

Сўз туркумига кўра таҳлил оғзаки ва ёзма тарзда ўтказилади: уни мустақил машқ сифатида топшириш ҳам мумкин. Тўлиқ бўлмаган морфологик таҳлилдан хилма-хил грамматик вазифаларни бажариш мақсадида янги мавзу билан таништириш босқичида ҳам, уни мустаҳкамлаш босқичида ҳам фойдаланилади.

Морфологик таҳлилнинг вазифаси ҳозирги ўзбек тилида сўз қандай маъноли қисмлардан тузилганини аниқлашдир. Морфологик таҳлил III синфдан бошланади. Бу синфда ўқувчиларга ўзакдош сўзлар, ўзак ўзакдош сўзларнинг умумий қисми экани, сўз ясовчи қўшимчалар ва сўз ўзгартувчи (форма ясовчи) қўшимчалар ҳақида элементар маълумот берилади.

Сўз таркибига кўра таҳлил қуйидагича ўтказилиши мумкин:

1. Сўзга сўроқ бериш ва у нимани англатишини билиш.

2. Ўзакни аниқлаш. Бунинг учун сўзга ўзакдош сўзлар танлаш. Ўзакдош сўзларни таққослаш ва умумий қисми (ўзак)ни аниқлаш.

3. Сўз ясовчи қўшимчани аниқлаш. Бу янги сўз ясаш учун хизмат қилишини айтиш.

4. Сўз ўзгартувчи (форма ясовчи) қўшимчани аниқлаш. Бу сўзни бошқа сўз билан боғлаш учун хизмат қилишини айтиш.

III синфда “Сўзнинг таркиби» мавзуси тўлиқ, ўрганилгач, *гулзор* сўзини сўз таркибига кўра оғзаки таҳлил қилиш тартиби:

I. Қайси сўз туркуми эканини биламан *Гулзор* сўзи нима? сўроғига жавоб бўлади, нарсани билдиради, бу – от.

2. Ўзакни аниқлайман. Бунннг учун ўзакдош сўзлар танлайман: *гулзор, гулли, гулсиз, гулла.* Уларни солиштириб, умумий қисмини топаман — *гул.ъ* Бу — ўзак.

(Устига белгнсинн қўяман: *гулзор.)*

*3.* Сўз ясовчи қўшимчани аниқлайман, *гулзор* сўзи *гул* сўзига -*кор* сўз ясовчи қўшимчасини қўшиш билан ясалган. ( белгисини қўяман: *гулзор.)*

4. Бу сўзда сўз ўзгартувчи қўшимча йўқ.

Сўз таркибига кўра таҳлилдан сўнг шундай кўриниш ҳосил бўлади: *гулзор.*

III синфда *пахтакорга* сўзини сўз таркибига кўра оғзаки таҳлил қилиш тартиби:

1. *Пахтакорга*— от.

2. Ўзакни аниқлайман. Бунинг учун ўзакдош сўзлар танлайман: *пахтакор, пахтазор.* Солиштираман. Умумий қисм — *пахта.* Бу — ўзак. (Белгилайман: *пахтакорга).*

3. Сўз ясовчи қўшимчани аниқлайман: *пахтакор* сўзи *пахта* сўзига -*кор* сўз ясовчи қўшимчасини қўшиш билан ясалган. (Белгилайман: *пахтакорга.)*

4. Сўз ўзгартувчи (форма ясовчи) қўшимчаларни аниқлайман: -га — сўз ўзгартувчи қўшимча, келишик қўшимчаси (белгилайман: *пахтакорга.)*

III синфда *ишладим* сўзини сўз таркибига кўра оғзаки таҳлил тартиби:

1. *Ишладим* — феъл.

2. Ўзакн аниқлайман. Ўзакдош сўзлар танлайман: *ишла, ишли, ишсиз, ишчан.* Солиштираман. Умумий қисм—иш. *Иш* — ўзак.

3. Сўз ясовчи қўшимчани аниқлайман: *ишла* феъли *иш* сўзига *-ла* қўшимчасини қўшиш билан ясалган. *-ла* — феъл ясовчи қўшимча.
4. Сўз ўзгартувчи (форма ясовчи) қўшимчани аниқлайман: *-ди* — ўтган замон қўшимчаси, *-м* — шахс-сон қўшимчаси, I шахс, бирлик: *ишладим.*

Сўз таркибига кўра таҳлилдан мустақил машқ сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. сўзни морфологик таҳлил қилиш унинг лексик маъносини тушунишда, морфемаларни тўғри ёзишда ўқувчиларга ёрдам берадиган муҳим воситадир.

Бошланғич синфларда грамматик ва морфемик таҳлил билан бирга, сўзни товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилишдан ҳам фойдаланилади. Бу таҳлилнинг вазифаси сўзда товушларнинг тартибини, уларнинг характерли хусусиятларини, товушлар ва ҳарфлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш ҳисобланади.

Бошланғич синфларда товуш-ҳарф томонидан таҳлил тартиби:
1. Сўзда нечта бўғин бор, нечанчи бўғин урғули?
2. Сўзда нечта товуш ва нечта ҳарф бор? (Товуш сони ҳарф сонидан кам ёки кўп бўлса, сабабини айтиш.)
3. Унли товуш нечта? Ундош товуш-чи?
4. Ҳар бир товушни характерлаш. Товуш сўзда қайси ҳарф билан ифодаланган?

*Елкан* сўзини таҳлил қилишга мисол:
1. Сўзда икки бўғин бор. Иккинчи бўғин — урғули: е*л-кан.*
*2.* Сўзда олтита товуш, олтита ҳарф бор.
3. Сўзда нкки у или товуш, тўрт ундош товуш бор.
4. й — ундош, жарангли
е — унли товуш, е ҳарфи билан ифодаланган
л — ундош товуш, жарангли, ёзувда *эл* ҳарфи билан ифодаланган.
к — ундош товуш, жарангсиз, *ка* ҳарфи билан ифодаланган. *а* — унли товуш, а ҳарфи билан ифодаланган.
н— ундош товуш, жарангли, *эн* ҳарфи билан ифодаланган.

Товуш-ҳарф томонидан тўлиқ бўлмаган таҳлилдан сўзнинг ёзилишини тушунтиришда ҳам, орфоэпик тўғри талаффуз-ни ўргатиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Масалан, *мактаб* сўзи охирида *б* ундоши *п* тарзида талаффуз қилинади, жуфти бор ундош, текширамиз: *матабим — мактаб, бэ* ҳарфи ёзилади.

***Савол ва топшириқлар***

1. Грамматик тушунча нима? Унинг ўзига хос хусусиятини айтинг.
2. Дастур асосида II ва III синфларда қандай тушунчаларни шакллантириш устида ишлашингизни изоҳланг.
3. Кичик ёшдаги ўқувчилар лингвистик тушунчаларни ўрганишда қандай қийинчиликларга дуч келадилар? Бунинг сабаби нима?
4. Ўқувчиларда лингвистик тушунчаларни шакллантириш жараёнини изоҳланг. Ҳар қайси босқичдаги ишнинг мазмуни ва мақсадини айтинг.
5 Ўқувчиларга янги грамматик тушунчани ўргатиш дарсининг фрагментини ишлаб беринг.
6. Грамматик тушунчани қулайроқ шакллантиришга қандай шартлар ёрдам беради?
7. Грамматик тушунчани ўргатиш жараёнида ўқитувчи қандай қилиб ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиради?
8. Грамматик материални ўрганишнинг ҳар хил босқичида дарслик билан ишлайсиз? Аниқ мисоллар келтиринг.
9. Грамматик, лексик ва сўз ясалишига оид машқларни айтинг.
10. Она тилини ўрганиш жараёнида билимда изчиллик қандай таъминланади.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА СЎЗНИНГ МОРФЕМИК ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

### Сўзнинг морфемик таркиби ва сўз ясалиши устида ишлашнинг аҳамияти ва вазифалари

Сўзнинг лексик маъносини аниқлаш мақсадида уни морфемаларга ажратиш тил ҳақидаги фанда ўзининг назарий асосига эга.

Морфема — сўзнинг энг кичик, бўлинмайдиган маъноли қисми.

Морфема икки турга бўлинади: 1. Ўзак морфема — сўзда албатта қатнашадиган ва лексик маъно англатадигаи морфема; 2. Аффиксал морфема мустақил ҳолда лексик маъно англатмай, сўзнинг лексик ва грамматик маъноларининг шаклланиши учун хизмаг қиладиган морфемадир. Масалан, *гулларни, гулла* сўзларидаги *гул* — ўзак морфема, *-лар, -ни, -ла* аффиксал морфемадир.

Аффикслар (қўшимчалар) икки турга бўлинади: 1. сўз ясовчи аффикслар. Бу аффикслар сўзнинг лексик маъно-сини шакллантириш учун хизмат қилади. Масалан, *боғбон, пахтакор, пахтазор, ишчи* сўзларидаги *-бон, -кор, -зор, -чи* сўз ясовчи аффикслардир. 2. Ф о р м а я с о в ч и а ф ф и к с л а р. Бу аффикслар сўзларнинг грамматик формаларини шакллантириб, турли грамматик маъноларни ифодалайди.

Масалан, *мактабларимизни* сўзида -*лар,* -*имиз,* -*ни* форма ясовчи аффикслар бўлиб, -*лар* кўплик маъносини, -*имиз* эгаликнинг I шахс кўплик маъносини, -*ни туш*ум келишиги маъносини ифодалайди
127
Морфемаларнинг қўшилиши бир-бирига таъсир қилади, бундан ташқари, кўпгина ўзак ва сўз ясовчи қўшимчалар кўп маъноли. Шунга қарама, кўп сўзларнинг лексик маъносини унинг морфемик таркибига қараб аниқлаш қийин, бу мақсадда сўзни морфемаларга ажратишдан фойдаланишга тўғри келади.

Ўқувчилар сўзнинг морфемик таркибини ва сўз ясалишини ўрганишларига қараб, сўзни морфемаларга ажратишдан онгли фойдалана бошлайдилар. Улар ясама сўзларнинг лексик маъносини сўзларнинг семантик ўхшашлгига қараб билиб оладилар.

Сўзларнинг морфемик таркиби устида ишлашнинг аҳамияти ва шунга мос равишда ўқитувчининг вазифаларига қуйидагилар киради:

Сўзнинг морфемик таркиби устида ишлаш билан ўқувчилар сўзнинг лексик маъносини аниқлашнинг асосий усулларидан бирини билиб оладилар. Бунда ўқитувчининг вазифаси болалар сўзларнинг лексик маъноси ва морфемик таркиби бир-бирига боғлиқлигини билиб олиши учун энг қулай шароит яратиш, шу асосда уларнинг луғатига аниқлик киритишга мақсадга мувофиқ раҳбарлик қилиш ҳисобланади.

Сўз ясалиши ҳақидагн элементар билим ҳам ўқувчиларнинг тилимизнинг янги сўзлар билан бойиши-нинг асосий манбаини тушунишлари учун муҳимдир. Янги сўз тилда мавжуд бўлган морфемалардан, маълум усул ва моделлар асосида пвжудга келади (ясалади). Сўз ясалиши-ни кузатиш ўқувчиларда сўзга фаол муносабатни шакллантиришга ижобий таъсир этади, тилнинг ри-вожланиш қонуниятларини тушунишга олиб келади.

Сўз ясалиши асослари билан танишиш ўқувчилар луғатини атроф-муҳит ҳақидаги билимлар билан бойитишга имкон беради. Предмет, жараён, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунчалар сўз билан ифодаланади. Сўзлар ўртасидаги маъно ва тузилиш жиҳатидан боғланишни белгилаш) ўзаро муносабатда бўлган тушунчалар ўртасидаги боғланишга таянади (масалан, *трактор в*а *тракторчи* сўзлари ўзаро муносабатда бўлган тушунчалар, шу туфайли маъно ва тузилишига кўра боғланган). Ўқувчилар сўзларнинг маъно ва тузилишига кўра ўзаро муносабатини ҳақиқатан билсалар, атроф-муҳитда мавжуд бўлган предметлар, жараёнлар, воқеалар ўртасидаги боғланишни чуқур тасаввур этадилар, биладилар.

Сўзда морфеманинг аҳамиятини англаш, шунингдек, аффиксларнинг семантик маъносини билиш ўқувчиларда нутқнинг аниқ шаклланишига таъсир этади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар сўзнинг лексик маъносини тушунибгина қолмай, контекстда аниқ аффиксли сўзлардан онгли фойдаланишларини ошириш ҳисобланади.

Сўзнинг морфемик таркибини ўрганиш орфографик малакаларни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Морфологик принстип ўзбек орфографиясининг етакчи принстипи бўлиб, бунга биноан сўзлар ва уларнинг таркибий қисми (ўзак ва аффикслар) аслига мувофиқ ёзилади.

Тил материалини ўрганиш *системаси* деганда аниқ, илмий асосланган изчилликдаги ва ўзаро боғланишдаги билимларни узлаштиришни таъминлайдиган максадга каратилган жараён, шунингдек, шу асосда амалий куникмаларни шакллантириш тушунилади.

Тсмаии ўрганишда тўрт босқич ажратиладн:

Б и р и н ч и б о с қ и ч — сўз ясалишини ўрганишга тайёргарлик босқич. Бу босқичнинг вазифаси — укувчиларни бир хил ўзакли сўзларнинг маъно ва тузилишига кўра богланишини тушунишга тайсрлаш. Бундай вазифанинг қўйилишига сабаб, биринчидан, сўзнинг маъно ва тузилиши жиҳатидан богланишини тушуниш, ўзиннпг лингвистик моҳиятига кўра, бир хил ўзакли сўзларни ва сўз ясалишини узлаштиришга асос ҳисобланади. Хакикатан ҳам, ясалган ва ясашга асос бўлган сўзлар бир-бири билан маъно ва тузилиши жиҳатидан богланадн: *трактор — тракторчи, пахта — пахтакор.* Иккинчидан, ўқувчилар бир хил ўзакли сўзларни ва морфсмаларни ўрганишда қийинчиликларга дуч келадилар: улар бир хил ўзакли сўзларнинг маъноларидаги умумийликни тушунишда қийналадилар, чунки уларда мавҳум тафаккур хали етарли ривожланмаган булади; ўзак, сўз ясовчи ва форма ясовчи қушимчаларнннг вазифаларини узлаштиришда уларга бир хил ўзакли сўзларпппг маъно ва тузилиши жиҳатидан ухшашлиги ва фаркини аниқлаш анчагина қийинлик қилади. Шунинг учун сўзнинг морфемик таркибини махсус ўрганишдан олдин унинг маъно ва таркибига кўра яқинлиги кузатилади.

I синфда кузатиш ўрганиладиган материалнинг мазмуни ва айрим сўзларнинг маъносини, ёзилишини тушунтириш билан узвий боғланади. I синфда к и м?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ўрганиш жараёни-да ўқитувчи ва ўқувчиларнинг - «Нима учун у ёки бу предмет шундай номланган?» саволига биргаликда жавоб топиши уларни бир хил ўзакли сўзлар ўртасидаги муносабатни тушунишга тайёрлашда анчагина мос ва қизиқарли усул ҳисобланади. Бу саволга жавоб топиш билан ўқувчилар «Нега сўзлар ўзакдош ҳисобланади?», «Бир сўздан бошқа сўз қандай, ҳосил бўлди?» саволларига жавоб беришга тайёрланадилар.

Тилда жуда кўп сўзлар шахс ва нарсанинг номи ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчилар билан нега шахс ёки нарса шундай номланганини аниқлашдан аста-секин тилда-ги бир сўз билан иккинчи сўз ўртасидаги боғланишни аниқлашга ўтиш мумкин. Масалан, нега кишилар пахта кўп экилган жойни пахтазор *(пахта—пахтазор),* дарахт кўп экилган жойни дарахтзор *(дарахт — дарахтзор)* деб ном-лашган? Нега кишилар бир уйни ғиштли *(ғишт — ғиштли),* бошқасини синчли дейишади? Ўқувчилар предмет ёки предмет белгисининг номланиш сабабини аниқлашдан сўзларнинг маъноси ва таркибидаги

умумийликни топишга ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни бир хил ўзак-ли сўзларнинг ясалиши моҳиятини тушунишга тайёрлай-ди; улар бир сўз бошқа сўздан ўзаро маъно жиҳатдан боғ-ланиши асосида ясалишини, ўз навбатида, шу сўз билан номланган тушунчалар ўртасидаги боғланишга асосланишини тушуна бошлайдилар. Ўқувчилар сўзнинг янги сўз ҳосил қилишга ёрдам берадиган қисмини билиб олган сари уларда сўз ясалиши ҳақидаги тасаввур чуқурлаша боради.

И к к и н ч и б о с қ и ч — бир хил ўзакли сўзларнинг хусусиятлари ва барча морфемаларнинг моҳияти билан таништириш. Бу босқичнинг асосий ўқув вазифаси- сўзларнинг маъноли қисмлари сифатида ўзак, сўз ясовчи ва форма ясовчи қўшимчалар билан таништириш; «ўзакдош сўзлар» тушунчасини шакллантириш; бир хил ўзакли сўзларда ўзакнинг бир хил ёзилишини кузатиш ҳисоб-ланади.

«Ўзакдош сўзлар» тушунчасини шакллантириш улар-нинг икки муҳим белгисини, яъни мазмуний умумийликни (маъносида қандайдир умумийлик борлигини) ва тузилиши-га кўра умумийликни (умумий ўзак мавжудлигини) ўзлаш-тириш билан боғланадн. Шунинг учун бу белгиларни ўқувчилар ўзлаштиришига таълим жараёнида шароит яратиш лозим. Бу ўқувчиларда бир хил ўзакли сўзларнинг лексик маънолари билан морфемик таркиби ўртасидаги боғланишни аниқлаш кўникмасини ривожлантиради. Маса-лан, ўқувчилар *гул, гулзор, гулли* (чит), *гуллади* сўзларини таққослайдилар, бу тўрт сўз маъносига кўра ўхшашлигини ва бир хил умумий қисмга эга эканини, шунинг учун буларни битта ўзакдош сўзлар гуруҳига киритиш мумкинлигинн аниқлайдилар.

Бир хил ўзакли сўзларнинг маъноларидаги умумийлик ўзакнинг умумийлиги туфайли вужудга келади, уларни бир гуруҳга бирлаштиради; қўшимчалар эса сўзнинг маъносига ўзига хос маъно қўшади; уларни бир-биридан фарқлайди. Бир хил ўзакли сўзлар устида бундай ишлаш усули ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, улар диққатини сўзнинг умумийликка асосланган аниқ белгиларига жалб қилиш имконини беради. Масалан, ўқитувчи комбайн расмини кўрсатади ва «Комбайнни бош-қарадиган киши нима деб номланади?» саволини беради. Жавоб доскага ёзилади: *комбайн — комбайнчи.* Тушунчаларни таққослаб қуйидаги аниқ тил материалини яратиш имконини беради, уни таҳлил қилиш жараёнида бир хил ўзакли сўзларнинг хусусиятлари ҳақида хулоса чикарилади. Аввал сўзларни маъно ва таркибига кўра таққослаш асосида «ўзакдош сўзлар» атамаси берилади, кейин ўзакдош сўзларнинг умумий қисми ўзак дейилиши, ўзакдош сўзларни, бошқача қилиб, бир хил ўзакли сўзлар деб номланиши ҳам тушунтирилади.

Ўқувчиларда бир хил ўзакли сўзларни икки муҳим белгисига кўра аниқлаш кўникмасини ўстириш учун ўзакдош сўзлар яқин маъноли — синоним сўзлар билан, шакли ўхшаш бўлган омоним сўзлар билан таққосланади. Масалан, ўқувчилар *бахтли — бахтсиз* ўзакдош сўзлар билан *бахтли — саодатли* синоним сўзларни таққослаб, ўзакдош сўзлар ҳам, синоним сўзлар ҳам яқин маъно билдиришини (ўхшаш томонини), ўзакдош сўзларда умумий *(бахт)* мавжуд бўлиб, синоним сўзларда бундай умумий қисм йўқлигини (фарқли томонини) аниқлайдилар, улар боғ — боғбон ўзакдош сўзлар билан боғ — *боғич* сўзларини таққослаб, қуйидаги хулосага келадилар: боғ — *боғбон* ўзакдош сўзлар ҳисобланади, чунки булар яқин маъноли ва умумий қисми бор; *боғ — боғич* сўзлари ўзакларининг шакли томонидангина ўхшайди, аммо бутун-лай бошқа маънони билдиради. Бундай машқлар ўқувчиларни ўзакдош сўзларни яқин маъноли синоним сўзлардан, шакли ўхшаш бўлган омоним сўзлардан фарк-лашга ўргатади.

Бир хил ўзакли сўзлар турли сўз туркумига оид бўлади. Шунинг учун бир хил ўзакли сўзларни ўрганишнинг бу босқичида ўқувчилар диққати ўзакдош сўзлар шахс, нарса, унинг ҳаракати ва белгисини билдиришига қаратилади. Шу мақсадда турли сўз туркумига оид бир хил ўзакли сўзлар мавжуд бўлган матнни таҳлил қилиб, ўзакдош сўзларни аниқлаш, шунингдек, к и м?, н и м а?, қ а н д а й?, н и м а қ и л а ди? сўроқларига жавоб бўладиган бир хил ўзакли сўзлар танлаш машқларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бунда сўзларни маъноси ва таркибига кўра таққослаб, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш шарт. Ўқувчилар у ёки бу сўз нима учун ўзакдош эканини исботлаганларида, уларнинг икки муҳим белгисини айтсинлар. Масалан, *гул, гуллади, гулли, гулдор, гулзор* ўзакдош сўзлар ҳисобланади, чунки буларда умумий
қисм — *гул* мавжуд, бу сўзлар яқин маънони билдиряпти.

Бир хил ўзакли сўзларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзакнинг ҳар вақт бир хил ёзилишини кузатадилар. Бундай кузатиш ўзакда жуфти бор жарангли ва жарангснз ундошлар бўлган сўзларни англаб тўғри ёзишга асос бўлади.

Бир хил ўзакли сўзлар билан танишиш жараёнида ўқувчиларда сўзнинг маъноли қисми бўлган морфемалар (ўзак, сўз ясовчи, форма ясовчилар) ҳақида бошланғич тасаввур ҳосил бўлади. Бунинг учун сўз ясашга оид вазифа топшириш мақсадга мувофиқ. Бу вазифани бажаришда ўқувчилар морфемалардан фойдаланиб бир хил ўзакли сўзлар гуруҳини ҳосил қиладилар ва морфемаларнинг роли ҳақида тасаввур ҳосил қииладилар. Масалан, ўқитувчи *пахта* сўзини ёзиш ва унга пахта кўп экилган жойни билдирадиган ўзакдош сўз танлашни топширади. Ўқувчилар *пахта, пахтазор* сўзларини ёзадилар. *Пахтазор* сўзини ҳосил қилиш учун *-зор* қисми қўшилгани аниқланади. Ўқитувчи «Пахта етиштириш билан шуғулланадиган кишини нима деб номлаймиз?» саволини беради. Ўқувчилар *пахтакор* сўзини айтадилар; бу сўз *пахта* сўзиига *-кор* қисмини қўшиш билан ҳосил қилингани (ясалгани) аниқланади. Сўзлардаги *-зор, -кор* қисмларининг аҳамиятини таққослаш асосида бошланғич билимлар умумлаштирилади, *сўз ясовчи қўшимча* атамаси берилади.

Форма ясовчи қўшимча билан элементар таништириш учун *булбул* ва *булбуллар* сўзларини маъно ва шакли томонидан таққослаш топширилади. Суҳбат асосида ўқувчилар маънонинг ўзгармаганини, шакли ўзгарганини
(*-лар* қўшилганини) аниқлайдилар.

Таълимнинг бу босқичида ўқувчиларнинг морфема ҳақидаги билимлари етарли эмас, уларни бу тушунчалар билан амалий машқларни бажариш жараёнида эндигина таништириляпти. Шунинг учун ўқитувчи таркиби ва ясалиш усули ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос бўлган сўзларни танлайди, бу сўзларни таҳлил ва таркиб қилишни бошқаради, сўзларнинг лексик маъноси билан
морфемик таркиби ўртасидаги боғланишни ўқувчилар билиб олишларига доимий ғамхўрлик қилади.

Учинчи босқич — ўзак, сўз ясовчи ва форма ясовчи қўшимчаларнинг хусусиятлари ва тилдаги аҳамиятини ўрганиш методикаси. Бу босичнинг ўқув вазифасига «ўзак», «сўз ясовчи қўшимча», «форма ясовчи қўшимча»[1] тушунчаларини шакллантириш, сўзнинг лексик маъноси билан морфемик таркиби ўртасидаги боғланиш ҳақидаги тасаввурларни ўстириш, ўзакда жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундошли сўзларни тўғри ёзиш малакасини шакллантириш, нутқда сўз ясовчи қўшимчаси бор сўзларни онгли ишлатиш кўникмасини ўстириш киради.

Бу босқичнинг вазифаси бир-бири билан маълум боғ-ланишда ҳал қилинади. Масалан, сўзда ҳар бир морфеманинг аҳамиятини ўзлаштириш асосида ўқувчилар
Сўзнинг лексик маъноси билан унинг морфемик таркиби ўртасидаги боғланишни билиб оладилар. Барча вазифалар билан жипс боғлиқ ҳолда, сўзларнинг морфемик таркибини ҳисобга олиб, улардан нутқда мумкин қадар аниқ ва онгли фойдаланиш вазифаси ҳам бажарилади.

*Ўзакни ўрганишнинг хусусиятлари.* «Ўзак» тушун-часини шакллантиришда ўқувчилар ўзак ўзакдош сўзларнинг умумий қисми экани ва у барча бир хил ўзакли сўзларнинг маъносидаги умумийликни ўз ичига олиши билан таништирилади.

Ўзакдош сўзларни таҳлил қилиш билан ўқувчилар сўзнинг қайси қисми шу сўзлардан ўзакдош сўзлар ҳосил қилаётганини тушунтиришга (бунда улар ўзакни ажратадилар), қайси қисми ҳар хил маъноли сўзлар ҳосил қилаётганини тушунтиришга (бунда улар сўз ясовчи қўшимчаларни ажратадилар) ўргатилади. Бундай иазифаларни тўрри бажариш натижасида болалар ўзак на сўз ясовчи қўшимчанинг сўзнинг лексик маъносини ҳосил қилаётганини ролини элементар тарзда бўлса ҳам - тушунадилар, шунингдек, ўзак ўзакдош сўзларга асос бўладиган қисм эканини билиб оладилар.

Ўзак устида ишлаш бу билан тугамайди, балки бошқа морфемаларни махсус ўрганишга ажратилган дарслар мазмуни билан ва кейинроқ сўз туркумлари ўрганилганда, сўз ясашга доир машқлар билан ҳам узвий боғланади.

Сўз ясовчи қўшимчалар устида ишлаш. Бу морфемани ўрганишнинг асосий вазифаси ўқувчиларни сўзда сўз ясовчи қўшимчанинг аҳамияти билан таништириш ва шу асосда сўз ясовчи қўшимчали сўздан ўз нутқида онгли фойдаланиш кўникмасини ўстириш ҳисобланади. Ўқувчилар сўз ясовчи қўшимча ёрдамида янги лексик маъноли сўз ясаш мумкинлигини тушуниши муҳим аҳамиятга эга.

Сўз ясовчи қўшимчалар устида ишлаш баъзи сўз ясов-чи қўшимчанинг маъносини ва ясама сўзннпг грамматик белгиларини аниқлаш билан бирга олиб борилади. Сўз ясовчи қўшимчанинг маъносини тушунтириш унинг сўз
ясашдаги аҳамиятини ўқувчилар англашига имкон бера-ди, уларнинг диққат-эътибори сўз ясовчи қўшимча ёрда-мида янги лексик маъноли сўз ясалишига қаратилади: (масалан: *иш — ишчи, ишли, ишчан шила).* Ясалган сўз
қайси сўз туркумига киришини аниқлаш сўз ясовчи қў-шимча ёрдамида ҳар хил сўз туркумига оид сўзлар ясаш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни чуқурлаштиради.

Сўз ясовчи қўшимчани онгли ўзлаштириш учун қуйидаги машқлар гуруҳидан фойдаланиш яхши натижа беради:

Биринчи гурух машқларга ҳар хил сўз ясовчи қўшимча қўшиш билап ҳосил бўлган бир хил ўзакли сўзларнинг маъ-но жиҳатдан фарқини қиёслашга оид вазифалар киради. Масалан, *гул* сўзидаи *-чи, -зор* сўз ясовчи қўшимчалари билан янги сўз ясанг. Ҳосил бўлган сўзларни маъноси ва таркибига кўра қиёсланг. Уларда нима ўхшаш? Сўзнинг қайси қисми уларни маъносига кўра фарқлаяпти? Янги сўзларни қатнаштириб гап тузинг.

Бу группа машқлар ўқувчиларда ўзакнинг маъносидан сўз ясовчи қўшимчаларнинг маъносини мавҳумлаштириш кўникмасини ўстиришга қаратилади.

Иккинчи группа машқларга бир сўз ясовчи қўшимча-ни ҳар хил сўзларга қўшишдан ҳосил бўлган сўзларда сўз ясовчи қўшимчанинг маъносини қиёслашга оид вазифалар киради. Бундай машқларнинг мақсади сўз ясовчи қўшимчанинг маъноси ҳақидаги билимни элементар тарз-да умумлаштириш ҳисобланади. Масалан, *ишчи,сувчи, гулчи* сўзларини таққослаш, маъносига кўра ўхшаш томонини белгилаш. (Бирор ишни, вазифани бажарадиган кишини — шахсни билдиради.) Сўзнинг қайси қисми бажарувчи шахс маъносини билдиряпти? ( сўз ясовчи қўшимча *-чи.)*

Учинчи гуруҳга машқларга матнни лексик-грамматик ва лексик-стилистик таҳлил қилишга оид вазифалар киради. (Матндан ўзакдош сўзларни топиш; уларнинг маъносидаги фарқни айтиш; бу фарқ сўзнинг қайси қисми ёрдамида берилаётганини аниқлаш. Берилган сўзлардан намуна-дагидек гап тўзинг.

Масалан, *Овчи қуён овлади. Тракторчи ерни трактор билан ҳайдайди.* Ўзакдош сўзларни аниқлаш ва таркибига кўра таҳлил қилиш ва ҳ.к.)

Форма ясбвчи қўшимчаларни ўрганиш хусусият- лари. Ҳар бир морфеманинг лингвистик моҳиятида ўзига хослик бўлиб, уни ўрганиш методикаси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Форма ясовчи қўшимчада грамматик вазифа етакчи ҳисобланади, бу билан у сўз ясовчи қўшимчадан фарқланади.

Форма ясовчи қўшимча сўзнинг грамматик маъносини ифодаловчи восита ҳисобланади. Ўқувчилар сўзнинг грам-матик маъносини билмай туриб форма, ясовчи қўшим-чанинг вазифасини ҳам англаб етмайдилар. Бундан ташқари, форма ясовчи қўшимча бир неча маъно ифода-лайди. (Масалан, китобни ўқидим сўз бирикмасидаги *-м* I шахс бирлик маъносини билдиради).

Форма ясовчи қўшимчани ўргатишда унинг мана шу хусусиятлари ҳисобга олинади, бошланғич синф ўқув-чилари унинг икки белгиси билан сўз шаклини ўзгар-тириши ва гапда сўзларни бир-бирига боғлаши билан) амалий таништирилади. Ўқувчилар отларда бирлик ва кўплик, бўлишли ва бўлишсиз феъллар (П синф), отлариипг эгалик ва келишик қўшимчалари билан ўзгариши, кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиши, феълларда шахс-сон, замонни (IV синф) ўрганишлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг форма ясовчи қўшимча ҳақидаги билимлари аста-секин чуқурлаштирила борилади.

Ўқувчиларда гапда сўзлар форма ясовчи қўшимча ёрдамида боғланиши ҳақидаги дастлабки тасаввур машқларни бажариш жараёнида ҳосил қилинади. Масалан, гапнинг мазмунига мос равишда ажратиб берилган сўзнинг шаклини сўроқлардан фойдаланиб ўзгартириш ва у сўз гап-даги қайси сўз билан боғланганини аниклаш сўралади: *Ўқувчи* (нимани?) *китоб... севади. У* (нимадан?) *китоб.., яхши фойдаланади?* Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида «Сўзнинг шаклини нима учун ўзгартиришга тўғри келди? Сўз шаклини ўзгартириш билан нимага эришилди?» саволларига жавоб берадилар.

Ўқувчилар форма ясовчи қўшимчаларнинг синтактик вазифасини гапда сўзларнинг боғланиши ва сўз бирикмасини ўзлаштириш жараёнида ўзлаштирадилар. Ўқувчиларнинг сўзларнинг боғланиши ҳақидаги билими элементар характерда бўлса ҳам, уларнинг сўз бирикмаси-даги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан форма ясовчи қўшимчалар ёрдамида боғланишини тушунишига эришилади. Ўқувчилар III синфда от ва кишилик олмошларининг келишик қўшимчалари билан турланишини ўрганганларидан сўнг гапда маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган сўзларни ажрата олиш ва нималар ёрдамида боғланганини тушунтириш кўникмаларига эга бўлишлари мумкин, сўнгра форма ясовчи қўшимчаларнинг синтактик ролини ўзлаштира бошлайдилар. _ Ўқувчилар ҳар бир морфеманинг функциясини бошқа морфемалар билан қиёслаб кўрсатиш талаб қилинган вазифани бажариш жараёнида форма ясовчи қўшимчанинг ўзига хос хусусиятини яхши ўзлаштирадилар. Масалан, ўзакдош сўзлар танлаш вазифасини бажариш давомида сўз ясаш учун қандай морфемалардан фойдаланилгани, сўз ясовчи қўшимча туфайли сўзнинг маъноси қандай ўзгаргани аниқланади. Шундан сўнг ўқувчиларга «Отни шундай ўзгартирингки, у бирликни эмас, кўпликни билдирсин» топшириғи берилади. Болалар бу вазифани бажариб, отга форма ясовчи кўплик қўшимчаси қўшилганда, сўзнинг лексик маъноси ўзгармаганини, фақат шакли ўзгарганини, кўплик билдирганини айтадилар. Сўз ясовчи қўшимча билан форма ясовчи қўшимчаларни таққослаш орқали ўқувчилар форма ясовчи қўшимчанинг сўз шаклини ўзгартиришдаги ролини яққол кўрадилар.

Тўртинчи босқич — сўз туркумларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда сўзнинг таркиби устида ишлаш (III-IVсинф). Сўзнинг морфемик таркибини ўрганиш системасида бу босқичнинг мақсади сўз ясовчи қўшимчанинг сўз ясашдаги аҳамияти ва форма ясовчи қўшимчанинг сўз шаклини ўзгартиришдаги аҳамияти ҳақидаги билимни чуқурлаштириш; ўқувчиларни от, сифат, феълларнинг ясалиш хусусиятларини
тушунишга тайёрлаш ҳисобланади.

Сўз туркумларини ўрганиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга сўз ясалиши асосларини, сўз ясовчи қўшимча ёрдамида бир сўз туркумидан бошқасини ёки шу сўз туркумининг ўзини ясаш мумкинлигини тушунтиради. Масалан, от кўпроқ бошқа бир отдан *(ишчи, балиқчи; синфдош, сирдош; боғбон, ошпаз, китобхон, заргар),* шунингдек, феълдан *(элак, кўрак, ютуқ, ўроқ, ётоқ, терим, билим); сифат* кўпроқ отдан *(сувли, сувсиз, сутли, сутсиз; ёзги,қишки, ишчан, ишли, ишсиз),* шунингдек, феълдан *(мақтанчоқ,турғун, билағон, чопар, ўткир, сезгир);* феъллар отдан *(ишла, гулла, гапир),* сифатдан *(оқла, яхшила, оқар, эскир, қорай)* ясалади.

Ўқувчиларни сўз ясалиши хусусиятларини тушу-нишга тайёрлаш учун ўқитувчи уларга муайян бир янги сўз қайси сўздан ва қайси морфема ёрдамида ясалганини аниқлашга қаратилган топшириқ беради. Масалан, ўқитувчи *чегара* отини айтади ва чегарани қўриқлайдиган кишини билдирадиган ўзакдош от танлашни топширади *(чегарачи).* Вазифани бошқачароқ бериш ҳам мумкин: ўқитувчи сўзни ва сўз ясовчи морфемани беради. Ўқитув-чининг вазифаси янги сўзни тўғри ясаш ва лексик маъносини тушунтириш ҳисобланади. Масалан, *балиқ* сўзидан *-чи* қўшимчаси ёрдамида янги сўз ясаш *(балиқчи),* унинг лексик маъносини тушунтириш, қайси сўз туркуми эканини айтиш топширилади. Иккала топшириқда ҳам ўқувчилар сўзни морфемик таҳлил қиладилар. Бунда ўқитувчи ўқувчилар эътиборини ҳосил бўлган сўз қайси морфема ёрдамида, қайси сўз туркумидан ясалганини, қандай маъно англатиши ва қайси сўз туркуми эканига қаратади. Бундай машқларда тилда мавжуд бўлган сўзларнинг

лексик маъноси билан морфемик таркибининг ўзаро боғлиқигига ва бирор сўз туркумига характерли бўлган сўз ясалиши усулига асосланилади.

Бундай машқ турларидан айримлари:

1. Ўзакдош сўзлари бўлган матнни лексик — сўз ясалиши томонидан таҳлил қилиш. Масалан, қуйидаги каби матн диктовка билан ёздирилади:

*Ҳовлимизда гулзор бор. Гулзорга ҳар хил гул экилган. Уларни гулчи* акам *парвариш қилади. Гуллар чамандек, очилади.*

Ўқитувчи раҳбарлигида бир ўзакдош сўздан бошқаси қандай, морфема ёрдамнда ясалгани, у қайси сўз туркумига кириши, қандай маъно билдириши аниқланади.

2. Лексик маъноси кенг тушунтирилган сўзни ўзакдош сўз билан алмаштириш.

Т о п ш и р и қ. Ажратиб кўрсатилган сўзга ўзакдош бўлган бир сўз топинг. Унинг қайси сўз туркумига киришини айтинг ва уни сўз таркибига кўра таҳлил қилинг.

**Олма** дарахти кўп жой. *(Олмазор.)* **Пахта** етиштириш билан шуғулланадиган киши. *(Пахтакор.)* **Боғ** яратадиган ва уни парвариш қиладиган киши. *(Боғбон.)* Трактор билан иш бажарадиган киши. *(Тракторчи.)* Гул солиб қуйиладиган идиш. *(Гулдон.)*

Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида шу сўз қайси сўздан ва қандай қўшимча ёрдамида ясалганини аниқлайдилар.

3. Ҳар хил сўз туркумига кирадиган ўзакдош сўзлардан қатнаштириб гап тузиш.

4. Сўз ясашга доир вазифалар.

Оқ *иш* сўзларидан *-ла, -ча* қўшимчалари ёрдамида янги сўзлар ясанг. Берилган ва сиз ясаган сўзлар қайси сўз туркумига киришини исботланг.

*Иш, пахта, колхоз, сув* отларидан ўзакдош отлар ясанг. Сўзларни таркибига кўра таҳлил қилинг. Янги от ҳосил қилиш учун сиз сўзнинг қайси қисмидан фойдаландингиз?

*Чиз, ўр* феълларидан ўзакдош отлар ясанг. Отларни сўз таркибига кўра таҳлил қилинг. Феълдан от ясаш учун қандай қўшимчалардан фойдаландингиз?

Бу вазифалар ўқувчилардан сўз ясалиши хусусиятларига, сўзларнинг морфемик таркибига эътибор беришни талаб этади ва сўзнинг морфемик таркиби шу сўзнинг муайян бир сўз туркумига оид экани билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилади. Бошланғич синфларда у ёки бу сўз туркумининг ясалишини кузатиш пропедевтик характерда бўлади, унинг натижаси машқнинг мавзуни ўзлаштириш мақсадига қаратилиши, дарсда фаол ва индивидуал ишларни тўғри уюштириш, фойдаланилган лексик материалнинг ўқувчилар савиясига мослигига, кўргазмалиликка боғлиқ.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг бирор морфемали қай даражада ўзлаштирганини уларнинг морфемик таркиби болалар савиясига мос сўзлардаги морфемаларни ажратиш кўникмасига; ўзак ва форма ясовчи қўшимчадан ё ўзак ва сўз ясовчидан, ёки ўзак, сўз ясовчи ва форма ясовчидан тузилган сўзларни мустақил танлай билишига; сўздаги морфемаларнинг ролини сўз билан тушунтириш кўникмасига; гапда сўз ясовчи қўшимчали сўзларни тўғри ишлатиш кўникмасига қараб аниқлайди.

Қуйидаги каби савол ва топшириқларни бажариш асосида ўқувчилар сўзнинг морфемик таркибини қандай ўзлаштирганини аниқлаш мумкин:

I. Саволларга жавоб бериш: 1. Сўзда қайси қисм энг асосий ҳисобланади? Нима учун? 2. Сўз ясовчи қўшимча қандай вазифани бажаради? Мисол билан исботланг. 3. Сўзда форма ясовчи қўшимча нима учун хизмат қилади? Исботланг.

II. Икки сўзнинг маъноси ва таркибини та кқослаш. Бунинг учун ўқувчилар ўзак ва сўз ясовчи қўшимчаларнинг семантик аҳамиятини қанчалик тушунганини аниқлашга имкон берадиган сўзлар танланади *(ишлади* ва *бошлади, пахтакор* ва *пахтазор).*

III. Сўзларни таққослаб, ўзакдош ёки ўзакдош эмаслигини исботлаш *(туз, туздон, тузли, тузсиз, тузлади).* Қайси қисм уларни ўзакдош қиляпти? Қайси қисм ҳар хил маъноли сўз ҳосил қиляпти? саволларига жавоб бериш.

IV. *Боғбон, ўроқ, боғни, ишчидан* сўзларини таркибига кўра тҳлил қилиш: 1) ўзак ва сўз ясовчи қўшимчадан, 2) ўзак ва форма ясовчи қўшимчадан, 3) ўзак ва сўз ясовчи, форма ясовчи қўшимчалардан тузилган сўзлар танлаш.

V. Таянч сўзлар асосида ўқитувчи тавсия этган мавзуга оид кичик ҳикоя тузиш.

***Савол ва топшиқрилар***

1. Мактабда сўзнинг морфемик таркиби ва сўз ясалишини ўрганишга нима учун катта аҳамият бериляпти?
2. I-V синфларда сўзнинг морфемик таркибини ўрганиш тизими моҳиятини очинг.
3. Сиз ўқувчиларни бир хил ўзакли сўзларнинг муҳим белгилари билан қандай таништирасиз? Бу тушунчани шакллантиришга қандай шартлар ёрдам беради?
4. Сўз ясовчи қўшимчанинг тилимиздаги аҳамиятини ўзлаштиришда ўқувчиларга қандай ёрдам берилади?

## Сўз туркумларини ўрганиш методикаси

Сўз туркумлари устида ишлаш методикасининг лингвистик асоси сўзларнинг лексик-грамматик, морфологик ва синтактик белгиларига кўра турли группаларга ажратилиши — сўз туркумлари ҳақидаги илм ҳисобланади.

Сўзларни лексик-грамматик туркумларга ажратишда уч белгига: 1) лексик маъноси (нимани ифодалаши, яъни шахс, нарса ҳаракат ёки ҳолат, белги кабиларнинг умумлаштирилган маънолари), 2) морфологик ( сўзнинг турли формалар системаси) ва 3) синтактик (турли морфологик формаларнинг сннтактик функция бажариши) белгиларига асосланилади. Демак, сўз туркумлари устида ишлаш ўқувчиларнинг муайян гуруҳдаги сўзларнинг умумлаштирилган маъноларини, кишиларнинг алоқа воситаси сифатидаги ролини тушуниб олишларига қаратилиши зарур.

Бошланғич синф ўқувчилари сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош, феъл) билан умумий таништирилгандан сўнг ҳар бир лексик-грамматик группа алоҳида ўрганилади. Бу сўз туркумларини ўрганишнинг бошланғич босқичидаёк уларни таққослашга қулай шароит яратади ва бу билан шакллантириладиган грамматик тушунчанинг асосий томонларини аниқроқ ажратишга имкон беради. Бошланғич синф ўқувчилари от, сифат, сон, феълнинг қуйидаги хусусиятларини билиб оладилар: 1) сўз нимани билдириши (шахс, нарса белгиси, шахс, нарса саноғи ва тартиби, шахс, нарса ҳаракати ёки ҳолати), 2) қандай сўроқларга жавоб бўлиши, 3) ўзгариш- ўзгармаслиги, қандай доимий категориялари мавжудлиги, 4) гапда, асосан, қандай бўлак вазифасида келиши. Ўқувчилар мана шу ўрганган белгилари асосида сўз туркумларини таққослайдилар.

Ўқувчилар нимани ўрганганларига қараб, ҳар бир сўз туркумининг грамматик белгилари ҳақидаги билимлари аста кенгая, чуқурлаша боради. Дастурга кўра, 1 синфда сўзлар жавоб бўладиган морфологик сўроқларига қараб гуруҳланади. III синфда “сўз тўркуми” тушунчаси шакллантирилади. Ўқувчилар ҳар бир сўз туркумига хос айрим белгилар ( сўз туркумларининг умумлаштирилган лексик маънолари, отларнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши, бўлишли ва бўлишсиз феъллар, от, сифат, сон ва феълнинг гапдаги вазифаси) билан таништирилади. IV синфда сўз туркумларининг морфологик-синтактик хусусиятлари ҳақидаги билим чуқурлаштирилади: ўқувчилар отларнинг эгалик ва келишиклар билан ўзгаришини, сифат ва соннинг гапдаги вазифасини, кишилик олмошлари ва уларнинг келишиклар билан турланишини, феълларда шахс-сон ва замонни ўрганадилар. Қуйидаги жадвалда бошланғич синф ўқувчиларининг сўз туркумлари юзасидан билимлари ҳажми кўрсатилган (139-бетга қар.):

Ўқувчиларда сўз туркумларини билиш кўникмаси уларнинг белгилари йиғиндисини эгаллашлари асосида шакллантирилади. Масалан, *гул, гулдор; гуллади* сўзларининг қайси сўз туркумига киришини билиш учун II синф ўқувчиси қуйидагича фикр юритади: н и м а?—*гул,* бу сўз нарсани билдиряпти, кўпликда қўллана ди - *гуллар,* бу от; *гулдор* сўзи қ а н д а й? сўроғига жавоб бўляпти, нарсанинг белгисини билдиряпти, бу — сифат; *гуллади* сўзи ни м а қ и л д и? сўроғига жавоб бўляпти, нарсанинг ҳолатини билдиряпти, бўлишсиз шаклда қўлланади — *гулламади,* бу — феъл.

| ***СУЗ ТУРКУМЛАРИ*** | | | |
|---|---|---|---|
| От | Сифат | Сон | Феъл |
| 1. Шахс, нарсани билдиради. | 1. Шахс, нар-санинг белги-сини билдиради. | 1. Шахс, нар-санинг саноғи ва тартибини билди-ради. | 1. Шахс, нарсани ҳаракатини билди-ради. |
| 2. КИМ? ЁКИ НИМА? СЎРОҒИГА ЖАВОБ БЎЛАДИ. | 2. Қандай ёки қанақа сўроғига жавоб бўлади. | 2. Неча ёки нечанчи сўроғига жавоб бўлади. | 2. Нима қилди? Нима қилади? Нима қиляпти? Нима қилмокчи каби сўроқларига жавоб бўлади. |
| | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. Бирлик ва кўпликда қўлланади. | 3. Ўзгармайди | 3. Асосан ўз-гармайди. | Бўлишли ва бўлишсиз шаклда қўлланади. |
| 4. Эгалик қўшимчалари би-лан ўзгаради. | 4. Гапда ик-кинчи даражали бўлак вазифасида келади. | 4. Гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади. | 4. Шахс-сон қўшимчалари билан тусланади. |
| 5. Келишиклар билан турланади. | | | 5. Уч замонни билдиради. |
| 6. Гапда эга ёки иккинчи даражали бўлак ва-зифасида келади | | | 6. Гапда кесим вазифасида келади. |

Бошланғич синфлар дастури ўқувчиларни сўз туркумлари мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига бўлиниши билан махсус таништиришни кўзда тутмайди, аммо ўқитувчи болаларни сўз туркумларининг белгилари билан амалий таништиради. Масалан, мустақил сўз туркумлари: сифат, сон, олмош, феълнинг лексик маънолари, морфологик хусусиятлари гап бўлаги вазифасида келишини биладилар.

Сўз туркумларини ўрганишдаги асосий вазифа ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, луғатини янги от, сифат, сон, феъллар билан бойитиш, ўқувчилар шу вақтгача фойдаланиб келаётган сўзларнинг маъносини аниқ тушунишига эришиш, боғланишли нутқда у ёки бу сўздан ўринли фойдаланиш малакасини ўстириш ҳисобланади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун сўз туркумларини ўрганиш жараёнида синоним, антонимлар (терминлар берилмайди) устида мунтазам иш олиб борилади, ўқувчилар кўп маъноли сўзлар, уларнинг ўз ва кўчма маънода ишлатилиши билан таништирилади. Бунда таълимни ўқувчиларнипг шахсий тажрибалари, бевосита кўрганлари, радиодан эшитганлари, китобдан билиб олганлари билан боғлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда кузатиш, муҳим нарсаларни сезиш кўникмаларин шакллантириш, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бойитиш билан бир вақтда уларнинг нутқини ўстириш вазифаси ҳам амалга оширилади.

## ОТНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

«От» мавзусини урганиш тизими максадга йуналтирилган жараён булиб, бунда шу суз туркумининг умумлаштирилган маъноси ва грамматик белгилари аник, изчилликда, бир-бири билаи илмий асосланган богликликда урганилади, шунингдек, отдан нуткда тугри фойдаланиш ва тугри ёзиш малакасини шакдлантириш максадида бажариладиган машклар аста мураккаблаштира бориади.

Тил ходисаси сифатида отнинг хусусиятлари, уни урганиш вазифалари, укувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган олда, хар бир синф учун материал хажми, уларни урганиш изчиллиги белгнланган.

Бошлангич синфларда отни урганиш вазифалари: 1) «от» хакидаги грамматик тушунчани шакллантириш; 2) ким? сурогига жавоб булган (шахс билдирган) отлардан нима? сурогига жавоб булган (нарса, хайвон, жонивор ва бошаларни билдирган отларни фарлаш куникмасини х осил килиш; 3) кишиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, хайвонларга куйилган номлар ва географик номларни бош харф билан ёзиш куникмасини шаклантириш; 4) отларда сон (отнинг бирлик ва купликда кулланиши) билан таништириш; 5) отларни эгалик кушимчалари биликан
тугри куллаш куникмасини шакллантириш; 6) отларнинг келишиклар билан турланиши ва келишик кушимчаларнинг ёзилиши хакида малака хосил килиш; 7) укувчилар лугатини янги отлар билан бойитиш ва улардан нуткда аник уринли фойдаланиш малакасини устириш; 8) сузларни талил клиш, таккослаш, умумлаштиришни билиш хисобланади.

*I* Бу вазифаларнинг хар бири алохида эмас, балки бир-бири билан узаро боглик холда хал этилади. Шу билан бирга, «От» мавзусини урганишнинг муайян боскичида бажариш лозим булган бир вазифани хал килишга купрок ахамият берилади Масалан, I—II синфларда суз туркуми сифатида отнинг белгилари (нимани билдириши, суроклари 3-синфда эса отга атама берилади.бирлик ва купликда кулланиши}ни узлаштиришга, 4синфда отнинг эгалик кушимчалари билан кулланиши, келишиклар билан- турланиши ва келишик кушимчаларининг езилишини урганишга эътибор берилади. Укувчиларнинг нутки ва тафаккурини устириш вазифаси эса мавзуни урганишнинг барча боскичларида хал килинади. Грамматик материални

урганиш ва орфографик малака хосил килишнинг бутун жараёни укувчилар лугатини бойитишга, богланишли нутк малакалари ва фикрлаш кобилиятларини устиришга каратилади.

Суз туркуми сифатида от муайян лексик маънолари ва грамматик белгилари билан ажралиб туради, Барча отларнинг умумий лексик маъноси шахс ва нарсани ифодалаш хисобланади. От жонли мавжудотлар *(киши, куш,хайвон, асалари),* ер ва осмонга оид нарсалар *(кусш,юлдуз, дарё],* тог усимликлар *(пахта, беда, гул),* вокеалар *(йигин. мажлис, революция),* табиат ходисалари *(шамол, бурон, ёмгир, момакаллдирок),* белги-хусусият *(шиллик кучлилик, самимият). х*аракат холат ***(уйку,** севинч, кураш),* урин ва вакт*Сёз,бахор, жой)* номларини билдиради.

Отларнинг грамматик белгилари: отлар бирлик ва купликда кулланади, эгалик кушимчалари билан узгаради, келишиклар билан турланади, гапда купрок, эга, тулдирувчи, аникловчи, шунингдек, хол ва ксcим вазифасида келади. От нуткда сифат, сон, олмош, фсъл билан бирика олади.

Отнинг маънолари| грамматик белгилари хийла мураккаб, шунинг учун хам от хакидаги билим укувчиларда амалий вазифаларни бажариш жараёнида аста шакллантира борилади.

Отни урганишда изчиллик. Отни урганишга тайёрлов боскичи савод ургатиш даврига тугри кслади. Бу боскичда укувчилар шахс ва нарсаларни ва уларнинг номи булган сузларни фарклашга урганадилар,сузнинг лексик маъноси га эътибор оширилади,маъноларини хисобга олгаи холда сузлар (кушлар, мева ва сабзавотлар, кийимлар ва хоказоларни билдирган отлар) ни гурухлаш куникмаси шакллантирилади. Сузларни лексик маъноси асосида гурухлаш машклари отларни таккослаш, ухшаш томонларини аниклаш, абстрактлаштириш куникмасини устиради. Шунга карамай, грамматик тушунчани шакллантириш учун укувчилар сузнннг аник маъносини етарли бимайдилар, сузнинг лексик маъносини билиш билан биргаликда унинг грамматик белигиларини хам узлаштириш зарур.

Кейинги боскичда отнинг лексик маънолари ва грамматик белгилари устида махсус ишланади (к и м? ёки н и м а? сурогига жавоб булиши, шахс,нарсани билдириши тушунтирилади). Укувчилар ким? сурогига жавоб булган сузларнн нима? сурогига жавоб булган отлардан фарклашга урганадилар. Бу боскичда улар сузларнн сурок бериш билан фарклашни билиб оладилар, болаларда мавхум грамматик тафаккур уса боради. Болаларда купгина атокли отларни бош харф билан ёзиш куникмаси шакллана борад и.

II синфда отларнинг лексик маъноси, атоли ва турдош отлар (атамасиз) хакидаги билим чукурлаштирилади.

«От» тушунчасини шакллантириш учун шу суз туркумига кирадиган отларни асосий лексик гурухларга ажратиш, барча отларга хос булган белгиларни курсатиш, уларнинг нуткимиздаги ахамиятини очиш мухим ахамиятга эга. Шу максадда мавзуни урганишга багишланган биричи дарслардаёк, шахс, нарсани билдирадиган сузлар тизимга солинади. Кишиларни, буюм, усимликларни, хайвонларни, табиат ходисаларини, вокеаларни билдирадиган сузлар гурухларга ажратилади. Шу сузларнинг хаммаси учун умумий булган белгилар аникланади: бу сузлар шахс, нарсаларни билдириб к и м? ёки н и м а? сурогига жавоб булади. Дастурга кура, бошлангич синф укувчиларини сифат ва бошка суз туркумларидан ясалган мавхум маънодаги (яхшмлик, гузаллик, ишонч, севинч, укинч, куркинч, таянч каби) отлар билан таништириш талаб этилмайди. Аммо матнда учраса ва укувчилар кизикиб сурасалар, отнинг болалар урганган бслгилари асосида (н и м а .иш китобидан матн танлаб, укувчиларга матндаги отларни топишни, сунгра матнни шу сузларсиз укишни топширади. Укувчилар матнни отларни тушириб колдиринб укиганда, _ матн мазмунини тушуниб булмаслигини англайдилар. Хулоса чикарилади: от атрофимизни ураб олган шахсванарсаларнинг номи, бу сузларсиз бир-биримизга уз фикримизни тушунтирашунтира олмаймиз.

**Отларда сон билан таништириш**.

3-синфда «Отларда сон», яъни отларнинг бирлик ва купликда кулланиши устида ишлаш жараёнида укувчиларда: 1) бирлик ва купликда кулланган отларни маъноси ва кушимча оркали фарклаш, 2) бирликдаги отдан куплик шаклидаги ва аксинча, купликдаги отдан бирлик сондаги от хосил килиш 3) гапда сузларнинг богланишини хисобга олган холда, отлардан нуткда тугри фойдалана олиш куникмалари шакллантирилади.

Отларнинг бирлик ва купликда кулланиши таккослаш усулидан фойдаланиб тушунтирилади. Бунннг учун бир предметни ва шундай бир неча предметни билдирган отлар таккосланадн: *дафтар — дафтарлар,калам —*к*аламлар, нок- ноклар* каби. Сухбат асосида *дафтар* сузи нечта (битта) предметни ва *дафтарлар* сузи нечта (икки ва ундан ортик) предметни билдириши аникланади. (Бошка сузлар билан хам шундай ишланади.) Оддийгина хулоса чикарилади ва умумлаштирилади: агар отлар бир предметни билдирса, бирликда кулланяди, агар икки ва ундан орттк шахс-нарсани билдирса, купликда кулланади. Купликдаги отни ясаш учун | бирликдаги отга *-лар* кушимчаси кушилади. Бирликдаги отлар к и м? ёки н и м а? сурогига, купликдаги отлар эса к и мл а р? ёки ним а л а р? сурогига жавоб булади.

Бу синф укувчиларига факат бирликда кулллнадиган отлар, бирлик шаклида кулланган *армия, кушин, халк* каби отлар куплик маъносини билдириши, бундай отларга куплик кушинмчаси кушилганда англатадиган маъноси махсус тушунтирилмайди. Агар укувчилар бу хакда савол берсалар, содда шаклда тушунтириш мумкин.

Отларнинг бирлик ва куплликда кулланишини кузатиш аслида суз шакли устида ишлашнинг бошлангич боскичи хисобланади. Бунда укувчилар отларни куплик кушимчаси билан узгартириш, яъни отга шакл ясовчи кушимча кушиш билан сузнинг лексик маъноси узгармаслигига ишонч ҳосил киладилар.

**Отларда эгалик қўшимчалари**.

Бу мавзу бошлаигич синф укувчилари учун мураккаб хисобланади, чунки бу мавзу урганилгунга кадар, укувчилар «шахс» тушунчаси билан хали таништирилмаган, кишилик олмошларини хали урганмаган буладилар. Укувчиларга эгалпк кушимчаси шахс, нарса бирлик ва куплиликдаги уч шахсдан бирига таалluкли эканини билдиришини тушунтириш кийин. Шуларни хисобга олиб, укувчиларни отларда эагалик кушимчалари билан таништиришда укитувчи ишни сарлавхадаги «эгалик» сузининг лексик маъносини тушунтиришдан бошлаши мақсадга мувофик: эгалик эга бўлиш, қарашилик, тегишлилик, оидлик маъноларини билдиради, демак, эгалик қўшимчаси деганда бирор нарсага эга бўлишни, шу нарса тегишли, шу нарсаганинг эгаси эканинн билдирадиган қўушимчалар тушунилади. Отлар эгалик қўшимчалари билан қўлланадн. Отга қўшилган эга|лик қўшимчаси шу от ифодалаган шахс, нарсанинг кимгадир қарашли эканини, шу нарсанинг эгаси эканини билдиради. Мисолларни кузатайлик;

*Кеча ўқиган* ***китобим*** *жуда қизиқарли экан. Сенинг китобинг ҳам қизгқарлими? Раънонинг китоби ҳам қизикарли эди..*

*Китобим, китобинг, китоби* сўзлари сўз таркибига кўра таҳлил қилинади. ва укувчилар *китоб* — узак, *-им, -инг, -и қў*ушимча экани ни аниқлайдилар. Ўқитувчи *китоб* ва *китобим* сўзларини таққослашни *-им к* ушимчасииннг маъноси хақида ўйлаб кўришни топширади, муаммоли вазият яратади; болалар қўшимчанннг маъноси ҳақиида фикр юритадилар, аммо *китобим* сўзининг маъносига *(менинг китобим* — китоб меники) тушунсалар ҳам, фикрларини шакллантириб айтиб беролмайдилар. Ўқитувчи қисқа тушунтиради. Тилда учта шахс мавжуд: сўзловчи ёки I шахс, тингловчи ёки II шахс, ўзга ёки III шахс. Ҳозир мен сизга сўзлаяпман, тушунтиряпман, демак, мен — сўзловчи, ҳозир сиз мени (тушушираётган мавзуимни) тинглаяпсиз, демак, сиз (сен) тингловчи, ҳозир тинглашга қатнашмаётганлар ҳам бор, у (улар) — ўзга ҳисобланади. Сиз отлар бирлик ва кўплик сонда қўлланишини биласиз. Маълумки, бирор нарса бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсга тегишли бўлиши мумкин. Мана шу маъноларни, яъни бирор шахс ва нарсанинг бирлик ёки кўпликдаги уч шахсдан бирига қарашли эканини отга қўшилган эгалик қўшимчалари билдиради. Масалан, *китобим* сўзига қўшилган, *-им қўшимчаси* китобнинг I шахсга тааллуқли эканини, яъни китобнииг эгаси I шахс эканини билдиради. *(-инг, -и қў*шимчалари ҳам шундай тушунтириладн.) *Китобимиз* сўзидаги *-имиз қў*шимчаси китоб сўзловчи шахсга, шу билан бирга, кўп шахсга (кўп сузловчига) тегишли эканини билдиради. *(-ингиз, -и қў*шимчалари ҳам шундай тушунтирилади.) Қисқа хулоса чиқарилади: отларга қўшилган мана шундай қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади. Эгалик қўшимчалари тегишлилик, эгалик маъносини билдиради. Эгалик қўшимчалари отларга икки вариантда қўшилади.А*кам ва китобим, аканг* ва *китобинг, акаси вакитоби* каби охири унли ва ундош товуш билан тугаган отлар сўз таркибига кўра таҳлил қилинади. Кўшимчалар таққосланади, суҳбат асосида хулоса чиқарилади: охири унли товуш билан тугаган отларга *-м, -нг, -си, -миз, -нгиз, -си* эгалик қўшимчаларин, охири ундош товушлар билан тугаган отларга *-им, -инг, -и, -имиз, -ингиз, -и* эгалик қўшимчалари қўшилади. Шундан сўнг укувчилар « Она тили»[1] дарслигидаги қоидани ўрганадилар, жадвални таҳлил қиладилар.

Ўқувчиларга эгалик қўшимчалари ҳақидаги кўникмани шакллантириш учун матндан эгалик қўшимчаси билан қўлланган отни топиш, уни таркибига кўра таҳлил қилиб, эгалик қўшимчасининг шахс-сонини аниқлаш; матнда берилган отга тушириб қолдирилган эгалик қўшимчасини қўшиш, нарса қайси шахс ёки шахсларга қарашли эканини айтиш каби машқлардан фойдаланилади,

Эгалик қўшимчаси устида ишлаш бу билан тугамайди. Отлар**нннг** келишиклар билан турланишини ўрганиш жараёнида эгалик қўшнмчаси билан қўлланган от қаратқич келишигида келган бошқа от билан *(китобнинг муқоваси, Раҳимнинг китоби),* кишилик. олмошларининг келишиклар билан турланишини ўрганиш жараёнида эса эгалик қўушимчаси билан келган от қаратқич келишигидаги кишилик олмоши билан боғланиб, сўз бирикмаси ҳосил қилиши ҳақида билим берилади.

**Отларнинг турланиши**. Келишиклар синтактик категория ҳисобланади. Келишик отларнинг гапда бошқа сўзлар билан муносабатини ифодалайди. Демак, келшикларни ўр-гатишда ўқучиларнинг гапда сўзларнинг боғланишини билишлари назарда тутилади.. Келишиклар устида ишлашни ўқувчилар гапда маъно ва грамматик томондан боғланган сўзларни (сўз бирикмаларини) ажратишга ўрганганларидан сўнг бошланади. Келишиклар устида ишлаш гапда сўзларнинг боғланиши устида ишлаш ҳамдир. Келишикларни билиш учун ўқувчи от гапда қайси суз билан боғланганини аниқ билиши керак. От гапда бошқа сўзлар билан боғланганда қўушимчалар билан ўзгариши анча олдиндан кузатиб борилади. Аслида ўқувчилар 1-синфдаёқ, сўз шаклларининг ўзгариши билан амалий танишадилар, аммо улар сўз шакли нималигини хали билмайдилар. Болалар кейинги синфда шакл ясовчи {сўз ўзгартувчи) қўшимчалар билан танишадилар, бу қўшимчалар гапда сўзларни боғлаш учун хизмат қилишини тушунадилар.

4- синфда от устида ишлашнинг асосий вазифаси фикр баён қилишда отнинг келишик шаклларидан онгли фойдаланиш ва келишик қўшимчаларини тўғри ёзишга ўргатиш ҳисобланади.

Бу синфда от қуйидаги изчилликда ўрганилади: 1) отларнинг келишиклар билан турланиши ҳақида тушунча бориш; 2) кўпликдаги отларнинг турланишини ўргатиш; 3) ҳар бир келишикнинг хусусиятларини алоҳида ўрганиш ва у билан боғлиқ ҳолда келишик қўшимчаларининг ёзилиши ҳақида кўникма ҳосил қилиш.

Отларнинг келишик қўшимчалари билан ўзгариши — турланиш ҳақида тушунча бериш билан ўқувчиларга кели шик қўшимчалари гапда сўзларни боғглаш учун хизмат қилиши, ўзбек тилидаги олти келишик, уларнинг номи, сўроқлари, қўушимчалари ва жойлашиш тартиби тушунтирилади.

Ўқувчилар турланиш билан, келишикларнинг моҳиятидан келиб чиқиб гапни таҳлил қилиш жараёнида таништирилади, гапнинг асоси *(эга* ва кесим) ва сўз бирикмалари ажратилади. Улар гапда бир отнинг бошқа ҳар хил сузлар билан шакл ясовчи қўшималар *(нинг, -ни, -га, -да, -дан)* ёрдамида боғланишини кузатадилар, бу қўшимчалар келишпк қўшимчалари эканини, отларнинг келишик қўшимчалари билан ўзгариши турланиш дейилишини билиб оладилар. Болаларга келишикларнинг жойлашиш тартиби, сўроқлари ва бош келишикдан бошқа кслишикларнпнг аниқ қўшимчалари мавжудлиги дарсликда берилган жадвал ёрдамида тушунтирилади. Бош кслишикдаги от гапда эга вазифасида, бошқа кеслишикдаги отлар эса иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши билан таништирилади.

Ўқвчилар ўзлаштирган грамматик билимларини имлони ўзлаштиришда фойдалана олишлари учун иишн бажаришда изчиллк кагга аҳамият берилади. Бажарилган иш ёзиб бориладн: ўқувчилар аввал гапда от боғланган
сўздан шу отга савол берадилар ва саволни қавс ичига ёзадилар; кейин сўроқк қараб келишикни аниқлайдилар. Масалан, *яшайди* (қаерда?)— қишлоқда ўрин-пайт келишиги). Улар буни яхши ўзлаштирганларидан сўнг, машқ. тез бажарилади, ёзиш талаб этилмайди.

Кўпликдаги отларнннг турланишини ўрганишда нутқда кўпликдаги отлардан тўғри фойдаланиш кўникмасини такомиллаштирш мақсади кўзда тутилади. Ўқувчилар суҳбат ёрдамида бош келшликдаги отнинг сўроғини ва битта шахс, нарсани билдиришни айтадилар , (н и м а?— *китоб,* ким?— ўқ*увчи);ўқ*итувчи агар шу от икки ва ундан ортиқ, шахс, нарсани билдирса, қандай сўроккда жавоб бўлишини, қайси келишикни билдиришини сўрайди, улар қиналмай жавоб берадилар (нималар? — *китоблар, к*имлар ?--- ўқ*увчилар).* Хулоса чиқарилади: кўпликдаги отлар бош кслишикда н и м а л а р? ёки к и м л а р? сўроғига жавоб бўлади. Ўкувчилар отларнинг келишиклар билан турланиши жадвалидан фойдаланиб, шу отларни кўпликда турлайдилар ва кўплик қўшимчаси доим келишик қўшимчасидан олдин қўшилишини, сўурокрини билиб оладилар.

Ҳар бир келишикни алоҳида ўрганишнипг вазифаси келишикни ўрганиш билан боғлиқ. ҳолда келишик қўшимчаларининг ёзилиши ҳақидаги малакани шакллантириш ва ўқувчиларнинг келишиклар билан турланган отлардан онгли фойдаланишларига эришиш .-ҳисобланади.

Келишикларни билиб олиш мақсадида сўроқлардан фойдаланилади. унинг учун ўқувчилар, биринчидан, сўроқни отнинг якка ўзига эмас, балки гапда от маъно томондан боғланган сўздан шу отга бсришни урганишлари, иккинчидан, келишикларнинг сўроқларини яхши билишлари зарур. Келишикларнн ўзлаштиришда гапнинг асосини анниқлагач, гапда ўзаро боғланган сўзларни (сўз бирикмаларини) белгилаш, от боғланган сўзни топиш, сўроқ бериб, қайси келишик билан турланганини, бирлик ёки кўпликда
қўулланганини аниқлаш изчиллигида ишни уюштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Қуёш зарин нурларини сочмоқда. қуёш ҳақида айтилган. қуёш-эга,бош келишикда, бирлик. қуёш нима қилмоқда?-сочмоқда, кесим, сочмоқда нима қилмоқда? сочмоқда нималарини? нурларини,от, тукшум келишикда, бирликда.

Келишикларнинг хусусиятларини ўрганишга қулайлик яратиш учун ҳар бир келишикни қуйидаги умумий режа асосида ўрганиш мақадга мувофиқ: 1. Келишикнинг грамматик маъноси. 2. Сўроқлари. 3. Қўшимчаси. 4. Гапдаги вазифаси. Келишикларни шу тарзда ўрганиш уларни ўзаро таққослашни енгиллаштиради ва онгли ўзлаштиришни таъмнлайди.

Бир келишик ўзининг муҳим белгилари (маъноси, сўроғи, қўшимчаси, синтактик вазифаси) билан бошқа келшиикдардан фарқланади. Муайян бир келишикдаги отдан онгли фойдаланиш ва келишик қўшимчаларини тўғри ёзиш учун ўқувчилар келишикларнинг муҳим белгиларини пухта ўзлаштириши талаб этилади, шунинг учун ҳам келишикларнинг муҳим белгиларини ўзлаштириб, бир келишикни иккинчисидан фарқлаш кўникмасини шакл-лантиришга катта ўрин берилади.

Бош келишикнинг хусуснятларини ўрганиш билан отнинг келишик қўшимчаси йуқ. ҳолати бош келишик экани, бош кеслишикдаги от бошқа сўзни ўзига тобе қилиши, ки м?,ким л а р?, н и м а?, н и м а л а р? сўроқларига жавоб бўлиши, гапда эга вазифасида келиши ҳақида ўқувчиларда кўникма ҳосил қилинади; луғлтларда отлар бош келишик шаклида берилиши ва бош шакл ҳисобланиши, баъзан эгалик қўшимчаси олиб қўуллаши билан таништирилади.

Ўқувчилар қаратқич ва тушум келишигини фарқлашда қийналадилар, бир қўшимча ўрнига иккинчисини ишлатадилар. Бу келишикларнинг хусусиятларини ўрганиш да (бундай қийинчиликнинг олдини олиш ва ўқувчиларда келишиклардан тўғри фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсади кўзда тутилади. Бу мақсадга эришиш учун бу икки келишикнинг маъноси, сўроқлари,қўшимчаси ва гапдаги ваипфаси таққосланадн ва суҳбат асосида хулоса чиқарилади.

Қаратич келишигида турланган от: 1) карлшлилик маъносини билдириб, гапда бошқа отга боғланади, у боғланган от эгалик қўшимчаси билан қўлланади *(ўқувчининг дафтари, дарахтнинг барги* каби); 2)ки м(лар)н и н г?, н и м а (л а р)нинг?, баъзан қа ернинг? сўроқларига жавоб бўлади; 3) *-нингқў*шимчаси билан қўлланади 4) гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади; тушум келишигида турланган от: 1) ҳаракатни ўзига олган шахс, нарса маъносини билдиради, гапда доим феълга боғланади *(ўқувчини кўрдим, китобни ўқиди* каби); 2) к и м (л а р) н и?, нима (л а р)ни? баъзан қа ерни? сўроқларига жавоб бўлади; 3) *-ни қў*шимчаси билани қўлланади; 4) гапда иккинч даражали бўлак вазифасини бажаради.

Ўқувчиларппнг бу икки келшик қўшимчасидан нутқда тўғри фойдаланиш ва уларни тўғри ёзиш ҳақидаги билимини такомиллаштириш учун гапда отнипгқайси сўз билан боғланганини аниқлаш, сўроқлар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзни келишик билан турлаб қўйиш, тушириб қолдирилган келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчириш, танлаб кўчириш машқларидан, сайланма ва эслатиш диктантларидан кўпроқ, фойдаланилади.

Бошлангич синфлар дастурига кўра ўқувчиларни қарат-қич ва тушум келишигида отнинг белгисиз қўлланиши билан таништириш тавсия этилмайди.Ўқувчилар жўналиш келишигининг хусусиятлари билан таништирилгач, жўналиш келишиги қўшимчасининг ёзилиши ту-шунтирилади: а) охири жарангсиз ундош товуш билан тугаган счузларга жўналиш келишиги қўшимчаси *-га қўшилганда* талаффузда ка эшитилиши, аммо аслича ёзилиши *синфга, иишга,авкатга* каби сўзларни товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилиш биилан тушунтирилади; б) ўқувчилар *«Чиндан дарс, ўқиш, ғайрат етказар ҳар тилакка»* гапини ўқиб, *тилак* сўзининг ўзгаришини ку-затадилар; гапдаги *тилакка* боғланган сўзни топадилар ва шу сўздан отга сўроқ берадилар *(етказар* нимага? *тилакка):* бу жуналиш келишигининг сўроғи эканини айтадилар; *тилакка* сўзи сўз таркибига кўра таҳлил қилинади ва *тилак.* — ўзак, *-ка қўшим*имча экани аниқланади; сўнг уни товуш-ҳ,арф жиҳатидан таҳлил қилиниб, ўзакнинг охири *-к* ундоши билан тугагани, қўшимча ҳам *к* ундоши билан бошланиши аниқланади. Суҳбат усули билан хулоса чиқарилади: жўналиш келишиги қўшимчаси охири *к* ундоши билан тугаган отларга *-ка* шаклида қўшилади. *«Балиқ_ қармоққа илинди. гапидаги* қармоққа сўзи устида шундай ишланади. Хулосани ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг ўзлари чикаради-лар; охири қ ундоши билан тугаган отларга жуналиш келшшиги қўшимчаси қа шаклида қўшилади.

Ўқувчилар ўрип-пайт келишигининг хусусиятлари билап таништирилгач, келишик қўшимчаси *–да н*инг *-та* бўлиб эшитилса ҳам *-да* шаклида ёзилиши тушунтирилади. Баъзи қўувчилар ўрин-пайт келишиги ўрнига жўналиш келишиги қўшимчасини ишлатиб, хатога йўл қўядилар. Бундай хатонинг олдини олиш учун ўқувчилар билан феълдан жўналиш ва ўрин-папт келишигида қўлланган отга сўроқ, бериб, сўз бирикмасини топишни кўпроқ машқ; қилиш ва келишикларнинг сўроғи ва маъносига қараб фарқлашга ўргатилади. Масалан, борди (қаерга?) —мактабга, бўлди (қ аерда?) —мактабда; олдим (к и м г а?) — укамга, кўрдим (к и м д а?) — укамда.

Ўкувчилвр чиқиш келишигининг хусусиятлари билан хам режа асосида таништирилиб , уларга келишик қўшмчасининг ёзилиши тушунтирилади.

Келишиклар ҳақидаги малакани шакллантириш устида ишлашнинг самаралилигини таъминлайдиган шартлар, биринчидан, мақсадга мувофиқ машқ, танлаш, машқ. материалини аста мураккаблаштириб бориш билан ўқувчиларнинг мустақллигини оширш, пккичидан, имлони грамматик билимнп такомиллаштириб бориш ва ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан боғлаб ургатишдир.

Шундай қилиб, бошланғич синфларда от
яхлит холда ўрганилади ва уни ўрганиш ўқўвчилар шу сўз туркумининг белгиларини, вазифасини ўзлаштиришига, шунингдек, уларда келишик қўшимчаларини тўғри ёзиш кўникмасини шакллантиришга қаратилади.

Текшириш учун савол ва топшириқлар.

1.Бошлангич синфда сифат суз туркуми юзасидан уқувчиларга кандай билимлар берилади ва улар қандай изчилликда шакллантирилади?

2.Сифатни урганиш жараёнида укувчиларда кандай имловий билимлар қосил килинади?

3.Сифатни урганиш жараёнида укувчилар нуткини устириш юзасидан қандай машклар қтказасиз?

Таянч сузлар: сифат, сифатнинг маъно турлари, сифат даражалари.

Феълни урганиш методикаси.

Феъл устида изчиллик билимлар орасидаги богланиш, программа материалининг қажми, уни қар бир синфда урганиш усуллари ва воситалари шу суз туркумини урганиш вазифаси.
**унинг лингвистик хусусиятлари ва кичик ёэтдаги укувчиларнинг билиш имкониятларига караб белгиланади.**

**«Феъл» мавзусини урганишда асосий вазифалар: суз туркуми сифатида феъл қакида дастлабки тушунчани шакллантириш, укувчилар нуткини феъллар билан бойитиш хамда огзаки ва ёзма нуткда феълдан тугри фойдаланиш куникмасини устириш, укувчиларнинг акулий фаолиятинк ривожлантириш, грамматик мавзу билан . боглик эқолда айрим орфографик коидаларни узлаштириш хясобланади. Бу вазифалар бир-бири боклик холда хал этилади.**

**Феълнинг лингвистик хусусиятлари хийла мураккаб, шунинг учун бошлангич синф укувчилари факат унинг мухим назариялари билан таништирилади. Материал танлашда шу материалнинг нутк ва имлога оид вазифаларни хал килишда каичалик зарурлиги қисобга олинади.**

**Феълни урганишда изчиллик. 1-синфда феъл устида ишлаш ургатиш даврида бошланади. Бу даврда укувчиларнинг диккати феълнинг лексик маъносига царатилади; феъл учун типик хисобланган лексик маъносига каратилади; феъл учун типик х.исобланган лексик-грамматик маънони, яъни предметнинг қаракатини билдиришни умумлаштириш имконини берадиган аник материал йитлади. Феъл устида ишлаш машкларини «Алкфбевдаги суз ва машкларни укиш, расмга караб гап тузиш билан боглаб утказилади. Бунда укитувчи укувчилар гап тузишда мазмунга мое феълни топишга, суз нимани билдиришини ва кандай сурокка жавоб булишини аниклашга ёрдам берадиган нхароит яратади. Масалан, болалар кузда мева ва сабзавотларни, дарахтларни кузатиб ёки расмларни куриб, гапни мазмунига мое сузлар билан тулдирадилар: кузда мевалар нима килади?... (пишади), сабзавотлар нима килади?... (етилади), дарахт барглари нима килади?... (саргая бошлайди), болалар нима киляптилар?... {дам оляптилар)... (уйнаяптилар)... (ишлаяптилар).**

**Феълни урганишда максадга каратилган ишлар қаракатни билдирган сузлар мавзусини урганишдан бошланади. (1-синф, укув йилининг 2-ярми), феъл лексик маъноси билан грамматик маъноси (харакат билдириши) мое келадиган (нима киляпти?) югураяпти, арралаяпти, сакраяпти, (нима килди?) югурди, арралади, сакради, (нима килади?) югуради, арралайди, сакрайди каби мисоллардан фойдаланиш билан укувчилар узлари бажарган харакатларни айтишни сураб, улар берган жавобни (феълни) сурокларини билан доскага ёзиб, сухбат утказиш билан тушунтирилади. Болаларни сурок бериш билан холат биддирадиган ухлаяпти, уйнаяпти, фахрланади каби феълларни хам танлашга ургатиб бориш муқим ахамиятга эга.** Бундай машклар ўқувчиларда предмет харакатини кенг маънода тушуниш куникмасини шакллана боришига ёрдам беради.

Дастур ўқувчиларда сўзларга сурок бериб, уларни бир-биридан *фарқлаш кўникмасини шакллантириш* талаб этади. Бунинг учун укитувчи феълнинг хар хил формаларидан фойдаланиб, махеус машгқлар утказади. Нима? суророга жавоб булган суз билан нима килди? {нима киляпти? , нима килади?) сурогига жавоб булган сузлар таккосланади: нима? суророга жавоб булган сузлар гуруқи предмет билдириши, нима қилди? суророга жавоб булган сузлар эса предмет харакатини билдириши аникланад. Таккосланг: от ва феълни ажратишга ургатади. Уларнинг нутқда бир-бирига таъсир этишини аниклашга имкон беради.

Феълга сурок беришга ургатиш юзаки булмаслиги укувчилар ҳаракат бир неча томонидан бажарилса, нима килди? нима киляпти? нима қилмокчи? сўроқларини икки ва ундан ортик киши томонидан бажарилса нима қилмокчилар? нима килдилар? нима киляптилар? Сўроқларини беришни билишлари зарур. Бундан сурокларга жавоб беришга ургатиш уз навбатида, феъл замонлари урганишга тайёрлаш демакдир.

1-синфдаёқ суз нимани билдиришини аниклаш мақсадида сўроқ берилади. Укувчиларни сузга сурок беришга, укитувчи берган сўроққа жавоб буладиган сўзларни танлашга, сузни суроққа мое равишда фарқлашга (нима килди? ўқиди, нима қилмоқчи? - укимокчи) каби ургатилади.

Бу босқичнинг асосий вазифаси «феъл - суз туркуми» деган тушунчани шакллантириш, булишли ва булишеиз феълларнинг маъноси ва шаклига қараб фарқлаш куникмасини хосил килиш, булишсизлик қўшимчасининг талаффузи ва имлосини ургатиш хясобланади.

Феълнинг харакат билдириши юзасидан укувчиларда аник тасаввур ҳосил қилиш учун укитувчи уларга шу дарсдаги мехнат жараёнини тасвирловчи, яъни болаларнинг узлари бажараётган иш-харакатни айтиши юзасидан суҳбат утказади. Сухбатда «Укитувчи нима қилди? Укувччлар нима килдилар? Хозир укитувчи нима қиляпти? Укувчилар нима киляптилар? Энди укувчилар нима қиладилар? Укитувчи нима килади?» каби саволлардан *ҳам* фойдаланади. Сухбат жараёнида укувчилар укитувчи рахбарлигида феълларни суроғи билаи ёзиб борадилар. Масалан, нима қилди? сузлади, тушунтирди; нима килдилар? тингладилар, ёздилар; нима киляпти? тушунтираяпти, сураяпти, тинглаяпти; нима килаяптилар? жавоб бераяптилар, ёзаяптилар, тинглаяптилар; нима килади? текширади, куради; нима киладилар? ишлайдилар, бажарадилар, ёзадилар.

Суҳбат ва укувчилар айтган гаплардан бирини гап булаги жихатдан тахлил килиш асосида хулоса чикарилади: нима килди? нима килаяпти? нима килади? каби сурокларга жавоб булиб, предмет харакатини билдирган сузлар феъл дейилади.

Феъл гапда кесим вазифасида келади. Мавзу юзасидан укувчиларда куникма ҳосил килиш учун сурок бериб феълни аииклаш, гап мазмунига мое феълни танлаб куйиши, аралаш берилаган сузлардан, шунингдек, расмга караб гап тузиш каби машклардан фойдаланилади.

Дастурга кура бу синфда булишли ва булишеиз феъллар урганилади. Мавзу сухбат асосида тушунтирилади. Суҳбат укиш дарсида кимлар укиди? Рахим хам укидими? Ким сузлади? Равшан сузладими?

Раъно кутубхонага борадими? Абдулла-чи? У качон бормокчи? Хозир ким тушунтираяпти? Хозир Тралима гапиряптими? саволларидан ҳам фойдаланилади. Укувчилар сурок, бериб феълларни топадилар, маъносини киёслайдилар ва укитувчи рахбарлигида тушунтирадилар. Хулоса чикарилади: феъл харакатнинг юзага чикканини, яъни бажарилганлигини (укиди, сузлади), хозир бажарилаётганини (тушунтираяпти), энди бажарилишини (боради) билдиради. Бу феъллар булишли феъллар дейилади. Айрим феъллар ҳаракатнинг бажарилмаганлигини (укимади, сузламади), хозир бажарилмаётганини (укимаяпти), кейин хам бажарилмаслигини (бормайди) билдиради. Бундай феъллар булишеиз феъллар дейилади.

Укувчилар булишли ва булишеиз феълларни суроклари билан икки устун шаклида ёзадилар ва сурокларини булишеиз феъл кандай кандай хосил булганини айтадилар. Укувчилар билими машклар билан мустухкамланади, булишеизлик кушимчаси -ма, -ми шаклида талаффуз килинса хам, доим аслича *-ма,* -ми шаклида ёзилиши тушунтирилади. Укувчиларда булишли ва булишеиз феълларни маъноларига караб фарклаш куникмасини устириш учун булишли феълдан булишеиз феъл хосил килиш, булишеиз феълларни нг талаффуз ва ёзилишини киёслаш, булишеиз феъллар билан гаплар тузиш машкларидан фойдаланилади.

**4-синфда феълни урганиш.**

Бу синфда феълни урганишнинг вазифаси:

1.Феълнинг шахс—сон кушимчалари билан тусланиши, замон кушимчаси билан узгариши хакидаги тушунчани бериш ва дастлабки куникма ҳосил килиш феълнинг лексик маънолари, булишли ва булишеизлиги, гапдаги вазифаси хакидаги билимни чукурлаштириш.

2.Нуткда феълдан онгли фойдаланиш масаласини ривожлантириш. Шу максадда нуткда синоним ва антоним феъллардан матн билан боглик ҳолда уз ва кучма маънода ишлатилган феъллар билан таништириб боришга каратилган машклардан фойдаланиш.

3.Утган замон кушимчасининг талаффузи ва ёзилиши хакидаги куникмани ҳосил килиш.

Феъл замоаи формасиииנг мохияти иш-харакат качон бажарилганини ,иш-ҳаракатнинг нутк сузланиб турган пайтда, ундан олдин ва кейин бажарилишини таккослаш асосида очилади. Укувчилар узлари бажарган ёки бажарилаётган ҳаракатларни кузатадилар, шунингдек, кейин нима килишларини муқокама этадилар. Худди шунга ухшаш кузатишни табиатда булаётган узгаришлар юзасидан ҳам ўтказадилар. Бу мавзу бахорда ўтилади. Шунинг учун болалар кузатиш асосида Бақор келди. Урик, олча гуллади. Гуллар очиляпти. Энди гилос пишади. Езда у лагерга бормокчи каби гаплар тузадилар.

Гапдаги феълларга сурок бериб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайти, яъни иш-ҳаракат бажарилаётганини (нима киляпти? укияпти), олдии бажарилганини (нима килди? уқиди, келди, гуллади) ва кейин бажарилиши (нима килмоқчи? ёдламокчи, бормоқчи) аниқланади. Аник кузатиш асосида йигилган бу лексик материаллар укитувчи рахбарлигида умумлаштирилади ва хулоса чикарилади.

Феълнимг замон формасини ясаш ва билиб олиш учун ўқувчиларда сўроқлардан тўғри фойдаланишга ургатиш муҳим ахамиятга эга. 6у мақсадга эришиш учун аввал коллектив равишда ишланади ва укувчилар эътибори сурок билан феъл замонининг богланишини аниклашга қаратилади. Замон формасини хосил килиш учун феълнинг иккинчи шахе—бирлик формаси асос килиб олинади. (Бошлангич синфларда феълнинг бош формаси урганилмайди).

Феълга сурок бериш билан феъл замони хосил килинади.

Бир феълдан уч замонни хосил килиб, уларни таккослаш машки феълнинг замон категория! инининг мохиятини тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун «Феъл» мавзусини урганиш жараёнида феълни замон кушимчаси билан узгартириш машки мунтазам утказиб борилади.

Укувчиларни феъл замонларини онгли куллашга ургатиш максадида матнлардан фойдаланилади. Бунда феъл замонини аниклаш ва бирор феъл формасидан фойдаланишни асослаш, шунингдек, феъл замонини узгартириш, феълларни муайян бир замонда ишлатиб ҳикоя тузиш топширилади.

Дастурга кура, бу синфда феълларда шахс-сон хакида тушунча берилади. Укувчиларда узбек тилида 3 шахс сузловчи (1-шахс), тингловчи (2-шахс), узга (3-шахс) мавжудлиги хакидаги дастлабки куникма «Отларнинг эгалик кушимчалари билан узгариши» ва «Кишилик олмошлари» мавзулари урганилаётганда зқосил килинган. «Феълларда шахс-сон» мавзуси шу куникмага асосланган х,олда тушунтирилади.

Суҳбат асосида кишилик олмошлари 3 шахсни, бирлик ва купликни билдириши эслатилгач, укувчиларга мен олмошини катнаштириб гап тузиш топширилади. Улар тузган гап укитувчи раҳбарлигида тахлил килинади (Мен китобни укидим). Укувчилар мен 1-шахс бирликдаги кишилик олмоши эканини айтадилар; укидим феълини суз таркибига кура тахлил килиб, уки — узак, -ди — утган замон кушимчаси, -м - қам кушимча эканини аниклайдилар. Укитувчи куйидаги мазмунда тушунтиради: иш-хдракат сузловчи (1-шахс), тингловчи (2-шахс), узга (3-шахс) томонидан бажарилиши мумкин; иккинчидан, иш-қаракат якка (бир) ёки бир неча шахе томонидан бажарилиши х.ам мумкин. Феълларга цушилиб, иш-қаракатни бажарган шахени ва сонни (куплик ва бирликни хам билдирадиган кушимчалар бор. Масалан, укидим феълидаги -м кушимчаси шундай маънони билдиради, у шахс-сон кушимчасидир. Чунки -м укиш харакатини бажарган шахени (1-шахени) ва сонини (бир киши бажарганини) билдиряпти, яъни қам шахени, қам сонни ифодалаяпти. Укитувчи (хаттахтага ёзилган гапларни курсатиб) «Нукталар урнига гапнинг мазмунига мое булган феълларнинг шахс-сон кушимчасини топиб куйиб, гапларни укиш» вазивасини топширади. Машк укитувчи рахбарлигида биргаликда бажарилади.

Сухбат асосида хулоса чикарилади: Феъллар шахс-сон кушимчалари билан тусланади. Шахс-сон кушимчалари замон кушимчаларидан кейин кушилади.

Феълларда шахс-сон хакидаги куникмани шакллантириш учун мазмунга мое шахс-сон кушимчаларини куйищ, берилган феълларни хозирги, утган, келаси замонда шахс-сон кушимчаси билан туслаш, феълларни суз туркуми жахатдан тахлил килиш машқларидан фойдаланади.

Бу синфда феълларнинг ёзилиши хакида хам куникма хосил килинади. Мавзуни тушунтириш учун феъллар купрок булган матн танланиб, матнни укиш, сурoқ бериб феълларни топиш ва қандай ёзилганини айтиш топширилади. Укувчилар укитувчи рахбарлигида вазифани бажарадилар.

Текшириш учун савол ва топшириклар.

1.Бошлангич синфларда «феъл»ни урганиш максадини айтинг.
2.Феълни урганишдаги изчиллик нималардан иборат?
3.1-синфда «Феъл» юзасидан нималар урганилади?
4.2-синфда-чи?
5.3-синфда феъл юзасидан кандай билимлар берилади?
6.4-синфда-чи

Сўз туркумларини ўтиш дарси ишланмаларидан намуна:

**Дарснинг мавзуси. Шахс ва нарсани билдирган сузлар**

**Дарснинг мақсади .** Ўкувчиларга шахс ва нарса билдирган сўзлар ҳақида билим бериш, ўз фикрларини аниқ, тўғри ва ифодали баён этишга ўргатиш,хуснихат билан ёзиш кўникмаларини шакллантириш

**Дарснинг шиори.**

**Дарс тури. Янги билим берувчи дарс.**

**Дарс жиҳози.** Карточкалар, тестлар, рангли расмлар

**Модулнинг дидактик мақсади.**Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда мустақил ишлаш, сўзларни маъносига кўра фарқлаш ва гуруҳлаш кўникмаларини шакллантириш шахс ва нарсани билдирган сўзларнинг тўғри талаффузи ва имлосини ўзлаштиришларини таъминлаш

| № | **Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар** | **Топшириқларни бажаришлар учун кўрсатмалар** | **Баҳо** |
|---|---|---|---|
| 1-ЎФЭ | **Мақсад**.Ўқувчиларнинг сўз маънолари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, Янги мавзуни ўрганишга қизиқиш уйғотиш<br>**Метод.**Мустақил иш,<br>Савол- топшириқлар.<br>1.Уйда тузиб келган матнингизни ўқинг.Сўроқлар ўрнига қандай маънодаги сўзларни қўйдингиз?<br>2.Осмондаги сайёралар номини ёзинг. Намуна.Қуёш,…<br>3. Қуйидаги сўзларни жадвалга гуруҳлаб жойланг.<br>Ер, деҳқон, чумоли, ўрмалади, тинди, ёмғир, чопди.<br>Ким? \| Нима? \| Нима қилди?<br>4. Юқоридаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг. | 90- маштини ичингизда ўқинг<br>Савол-топшириқларни кичик гуруҳларга бўлиниб бажаринг.<br>Топшириқларнинг жавобини аниқ қилиб айтинг. | |
| 2-ЎФЭ | **Мақсад**.Шахс билдирган сўзлар ҳақида билим ҳосил қилиш.<br>**Метод**. Муаммоли ярим изланишли .<br>Топшириқ.<br>1. Шеърни ифодали ўқинг.<br>2. Шеър матнидаги кишиларн инг исмнидафтарингизга ёзинг.<br>3. Шу сўзларга қандай сўроқ берилади?Ўйланг, уларни нимани билдиряпти?<br>4.Улуғ сўзини қайси сўзлар билан алмаштириш мумкин?<br>5. **Сиғинган. қўмсаб** сўзларининг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилинг. | 91- машк матнини ифодали ўқишга тайёрланинг.<br>Сўзларни ҳуснихат билан ёзинг. | |
| 3-ЎФЭ | **Мақсад**. Нарсани билдирган сўзлар ҳақида билим ҳосил қилиш.<br>**Метод**. Муаммоли ярим изланишли метод. | 92- машқдаги сўзларни ичингизда ўқинг. | |

<table>
<tr><td></td><td>Топширик<br>1. 92- машқ шартини тушунтириб Беринг.<br>2.92- машқдан ажратиб кўрсатилган сўзларга оид сўзларни аниқлаб, жадвалга жойланг.<br><table><tr><td>Қуш</td><td>Гул</td><td>Сабзавот</td></tr></table><br>3.Қуш номларига сўроқ Беринг. Ўйланг, уларни нимани билдиряпти?<br>4. Гул номларига сўроқ Беринг. Ўйланг, улар нимани билдиряпти?<br>5. Сабзавот номларига сўроқ беринг. Улар нимани билдиряпти?</td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>4-ЎФЭ</td><td>Мақсад. Ўқувчиларни ўрганганлари асосида билимларини умумлаштириш ва хулосалашга ўргатиш.<br>Метод. Суҳбат.<br>Саволлар.<br>1. Сиз ёзган ва ўқиган сўзлар қандай сўроқларга жавоб бўлади?<br>2. Ким сўроғига жавоб бўлган сўзлар нимани билдиради?<br>3. Нима сўроғига жавоб бўлган сўзлар нимани билдиради?<br>4. Демак,сўзлар нималарга ном бўлар экан?</td><td>Тўртбурчак ичида берилган хулосаларни ўқинг. Саволларни диққат билан тингланг. Саволларга қисқа ва аниқ<br>жавоб беринг.</td><td></td></tr>
<tr><td>5-<br>ЎФЭ</td><td>Мақсад. Ўқувчиларни шахс ва нарсани билдирган сўзлар бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш.<br>Метод. Топшириқ.Суҳбат ва мустақил иш методи.<br>1.92- машқ шартини тушунтириб беринг.<br>2. Шеърни ифодали ўқинг.<br>3.Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Улар нимани билдиряпти?<br>4. Митти, ошиён сўзларига маънодош сўз топинг.<br>5. Таълимий ўйин .<br>1) қушлар ва гулларни икки гуруҳга ажратинг;<br>2) қуш расмини қўлингизга олиб , унинг номини айтинг;<br>3) гул расмини қўлингизга олиб, унинг номини айтинг.<br>6. Тест ечиш.<br>- Шахс номлари берилган қаторни белгиланг.<br>А. Мирзо Бобур<br>Б. Қушча<br><br>- Нарсани билдирган сўзлар қаторини белгиланг.<br>А. Турна<br>Б. Амир Темур</td><td>92- машқ шартини ичингизда ўқинг.<br>Шеърни ифодали қилиб ўқишга тайёланинг.<br>Ким кўп қуш ва гул номини билишини ҳисобга олиб боринг ва уни қандай рағбатлантириш керак деб ўйлайсиз?</td><td></td></tr>
</table>

Ўқитувчиларда дасрни ташкил этишдан олдин модул дарси юзасидан қуйидаги каби кўрсатмалар берилди:

Мазкур модул биринчи ва иккинчи гуруҳ учун ҳам тавсия этилади. Дарс топшириқларидан ўқувчиларнинг савиясига, билимларни ўзлаштира олиш даражасига қараб фойдаланилади. Айрим топшириқлар қобилиятли ўқувчиларга берилиши мумкин.

Биринчи синфдан ўқувчилар модул усулида мустақил ишлашга ўргатиб борилса, кейинги синфларда ҳам шун каби дарсларни ташкил этиш осонлашади, чунки ўқувчиларда бу ҳакида кўникмалар ҳосил бўла боради.Ўқитувчи дарс давомида дам олиш дақиқалари уюштириши лозим.

Таълимий ўйин уюштирилганда иккала гуруҳдан иккитадан ўкувчи чиқиб, қуш ва гул расмларини истаганча олади ва гуруҳи билан маслаҳатлашиб , уларнинг номларини айтади.

Тестлар ўқувчиларнинг имкониятига қараб кўпайтирилиши ёки мураккаблаштирилиши мумкин.Тест ҳар бир ўқувчи учун алоҳида тайёланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

1- синфда сўз маънолари юзасидан умулаштирувчи дарс модулусулида ўтилганда, ўқувчилар унчалик қийналмадилар. Бу дарс учун асосан мустақил ва ижодий бажариладиган торшириқлар ишлаб чиқилди. Қуйида шу дарс намунасини келтирамиз.

**Олмошни утиш методикаси**

Бошланғич таълимда факат кишилик олмошлари урганилади. 4-синфда кишилик олмошлари хакидаги дастлабки умумий тушунча берилади; уларнинг келишик кушимчалари билан турланиши ва имлоси ургатилади.

Кишилик олмошлари билан укувчиларни таништиришда предметни номламаслиги, улар факат курсатиш учун хизмат килиши билан таништирилади. Бошлангич синфда кишилик олмошларини от билан алмашиниб кулланишига алохида тухталинмайди. Чунки мен, сен олмошлари *%еч* качон от билан алмашиниб кулланмайди: мен укияпман, сен укияпсан дейиш мумкин, лекин Салима чикяпман, Салима укияпсан, киз тикяпман тарзида кулланмайди. Лекин III шахе кишилик олмоши от билан алмашиниб кулланади: киз тикяпти - у тикяпти. Укитувчи кишилик олмошлари билан таништираётганда шунга диккат каратиш лозим. Кишилик олмоши хакидаги дастлабки маълумот бадиий асардан келтирилган огзаки нуткка дойр мисолларни кузатиш ва тахдил килиш оркали берилади.

Кишилик олмошларини ургатиш жараёнида укувчиларла куйидаги билим ва куникмалар қосил килинади; мен, сен, у, биз, сиз, улар кишилик олмошлари, улар ким сурогига жавоб булади; кишилик олмошлари суз туркуми; кишилик олмошлари 3 та шахени бирлик ва купликда ифодалайди; улар келишиклар билан турланади; -ни, -нинг кушимчалари мен, сен олмошига кушилганда узакдаги н тушиб колади; у олмошига -га, -да, -дан кушимчалари кушилса бир н товуши орттирилади каби билимлар; олмошларни нуткда турри ва уринли куллаш, уларни келишикли тқолатда тугри ёзиш, суроклар ёрдамида аниклаш ва фарклаш куникмалари зқосил килинади.

Олмош суз туркуми суҳбат, ярим изланишли муаммоли метод, индуктив методларда тушунтирилади. Бу методларнинг кайси бирида тушунтирилса, шунга мое усул ва иш турлари танланади.

Укувчилар олмошларнинг келишик билан кулланишини хали урганмагани учун дастлабки таништиришда бош келишикдаги олмошлар катнашган гап танланади.

Кишилик олмошларини ургатиш учун куйидаги мисоллар асосида суқбат утказиш мумкин.

Мен уртокларим билан сухбатлашдим.

Сен келсанг, мен шу ердаман, деб куй...

У кела колса, гапларимни айтсам!

Биринчи гап укитилади.

- Бу гап кимга тегишли? (Яйрага)
- Ким сузқбатлашди? (Яйра)
- Мен сузи крнига Яйра сузини куйиб айтиш мумкинми? (Йук. Болалар куйиб укиб куради ва ишонч хосил килади). қаракатни ким бажаряпти? (Мен). Мен сузи кайси сурова жавоб булади? (Ким?) У гапда кайси булак вазифасида келяпти? (Эга). Иккинчи гап укитилади:
- Бу гапни ким айтяпти? (Яйра) У кимга мурожаат киляпти? (Уртогага) Кайси суз уртога сузини билдиряпти? (Сен) Сен сузи качон кулланар экан? (Бирор мурожаат килганда кулланади). Сен кайси сурокка жавоб булади? (Ким?) У кайси гап булаги вазифасида келяпти? (Эга)

Учинчи гап юзасидан тахминан куйидагича саволлар берилади: -Бу гап кимга тегишли? (Болага) Бу предметнинг номи айтиляптими? (Йук.) Бола сузи урнида кайси суз келяпти? (У) Бу суз качон кулланар экан? (Фикр бирор шахе хакида (ким хакида) борса кулланади) Демак, бу гапда шахе номи к.улланмаяпти, уни курсатувчи суз кулланяпти.

Шундан сунг сухбат куйидагича умулаштирилади: Предметни номламай уни курсатаётган сузларни сананг (Мен, сен, у) Улар кандай сурокка жавоб буляпти? (Ким?) У кайси гап булаги вазифасида келяпти? (Эга)

Укувчилар жавобига аниклик киритилади: Мен, сен, у - суз туркуми. Бу суз туркумининг номи олмош деб юритилади. Мен, сен, у - кишилик олмошлари. Мен - I шахени, сен -II шахени, у

- III шахсни курсатади. Шундан сунг биз, сиз, уларолмошлари юзасидан сухбат утказилади. Кишилик олмошларининг бирлик ва куплиги таккослаш оркали тушунтирилади ва качон мен, сен, у, качон биз, сиз, улар ишлатилиши устида ишланади. Эгалик кушимчалари ифодалайдиган 3 та шахе: сузловчи (мен), тингловчи (сен), узга (у) эслатилади ва у кишилик олмошлари билан богланади. Олмошнинг гапда эга вазифасида келиши айтилади.

Кишилик олмошларининг куплигини тушунтиришда «биз Ватан хакида куп маколлар биламиз? Сиз хам шундай маколлардан биласизми? Тарзидаги гаплардан фойдаланиш мумкин. Укувчиларнинг кишилик олмошлари юзасидан олган тушунчалари бир неча даре давомида мустахкамланади. Бунда кишилик олмошларига сурок бериш, кайси сурокларга жавоб булаётганини аниклаш,

матндан кишилик олмошларини топиш, уларни узи богланган суз билан кучириш, кишилик олмошлари иштирокида гап тузиш, уларни гапда кандай булак булиб келаётганини аниклаш, кишилик олмошларининг шахс-сонини айтиш, берилган феълларга мое кишилик олмошларини танлаш ва гап тузиш (Онамга ёрдам бердим. нангга ёрдам бердингми? Онасига ёрдам бердими?) каби топширикли машклар бажарилади. Айрим матнлар шахеини узгартириб ижодий кайта хикоялатилади.

Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланишини утиш.

Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланишини ўтишдан олдин шу мавзуни укувчилар онгли узлаштиришлари учун доскага келишикларга доир жадвал осиб куйилади. Жадвал асосида сухбат методида келишиклар хакидаги укувчилар билими эслатилади ва уларнинг янги мавзуни урганишларига замин тайёрланади: Нечта келишик бор? Номини, кушимчаси ва сурорини айтинг. Келишиклар кайси суз туркумига кушилади. Келишик кушимчалари кандай вазифа бажаради? Мисоллар билан тушунтиринг. Укувчилар айтган битта гап **доскага** ёздирилади ва тахлил килинади: Билим давлатдан киммат. (Макол.)

Давлатдан - от, чикиш келишиги кушимчасини олган, бу -дан қўшимчаси отни киммат сузига боглаган. Укувчилар жавоби умумлаштирилади.

Шундан сунг олдиндан доскага ёзиб куйилган дарсликдаги 273~ машк устида ишланади:

-Укинг. Тагига чизилган суз кайси туркумга киради? Шу суз 1§айси шахсни билдиради? Бизни олмоши кайси кушимча билан қулланган? Бу кушимча биз олмошини кайси узга борлаган? Уларни бирликда ёзинг: Бизни олиб бордилар. Келишик қўшимчасини ва богланишини тегишлича белгиланг. Келишик номини кискартириб тепасига ёзинг.

-Иккинчи гапни укинг. Олмошни кайси келишик .қушямчасини олганини айтинг. Караткич келишиги отни кайси сузга боғлаган? Уларни бирикма тарзида ёзинг: Бизнинг куз унгимизда ва кушимчани, сузларни борланишини белгиланг.

Колган гаплар ҳам шу тахлитда бажарилади. Доcканинг бир томонида қуйидаги бирикмалар юзага келади: Бизни олиб бордилар Бизнинг куз унгимизда Бизга гапириб берди. Биз тингладик

Бизда колдирди

Уқувчилар жавоби яна суҳбат йули билан умумлаштирилади: Кишилик олмошлари қайси к.ушимчаларни олади? Кайси келишик қушимчалари олмошга қушилиб келади? Бу кушимчалар олмошларии кайси сузларга борлайди? (бошқа сузларга) Келишик кушимчасини олган бизни, бизниш; **бнзга,** бизда кайси сурокларга жавоб буляпти? Улар гапда кайси булак. булади? (2-даражали булак) Биз олмошига сурок беринг, у кайси келишикда? Гапда кайси булак булиб келяпти? (Эга) Укувчилар жавоби аниклаштирилади; Кишилик олмошларзг қам келишик кушимчалариии олади. Келишик кушимчаларлнм олганда олмошлар турланади. Тушум, караткич, жуналиш, урин-пайт, чикиш келишигидаги олмошлар 2-даражали булак булиб келади. Бош келишикда эса эга вазифасини бажаради: Бил меқнатни севамиз.

Кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиваи қакидаги тушунча машклар ёрдамида мустаз{камланади. Бунда кишилик олмошларини қайси келишикда эканлиги, уларни узи богланган суз билан бирикма тарзида кучириш, шахс-сониўи; аниклаш, чизикчалар урнига топшириққа мос олмошлар қуйиш , от урнида кулланган олмошларии аниклаш, ижодий матнлар тузиш каби топширикли машқлар бажартирилади.

Кейинги дарсларда уқувчиларнинг килишик олмошларининг келишиклар билан турланиши пайтидаги имлосини узлаштиришларига, ижодий ёзма ишлар уюштиришга ва уларда кишилик олмошларидан тугри фойдаланиб нуткқш услуйий жиқатдан турри куллашларига, шунингдек, нуткда кишилик олмошларидан уринсиз ва тинимсиз фойдаланишларини бартарпф этишларига старатилади. Кишилик олмошларини уринсиз куг< ишлатишларини бартараф этиш учун укувчиларнинг ижодий ёзма ишлари: баён ва иншолари укиб берилиб, тақлил килинади.

Укувчилар нуткида кишилик олмошларини ман, сан тарзида шева таъсирига берилиб талаффуз к,илиш зқолатлари учрайди. Кишилик олмошларига ажратилган дарсларини яна бир вазифаси шу каби камчиликларни йукотишдир.

Уқувчиларни кишилик олмошларидан нуткда турри фойдаланишга ургатиш нуткий рализликни, талаффузидаги ёкимсизликни бартараф этади.

**Текшириш учун савол ва топшириклар.**

1.Кишилик олмошларини тушунтиришни энг кулай усули хакида гапирииг.

2.Олмошларнинг келишиклар билан турланиши кай тарзда ургатилади?

3.Кишилик олмошларининг имлоси ра талаффузи устида ишлаш усулларни айтинг.

4. Кишилик олмошларини ургатиш юзасидан машклар тизимини ишлаб чикинг.

**Она тили дарсларида лугат устида ишлаш.**

Бошланрич синфлар укув дастурида она тили, укиш болаларнинг луратини бойитиш, бокланишли нуткни устириш,-адайий-эстетик тафаккурини камол топтириш, нутк маданиятини иакллантириш, нутк таъсирчанлигини таъминлашнинг мух,им омилидир дейилади. Бу вазифалар грамматик мавзулари Ургавшш, машк матнларини кузатиш ва тахдил килиш, махсус лумвий -грамматик машклар оркали бажарилади.

Она тили укитишнинг бош максади х.ам тилнинг жамиятда тутган урни, вазифаси билан белгиланади. Тил алока воситаси -сузловчи фикр—мулох,азаларини тил оркали баён килади, тингловчи эса тил воситалари оркали руёбга чиккан фикрни англатади. "

Она тили фани укувчиларни фикр баён килиш ва уни укиб олиш фаолиятига тайёрлайди. Фикр тил воситасида руёбга чикар *ж<т,* х,ар бир киши тилни ва ундан фойдаланишни билиши зарур. Тилни билиш унинг грамматик-конун коидаларини, таърифини узлаштиришгина эмас, балки она тилининг бой имкониятларидан амалий фойдалана билишдир, яъни фикрини огзаки ва ёзма ша[сгда турри, тушунарли ва саводли ифодалай билишдир. Бунга эришиш учун она тили дарсларида лугат устида ишлашга алоқида эътибор каратиш лозим.

Лугат ишида сузнинг маъноси талаффузи ва имлоси эътиборда тутилади. Шулар устида ишлашдан асосий максад эқтиёж сезилган пайтда укувчиларнинг нуткда фойдаланишларига эришиш, узгалар нуткини англашларини таъминлашдир. Бунинг учун укитувчи она тили дарсларида кулланган зқар бир сузнинг, тэълимий жараёнларда: экскурсия, узаро суқбат, турли тадбирларда ишлатилган сузларнинг маъносига эътибор билан караши, уларни кайсилари махсус ишлашни такозо этишини белгилаб олиши керак.

Тилнинг лутат бойлигини укувчилар томонидан узлчштирилиши учун она тили дарсларида сузларнинг куйидаги маънолари билан таништирилади.

***1.*Укувчиларни нотаниш суз ва иборалар билан таништириш.**

Укувчилар дарсликдаги суз ва ибораларга биринчи марта дуч келаёгган булиши мумкин. Бу суз янги пайдо булган суз булмаса қам, укувчи унинг маъносини билмайди, демак, укувчи учун янги суз зсисобланади. Масалан, 1-синф «Она тили»и дарслигида хабиб {дуст) дарпарда (ойна урнига шаффоф КОРОЗ ёпиштирилган дераза парда), магрур (кеккайган, магрур-камтар), камол (қар томонлама етук, тукис, камол топмок - хазон булмок), хароба (каровсиз колган вайрона), кардош (дуст, биродар, кариндош-урур), сафдош (харбий хизматда бирга, ташкилотда бирга), хавза (даре ва кулларга куйиладиган, уни ташкил этадиган ирмоклар ъёки иажмуи раем курсатилади), саркарда (кумондан, лашкарбоши), зеб (безак, курк, хусн), зийнат (гузаллик учун хизмат килувчи будам), каср (хашаматли сарой, кушк) каби сузларга дуч келадилар. Бундам сузларнинг маъносини синонимлар келтириб кенгайтириш йули билан карши маъноли сузлар билан **кзо:>** бериш, гап тузиш оркали маъносини ечиш, расмлар оркали тушунча >{осил килиш мумкин. Бундай ишлаш укувчиларда суз маъноларига нисбатан сезгирликни юзага келтиради.

**2.Укувчиларни сузнинг янги маънолари билан таништириш**, Укувчилар куп маъноли сузларнинг бир маъносиии тушунса, бошка маъносини билмасликлари мумкин. Болалар сузлариш қамма маъноларини бирданига узлаштириб ололмайдилар. Уларнинг маъносини узлаштириш боскичма боскич амалга оширилади. 1-2-синфда куп маъноли сузнинг бир-икки маъносг-: билан танишса, 3-4-синфларда яна бошка маъноларини **билнб** олади. Тилнинг барча сатхларини: фонетика, лексика, суз таркиби, морфология, синтаксис (бошлангач синфда бу булимлар «Товушлар ва х,арфлар», «Суз», «Гап», «Богланишли нутк» деб номланади) ни урганиш жараёнида тасвирий ифодалар, иборалар, маънодош, шаклдош, карама-карши маъноли сузларнинг маънолари турли иш турлари асосида тушунтириб борилади. Х— синф она тили дарслигида фикри бузук-ккчма маъноли ибора берилган, уни соат бузук бирикмаси билан таккосланг. 1қайси бири уз маъносида кулланяпти? (соат бузук) қайси бирикма бошка маънода кулланяпти? (фикри бузук) Фикри бузук бирикмаси кандай маънони ифодалаяпти? Болалар уйлаб, **нияти** ёмон кишиларни фикри бузук дейишади деб изоқ берадилар. Куринадики, таккослаш усули суз маъноларини изоқлашда самарали усул саналади. қулоч отиб, танбеқ еди, , калби олов, тил топишди, роқатини тотди ибораларининг маъноси устида қам шу тарзда ишланади.

1-синф дарслигида Хива она тарих тилмочи. ... билан эгачи, уруш йулини такка бекитдик, биз маъносига зеб берсак, редискага акаман, карвон булиб келамиз (Турналар), чеҳрасига табассум югурди, баҳор ок булутни етаклаб кетди, 2~синф дарслигида дов-дарахтнинг соч-соколин киришди, Биз оклаган дарахтлар оппоқ пайпок кийишди каби бадиий тасвирий тил воситалари устида ишлаш укувчини тил зар, унинг тилида куйловчи заргар булишга ундайди.

**3.Укувчилар тилида кам кулланадиган сузлар маъноси устида ишлаш**. Адабий тилга оид баъзи сқзлар укувчилар нуткида кам кулланади. Бу сузнинг маъносини укувчи етарли даражада тушунмайди. Унинг урнида оддий сузлашувга дойр, эскирган ёки шевага оид сузларни куллайди. Укитувчи уларни китобий сузлар билан алмаштириш учун нуткда куллашга мажбур этадиган вазият яратиши, эх.тиёжни юзага келтириши зарур, Масалан, жим - тинч ~ осуда -осойишта, юракдан - дилдан, соат стрелкаси - соат миллари, гармдори - калампир, минут - дакика, район -туман каби.

Сузларнинг кулланишини фаоллаштириш учун ёзма ишла| утказилаётганда хам укувчилар эътиборнни айрим сузларн» бошкаси билан алмаштиришлари таъкидланади. Масалан, 1-синфда расмлар асосида огзаки хикоя тузаётган укувчиларниш нутк элементлари бири~биридан фаркли булиши - бири иккинчисининг сузини қайтармаслиги талаб килинади. Масалан, ширинсухан сузи урнида ширинсуз, насим - тонгги ел (шамол), танбех берди - дашном берди, зилол сув - тиник сув, кичик муъжаз, тик - адл, нафис - нозик, ишбилармон - ишнинг кузини биладиган каби...

Ёзма баён ёзишга тайёрланиш жараёнида хам (2~синф) сузларни бошкаси билан алмаштиришга, китобий сузлар танлашга эътибор бериш лозим.

Дарсликларда бола қиссиётига таъсир килувчи кучма маънодаги бадиий ифодалар куп кулланган, улар устида максадга мувофик ишлаш укувчи нуткини жозибадор килади, уларнинг нуткий адабий тилга якинлаштиради.

**4.Янги пайдо булган суз маънолари устида ишлаш**. Бундай **сузлар** дарсликда кам кулланади. Бундай сузларнинг болалар қаёти билан боглик булганларини ажратиб олиб «Билиб куйган яхши» рубрикаси остида ишланса укувчининг нутки замон билан баравар ривожланиб боради.

Грамматик атамалар маъноси билан таништириш. Ьрамматик атамаларнинг аввало турри талаффузи, имлоси ургатилади. Шундан сунг мисоллар асосида уни мазмуни очилади. ъСоздали укитиш ва машклар бажариш оркали атама маъносини тулақонли англашларига эришилади.

Луғат устида ишлашда куйидаги методик усуллардан фойдаланилади:

**1. Суз маъноларини таккослаш ва уларни шарҳлаш**. Бу усул кўчма маъноли суз ва иборалар, пароним сузлар, шакли бир хил сузлар маъноси, имлоси, талаффузини изохлашда кулланилади. Уриш-уруш: икки кишининг жанжаллашиб колиши - уриш; икки халк, икки давлат орасидаги жанг - уруш. Бу сузларнинг талаффузи х.ам икки хил.

**2.Сузларни кузатиш усули оркали сузларнинг имлосини, маъносини ва талаффузини ургатиш.** Бу усул узакдош сузларни урганиш жараёнида, кум~кук, оппок, кип-кизил сифатларининг *Ўмзал,* ок, кук) маъно нозикликлари, имлоси, талаффузини ургатишда кулланилади. Масалан: Гул: гулдон, гулчи, гулвор, гулли, гулсиз, гулла сузларнинг таркибини кузатадилар. Бу сузлар маъносидаги фаркни изохлайдилар ва тилнинг янги сузлар хисобига бойиб боришини англай бошлайдилар. Шундай уринда укитувчи сузларни уз сузига айлантириши оркали аник фикр юритишга урганиш укувчининг бурчи эканики айтиши лозим.

Кузатиш усули шакллари узгараётган сузларнинг имлосини ургатишда хам кулланилади: огиз-им - огзим, сингил-им — синглим, у-га - унга.

**З.Сузларни белгиларига кура гурухлаш усули.** Гурухлаш аклий фаолият усули булиб, у она тили машгулотларида укувчиларнинг суз бойлигини оширишда мухимдир. Бу усул сузларнинг англатаётгаи маъноси, туркуми, ясалиши, имлоси, уяси кабиларга ажратиш имконини беради. Гурухлаш кузатиш ва таадослаш усули билан боглиқ. Сузларни гурухлаш учун аввало улар кузатилади, сунг таккосланади. Бу жараёида уларнивг ухшаш ва фаркли томонлари ажратилади: Масалан, кавм-кариндошлик буйича гурузқлаш:

1.Ота уруги: ота, амаки, амма, дада, оппокдада, буви, бува.

2.Она уруги: она, хола, тога, ойи, буви, бува.

Сифатларда: а) хусусият билдирувчи сифат: шух, огир, босикг аклли, аклсиз, хаёли, хиссиз, андишали, дангаса, танбал, ишчан, мехнатсевар ва х. б) таъм билдирувчи сифат: ширин, аччик, нордон, тахир, шур, мазали, бемаза, чучмал ва }}.

Гурухлаш мусобакаси тарзида уюштирилиши мумкин.

Маълум бир гурухдаги сузлар руйхатини тузиш ишини алфавит асосида ёздириш хам мумкин. Гурухлашда куйидагн топшириклардан фойдаланиш мумкии.

1.Болалар уйинлари номининг лукатини тузинг.

2.Узингиз билган шоир номлари руйхатини тузинг.

З.Эртак номлари руйхатини тузинг.

4.Жой номлари руйхатини тузинг.

б.Охангдош сузлар руйхатини тузинг.

б.Маънодош сузлар руйхатини тузинг.

Булар урганилаётган мавзуларга, машкқ матнларига бог-лиқ холда ташкил этилади.

Сузларнинг изохли лугатини синф ва мактаб микёсида тузиб, осиб, умумистеъмолга киритиш мумкин.

«Укувчилар почтаси» ташкил этилади. Укувчилар кайси сузнинг маъносини билиб олишда кийналсалар, шу сузни ёзиб яшикка ташлайдилар. қафта охиридаги дарсда шу сузлар маъноси, имлоси изохи утказилади.

**Текшириш учун савол ва топшириклар.**

1.Укувчилар лугатини бойитишда она тилининг тутган урнини айтинг.

2.Она тили дарсларида кайъги сузнинг маънолари билан таништирилади?

3.Лугат устида ишлашнинг методик усулларини айтинг.

Таянч сузлар: кишилик олмошлари, шахе, олмошларнинг турланиши, таккослаш ва шархлаш усули, гурухлаш усули, кузатиш усули.

**Бошланрич синфларда синтаксис элементлари устида ишлаш методикаси**

Бошланрич синфларда синтаксис юзасидан бериладиган билимлар: 1)амалий урганиладиган; 2)назарий урганиладиган билимларга булинади. Синтаксисга оид билимларни амалий урганиш савод ургатиш давридаёк

бошланади ва туртинчи синфда ҳам давом эттирилади. Бошланрич синфда «Гап», «Дарак гап», «Сурок гап», «Буйрук гап», «Ҳис-қаяжон гап», «Содда гап», «Гап булаклари», «Гапнинг уюшик булаклари», «Ундалмали гаплар» мавзулари назарий урганилади. Бу мавзулар юзасидан турли машклар бажарилади.

Бошланғич синфларда она тили дарсларининг муҳим вазифаларидан бири фикрни ифодалашда гапдан онгли фойдаланиш куникмасини шакллантириш қисобланади.

Морфология ва лексика, фонетика ва орфография синтаксис асосида узлаштирилгани учун тилни урганишда гап устида ишлаш марказий урин эгаллайди. Гап нуткнинг асосий бирлиги булиб, бошланғич синф укувчилари от, сифат, сон, олмош, феъл, уларнинг муҳим категорияларининг тилимиздаги ролини гап асосида билиб оладилар. Укувчилар она тили лексикасини ҳам гап негизида эгаллайдилар. Сузнинг лексик маъноси ва унинг кулланиш хусусиятлари суз бирикмаси ёки гапда маълум булади.
Суз гапда бир маъноли булади (гапдан ташкари бир неча маъно ифодалаш мумкин).

Методист олима Т.Г.Рамзаева бошлангич синфларда гап устида ишлашни шартли равишда беш йуналишга булади:

1.Гап хакидаги грамматик тушунчани гаакллантириш {тил бирлиги булган гапнинг мух.им белгиларини ургатиш).

2.Гап структурасини ургатиш (суз бирикмасида сузларнидйг богланиши устида ишлаш, гапнинг грамматик асосини, бош «а иккинчи даражали булакларнинг хусусиятлари, ёпик ва *1литст* гаплар устида ишлаш).

3.Укувчиларнинг нуткида гапнинг максадга ва охангга Куря турларидан фойдаланиш куникмасини шакллантириш.

4.Гапда сузларни аник куллаш куникмасини устириш.

5.Ёзма нуткда гапни тугри тузиб ёзиш, (уни бош хдрф билаи» бошлаш, тиниш белгиларини куйиш) куникмасини шакллактириш.

Ишнинг бу беш йуналиши бир-бирига узаро таъсир этади ве гапнинг айрим томонларини урганиш максадидагина уларнинг қар бири мустакил муқокама килинади.

Гапни урганиш ва нуткда ундан фойдаланиш куникмасини шакллантириш укувчиларнинг аник билимларини доимий кенгайтириб, бойитиб боришга асосланади. Укувчи кандай янгиликни билса, унда бу янгилик заки/>я хабар бериш эхтиёжи тугилади. У уз фикрини ифодалаш учуч кулайрок шакл кидиради. Демак, алока килиш талабидак гаонй мукаммалрок эгаллаш зарурияти келиб чикади.

«Гап» мавзуси барча синфларда урганилади. Гапнинг белгилари хакидаги билимлар чукурлаштириб борилади Укувчилар фикр ифодаловчи нутк бирлиги - гап хаккдэги элементар тасаввурдан гапнинг бош ва иккинчи даражали булаклари, гапда сузларнинг бокланиши, гапнинг уюякқ булакларини урганишга утадилар.

Гап устида ишлашнинг бошлангич боскичи савод ургатнш даврига турри келади. Бу даврда укувчилар гапнинг мухим хусусиятлари (фикр ифодалаши, тугалланган оханг билан айтилиши) билан танишадилар. Гапнинг бу хусусиятларини билмасдан туриб, сузлардан гап тузиб булмайди. Агар укувчилар гапнинг бош булакларини ажрата олмасалар, гап нуткнинг яхлит бирлиги эканини билмайдилар. Эга ва кесим гапнинг курилиши ва мазмунининг асосини ташкил этади Шунинг учун хам савод ургатиш даврида гапнинг бош булаклари устида кузатиш утказиш маъкул.

Гапнинг бош булакларини кузатиш билан укувчилар уз фикрларини аник ифодалашга урганадилар, уларда нуткдан гапни ажратиш куникмаси шаклланади. Гапни урганиш меъёрига караб унинг таркибий кисмлари, хусусан суз бирикмаси хакидаги тасасаввур аникланади.

Бошлангач синфларда урганиладиган синтактик материал кам булса х,ам, бутун укув йили давомида, бошка мавзуларга сингдирилган ҳолда гап устида ишлаб борилади.

Дастурга кура 1-синфда укувчиларга гап хакида элементар тушунчалар берилади. Гап тугалланган фикр билдириши, гап сузлардан ташкил топиши, унинг охирига маълум тиниш белгилари куйилиши қакида амалий маълумотлар берилади.

2-синфда эса укувчилар гап қақида назарий тушунчалар оладилар. Улар гапдан шу гап ким ёки нима х,ак,ида айтилганини ва у хдкда нима дейилганини билдирган сузни ажратишга урганадилар. Аслида гапнинг грамматик асоси устида ишлаш мана шундан бошланади ва бу бош булакларни урганишга мукаддима булади.

3-синф гап устида ишлаш янги боскичдир. Укувчилар гапни амалий урганишдан тушунча сифатида урганишга утади. Улар гапнинг мухим белгиларни билиб оладилар. Бош ва иккинчи даражали булакларнинг таърифи, эга ва кесим терминлари киритилади.

Бу синфда гапда сузларнинг богланишига катта эътибор берилади. Укувчилар гапнинг асоси (эга ва кесим)ни ажратадилар, иккиичи даражали булакларни фарклайдилар ва гапдаги икки суз (қоким ва тобе суз)ни, сузларнинг грамматик жиқатдан, яъни кушимчалар оркали богланишни билиб оладилар.

4-синфда гапнинг уюшик булакларини урганиш билан гап булаклари қакидаги билим кенгайтирилади.

Шундай килиб, укувчиларда гап булаклари зқакидаги тасаввурни устириш гапни узлаштиришда етакчи қисобланади. Биринчидан, бошлангич синф укувчилари гап булакларини иккита катта гурузқга, (бош ва иккинчи даражали булаклар)га булинишини узлаштирадилар. Бу синфларда иккинчи даражали булаклар турларга ажратилмайди. Гапни узлаштириш учун бош ва иккинчи даражали булакларнинг моқияти очилади: бош булаклар гапнинг грамматик асосини ташкил килади, фикр, асосан гапнинг грамматик асоси оркали

ифодаланади; иккинчи даражали булаклар эса бош булакларнинг аникловчилик ва тулдирувчилик вазифасини бажаради.

Иккинчи даражали булакларнинг мозқиятини очиш учун укувчилар гапни тазқлил киладилар ва улар кайси гап булагига богланиб, уни изоқлаб келаётганини аниклайдилар. Иккинчи даражали булакларнинг хусусиятлари гапни ёйиш (йигик гапни ёйик гапга айлантириш) жараёнида яккол куринади. Масалан, укувчилар қалдиррочлар учиб келди гапини ёзадилар. Фикрни тулик ифодалаш учун гапга каерга? ва качон? сурокларига жавоб булган сузларни куйиш топширилади. Укувчилар бу вазифани бажариб, кайси гап булаги (иккинчи даражали булак) фикрни яна аникрок ифодалаганига ишонч эқосил киладилар.

Укувчиларда гапда сузларнинг богланишини аниклаш куникмасини шакллантириш мухим синтактик ва нуткий куникмалар каторига киради. Суз бирикмаси гап кисми сифатида ажратилади ва бошлангич синфларни унинг мухим белгилари идрок «қилинади. «Суз бирикмаси» атамаси дарсликларга киритилмаган, таърифи берилмайди. Аммо кичик ёшдаги укувчилар унинг куйидаги мухим белгиларини амалий билиб олишлари зарур:

1.Суз бирикмаси мазмун ва грамматик томондан богланган икки суз. Масалан, Дунё халклари тинчлик учун курашадилар гапида икки суз бирикмаси бор:
1)дунё халклари; 2)тинчлик учун курашадилар. 2.Суз бирикмасида бир суз хоким иккинчи суз тобе бқлади. ?қоким суздан тобе сузга сурок берилади, тобе суз шу сурокка жавоб булган суздир. Масалан, (кандай?) иктидорли укувчилар (каерга?) тугаракка аъзо булдилар. Эга ва кесим суз бирикмаси эмас, улар гапнинг асосини ташкил килади.

Гап таркибидаги суз бирикмаларни ажратиш куникмаси узок машк давомида шакллантириб борилади. Бунинг учун укувчиларнинг суз бирикмасидан бир сузнинг бошка сузга тобелигини тушунишга каратилган машклар тизимидан фойдаланилади.

1.Гапларни ёйиш. Бунинг учун гапнинг кайси булаги ёйишни талаб килишини аниклаш. Масалан, Дарахтлар гуллабди гапини тахлил килиш учун берилган эга ва кесим (гапнинг асоси) ажратилади, дарахтлар качон гуллашини айтиш учун гапга кандай сузни кушиш керак? Бу суз гапнинг кайси булаги булади? (Иккинчи даражали булак). У гапнинг кайси булагига богланади? (тобеланади?) (Кесимга богланади) 1қачон гуллайди? (апрелда гуллайди) Гапга эгани изохлайдиган яна битта суз куйинг. қандай гап хосил булди? (Мевали дарахтлар апрелда гуллайди).

2.Сузлар аралаш берилган гапни кайта тиклаш. Аввал гапнинг асослари (эга ва кесим) тикланади (аникланади), сунг суроклар ёрдамидаиккинчи даражали булаклар (суз бирикмалари) «топилади», тикланади. Масалан, Машинада теримчи, теради, пахтани.

-Гап ким хакида айтилган? (Теримчи хакида, Ким? теримчи)

У хакда нима дейилган? (Теради. Теримчи теради - бош булаклар).

-суроклар ёрдамида суз бирикмасини топинг. Нимани теради? (Пахтани теради) Нимада теради? (Машинада теради). Кейин гапда сузларнинг кулай тартиби аникланади. (Теримчи пахтани машинада теради). Гап охаши устида ишланади.

3.Узлуксиз (тиниш белгиларисиз) матндан гапларни ажратиш. Машкнинг бу тури онгли булиши учун хар биР гапнинг бош булакларини ва суз бирикмаларини ажратиш лозим.

4.Гапни тах.лил килиш ва шемани тузиш. Гап тахдил килинаётганда дастлаб унинг асоги ажратилади, кейин эгани изох.ловчи иккинчи даражали булак, кесимни изохловчи иккинчи даражали булак, бошка иккинчи даражали булакни изохловчи иккинчи даражали булак ажратилади. Шундай килиб, аста~секин суз бирикмалари аниклана боради.

5.Уқитувчи берган шема ёки суроклар асосида гап тузиш: хим? кимларни? нима килади? (Шифокор касалларни даволайди).

Суз бирикмаси икки йуналишда олиб борилади:

3) суз бирикмасига гап ичида гапнинг таркибий кисми сифатида каралади;

2) суз бирикмасига предметнинг ёйик номи сифатида қаралади, масалан, соат - суз, олтин соат, ккл соат, осма соат, электрон соат - сқз бирикмалари.

Куйида гапнинг бош булакларини урганиш мавзуси намуналини келтирамиз.

2- синф. МАВЗУ: **Гап** (гап асосини аниклаш).

**Дарснинг максади**: 1.Укувчиларда гап ким ёки нима х,акида айтилганини (эгани) ва у х,акда нима дейилганини билдирган сузни (кесимни) гапдан топиш куникмасини шакллантириш.

2. Нуткдан - гапни ажратиш куникмасини устириш.

3.Ўқувчиларни ўз фикрини аниқ, тушунарли ва равон ифодалашга ўргатиш.

**Дарснинг тури**. Янги билим берувчи дарс.

Дарснинг методи. Суҳбат , изланиш методи

<u>Дарснинг бориши.</u>

1.Уй вазифаси текширилади.

2. Гап мавзуси эсга туширилади.

Укувчилар диккатига куйидаги гаплар хавола килинади.

1. Укитувчи болаларни укитади. 2.Кузда хар хил мевалар пишади. З.Тикувчи кийимларни тикади. *4.* Укувчилар китобларни севиб укийдилар.

Матнда нечта гап берилган?

1.Гап нималардан ташкил топади?

2.Огзаки нуткда биз бир гапни иккинчисидан кандай ажратамиз?

3.Ёзувда гапни боши ва охири кандай белгиланади?

Укитувчи юкоридаги савол-жавобдан сунг, укувчилар жавобини умумлаштиради.

Демак, гап тугулланган мазмун билдиради. Гап охирига унинг мазмунига караб, нукта , сурок ва ундов белгиси куйилади. Гап сузлардан тузилиб, унинг биринчи сузи бош қарфи билан ёзилади.

З.Укитувчи укувчилар диккатини жадвалга каратади. ?қар бир гап куйидагича тахлил килинади:

-Биринчи гапда ким хасида айтилган?

-Укитувчи сузига савол беринг? (ким?) унинг тагига бир чизик чизамиз. (Укитувчи фломастир ёрдамида жадвалга чизади.);

-Укитувчи хакида нима дейилган?

-Укитади сузига савол беринг (нима килади?) Унинг тагига икки чизик чизамиз (укитувчи чизади).

—Иккинчи гап нима хасида айтилганлигини кайси суз билдиряпти? (Мевалар) - савол беринг (нималар?) тагига чизамиз.

-Мевалар хакида нима дейилган? (пишади) тагига чизилади.

Шу тарика кейинги гаплар хам тахлил килинади.

Шундан сунг укитувчи тагига чизилган сузлар гапнинг асосий мазмунини билдиришини, яна шундай сузлар иштирокисиз гап хосил булмаслигини, агар гапнинг асосини билдирувчи сузлардан лоакал биттаси хам гапда иштирок этмаса, гап мазмуни жихатдан якунланмай колиши ёки ноаниқ булиб қолиши тушунтирилади. Уни мисоллар билан курсатади.

Масалан, укувчилар мактабга борадилар гапида гапнинг асосларидан бири укувчилар сузи тушиб кллса, гапимиз ноани.қ булиб колади, укувчилар хакида нима дейилган суз тушиб колса (борадилар), гап мазмун ифодаламайди.

Дарсликдаги коида укитилади.

З.Дарслик билан ишлаш;

261-машк ёзма бажарилади.

қувчилар матнда нечта гап мавжудлигини, гапнинг грамматик асосларини укитувчи ёрдамида топадилар ва уларнинг тагига чизадилар.

262-машк юкоридаги машк асосида укувчилар томонидан мустакил бажарилади. (Бунда укувчилар ушбу машкни махсус мустакил иш дафтарларига ёзиб укитувчига топширадилар.

4.Жадвал асосида огзаки машк.

| | |
|---|---|
| Ким? | беморларни даволайди. |
| Нима? | сичконларни тутади. |
| Нима? | юк ташийди. |

Укитувчи доскага куйиш учун керакли булган сузларнинг расмларини куяди (шифокор, мушук, туя).
Укувчилар таянч сузлар ёрдамида гапларни укийдилар ва гаплар оғзаки тахлил килинади.

5.Тахминий тайёргарлик куриб борланишли гап тузиб ва уни ёзиш.

Видео орқали «Богбонларга ёрдам» лавқалари курсатилиб, хикоя ёзиш топширилади. Гап тузишда қар бир сузни такрорий кшлатишнинг олдини олиш учун маъноси якин сузлардан фойдаланиш тушунтирилади, масалан, болалар, кизлар, укувчилар, уртоклар. Бу сузлар доскага катта харф билан ёзилади.

б.Уйга вазива 263-машк. Укитувчи уйга вазифани каидай бажаришни тушунтириб беради. Укитувчи тавсия килган мавзу («Пахта теримида», «Оила даврвсида», «Онамга ёрдам» каби) юзасидан иккита гап тузадилар. Унинг грамматик асосларини топадилар.

**Бошлангач синф укувчиларини тиниш белиларининг ишлатилиши билан таништириш**

Маълумки, пунктуастия тиниш белгиларини ишлатилиши хакидаги коидалар йиғиндиси. «Пунктуастия хам ёзув каби, кишилар орасидаги алоканинг мухим воситаларидан бири саналади». Бошлангич синфларда туртта тиниш белги: гап охирида нукта, сурок белгиси, ундов белгиси хамда уюшиқ булакли гапларда вергулнинг ишлатилиши хакидаги коидалар ургатилади. Бошланрич синфларда ургатиладиган тиниш белгилари кам булишига карамай, укитувчи хар бир синфда пунктуастия устида мунтазам иш олиб бориши зарур, чунки тиниш белгилари фикрни аниқ ва тез укиб олишга хамда узгаларга уктиришга ёрдам беради».

Кичик ёнидаги укувчиларни тиниш белгилари билан таништиришда укитувчи, аввало, уларнинг ёзма тугри, бошкаларга тушунарли килиб ифодалаш учун мухим эканини гушунтиради.

Масалан, нуктанининг роли билан элементар тарзда таништириш учун гапларга ажратилмагаи яхлит матн iксттилади; укувчилар бундай матнни укиш ва мазмунига тушукиш кийии эканлигига ишонч хосил киладилар.

Пунктуастия семантик, синтактик ва интонастион коидага асосланади. Бу уч асос бир-бирига узаро таъсир этади. Хат ёзувчи тиниш белгисини куйишда, аввало, баён этадиган фикрининг мазмунига асосланади.

1-синф укувчиларига савод ургатиш давридаёк нукта, сурок белгиси ва ундов белгиси билан амалий таништирилади. Болалар Зали «Алифбе» укимасалар хам, расмга караб гап тузвдилар. .

Укитувчи уларга талаффузда бир гап бошкасидан тухтам (пауза) билан ажратилишини, гапнинг охирида пасайишини тушунтиради.

Болалар, укитувчи топширигига кура, 3-5 гапли кичик матнни гапларга ажратадилар ва улар уртасидаги тухтам (пауза) килиш хикоя мазмунини яхши тушунишга ёрдам беришига ишонч хосил киладилар. Улар гапни тутри талаффуз килишини ургана бошлайдилар. Бу гап охирига нукта куйилиши билан таништириш учун мазмуний ва интонастион асос яратади. Болаларни гапни укишга олдиндан тайёрлаш учун график шемадан фойдаланилади.
Масалан, болалар гап тузадилар, ундаги сузларни санайдилар ва укитувчи рахбарлигида чизикча билан белгилайдилар: Биз эртакни севами (_______ . ______ _______.) Яна бошка гап тузиб, уни хам чизикча билан белгилайдилар: 1 Қовун пишди . (ъ________ __________.) Укитувчи куйидаги мазмунда тушунтиради: Огзаки нуткда бир гапни иккинчисидан пауза билан ажратамиз. (Ҳар бир гапни талаффуз килиб курсатади).

Китобларда, газеталарда гапнинг тагаганини, овозни пасайтириш ва пауза килиш кераклигини курсатиш учун алохида белги - нукта ишлатилади.

Бир неча дарсдан сунг укувчилар гапларни укий бошлайдилар. Улар нукта пасайтириш, пауза килишга белги эканини тушунадилар. Кесма харфлардан гап тузишда албатта нуктали карточкадан фойдаланилади. Укувчилар гапни ёзганда, укитувчи нукта куйишни эслатади, ишни текширади. Гапнинг охирига нукта куйилмаса, хато хисобланади. Укувчилар укитувчи ёрдамида нима учун нукта куйиш лозимлигини тушунтирадилар. Шундай йул билан гапнинг охирига нукта куйиш куникмаси шакллантирилади.

Сурок ва ундов белгилари билан хам савод ургатиш даврида таништирилади. Болалар сураш мазмунини билдирган гапларни укийдилар. Укувчилар бундай гапларни охангга риоя килган қолда, яъни гапнинг охирида овозни кутариш билан укишга ургатилади.

Гапнинг мазмуни ва оханги сурок белгисини куйишни талаб этади.

Ундов белгисини куйишни укувчилар гапнинг хис-қаяжон ифодалаши ва алохида охангда укилиши билан боглайдилар.

Укувчилар 2- синфда «Гап» булими мавзуларини урганиш жараёнида нукта, сурок белгиси ва ундов белгиси хакида назарий тушунчалар оладилар.

3- синфда эса тиниш белгилари хакидаги назарий тушунчалар чукурлаштирилади. Шу вактдан бошлаб улар укувчилар гап охирига тиниш белгилари синтактик асосда куйилишини англай бошлайдилар.

«Дарак гап» мавзусини урганиш билан боглик холда нукта куйилиши, «Сурок гап» мавзуси билан бог-лик холда сурок белгиси
ва «Ундов гап» мавзусини урганиш билан боглик холда ундов белгисининг куйилиши ургатилади.

4-синфда укувчилар «Гапнинг уюгаик булаклари» мавзуси урганилганда санаш оханги билан богланган булакларда вергулнинг вазифаси билан танишадилар.Укитувчи икки гапни укиб таккослаш билан нукта ва вергулда охангнинг кандай берилишини курсатади. Масалан, Биз она тилимизни севиб урганамиз.- Мен, Раъно, Алишер бошқа тилларни ҳам севиб ўрганяпмиз.

Укувчилар уюшиқ бўлакли гап таркибидаги уюшиқ бўлакларнинг аммо, лекин, бироқ, ва сўзлари билан боғланганда вергулнинг ишлатилишини ҳам амалий ўрганадилар.

(Гап охирида овоз пасаяди. Пауза килинади.) Тоза, тиник., кумуш сув ором берар барчага (Тоза, тиник сузларидан сқнг овоз бир оз пасаяди, хабарнинг давом этиши сезилади}.

Бошлангич синфларда укувчилар хар хил машкларни ишлаш оркали тире ва икки нуктанинг ишлатилиши билан амалий танишадилар. Савод ургатиш давридаёк укитувчи укувчилар эътиборини вергул, тире, икки нуктанинг ишлатилишига каратади, матнни укшанда бу тиниш белгиларига риоя килишни ургатади. Масалан, олма, олча, нон - мева. Китоб - билим булоги, қкувчининг уртори.

Она тили дарсларида сузларни гурухлаш машкларини бажарганда, укитувчи X синф укувчиларини тире ва икки нуктанинг куйилиши билан амалий таништиради. Укитувчи аник мисоллар билан санаб курсатилган сузлардан олдин икки нукта куйилишини хар бир сузнинг вергул билан ажратилишини курсатади. Бунда укувчилар тиниш белгининг номини айтадилар, укитувчи эслатмаса хам, улардан аста-секин фойдалана бошлайдилар. Матнни ёзишдан олдин пунктуастион хатонинг хам олди олинади. Шундай килиб, укитувчи укувчиларда пунктуастион зийракликни устириб боради.

Укувчиларга пунктуастион коидаларнинг тула сингдириш, уларни тиниш белгиларини уз қрнида онгли ишлатишга ургатиш максадида синтактик-пунктуастион тахлил, тиниш белгиларн тушириб берилган матннинг тегишли тиниш белгиларини ккйиш, таъкидий эслатиш диктанти, баён ва иншода тиник белгиларининг ишлатилишини изохлаш каби машклардан фойдаланилади.

Она тили дарсларини укиш дарслари билан боғлаш синтаксис ва пунктуастия елементлари устида ишлашнинг методик шартларидан бири хисобланади. Укувчилар бу дарсларда синтаксис сох,адши

билимларига асосланган холда ифодали укиш, сузни аник ишдатиш, уз фикрларини грамматик турри шакллантиришга урганадилар. Шундай килиб, бошлангич синф укувчиларининг гап хакидаги элементар билимлари огзаки ва ёзма нутқда гапдан онгли фойдаланишни таъминлайди.

**Текшириш учун савол ва топшириклар**.

1.Кичик ёшдаги уқувчилар учун синтактик билимларни узлаштиришнинг ақамиятини тушунтиринг.

2.Бошлангич синфларда «Гап» мавзуси материалларини урганишдаги изчилликни асосланг.

3.Укувчиларнинг гапнинг бош булаклари - эга ва кесим билан кандай таништирасиз? Дарсда кандай кургазмалардаг: фойдаланасиз? Шу мавзу урганиладиган даре фрагментини тузинг.

4.Бошлангич синф укувчилари гапда сқзларн»унг богланишини узлаштиришда қандай кийинчиликларга дуч келадилар?

5.«Бошланғич таълим» журналида гап устида ишлашга доир маколаларга аннотастия ёзинг.

**Орфография укитиш методикаси**.

Укитувчи орфографии малаканинг психологик табиатидан келиб чикиб, кичик ёшдаги ук,увчиларда имлога оид малакани шакллантириш устида ишлаш методикасини белгилайди.

Орфографик малака махсус нутк малакасидир. Турри ёзув ~ махсус нутк фаолияти; ёзувнинг қар бир акти мураккаб харакат булиб, унинг асосида нутк ётади. Орфографик малака нутк фаолиятининг компоненти сифатида гапни синтактик томондан тугри тузиш, сузни услубий аник куллашни зқам уз ичига олади.

[1] Орфографик малака мураккаб малака булиб, узок давом этадиган машклар жараёнида яратилади ва сузни фонетик томондан тахлил килиш, унинг морфемик такибини аниклаш куникмаси кабиларга асосланади. Психология малакани автоматик харакат, яъни машклар натижасида аста-секин автоматлашган онгли харакат деб белгилайди. Автоматлашиш урганилган орфографик коиданинг осон-кийинлигига боглик. Орфографик малака уз табиати билан автоматик х,исобланмайди. Малака асосига куйилган куникма мустах,камланади, такомиллашади, яхшиланади (харакат тезлашади, аник-тугри була бошлайди, ишонарли ва тежамли бажарилади); шунинг билан бирга, фаолиятнинг структураси кайта курилади: майда бирлик билан ишлаш кенгрок, бутун, кушилган бирликлар билан ишлашга утади (масалан, сузни харфлаб кучириш, букинлаб кучириш билан, кейин сузни яхлит кучириш билан, сунгра у гапни кучириш билан алмашади.) Бир имло малакаси автоматлашади, имлога оид бошка ходиса урганилади ва аста-секин сузни тугри ёзиш малакаси зқосил булади. Умуман олганда, ёзув мураккаб х,аракат сифатида онгли жараёнлигича колади.

Турли ёзув малакасининг шаклланиши учун укувчидан фикрлаш фаолияти талаб этилади. Бирор тугри ёзув х,одисасини узлаштириш учун унув ва ёдда саклашгина эмас, балки анализ ва синтез зқам тадбикқ этилади. Бунда грамматик ва орфографик зқодисаларнинг ухшаш ва фаркли томонларини аниклаш учун таққослаш усулидан фойдаланиш х,амда суз ва суз шаклларини маълум грамматик ёки график гурузқларга ажратиш, муайян системага солиш, тушунтириш ва исботлаш машкларидан фойдаланиш музртм роль уйнайди.

Шундай килиб, орфографияни ургатишда, грамматикани ургатиш каби, укувчиларнинг аналитик—синтетик фаолиятини а ста такомиллаштира бориш талаб этилади.

**Имло қоидаси устида ишлаш методикаси**

Укувчиларда тугри ёзув малакасини шакллантириш грамматик назарияни ва имло коидасини узлаштиришга асосланади. Имло коидалари бир сузнигина эмас, балки умумийлик мавжуд булган бутун сузлар гурузқининг ёзилишини тартибга солади. Бу хусусияти билан у коида хат ёзувчини хар бир сузни ёдда саклаш, хотирлашдан куткаради ва коидага амал килиб, белгиланган коидага мувофик. бутун сузлар гуруқини ёзиш имконини яратади.

Имло коидаси грамматик умумийлик асосида бирлашган сузларнинг ёзилишини бир хиллаштиради. Бу ёзма равишдаги алокани енгиллаштиради ва имло коидаларининг ижтимоий азқамиятини таъкидлайди.

Имло коидаларини грамматик, фонетик, суз ясалишига оид материалларни маълум даражада билмасдан туриб узлаштириш мумкин эмас. Грамматик иазария имло коидалари учун пойдевор хисобланади. Шунинг учун бошлангич синфларда имло коидаси шу коидага асос буладиган грамматик назарияга бог-лик хқлда урганилади. Масалан, шакл ясовчи кушимчаларнинг ёзилиши хакидаги коидалар «От», «Сифат», «Сон», «Кишилик олмошлари», «Феъл» мавзулари ичига киритилган. Материалнинг бундай жойлаштирилиши грамматика билан орфографияни бир-бирига боглик қолда урганишни таъминлайди.

Имло коидаси бевосита грамматик назария элементларидан сунг урганилади. Масалан, отларнинг келишиклар билан турланиши урганилгач, келишик кушимчаларининг ёзилиши хакидаги куникма шакллантирилади. «Сифат» мавзусини урганиш -рок кушимчасининг ва кип-кизил, юм-юмалок каби сифатларнинг ёзилишига, «Феъл» мавзусини урганиш булишсизлик (~ма) ва утган замон (-ди) кушимчаларининг ёзилишига замин яратади. Имло коидаларини ургатишга бундай ёндашиш бошлангич синфларда барча орфографик материалларни урганишда типик қисобланади,

Имло коидалари устида ишлаш - мураккаб жараён, коиданинг моқиятини очиш, укувчиларнинг коида ифодасини урганиб олишлари, коидани ёзув тажрибасига тадбик этиш униг асосий компонентлари қисобланади.

1қоида моқиятини очиш коида сузнинг кайси кисмини, кайси суз туркуми ёки грамматик шаклни ёзишни бошкаришини, бунда кайси белгиларетакчи эканини тушунтириш демакдир. Уқувчиларни коида билан таништириш учун материал танлашда укитувчи бу етакчи белгиларни албатта қисобга олади. Масалан, охири юмшатиш белгиси (ь) билан тугаган сузларга кушимча кушилганда, юмшатиш белгиси ёзимаслиги закидаги коиданинг (2-синф) моқиятини очишда укувчилар охири юмшатиш белгиси билан тугаган суз айтадилар, кейин укитувчи рақбарлигида шу суз билан гап тузадилар. Укитувчи доскага ёзиб боради: лагерь, рояль. Мен лагерда булдим. Юлдуз роялни яхши чалади. Лагерь -лагерда, рояль - роялни сузларини таккослайдилар; лагерда ва роялни сузларини таркибига кура тахлил киладилар ва лагерь, рояль - узак, -да ва -ни кушимча эканини айтадилар. Укитувчи укувчиларга бу сузларга кушимча кушилганда, кандай узгариш руй берганини уйлаб куришни топширади. Муаммоли вазият яратилади. Укувчилар бундай вазиятни 1-синфда хам кузатганлар, шунинг учун фахмлаб айтиб беришлари мумкин. Сухбат хулосаланади.

Кқоида ифодаси устида дарслик буйича ишланади. Бунда укувчиларнинг коида структурасини англаб етишлари ахамиятлидир. Шунинг учун дарсликдаги коида кисмларга булинади. (Аслида укувчилар бу вазифани маиҳ жараёнидаёк бажариб куядилар.) Укувчилар урганилган коида! а мисол айтиш ва хилма-хил машкларни бажариш йули билан уни янги тил материалига, яъни ёзув тажрибасига тадбик этадилар.

Қоида устида ишлаш методикаги шу коиданинг характерига қараб танланади. Масалан, булишсизлик кушимчаси (~ма) нинг ёзилишини дедуктив йул билан ургатиш мумкин. Жуналиш келишиги кушимчаси (-га) нинг охири -к билан тугаган отларга -ка, -*к* билан тугаган отларга -ка шаклида кушилиши хасида қомданм индукгив йул билан тушунтириш максадга мувофик.

Укувчилар коидадаги асосий фикрни ажратишга ёрдам берадиган вазифаларни бажарсалар, уни узлаштириш хийла кулай булади. Чунки болалар анист материал билан ишлайдилар ва уни тахлил қилнш вақтида стоиданинг мухим томнларини ажратадилар, қоидани онгли узлаштирадилар. Ниманидир, масалан, сузларнинг талаффузи ва ёзилишини, суз туркумларини, сўз қисмларини бир-бирига таққослаш уқувчиларнинг астлий активлигини оширади. Бунда яна қоиданинг ажратилган белгисини аниқ ёзиб курсатиш хам ахамиятли хисобланади. қоидада акс эттирилган муқим фикрни ажратишга уқитувчининг саволлари ёрдам беради. Бу саволлар, ўз навбатида, қоидани шакллантириш режаси хам қисобланади.

Қоида устида коллектив ишлаш билан бирга дарсликдан фойдаланиб, мустакил ишлаш усулини куллаш хам мумкин.

Янги қоидани узлаштиришда урганилган билимларга суянилади. Бунинг учун янги к,оида илгари урганилган коидалар билан богланади. Бунда қарши куйиш ёки таккослаш усулидан фойдаланилади ва ухшаш томонлари аникланади. Маслан, тушум келишиги кушимчасининг ёзилишини узлаштиришда у илгари урганилган караткич келишиги кушимчасининг ёзилиши билан тасткосланади ва тушум келишиги кушимчаси отнинг феъл томонидан бошкарилишини билдириши аникланади. Қоидани билиб олиш укувчиларда у хакдаги аниқ тасаввурнинг мавжудлигига боглик. қоида асосида хосил бқлган аник тасаввур сузларда ифодаланади. Шунинг учун укувчилардан коидани курук ёдлаб бериш талаб этилмаслиги, балки сқзни тутри ёзишдаги хусусиятлар аник материал мисолида кайта тушунтирилиши лозим.

**Орфографик машқлар**

Орфографик малака онгли нутк фаолиятининг автоматлашган компонентидир. Фаолият автоматлашиши учун узок вакт давомида максадга каратилган машклар бажариб борилади. Орфографик машклар орфографик зийраклик куникмасини шакллантиришга, тегишли уринда коидани тадбик килишга, машкларнинг кисмлари уртасидаги борланишни белгилаш, уларни умумик ва ягона фаолият системасига киритишга, ўқувчилар учун қоиданинг моҳиятини аниқлаш ва уни шакллантиришга қаратилади. Қоидани татбиқ қилиш давридагина унинг мазмуни чуқурроқ ўзлаштирилади. Методикада орфографик машқларга: 1) грамматик-орфографик таҳлил; кўчириб ёзув: 3) диктантлар; 4) лексик-грамматик таҳлил; 5) баёнлар киради. Грамматик-орфографик ва лексик-орфографик таҳлилда орфографиянинг грамматика ва лексика билан боғланиши, кўчириб ёзув ва диктантда ўқувчилар фаолиятини белгилайдиган омиллар, хусусан, кўчириб ёзувда кўрув ва қўл ҳаракати уқуви, диктантда эшитув уқуви ҳисобга олинади.

Кўчириб ёзув кўриб идрок қилинган сўз, гап ва матнни ёзма шаклда беришдир. Бошланғич синфларда хуснихат ва имло қоидаларига риоя қилиб,тузатишларга йўл қўймас,тартибли, ҳарфларни тушириб қолдирмай,ўрнини алмаштирмай, тиниш белгиларини тўғри қўллаб кўчириб ёзув кўникмаси шакллантирилиши керак. Ўқувчиларда бу кўникмани ҳосил қилиш мақсадида ўқитувчи алифбе давридан бошлаб уларга кўчириб ёзувни изчиллик билан ўргатиб боради.

Ўқувчиларда кўчириб ёзув кўникмасини шакллантиришга оид асосий қоидаларга қуйидагилар киради: 1. Кўчириб ёзишдан олдин кўчириб ёзадиганингни яхлит ўқиб чиқ. 2. Ҳар бир гапдаги сўзларни бўғинларга ажрат ва ичда бўғинлаб айт. 3. Кўчириб ёзганингни аслига солиштир ва хатоларингни тўғрила.

Кўчириб ёзув учун сўз, алоҳида гап ва кичик матнлардан фойдаланилади.

Ўқитувчининг қўйган мақ садига боғлиқ ҳолда кўчириб ёзишдан олдин унга тайёргарлик кўрилади; бунда имлоси қийин сўзларни изоҳлаб ўқиш, сўзнинг нима учун шундай ёзилишини асослаш,ўрганилган қоида асосида ёзиладиган сўзларни аниқлаш каби машқлардан фойдаланилади. Бу кўникма қайдаражада шаклланганлигни аниқлаш мақсадида контрол (текширув) кўчириб ёзув ўтказилади.

Кўчириб ёзув машқлари грамматик, лексик ёки сўз ясалишига оид вазифаларни бажариш билан бирга олиб борилади. Бу имло қоидасини татбиқ этишни яхши билиб олиш имконини беради. Чунки вазифанинг характери орфографик малакани шакллантиришга назарий асос бўладиган грамматик, фонетик билимларни активлаштиришни талаб этади. Булардан ташқари, комплекс машқлар орфография билан биргаликда нутқ ўстириш вазифаларини ҳам бажариш имконини беради. Комплекс машқларга мисоллар:

1. Кўчириш. Ўзакдош сўзларни аниқлаб, ўзакни ажратиш.
2. Тушириб қолдирилган қўшимчаларни қўйиб кўчириш, қандай қўшимча эканини айтиш; ёзилишини тушунтириш.
3. Матн мазмунига мос сўзни қавс ичида берилган сўзлардан топиб қўйиб кўчириш. Шу сўз қайси сўз туркумига оид эканини, унинг ёзиишини тушунтириш.
4. Аралаш берилган сўзлардан гап тузи шва ёзиш.
5. Тартибсиз берилган гаплардан боғланишли матн тузиш.
6. Танлаб кўчириш. (Берилган гаплардан ёки матнданмуайян бир сўз туркумини; от ва феълдан ё от ва от, сифат ва отдан тузилган сўз бирикмаларини кўчириш.)

Диктант эшитиб идрок қилинган сўз, гап, матнни ёзишдир. Ўқувичларнинг оғзаки ёзма нутқини ўстиришда, саводхонлигини оширишда диктантнинг аҳамияти катта. Ўқувчи диктант ёзиш жараёнида хато қилмасликка ҳаракат қилади. Хато қилмаслик уларнинг фонетик, лексик ва грамматик билимларни қай даражада ўзлаштирганликларига боғлиқ бўлади. Имло қоидалари грамматик ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Демак, саводли диктант ёзиш учун ўз навбатида грамматик қоидаларни ҳам билиш зарур.

Бошланғич синфларда диктант учун матн танлашда бир қанча тамойилларга риоя қилиш зарур:

1.Матннинг монологик нутқ шаклида бўлиши. Унда кўчирма гаплар, ундалмали, кириш сўли, ажратилган бўлакли гаплар қўшма гап бўлмаслиги лозим.

2. Матн ҳажми1-4- синф ўқувчиларининг ўқиш сурътига асосланган бўлиши.

3. Матн мазмуни болалар ҳаёти билан боғлиқ бўлиши.

4. Ўқувчиларга у ёки бу ҳақда билим бериши.

5. Танланган матн ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бўлиши, болалар ҳиссиётига таъсир ўтказиши.

6. Матн тарбияловчи характерда бўлиши.

7.Матнда ўрганилаётган ҳодиса камида 5-6 марта учраши.

Диктантлар мақсадига кўра икки хил бўлади:

1.Таълимий диктантлар – билим беришга йўналтирилган диктантлар.

2. Текширув диктант – ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга қаратилган диктантлар.

Таълимий диктантларни ўтказиш вақтини, ўрнини, турини ўқитувчининг ўзи белгилайди. Таълимий диктантлар учун дарснин маълум бир қисми ( 5-10 дақиқаси), баъзан бир дарс ажратилади. Бу диктант ўқувчиларининг билими мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Таълимий диктантда ўқитувчи ўқувчиларга ўргатилаётган ҳодисанинг имлосини бир неча таҳлил усулларидан фойдаланиб тушунтиради, сўзларни тўғри ёзишларига ишонч ҳосил қилгач, уни ёзишга рухсат берилади. Ҳар қандай йўл билан хатонинг олдини олиш чораси кўрилади. Масалан, 1- синфда а ва о унлилари ўрганилаётган дарсда бўғин-товуш, товуш-ҳарф таҳлили ўтказилади. **Баҳо, баҳор** сўзларининг биринчи бўғинида а ҳарфи ёзилишини ўқувчилар билиб олгач, ўқувчилардан бири шу сўз доскага ёздирилади. Сўнг сўз ўчириб ташланади. Ундан кейин айтиб туриб ёздирилади.

Таълимий диктантлар ташкил эти шва бажарилиш усулига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Таъкидий диктант.
2. Ўз диктант ёки ёддан ёзув диктанти.
3. Изоҳли диктант.
4. Сайланма диктант
5. Эркин диктант
6. Расм диктант
7. Луғат диктант
8. Ижодий диктант
9. Шулардан сайланма, эркин ва ижодий диктантларда матн маълум ўзгаришлар билан ёзилади.

Текширув диктантида яқинда ёки илгари ўрганилиб, машқлар билан мустаҳкамланган қоидаларни ўқувчилар қай даражада ўзлаштирганликлари аниқланади. Текширув диктанти бирор бўлим ўрганилгандан сўнг ёки чорак охирида ўтказилади. Текширув диктанти ўқув йили давомида 5-6 марта ўтказилади. Диктантнинг бу турида йўл қўйилган хатолар чуқур таҳлил қилинади, уларни бартараф қилиш усуллари белгиланади. Шу жиҳатдан текширув диктантининг таълимий аҳамияти катта. Орфографик машқ сифатида диктантнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади.

**Изоҳли диктант**. Изоҳли диктант ўқувчиларнинг қобилиятига қараб икки хил ўтказилади. Ўқувчи, одатда, ўқитувчининг кўсатмаси билан маълум сўзнинг ёзилишини диктант ёзишдан олдин ёки кейин изоҳлайди. Сўзнинг ёзилишини бўғин-товуш, товуш-ҳарф томондан таҳлил қилади, унга қоидаги татбиқ этади. Масалан, қитоб – билим манбаи, Китоб: Ки- тоб. Икки бўғин. Биринчи бўғинида к,и; иккинчи бўғинида т,о,б товушлари бор. Охирги б товуши п товуши тарзида талаффуз қилинади. Унда б ёки п товушини ифодаловчи ҳарфнинг ёзилишини текшириб аниқлаймтз. Бунинг учун сўз охирига и товушини қўшамиз ва айтамиз.: китоби. Б товуши ёзилар экан каби изоҳланади.

Бу диктантда ўқувчилар қоидаларга оид сўзларнинг тагига чизадилар.

**Таъкидий диктант.** Бу диктантдан қоидани татбиқ этиш усулларини яхши билиб олиш мақсадида фойдаланилади, Матнни ёзишдан олдин, уни ёзиш жараёнида, изоҳли ёзувдаги каби, ўқувчилар сўзни қандай ёзишни ва нима учун шундай ёзилишини тушунтирадилар.

**Ўз диктант ёки ёддан ёзувда** ўрганилган орфографик қоида асосида ёзиладиган сўзлар бўлган матнни ўқувчилар ўзлари ўқиб ёдлайдилар (кўриб идрок қиладилар) ёки ўқитувчи раҳбарлигида эшитиб ёдлайдилар (идрок қиладилар).

**Сайланма диктантда** ўқувчилар диктовка қилинган гаплар ёки матннинг ҳаммасини ёзмайдилар. Унинг ўқитувчининг топшириғига мос қисминигина ) ўрганилган қоида асосида ёзиладиган сўзларни, сўз бирикмаларини) ёзадилар. Масалан, бош ҳарф билан ёзиладиган сўзларнигина ёзиш (1- синф), қаратқич келишигидаги сўзни у боғланган от билан ёки тушум келишигидаги сўзни у боғланган феъл билан бирга ёзиш ( 4- синф) каби. Сайланма диктант ўқувчиларда орфографик зийракликни ўстиради.

Эр**кин диктант.** Бу диктантда уларга мазмунни бузмай, гап тузилишини узгартириш, бир сузни унга якин маъноли сўз билан алмаштириш эркинлиги берилади. Диктант учун 3-5 қисмли матн танланади. Ўқитувчи аввал матнни бир марта ифодали ўқиб беради. Матн мазмуни юзасидан суҳбат ўтказади. Айрим қоидаларни эслатади. Кейин матннинг бир қисми қайта ўқиб берилади, ўқувчилар унинг мазмуни ёзадилар.

Эркин диктант имло коидаларини мустахкамлашга хизмат килиши билан бирга, укувчилар нуткини устиради, фикрлаш кобилиятини ривожлантиради.

**Расм диктант** предмет расмини ёки узини курсагиб утказилади: предмет расми курсатилади, укувчилар унинг номини айтадилар ва ёзиб вергул куядилар, иш шундай давом этади. (Биринчи суз бош харф билан, к,олганлари коидага кўра ёзилиши эслатилади.) Расм диктантда урганилган коидани, айникса, укув йили давомида урганиладиган имлоси кийин сузларни тўғри ёзишни пухталаш, шунингдек, уларни укувчилар к.андай узлаштирганликларини синаш максади кузда тутилади.

**Текширув ёки контрол диктант** якинда урганилган ва илгари урганилиб, машклар билан мустақкамланган коидаларни укувчилар кайдаражада узлаштирганлигини аниклаш максадида утказилади. Аввал матн бир марта укиб берилади, кейин гаплар, агар гап 5-6 сузли булса, 2-3 сқз диктовка килиб ёздирилади.

Укитувчи дарснинг максади ва малакаии шакллантириш устида ишлаш боскичини қисобга олган қолда, диктантнинг барча турларидан изчиллик билан фойдаланади.

Баён укувчиларнинг луратини бойитиш, богланишли нуткини устиришга каратилган орфографик машк турларидан бири қисобланади. Баён орфографик мавзуларни қрганишнинг якунловчи боскичида, укувчилар коидаларни билиб олиб, уни тадбик килишга урганганларидан сунг утказилади. Баён ёзганда урганилган орфографик коидаларни тўтри тадбик этиш уларни онгли узлаштирилганини кўрсатади.

Текшириш учун савол ва топшириклар.

1.Имло коидаларининг ақамиятини изохланг.

2,Имло коидаси устида ишлаш жараёнининг асосий компонентларини аник мисоллар билан тушунтиринг.

3.Имло коидасини ургатиш жараёнида укувчиларнинг аклий фаолиятини таъминлаш учун каидай усуллардан фойдаланасиз?

4.Имловий малакани шакллантиришда машкларнинг ақамиятини тушунтириб беринг.

## Она тилидан билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш

Билимларии узлаштиришда дидактик та л абл ар дан бири би-лимларни **уқувчнлар** қандай ўзлаштирганини мунтазам тскшириб ва баҳолаб **бориш** ҳисобланади.

Тскшириш ук.увчиларнинг билим сифатларини, шакллантирилган малакалардан канчалик фойдаланишини аниқлашни таъминлайдн. Бу, ўз навбатида, уқувчиларнинг янги материални ўрганишга тайёрлигини аниқлаш, шунингдек, қўллланилган метод ва усулларнинг самарадорлигини баҳолашга, иш мстодларига айрим узгартишлар киритишга имкон бсради. Текшириш ўқувчилар учун, биринчидан, тўғри шакллантирилган билиларни мустакамлашга хизмат қилади, иккинчидаи, иш сифатини яхшилайди, уз-узини текширишни ўстиради.

Мактаб тажрибасида текшириш огзакн ва озма шаклда амал-га оширилади; билимларни кундалпк тематик ва якуний тскшириш татбиқ этилади.

Бошлангич синфларда она тилидан билим, куникма, малакалар огзакн ва ёзма тскширилса-да, бир умумий баҳо куйилади. Бунда уқувчиларнинг грамматик аниқлик, имло қоидаларини билишлари, сузни ва гапни тахлил қила олишлари, билимни сзма нуткка (диктант, баси, иншога) татбик, эта олишлари хисобга олинади. Уқувчилар сзма ишларни қандай бажарганликлари мунтазам тскшириб борилади. Уқитувчи X синфда уқувчиларнинг барча сзма ишлари (уй ва синф ишлари) ни тскширади. Бошқа синфларда янги мавзу урганилган даврдаги ёзма ишларни текширадн, бошқа вактда танлаб тскширади,

Она тилидан ёзма текшириш учун асосан диктант, басн, иншо, шунингдек, грамматик, суз ясашга оид, лексик ва имлога оид топширикларни бажариш, контрол кучириб ёзувдан фойдаланилади. Якунловчи текшириш учун чоракда бир марта контрол иш утказилади: X синфда укув йили давомида уч марта топширикли контрол диктант; XX ва XXX синфларда турт марта топшириқли контрол диктант, турт марта баён утказилади. Булардан

[1] Диктантнинг айрим турларигина жуда қисқа изохлаб бсрилди, 1. Қ а р а н г: Қ. А д у л л а е в а , Юсупов М., Диктантлар тупламн, «Ўкитувчи», Тошкент 1978, 4—22- бетлар.

ташкари, ўкув йили давомнда бир нсча мартадан диктант, грамматик топширикли ёзма иш, басн ва иншо утказилади. Текшириш ишларининг хажми қуйидагича:

| | 1- синф | 2-синф | 3- синф | 4- синф |
|---|---|---|---|---|
| Назорат диктант<br>Ўқув йилининг I ярмида | | 25-30 | 40-45 | 55-70 |
| II ярмида | 15-20 | 35-40 | 45-50 | 75-80 |
| Баён | | 45-60 | 70-80 | 100-110 |

Контрол диктант, грамматик топширик,, басн ва иншо учун бахо меъёри бошлангич синфлар она тили дастурида аник, бсрилган. [1]

## Она тили дарслари

**Дарснинг умумий таснифи**. Мактабда дарс укув-тарбия жараё-нини ташкил қилишнинг асосий шакли хисобланади. Шундай экан, она тили укитишнинг самралилиги дарснинг сифатига бевосита боғлиқ.

Дарсга куиилган умумдидактик талаблар педагогик адабист-ларда кснг ёритилган. Уларни она тили ургатишга татбик. килиб, методик аникликлар киритилса, она тили дарсларига қуйилган талаблар куиидагича булади:

I. Янги билим бериш, уларни нутқ практикасига татбиқ эти шва ўқувчиларни тарбиялаш бир бутун жараёндир. Дарсда уқувчиларнинг укув фаолиятини ташкил этишга, фойдаланиладиган тил материалининг ғоявий-сиёсий, эстетик ва бадиий қимматли булишига, тилни урганиш жараёнида болаларда дунёқараш элсментларини шакллантиришга алохида ахамият бсриш зарур. Ижодий изланиш муҳити яратилган дарсларигина зарур ахлоҳий сифатлар тарбияланади.

Она тили дарсларида узбек тилига мухаббат ва сузга эҳтиёт-лик билан муносабатни тарбиялашга алохида эътибор берилади. Бунинг учун матн пухта танланади. Тилни урганиш жараёнида лексик-стилистик ишларга катта, урин берилади. Дарсда шсър, соддалаштирилган матнлар билан бирга, юксак бадиий матнлардан хам фойдаланилади.

Она тили уқитиш жараёни уқувчиларда илмий дунёқараш асосларинн шакллантиришга қаратилади. Она тили дарслари хар бир киши учун зарур булгап саранжом-саришталик, мустакиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳам тарбиялаиди.

II. Дарснинг аниқлиги ва ички мантиқийлиги, унинг мақсадга

[1]Умумий ўртатаълимнинг давлат таълим стандарти. Она тили дастури.”Бошланғич таълим” 2005. 5-сони.

йўналтирилганлиги. Янги материал ургатиладиган дарснипг логикаси урганиладиган тил ходисаси ва унинг лингвистик мохиятининг бир-бирига таъсир қилишига маълум даражада сабаб

бўлди. Уқитувчи бу узаро богланишни билиши ва уни ук,увчилар билан бирга топшириқларни бажариш давомида аста оча боришн муҳимдир.

Агар дарс грамматик билимларни мустахкамлаш, орфографик куникмаларни шакллантириш мақсадини уз олдига қўйса, дарснинг мантиқий шартлари аста мураккаблаштириб борилган машқлар тизимини акс эттиради. Болалар бирор имло коидасини яхшилаб билиб, урганиб олишлари учун бир-икки

машқ коллектив равишда бажарилади. Уқувчилар мустакиллиги ошгач, машқни мустақил ишлайдилар. Дарсда бажарилган машклар уртасидаги боғланишни шакллантирадиган куникманинг хусусияти ҳам сабаб булади. Укув материалининг мавзуга ва дарснинг максадига мос булиши унинг мақсадга йуналтирилишини таъминлайди. Дарсда фойдаланиладиган барча укув материаллари (шу жумладан, тил фактларини кузатиш, имло ва нутққа оид машқларнн бажариш учун танланадигаи материаллар ҳам) дарснпнг максадига жуда мос булиши зарур.

III. О н а т и л и д а р с и, а в в а л о, ў қ у в ч и л ар нутқ в а тафаккурини у с т и р и ш д а р с и д и р. Она тили дарслари ижтимоий-фойдали булиши учун укувчиларда уз фикрини грамматик тугри, услубий аник, изчил ифодалаш ва бошқалар фикрини бсра олиш куникмасини шакллантиришга каратилиши лозим. Она тили дарсларида нутқ ўстириш курсатмаси грамматик матсриални ургатишда ўқувчилар тилимиздаги хар бир суз туркуми ёки суз қисмининг ролини билиб олишларига эриштирадиган методик усулларни қўллашни талаб этади, яъни грамматик назария грамматик тури ва аниқ нутқ малакаларини шакллантиришга, англаб, тушуниб ёзиш малакаларини устиришга амалда татбист этиш учун ургатилади. Дарсда болалар нутқини устириш дарснинг мазмунида ва дарсда қулланнилган вазифалар турларида ўз аксини топади.

Грамматик, суз ясалишига оид, орфографик материалларни урганишни нутқ устириш билан боглаш ўқувчилар аклий фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Болалар нуткини устириш жарасни уларнпнг тафаккурини. устириш билан боглик.

Она тили дарси укувчилар таффакурини устириш устида ишлаш мақсадига йуналтирилганлигига қараб бахоланади. Бунда муайян грамматик ва орфографик материални урганиш жараёнида шу материални яхшироқ узлаштиришни таьминлайдиган, ақлий фаолиятни талаб қиладиган машқларни ўтказиш тушунилади. Масалан, «узакдош сузлар» тушунчасини шакллантириш учун сузларнинг лексик маьноси ва морфемик таркибини таққослашни (уларнинг маъноларида умумийликни ва уларда бир хил узакнинг мавжудлигини) билиш лозим. Укувчилар тафаккурини устириш учун уқитувчи дарсга тайёрланганда, вазифа турларини танлайди, дарснинг материалини ва унн узлаштиришда болалар бажарадиган аклий фаолият машкларини ҳам бслгилаб олади.

Ўқувчиларга бериладиган назарий. билим тилдан онгли фойдаланиш имконини беради. Назарияга аҳамият бериш, элементар тарзда бўлса ҳам, укувчиларнинг тил ҳодисалари ўртасидаги богланишни билиб олишига эътибор бериш демакдир. Бошланғич синф укувчилари бундай богланишни билсалар, н и м а у ч у и шундай? сурогига жавоб топа оладилар. Масалан, нима учун *пахтакор* сузи кслишик ва эгалик кушимчалари билан турланадн, *етиштирдик* сузи эса шахс-сон кўшимчалари билан тусланади.

Она тили дарсларининг фойдали булишига дарсда огзаки ва ёзма ишларни максадга мувофик утказиш (дарснинг тахминан туртдан уч қисмини ёзма ишлар ташкил килиши лозим), ўқувчиларнинг укув ишларини текшириб, назорат қилиб бориш, уз вақтида хатоларнинг олдини олиш ва тугрилаш, техника воситаларидан фойдаланиш каби омиллар катта таъсир курсатади.

**Она тили дарсларининг турлари ва қурилиши**

Дарс турлари унинг дидактик мақсадига кура бслгиланади, чунончн: янги материални ўрганиш дарси, билимни мустаҳкамлаш дарси, умумлаштирувчи-такрорлаш дарси, билимларнинг канчалнк ўзлаштирилганини ҳисобга олиш (контрол) дарси кабиларга ажратилади. Ҳар бир дарс тури муайян курилиши билан бошқасидан фарқланади. Дарснинг дидактик мастсади, тур;1 ва курилиши уртаси маълум богланиш мавжуд. Муайян бир дарснинг дидактик максади ўргниладиган мавзуга ва бу дарснинг дарслар систе-масида тутган урнига қараб белгиланади. Уқитувчи дастурда мавзуга ажратилган соатлар сонини ва урганиладиган материалнинг хусусисиятларини ҳисобга олган холда, дарс турини танлаб, қурилишини белгилайди.

Дарс курилишида қатъий андаза бўлиши мумкин эмас. Бироқ дарсда уй вазифасини текшириш, такрорлаш, янги материални тушунтириш, мустахкамлаш, уйга вазифа бериш боскичларига риоя қилиш тажрибада узини оклаяпти. Шунга қарамай, буларга ижодий ёндашиш, дарснннг мақсади ва фойдаланиладиган методик усулларга асосланган ҳолда, дарсни кайси боскич (янги материални тушунтириш, мустақил ишни бажартириш ёки Уй вазифасини текшириш) дан бошлашни уқитувчининг узи хал килиб, босқичлар орасидаги ораеидаги ички богланиш, ҳар бир боскичдаги ишларнинг мазмунини аник, белгилаб олиш катта ахамиятга эга эканини унутмаслиги керак. Дарснинг барча боскичларини бир жараёнга бирлаштириш укитувчидан моҳирлик талаб этади.

Умумлаштирувчи дарс грамматикадан махсус дарс тури ҳисобланадн. Бу дарсда бирор мавзу ёки булимни урганиш жараёнида олингнп билимлар систсмалаштирилади. Бу дарс илгариги дарсларда урганилган айрим назарий материалларни такрорлаб баён к,илиш дарсига айланмаслиги учун урганилганларни узаро таққослашни талаб киладиган иш турларидан фойдаланилади.

Умумлаштирувчи дарслар қурилишига кура хилма-хил булиб, тажрибанинг курсатишича, қуйидаги варианти маъқул ҳисобланади: 1.Ўрганилган грамматик тушунчанинг мавжуд белгилари хакидаги билимларни татбик. қилишга қаратилган машқларни ишлаш. 2.Билимларни умумлаштириш ва текшириш. 3. Мустақил ижодий иш.

Умумлаштирувчи дарс намунаси

**Дарснинг мавзуси. Сўз маъноси бўлими юзидан умумлаштирувчи такрорлаш дарси.**

**Дарснинг мақсади .** Ўкувчиларнинг шахс , нарса, ҳаракат ва белги билдирган сўзлар ҳақидаги билим ларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш шу сўзлардан нутқда тўгри ва аниқ фойдаланишга ўргатиш,ҳуснихат билан ёзиш кўникмаларини шакллантириш

**Дарс тури. Умумлаштирувчи- такрорлаш дарси.**

**Дарс жиҳози.** Диктант учун матн**, к**арточкалар, тестлар, рангли расмлар

**Модулнинг дидактик мақсади.**Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда мустақил ишлаш, сўзларни маъносига кўра фарқлаш ва гуруҳлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш , сўзларнинг тўғри талаффузи ва имлосини ўзлаштиришларини таъминлаш .

**Ўқувчилар дарс якунида қуйидагиларни билиши керак:**

-сўзларга сўроқ бера олиши;

-матн ва гапдан сўроқлар ёрдамида шахс, нарса, белги ва ҳаракат билдирган сўзларни топа олиши;

-ким? , нима?, қандай?, нима қилди? Сўроқларига мос сўзлар топа олиши ва уларнинг нимани билдираётганини изоҳлай билиши;

-машқ шартлари тўғри ўқиб, уни тушунтириб бера олиши;

-гап ва матндаги айрим сўзларнинг маъносини билиб олиши ва изоҳлай билиши;

- чиройли ,сезгир сўзларига маънодош, ката, кенг сўзларига қарама-қарши маъноли сўзлар топа олиши;

- қанот каби кўп маъноли сўзининг ўз ва кўчма маъноларини таққослашни ва уларни фарқлашни билиши;

-бош ва кичик ҳарфлар билан ёзиладиган сўзларни билиши;

- имловий хатоларсиз кўчириб ва эшитиб ёзишни ҳамда график хатоларсиз ёзишни.

**1-гуруҳ учун дарс модули**

| № | **Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар** | **Топшириқларни бажаришлар учун кўрсатмалар** | **Баҳо** |
|---|---|---|---|
| 1-ЎФЭ | **Мақсад.** Ўқувчиларнинг имловий саводхонлиги ва назарий тушунчаларини амалга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш.<br>**Метод**. Ижодий иш.<br>1. Сайланма диктант.<br>Баҳор,Умида, она,тозалади, дарахт, элак, бува, арралади, ўқувчи.<br>2. ”Зинама-зина” ўйини.<br>1- гуруҳ учун саволлар:<br>Ким? сўроғига жавоб бўлган сўзлар нимани билдиради?<br>2. Нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар берилган карточкани топинг.<br>3.Ҳаракатни билдирган сўзлар қайси сўроққа жавоб бўлади? | **1.** Ўқилган сўзлар ичидан шашсни билдирган сўзларни аниқлаб ёзасиз.<br>2. Саволларга стол устидаги жавобларнинг тўғрисини топиб , белгиланган зинага қўясиз.Қайси гуруҳ ўзига берилган саволларга биринчи бўлиб жавоб берса, шу гураҳ ғолиб саналади. | |
| 2-ЎФЭ | **Мақсад.** Ўкувчиларни сўзларни ўрнида тўғри қўллашга ва гап тузишга ўргатиш.<br>Метод.Мустақил иш.<br>1.Сўроқлар ўрнига зарур сўзни қўйиб, гапларни ёзинг.Қўйган сўзларингизнинг нимани юилдиришини айтинг.<br>**Ким?** қизиқарли китоб ўқиди.<br>Баҳорда **қандай?** гуллар очилади.<br>Ўқувчилар мактабда **нима қилади**?<br>2. Кроссворд ечиш.<br><br>Топширик. Кроссвордаги сўзларга сўроқ беринг ва нимани билдираётганини айтинг | Берилган сўроқ сўзлар ўрнига мос сўзни қўйиб, гапни ёзинг. | |
| 3-ЎФЭ | **Мақсад.** Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини умумлаштириш. **Метод**.Кластер усули, таълимий ўйин.<br>1. Шахс ва нарса билдирган сўзларнинг хусусиятларини тармоқлаш усулида ифодаланг.<br>Ўқувчилар жавобидан намуна.<br>бош бош<br>ҳарф ҳарф<br>Исм Фамилия | Белги билдирган сўзларнинг хусусияти ифодаланган тармоқлаш намунасини кузатинг. Ўндан ўрганиб вазифани бижаринг.<br>Қандай?<br><br>Белги билдирган сўзлар<br><br>Белги ҳажм хусусият | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Ким?<br>**Шахс билдирувчи сўзлар**<br><br>кичик кичик кичик<br>ҳарф ҳарф ҳарф<br>шаҳар дарё ҳайвон<br><br>Нима?<br><br>**Нарса билдирувчи сўзлар**<br><br>мева ўсимлик<br>кичик кичик<br>ҳарф ҳарф<br><br>2. ”Занжир” ўйини<br>Мева номларини айтинг. | Ранг маза<br>Ўзингиз ясаган тармоқлашни дафтарингизга ёзинг.<br>Гуруҳингиз аъзолари билан мева Номларини кетма-кетликда айтасиз. Ким тўхтаб қолса, ўша ўйиндан чиқади. Агар қайси гуруҳда ўқувчилар сони кўп сақланса ўша гуруҳнинг балли юқори бўлади | |
| 4-ЎФЭ | **Мақсад.** Мустақил фикрлашга ўргатиш.<br>**Метод**. Тест ечиш. | Тест жавобларини<br>1- А.<br>2-Б. тарзида дафтарингизга ёзинг. | |

Назорат-ҳисобга олиш ва хатолар устида ишлаш дарсларининг узига хос хусусиятлари бор. Билимни текшириш дарси укувчиларнинг назарий билимларни амалиётга қандай татбиқ қилишларини аниқлаш мақсадида утказилади. Бериладиган топшириқ турлари ва уларнинг мазмуни текшириш мақсадига қараб бслгиланади. Бунда диктант, басн ва махсус грамматик вазифалардан фойдаланилади.

*авол ва топшаристлар*

*г.* Пмло қоидаларининг аҳамиятини изоҳланг.

2. Имло қоидаси устида ишлаш жараенининг асосий компонентларини аниқ мисоллар билан тушунтиринг.
3. Имло қоидасини урганиш жараснида ўқувчиларнинг ақлий фаоллигини таъминлаш учун қандай усуллардан фойдаланасиз?
4. Орфографик малакани шакллантиришда машқларнинг аҳамиятини тушунтириб бсринг.
5. Она тили дарсларига қуйилган асосий талаблар қайсилар?

## УКУВЧИЛАР НУТКИНИ УСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

## КИЧИК ЁШДАГИ УҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ УстИРИШ ЙУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

### Нутқ ва уни ўстириш тушунчаси

Нутқ - киши фаолиятининг тури, тил воситалари (сўз, сўз бирикмаси, гап) асосида тафаккурни ишга солишдир. Нутқ ўзаро алоқа ва хабар, ўз фикрини ҳис-ҳаяжон билан ифодалаш ва бошқаларга таъсир этиш вазифасини бажаради.

Яхши ривожланган нутқ жамиятда киши фаолиятининг муҳим воситаларидан бири сифатида хизмат қилади. ˊқувчи учун эса нутқ мактабда муваффақиятли таълим олиш қуролидир.

Нутқ ўстириш нима? Агар ўқувчи ва унинг тилдан бажарган ишлари кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда тилни ҳар томонлама (талаффузи, луғати, синтактик қурилишини, боғланишли нутқни) фаол амалий ўзлаштириш тушунилади. Агар ўқитувчи кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда, ўқувчилар тилнинг талаффузи, луғати, синтактик қурилиши ва боғланишли нутқни фаол эгаллашларига ёрдам берадиган метод ва усулларни қўллаш тушунилади[6]. Шунинг учун ҳам грамматика ва имло дастури товушлар ва ҳарфлар, сўз, гап, боғланишли нутқ каби қисмларни °з ичига олган. Она тили дастурининг бўлимлари: *«Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш», «ˊқиш ва нутқ ўстириш», «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш»* деб номланган.

Нутқ фаолияти учун, шунингдек ўқувчилар нутқини ўстириш учун бир неча шартга риоя қилиш зарур:

1. Киши нутқининг юзага чиқиши учун талаб бўлиши керак. ˊқувчилар нутқини ўстиришнинг методик талаби ўқувчи ўз фикрини, ниманидир оғзаки ёки ёзма баён хоҳишини ва заруриятини юзага келтирадиган вазият яратиш ҳисобланади.

2. Ҳар қандай нутқнинг мазмуни, материали бўлиши лозим. Бу материал қанчалик тўлиқ, бой, қимматли бўлса, унинг баёни шунчалик мазмунли бўлади. Шундай экан,

[6] Рождественский Н. С, Кустарева В. А. Методика иачального обучения русскому языку, «Просвещение», М., 1965, 289 - бет.

ўқувчилар нутқини ўстиришнинг иккинчи шарти нутққа оид машқларнинг материали ҳақида, бола нутқи мазмунли бўлиши учун ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

3. Фикр тингловчи тушунадиган сўз, сўз бирикмари, гап, нутқ оборотлари ёрдамида ифодалансагина тушунарли бўлади. Шунинг учун нутқни муваффақиятли ўстиришнинг учинчи шарти - нутқни тил воситалари билан қуроллантириш ҳисобланади. Болаларга тил намуналарини бериш, улар учун яхши нутқий шароит яратиш зарур. Нутқни эшитиш ва ундан ўз тажрибасида фойдаланиш натижасида болаларда таълим методикаси асосланадиган онгли равишда «тилни сезиш» шаклланади.

Нутқ ўстиришнинг методик шарти нутқий фаолиятнинг кенг тизимини яратиш, яъни, биринчидан, яхши нутқ намунасини идрок этиш, иккинчидан, ўрганган тил воситаларидан фойдаланиб, ўз фикрини баён этиш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Бола тилни нутқий фаолият жараёнида ўзлаштиради. Бунинг ўзи етарли эмас, чунки у нутқни юзаки ўзлаштиради. Нутқни эгаллашнинг қатор аспектлари мавжуд. Булар:

1. Адабий тил нормаларини ўзлаштириш. Мактаб болаларни адабий тилни содда сўзлашув тилидан, шева ва жаргондан фарқлашга ўргатади, адабий тилнинг бадиий, илмий, сўзлашув вариантлари билан таништиради.

2. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган муҳим нутқ малакаларини, яъни ўқиш ва ёзиш малакаларини ўзлаштириш. Бу билан бола ёзма нутқнинг хусусиятларини, унинг оғзаки-сўзлашув нутқидан фарқини билиб олади.

3. ´кувчилар нутқ маданиятини такомиллаштириш. Тил ки-шилик °ртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Тилнинг мана шу ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, мактабда ўқувчиларнинг нутқ маданиятига алоҳида эътибор берилади.

Бу вазифаларни бажариш учун ўқитувчи ўқувчилар билан режали иш олиб бориши лозим. Бунинг учун эса ўқувчилар нутқини ўстириш устида ишлаш тушунчасига нималар киришини билиб олиш муҳимдир.

Нутқ ўстиришда уч йўналиш аниқ ажратилади: *1) сўз устида ишлаш; 2) сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш; 3) боғланишли нутқ устида ишлаш.*

Сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш учун лингвистик база бўлиб лексикология (фразеология ва стилистика билан биргаликда), морфология, синтаксис хизмат қилади; боғланишли нутқ эса логикага, адабиётшунослик ва мураккаб синтактик бутунлик лингвистикасига асосланади.

Кўрсатилган уч йўналиш параллел олиб борилади: луғат иши гап учун материал беради; сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш боғланишли нутққа тайёрлайди. ´з навбатида, боғланишли ҳикоя ва иншо луғатни бойитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

´қувчилар нутқини ўстириш ўз методик воситаларига эга, ўзининг машқ турлари бор. Булардан энг муҳимлари боғланишли нутқ машқлари ҳисобланади.

Нутқ ўстиришда изчиллик тўрт шартни, яъни машқларнинг изчиллиги, истиқболи, хилма-хиллиги, хилма-хил машқ турларини умумий мақсадга бўйсундириш кўникмасини амалга ошириш билан таъминланади. Ҳар бир янги машқ олдингиси билан боғланади ва кейингисига ўқувчиларни тайёрлайди, умумий мақсадга бўйсунган ҳолда яна ±андайдир янгилик қўшади.

Мактабда ўқувчилар нутқини ўстиришга она тили ўқитишнинг асосий вазифаси деб қаралади. Нутқ ўстириш фақат она тили ва ўқиш дарсларининггина эмас, балки ўқув режасидаги барча фанлар (табиатшунослик, математика, меҳнат, тасвирий санъат, ашула дарслари)нинг, шунингдек, синфдан ташқари ўтказиладнган тадбирларнинг ҳам вазифасидир.

**Нутқ турлари**

Кишилар тилдан фикр баён қилиш қуроли сифатида фойдаланадилар. Улар ўз фикрларини овоз билан - эшиттириб баён қилишдан олдин у ҳақда ўйлаб оладилар. Бу **ички нутқ** ҳисобланади. Ички нутқ эшиттирилмаган ва ёзилмаган, «ўйланган» (фикрланган) нутқдир, бу нутқ фикрловчи кишининг ўзига қаратилади. **Ташқи нутқ** товушлар ёрдамида эшиттирилиб ёки график белгилар билан ёзилиб, бошқаларга қаратилган нутқдир. Ички ва ташқи нутқнинг физиологик табиати бир хил; фарқи - ташқи нутқда нутқ органларининг ҳаракати натижасида товуш чиқарилади ёки ёзиб баён этилади; ички нутқда нутқ органларининг ҳаракати товушсиз юзага келади.

Ички нутқ материални тушуниш ва ёдда сақлашга ёрдам беради, ташқи нутқни ўстиришда бирдан-бир зарурий восита ҳисобланади. ´йлаш, фикр юритиш ички нутқ асосида бўлади. Ички нутқ ўқувчини ташқи нутққа, жавобгарликни ҳис қилиб гапиришга ўргатади. Ички нутқ жараёнида ўйлаш ўқувчининг нутқи ва тафаккурининг ўсишида муҳим воситадир.

Мактабда ўқувчиларнинг ташқи нутқигина эмас, балки ички нутқи ҳам ўстирилади. Болалар ичда ўқишга ўрганадилар ва ички нутқда материални ўзлаштирадилар, турли вазифаларни ўзлари ҳал қиладилар, асосийси - ўзларининг оғзаки ва ёзма фикрларини тайёрлаб оладилар.

Фикрни ифодалаш усулига кўра нутқ **оғзаки** ва **ёзма** бўлади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан қуйидагича фарқланади: оғзаки нутқ товуш нутқи, ёзма нутқ эса график нутқдир. Оғзаки нутқда эшитиш сезгиси, ёзма нутқда эса кўриш ва мотор-ҳаракат (қўл ҳаракати) сезгиси асосий °рин тутади. Оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам кишиларнинг ўзаро алоқа қуроли сифатида хизмат қилади, аммо оғзаки нутқ аниқ ҳаётий шароитда,

бевосита алоқа жараёнида юзага келади; ёзма нутқдан бевосита, аниқ шароитдан ажратилган ҳолда ҳам, киши иштирокисиз ҳам фойдаланилади.

Оғзаки нутқ кўпинча диалог тарзида, ёзма нутқ эса монолог тарзида бўлади. Ёзма нутқ логик изчилликка риоя қилган ҳолда, айрим тил шаклларини тушириб қолдирмай, ортиқча такрорга йўл қўймай баён қилишни талаб этади, шунинг учун ёзма нутқ анча мураккаб ва мавҳум ҳисобланади.

**Уқувчилар нутқига қуйилган талаблар**

´кувчилар нутқини ўстиришда аниқ белгиланган бир қатор талабларга риоя қилинади:

*1. ´қувчилар нутқи мазмундор бўлсин.* Ҳикоя ёки иншо ўқувчилар учун яхши маълум бўлган далиллар, уларнинг кузатишлари, ҳаётий тажрибалари, китоблардан, расмлардан, радиоэшиттириш ва телекўрсатувдан олган маълумотлари асосида тузилсагина мазмунли бўлади. Болалар билмаган нарса, кўрмаган воқеа-ҳодисалар ҳақида етарли тайёргарликсиз сўзлашга йўл қўйилса, нутқ камбағал, мазмунсиз чиқади.

Нутқ ўстириш методикаси ҳикоя, иншо учун материални пухта тайёрлашни, яъни материал йиғиш, уни муҳокама қилиш, тўлдириш, асосий мазмунни ажратиш, зарурий изчилликда жойлаштиришни талаб қилади. Албатта, бунда ўқувчиларнинг ёш хусуснятлари ва қизиқишлари ҳам ҳисобга олинади.

*2. Нутқда мантиқийлик бўлсин.* ´қувчилар нутқи мантиқан тўғри бўлиши, фикр изчил, асосли баён этилиши, асосий ўринлар туширнб қолдирилмаслиги ва ўринсиз такрорга, мавзуга тааллуқли бўлмаган ортиқчаликка йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Нутқнинг мантиқийлиги нарса, воқеа-ҳодисаларни яхши билиш билан белгиланади, манти±ий хато эса материал мазмунини аниқ билмаслик, мавзуни ўйламасдан ноқулай танлаш натижасида келиб чиқади. Бу икки талаб нутқнинг мазмуни ва қурилишига тааллуқлидир. Нутқни тил жиҳатидан шакллантиришга оид талаблар ҳам мавжуд.

*3. Нутқ аниқ бўлсин.* ´қувчи далиллар, кузатишлар, таассуротларини ҳақиқатга мос равишда оддий баён этибгина қолмай, шу мақсаднинг энг яхши тил воситаларидан (сўз, сўз бирикмаси, гаплардан) фойдаланган ҳолда, махсус тасвирлар билан ифодалашга ўргансин.

*4. Нутқ тил воситаларига бой бўлсин.* Мазмунни аниқ ифодалаш учун ўқувчи нутқи тил воситаларига бой бўлиши, у ҳар қандай вазиятда ҳам керакли синонимлардан, хилма-хил тузилган гаплардан мазмунга энг мосини танлаб фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Албатта, бошланғич синф ўқувчиларига тил бойлиги юзасидан юқори талаб қўйиб бўлмайди, аммо ўқитувчи ўқув ишларида уларнинг сўз бойлигини ошириб боришни ҳар вақт кўзда тутиши керак.

*5. Нутқ тушунарли бўлсин.* Оғзаки нутқ эшитувчига, ёзма нутқ эса уни ўқувчига тушунарли бўлиши зарур. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқини эшитувчининг ёки ўқувчининг имкониятини, қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тузса, уни ҳамма бирдек, ҳеч қийинчиликсиз тушунади.

*6. Нутқ ифодали бўлсин.* Агар нутқ ифодали, яъни жонли, чиройли, ишонтирадиган бўлса, эшитувчига ёки ўқувчига таъсир этади. Оғзаки нутқ эшитувчига интонастия орқали таъсир этса, оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам тингловчи ва ўқувчига ҳикоянинг умумий руҳи, далиллар, танланган сўзлар, уларнинг эмостионаллиги, тузилган жумла, иборалар ёрдамида таъсир этади. Нутқнинг тушунарли ва ифодали бўлиши ҳар қандай шевага хос ва ортиқча сўзлардан соф бўлишини тақозо этади.

*7. Нутқ тўғри бўлсин.* Мактаб учун нутқнинг адабий тил нормаларига мос - тўғри бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Ёзма нутқ грамматика, имло ва пунктуастия жиҳатидан, оғзаки нутқ эса орфоэпик жиҳатдан тўғри тузилиши талаб этилади. Нутқнинг тўғри, бўлиши учун сўз танлаш ва нутқ логикаси катта аҳамиятга эга.

Юқорида санаб ўтилган талаблар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мактаб ишлари тизимида комплекс равишда амалга оширилади.

**Нутқ - ўқувчилар тафаккурини ўстиришда муҳим восита**

Нутқ фикрни баён этиш воситаси бўлибгина колмай, уни шакллантириш қуроли ҳамдир. Фикр нут±нинг психологик асоси вазифасини бажаради, уни ўстириш шарти эса фикрни бойитиш ҳисобланади. Ақлий фаолият тизимини эгаллаш асосидагина нутқни муваффақиятли ўстириш мумкин. Шунинг учун ўқувчилар нутқини ўстиришда материални тайёрлаш, такомиллаштириш, мавзуга тегишлисини танлаш, жойлаштириш ва мантиқий операстияларга катта аҳамият берилади.

Тафаккур тил материали ёрдамида нутқий шакллантирилса ва баён этилсагина муваффақиятли ўсади. Тушунча сўзлар ёки сўз бирикмалари билан ифодаланади, шундай экан, тушунча тил воситаси бўлган сўзда муҳим алоқа материалига айланади. Киши тушунча ифодалайдиган сўз (сўз бирикмаси)ни билсагина, шу тушунчага асосланган ҳолда, ташқи нутқда фикрлаш имконига эга бўлади.

Нутқда фикр шакллантирилади, шу билан бирга, фикр нутқни яратади. «Нутқ тафаккур билан чамбарчас боғлангандир. Нут± бўлмаса, тафаккур ҳам бўлмайди, тил материали бўлмаса, фикрни ифодалаб бериб бўлмайди»[7].

Фикрни нутқий шакллантириш унинг аниқ, тушунарли, соф, изчил, мантиқий бўлишини таъминлайди. Тилни эгаллаш шу тилнинг фонетикасини, луғат таркибини, грамматик қурилишини билиб олиш, фикрни такомиллаштириш учун, тафаккурни ўстирии учун шарт-шароит ҳозирлайди. Билимлар, далиллар, ҳар хил ахборотлар тафаккурнинг ҳам, нутқнинг ҳам материалидир. Нутқ тафаккур жараёнини ўрганишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Нутқдан ўқувчи фикрий ривожининг асосий ўлчовларидан бири сифатида фойдаланилади. ˊқувчининг барча предметлардан материални ўзлаштириши ва умумий ақлий ривожланиш ҳақида фикр юритганда, у ёки бу мавзуни бола ўз нутқида (ёзган иншосида, ахборотида, қайта ҳикоялашда, саволларга берган жавобида) қандай баён эта олишига қаралади.

Шундай қилиб, нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нут± тафаккур асосида ривожланади; фикр нутқ ёрдамида пишиб етилади, юзага чиқади. Иккинчи томондан, нутқнинг ўсиши фикрн шакллантиришга ёрдам беради, такомиллаштиради.

## Уқувчилар нутқини ўстиришнинг машғулотнинг бошқа турлари билан боғлиқлиги

ˊқувчилар нутқини ўстириш бошқа ўқув предметларидан ўтказиладиган машғулотлар билан ҳам узвий равишда боғланади. Она тили дарсларида ўқувчилар тил ёрдамида табиат ва кишилар ҳаёти ҳақида билим оладилар; улар кузатишни, ўйлашни ва кўрганлари, эшитганлари, ўқиганлари ҳақида тўғри баён қилишни ўрганадилар. Она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам беради, нутқнн тўғри тузишни ўргатади.

Уқиш дарси ва у билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган кузатиш, экскурсия ўқувчиларга табиат ҳодисалари, кишилар ҳаёти ва меҳнати ҳақида, ахлоқ қоидалари, бошқа кишилар билан муомала ±илиш ҳақида билим беради; бу дарсларда болалар нутқига, уни шакллантириш ва ўстиришга кенг имконият мавжуд. Шеър, мақолаларни ўқиш, ўқилганларни қайта ҳикоялаш, экскурсияда, предмет ва табиат ҳодисаларини кузатиш вақтида кўрганларини ҳикоя қилиш ўқувчилар оғзаки нутқини ўстириш воситасидир. Она тили дарсларида эса ёзма нутқни ўстириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Грамматикани ўрганиш ва ўқиш дарсларида ўқувчилар бажарадиган сўз бирикмаси, гап тузиш, баён, иншога доир турли хил машқлар нутқий малакаларни эгаллашда уларга ёрдам беради.

Грамматика ва тўғри ёзув дарсларида тилни махсус ўрганиш билан болалар алоҳида товуш, бўғин, сўз ва гапларни эшитишга ва айтишга ўрганадилар. Улар нарса, ҳаракат, белги билдирган кўпгина сўзларни, шунингдек, товуш, ҳарф, бўғин, сўз, ўзак, сўз ясовчи, шакл ясовчи, қўшимча, сўз туркуми, от, сифат, феъл, сон, олмош, боғловчи, гап, гап бўлаги, бош бўлак, иккинчи даражали бўлак, дарак гап, сўроқ гап, ундов гап, турланиш, бош келишик сингари жуда кўп янги атамаларни билиб оладилар.

Бошланғич синфлардаги бошқа дарсларда ҳам ўқувчилар нутқи хилма-хил сўзлар билан бойитилади. Кузатиш ва кўргазмали қуроллар бу дарсларда ҳам билим олиш, тушунчаларни шакллантириш воситаси ҳисобланади.

Математика дарсларида болалар янги тасаввур ва тушунчалар, жуда кўп сўз ва атамалар билан ўз нутқларини бойитадилар, содда ва қўшма гап тузишга ўрганадилар: 5 сони 3 сонидан катта ($5 > 3$) ёки уч сони беш сонидан кичик ($3 < 5$); битта ўнликка иккита ўнлик ва 5 та бирликни қўшсак, учта ўнлик ва 5 та бирлик ҳосил бўлади (10 + 25 к 35) ва ҳоказо.

Масала ечиш жараёнида эса улар шу вақтгача ўз нутқларида ишлатиб келган *бўлади, қолади, ҳосил бўлади, тенг* каби сўзларнинг янги маъносини билиб оладилар; *...бизга маълум, масалада сўраляпти* каби сўз бирикмаларини ишлатишга ўрганадилар.

Математика дарслари ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўс-тиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар масалани ечишда саволга тўлиқ жавоб беришга, атамаларни тўғри ишлатиб, қоидаларни ўз савияларига мос равишда аниқ шакллантиришга ўргатилади. Булар, ўз навбатида, ўқувчилар нутқини бойитиш ва фаоллаштириш воситаси ҳисобланади.

Боғланишли нутқ кўникмаларини эгаллашга масала ечиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган ишлар, айниқса, масала тузишга ўргатиш машқлари самарали таъсир кўрсатади. Масала ўқиб эшиттирилгандан сўнг, ўқувчилар унинг асосий мазмунини эшитиб идрок этишга, тўғри, қисқа ва аниқ қайта айтиб беришга ўргатилади. Масала тузишга ўргатиш эса мантиқий изчил, муҳокама элементлари билан кичик ҳикоя тузиш имкониятини беради. Бу машқ ўқувчидан фаолликни ва мустақилликни талаб этади, боланинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ошириш эса унинг умумий ривожланишида ва тарбиявий мақсадда жуда муҳимдир. Масала тузиш кичик ҳикоя тузишдир. Масаланинг ҳикоядан фарқи шундаки, унда нимадир номаълум бўлиб, уни топиш учун маълум сўроққа жавоб бериш талаб этилади.

---

[7] И в а н о в П. И. Умумий психология. «ˊқитувчи», Тошкент, 1967, 306 - бет

´қувчи расм асосида *«Дарахтга учта чумчуқ қўнган эди, яна иккита чумчуқ учиб келиб қўнди. Дарахтда нечта чумчуқ бўлди?»* масаласини тузади. Бу масалани ечишда ўқувчилар дарахтга қўнган чумчуқлар сонини билиш учун нима қилиш кераклигини ўйлайдилар, муҳокама қиладилар. Масалани ечиш учун аниқ изчилликда муҳокама юритиш ва тушунтириш билан болалар ўз фикрларини математика тилида аниқ ва боғланишли баён этишга ўрганадилар.

Шундай қилиб, математика дарсларида ўқитувчи болалар лу²атини бойитиш, турли хил гап, боғланншли нутқ ва баён, муҳокама элементи мавжуд бўлган ҳикоя тузиш устида ишлайди. ´қитувчи математика тили хусусиятларини ўзлаштиришга кўмаклашиш билан боғлиқ ҳолда, ўқувчилар тафаккурини, нутқини ўстиради. ´қитувчи математик мазмунгагина эмас, балки шу мазмунни болалар нутқида тўғри шакллантиришига ҳам эътибор берса, бу дарсларда ўқувчилар эгаллайдиган билим ҳақиқий ва улар нутқининг ўсиши учун самарали восита бўлади. *«Фикрни аниқ шакллантиришни талаб қилиш, масала шартини онгли такрорлатиш, мустақил масала туздириш ва саволлар ёрдамида масалани ечиш йўлини тушунтириш кўникмаси устида ншлаш ўқувчиларда қайта ҳикоялаш, иншо ва муҳокама қилиш маданиятини ўстиради»*[8].

´қувчилар табиатшунослик дарсларида ва экскурсия вақтида кўрган нарсаларини ўқитувчи ёрдамида гуру³лайдилар, уларни ўзаро таққослаб, ўхшаш ва фарқли томонларини топиб айтадилар. Булар, ўз навбатида, табиатга оид айрим тушунчаларни аниқ билстб олишга имкон беради ва тафаккурни ўстиради. Табиат ҳодисалари ва предметларни идрок этиш билан болалар онгида табиатшуносликка оид тушунчалар ҳосил бўлади. Бу тушунчалар таълим жараёнида ё нарсаларни (*дарахт, олма, шафтоли, ўрик, олхўри, гул, ўт* каби), ёки уларнинг белгисини (*мевали, мевасиз; аччиқ, нордон, ширин; қизил, оқ* каби), ҳаракатини (*дарахт ўсади, қуш учади, булбул сайрайди* каби) ифодаловчи сўзлар билан боғланади.

Меҳнат ва расм дарслари ҳам, жисмоний тарбия ва ашула дарслари ҳам, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотлар ҳам ўқувчилар нутқи ва тафаккурини ўстиришга имкон беради.

Уқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг нутқ маданияти катта аҳамиятга эга. ´қитувчи барча дарсларда, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда фақат орфоэпик талаффуз ва адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда ифодали, таъсирли сўзлаши, шунингдек, ҳар доим ўқувчи дафтарига барча ҳужжатларга: ҳуснихат ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ёзиши зарур. Бу билан у болаларни ифодали сўзлашга, хатосиз, чиройли ёзишга ўргатади, тилга сезгирликни уйғотади.

***Савол ва топшириқлар***

1.Уқувчилар нутқини ўстириш соҳасида мактаб ва ўқитувчи олдига қўйилган асосий вазифаларни айтинг.

2. Бошланғич синф ўқувчиларидан бири нутқининг асосий хусусиятларини текширинг ва қисқа ахборот тайёрланг.

3. П. И. Ивановнинг «Умумий психология» қўлланмасининг (Тошкент, 1967) «Нутқ» бобини ўқинг ва нутқ ўстириш методикасида **қандай** *психологик маълумотлардан фойдаланилишини аниқлашга ҳаракат қилинг.*

## ЛУҒАТ УСТИДА ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ

### Луғат устида ишлаш лингвистик асоси, вазифалари

Сўз тилнинг маъно билдирадиган асосий бирлигидир. Сўз ва сўз бирикмаси аниқ нарсаларни, мавҳум тушунчаларни, эмостияни билдиради. Тплда мавжуд бўлган барча сўз ва ибораларнинг йиғиндиси луғат таркиби ёки лексика дейилади. Лексикология ўзбек тилининг луғат таркибини ўрганадиган бўлимдир. Лсксикология луғат таркибидаги сўзларнинг нутқда маъно ифодалаш хусусияти, қўлланиш фаоллиги, бойиб бориши, баъзи сўзларнинг эскириб, истеъмолдан чиқиб кетиши, маъно кўчиш ҳодисаси кабиларни ўрганади. Шу сабабли лексикология луғат устида ишлаш методикасининг лингвистик асоси ҳисобланади.

Ҳар қандай нутқий баён грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, мазмунга мос сўз ва сўз бирикмаларининг маълум изчилликда жойлаштирилишидан тузилади. Кишининг луғати қанчалик бой ва ривожланган бўлса, унииг нутқи ҳам шунчалик бой бўлади; ўз фикрини аниқ ва ифодали баён этишига кенг имконият яратилади. Шунинг учун луғатнинг бойлиги, хилма-хиллиги, ҳаракатчанлиги методикада нутқни муваффақиятли ўстиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили улкан луғат бойлигига эга. Беш жилдлик «Узбек тилининг изоҳли луғати» да 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси берилган бўлиб, булар умумий қўлланиладиганларидир. Бунга ўзбек тилида нашр этилган турли терминологик луғатларда, ўзбек тили синонимлари, антонимлари, фразеологик луғатларида ва турли изоҳли луғатларда берилган сўзлар қўшилса, луғат бойлиги яна минг-

---

[8] Рождественский Н. С, Кустарева В. А. Методика начального обучения русскому языку, «Просвещение», М., 1965, 297-бет.

минглаб ошади. Булардан ташқари, жуда кўп сўзлар кўп маънони билдиради. Масалан, шу изоҳли луғатда бош сўзининг 40 дан ортиқ асосий ва фразеологизм билан боғланган маънода ишлатилиши берилган.

Мактабда нутқ ўстиришнинг муҳим вазифаларидап бири луғат устида ишлашни яхшилаш, тартибга солиш, унинг асоспй йўналишларини ажратиш ва асослаш, ўқувчиларнинг лу²атини бойитиш жараёнини бошқариш ҳисобланади.

Мактабда луғат устида ишлаш методикаси тўрт асосий йўналишни кўзда тутади:

**1. Уқувчилар луғатини бойитиш, яъни янги сўзларни, шунингдек, болалар луғатида бўлган айрим сўзларнинг янгн маъноларини ўзлаштириш.** Она тилинкнг луғат бойлигинп билиб олиш учун ўқувчи ўз луғатига ҳар куни 8-10 та янги сўзни, шу жумладан, она тили дарсларида 4-6 сўзни қўшиши, яъни шу сўзлар маъносини ўзлаштириши лозим.

**2. Уқувчилар луғатига аниқлик киритиш.** Бу ичпга қуйидагиларни олади: 1) ўқувчи пухта ўзлаштпрмаган с°зларнпнг маъносини тўлиқ ўзлаштириш, яъни шу сўзларни конматнга киритиш, маъноси яқин сўзларга қиёслаш, антоним танлаш йўллари Билан уларнинг маъносига аниқлик киритиш; 2) сўзнинг киноялн маъносини, кўп маъноли сўзларни ўзлаштириш; 3) сўзларнинг синонимларини, синоним сўзларнинг маъно оттенкаларини ўзлаштириш; 4) айрим фразеологик бирликларнинг маъносини ўзлаштириш.

**3. Луғатни фаоллаштириш, яъни ўқувчилар маъносини тушунадиган, аммо ўз нутқ фаолиятида ишлатмайдиган пассив луғатидаги сўзларни фаол луғатига ўтказиш.** Бунинг учун сўзлар иштирокида сўз бирикмаси ва гаплар тузилади, улар ўқиганларни қайта ҳикоялаш, суҳбат, баён ва иншода ишлатишади.

**4. Адабий тилда ишлатилмайдиган сўзларни ўқувчиларш фаол луғатидан пассив луғатига ўтказиш.** Бундай сўзларга болаларнинг нутқ муҳити таъсирида ўзлашиб қолган адабий тил нормасига кирмайдиган, айрим адабий асар ва сўзлашув тилида қўлланадиган содда сўз ва иборалар, маҳаллий шева ва ижтимоий гуруҳга оид сўзлар киради. Адабий тил нормаси деган тушунчани ўзлаштиргач, ўқувчилар юқорида изоҳланган сўзлар ўрнига адабий тилдаги сўзлардан фойдалана бошлайдилар. Адабий тилга оид малакалари мустаҳкамланган сайин шевага, жаргонга оид сўзлар, сўзлашув тилида ишлатиладиган содда сўз ва иборалар ўқувчиларнинг фаол луғатидан чиқиб кета боради.

Уқувчилар луғати қуйидаги манбалар асосида бойитилади ва такомиллаштирилади:

**1. Атрофни ўраб олган муҳитни: табиатни, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти, болаларнииг ўйини ва ўқиш фаолиятини, катталар билан муносабатни кузатиш.** Табиатга, қурилишга, муассасага экскурсия вақтида болалар нарса ва ҳодисаларни кузатиш билан кўпгина янги ном ва ибораларни ўрганадилар, экскурсиялар юзасидан ўтказилган суҳбат вақтида уларнинг билими чуқурлаштирилади, айрим сўзлар маъносига аниқлик кпритилади.

Уқувчилар луғатини ва нутқини бойитишда энг ишонарли манба бадиий асарлар ҳисобланади. Уқиш дарсларида ўқувчилар Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, Ғ. Ғулом, Ҳ. Ҳакимзода, Зулфия, Уйғун, А.Қаҳҳор, П. Мўмин, Қ. Муҳаммадий, Ш. Саъдулла, 3. Диёр каби кўпгина сўз усталарининг асарларини ўқийдилар. Узбек тилини юксак бадиий образлар ёрдамида ўзлаштирадилар. Уқиш дарсида болалар луғати маълум мавзуларга оид сўзлар ҳисобига ҳам бойийди. Улар луғатига ахлоқий тушунчаларни ифодаловчи *ёқимтой, ширинсўз, меҳрибон; ҳаққоний, ботир, мард, жасур; меҳнатсевар* каби кўпгина сўзлар қўшилади. Матн устида ишлаш жараёнида кўп маъноли сўзларни, синонимлар, кўчма маънода ишлаталадиган сўзларни, баъзи фразеологик бирикмаларни билиб оладилар.

Болалар мустақил ўқишга ўрганганларидан кейин улар луғатига китоб, газета, журнал материаллари катта таъсир қилади. Шунинг учун ҳам синфдан ташқари мустақил ўқиш ва унга раҳбарлик шакллари ў±увчилар луғатини бойитишнинг, нутқини ўстиришнинг энг муҳим манбаларидан ҳисобланади.

Махсус машқлар ёрдамида грамматика ва орфографияни ўрганиш дарслари кўпгина сўз ва атамаларни ўзлаштиришга ёрдам беради; болалар предмет, белги, ҳаракат, саноқ, тартиб ифодалайдиган сўзларни билиб оладилар; бу дарсларда ўқувчилар луғати тартибга солинади, сўз туркумларини ўрганиш жараёнида гуруҳланади, сўз таркиби, сўз ясалиши, сўзларнинг ўзгаришиии ўрганиш билан эса луғатга аниқлик киритилади; улар ўрганган сўзларидан ўз нутқларида фойдалана бошлайдилар, натижада луғатлари фаоллашади. ´қувчилар луғати махсус луғавий-мантиқий машқлар ёрдамида ҳам бойийди, тартибга тушади.

Булардан ташқари, кинофильм ва телевизор эшиттиришларининг матнлари, ўқитувчи ва бошқа мактаб ҳамда мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг нутқлари ҳам ўқувчилар луғатини бойитиш ва такомиллаштириш манбалари ҳисобланади.

Луғатни бойитишда турли луғатлар жуда фойдали қўлланмадир. Бошланғич синф ўқувчилари учун «Имло луғати» мавжуд. ´қитувчи маълумот учун ҳам, материал танлаш учун ҳам турли луғатлардан (ўзбек тилининг синонимлар, антонимлар, фразеологик луғатларидан, турли тефминологик луғатлардан) муваффақиятли фойдаланади.

### Сўз маъносини тушунтириш

Сўзларнинг маъносини тушунтириш ўқувчилар луғатини бойитади, нутқини ўстиради. Бошланғич синфларда ўқитиладиган фанларнинг атамалари ҳам тушунтирилиши лозим бўлган сўзлар қаторига киритилади. Атамаларнинг маъносини тушунтириш мазкур сўз англатган тушунчани яхши фаҳмлаб олишга ёрдам беради. Масалан, предмет атамасининг маъносинн тушунтприш билан ўқувчилар предмет кенг

маънода қўлланишини, табиатдаги барча нарса, ҳодиса, тушунчалар предмет дейилишини билиб оладилар. Бу от, сифат, сон, феъл каби атамаларни тез фаҳмлаб олишда уларга ёрдам беради.

Сўзнинг маъносини тушунтириш жуда кам вақт олиши ва дарснинг асосий мавзусидан ўқувчилар диққатини чалғитмаслиги керак. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланиш жараёнида маъноси тушунтирилиши лозим бўлган сўзларни, уни тушунтиришнинг энг қулай усулларини ва дарснинг қайси ўрнида тушунтиришни белгилаб олади.

Уқиш китобларидаги матнларда биринчи марта учраган, болалар маъносини билмайдиган айрим сўзлар матнни ўқишдан олдин тушунтирилади.

Матнни ўқиш жараёнида сўз маъносини тушунтиришга чек қўйиш керак. Агар бирор сўзни матнни ўқиш вақтида тушунтириш зарурияти туғилса (матн мазмунидан ўқувчилар диққатини чалғитмай), шу сўз маъноси қисқача тушунтирилади.

Кўчма маънода ишлатилган образли сўзлар ва бадиий нутқ оборотлари матн ўқилгандан кейин тушунтирилади, чунки уларнинг маъноси матн мазмунидан, контекстдан яхши тушунилади. Айниқса, масаллар ўқилганда, ундаги аллегорик, кўчма маънода ишлатилган сўзларни асарни ўқишдан олдин ёки ўқиш жараёнида тушунтириб бўлмайди.

Методикада сўзларни тушунтиришнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

**1. Сўзни контекст асосида тушунтириш.** Бунда ўқувчилар тушунмайдиган сўз уларга тушунарли сўзлар қўлланган гап (ёки матн) ёрдамида тушунтирилади.

**2. Сўз маъносини луғатдан ва ўқиш китобларида матн тагида берилган изоҳдан фойдаланиб тушунтириш.** Бунда ўқувчиларни изоҳдан мустақил фойдаланиб, сўз маъносини мустақил тушуниб олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай изоҳлар ўқиш китобларида анчагина.

3. Сўз маъносини шу сўзнинг синоними ёрдамида тушунтириш. Масалан, *сабо - шабада, мудофаа - ҳимоя, созанда - музикачи, машшоқ, диёр - ватан, иншоот - қурилиш, само - осмон* каби. Сўзни синоним танлаш билан тушунтирганда, шу сўзнинг стилистик (услубий) а³амиятини ҳам кўрсатиш зарур.

**4. Таниш бўлмаган сўз билан ифодаланган тушунчани таниш бўлган сўз билан ифодаланган тушунчага (унинг антонимига) таққослаш орқали тушунтириш.** Масалан, *лоқайд* тушунчасини *фаол* тушунчасига, *меров* сўзини *туйғун (сезгир)* сўзига таққослаб тушунтириш мумкин.

Кўчма маънода ишлатилган сўз ва сўз бирикмалари, тасвирий воситалар, мақоллар ҳам таққослаш усулидан фойдаланиб тушунтирилади.

**5. Сўзни ўзига яқин тушунча билан, яъни бошқача ифода этиш билан тушунтириш.** Бунда тушунтириладиган сўзнинг изоҳи қисқа ва аниқ бўлиши керак. Масалан, ўзбошимчалик - ўз хо³ишича иш тутиш, ишни ўзи хоҳлаганича бажариш; мутахассис - бирор ҳунар эгаси; шунқор - узоқ учадиган кўзи ўткир қуш; меш - мол терисидан тикилган идиш; мешкобчи - мешда сув сотувчи.

Баъзи сўзлар уларнинг вазифасини изоҳлаш орқали тушунтирилади. Масалан, *комбайн - бир вақтнинг ўзида донни ўрадиган, янчадиган, тозалайдиган қишло± хўжалик машинаси; экскаватор - бир ва±тнинг ўзида ерни қазиб тупроқни юк машинасига ортадиган машина; аэродром - самолётлар турадиган, учиб кетадиган ёки келиб қўнадиган жой.*

6. Сўзни предметнинг асосий белгисини изоҳлаш орқали тушунтириш. Масалан, *янтоқ - сувсиз жойда ўсадиган нинасимон тиканли ўсимлик; акула - океанларда яшайдиган жуда катта йиртқич балиқ.*

**7. Ахлоқий, мавҳум тушунчаларни ифода этувчи сўзларнинг маъносини мисоллар ёрдамида тушунтириш.** Бунинг учун ўқувчилар ўрганган бадиий асардан ахлоқий фазилатга эга бўлган асар қаҳрамонининг қилган ишлари таҳлил қилинади.

Сўз маъносини тушунтириш устида ишлаш ўқувчиларнинг луғат бойлигини кенгайтиради, нутқини равонлаштиради.

### Синонимлар устида ишлаш

Синонимлар. талаффузи, ёзилиши ҳар хил бўлган бир умумий тушунча(маъно) ифодалайдиган сўзлардир. Синонимлар бир-биридан қўшимча маъно оттенкаси, эмоционал бўёғи, қўлланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади. *Катта, улуғ, буюк, зўр, азим, азамат, улкан, баҳайбат, ҳайбатли, йирик, гигант* синонимик қаторни ташкил қилган сўзлардан *катта* с°зи кенг тушунчани англатиб, конкрет тушунчага нисбатан ҳам, мав³ум тушунчага нисбатан ҳам ишлатилаверади. *Улуғ, буюк, зўр, азим, азамат, улкан* сўзлари ҳажми анча катта бўлган нарсаларга, *баҳайбат, ҳайбатли* сўзлари эса ўлчови жуда катта бўлган нарсаларга нисбатан ишлатилади. *Йирик* кам ишлатилади. *Гигант* китобий услубга хос бўлиб, асосан жой, қурилишга нисбатан қўлланади.

Синонимлар тилни лексик томондан бойитади, шунинг учун синоним билан ишлаш муҳим: луғатда синонимлар қанча кўп бўлса, тилнинг ифодалилиги шунча ортади. ўзбек тили - синонимларга бой тил.

«Узбек тили синонимларининг изоҳли луғати» да *катта* сўзининг 11 та, *марта* сўзининг 13 та синоними берилган.

Бошланғич синфларда синоним ҳақида назарий маълумот берилмайди, аммо синонимлар ҳақидаги тушунча амалий машқ ёрдамида шакллантирилади. Синонимлар билан ишлаш элементар тарзда 1- синфдан бошланади: ўқувчилар берилган сўзнинг синонимини топишга, бошқача қилиб қандай айтиш мумкинлигини тушунтиришга; 2-3-синфларда эса берилган сўзнинг 2-3 синонимини топиб айтишга ўргатилади.

Бошланғич синфларда синонимларга оид қуйидаги каби маш±лар ишлатилади:

**1. Берилган синоним сўзларни гуру³лаш.** Бир сўз туркумига оид икки синонимик қатордаги сўзлар ичига бир-иккита бошқа сўз киритиб берилади. Уқувчилар синонимларни икки гуруҳга ажратиб айтадилар. Бунинг учун сўзлар қуйидаги каби берилиши мумкин: *ватан, мақсад, китоб, диёр, ният, мамлакат, мурод.*

**2. Берилган сўзга синоним танлаш.** Уқитувчи отни ўтганда *осмон*; сифатни ўтганда *мазали*; феълни ўтганда *кўникмоқ* сўзларини айтади. Уқувчилар бу сўзларга синоним танлайдилар: *осмон-кўк, само, фалак; мазали - лаззатли, лазиз, тотли, хушхўр; кўникмоқ - ўрганмоқ, одатланмоқ, одат қилмоқ.*

3. Тушириб қолдирилган синоним сўзларни ўз ўрнига қўйиб, матнни кўчириш. (Бунда ёзилиши керак бўлган синоним сўзлар рўйхати текшириш учун берилади.) ўқувчилар синонимларни ўрнига қўйиб, уларнинг қўлланишидаги фарқни тушунтирадилар.

**4. Синонимлардан мосини қўйиб гапларни кўчириш.** Бунинг учун синоним сўзлар қатори қавс ичида берилади, ўқувчи гапнинг мазмунига мосини танлаб гапни кўчиради: *Дарё сувини (баҳор, кўклам) тоширар, одам қадрини (меҳнат, иш) оширар. Олтин (От, олов, аланга)да, одам ме³натда билинади. Бирлашган (ёв, душман) ни қайтарар.*

**5. Синоним сўзлар қаторидан фойдаланиб дидактик материал тузиш ва у билан машқ ишлаш.** Бунинг учун тўртта синонимик қатордаги сўзлар танланади ва 16 катакка аралаш жойлаштирилади. ´қитувчи шу катакчалардаги бир сўзни айтади. Масалан, *катта.* ´қувчилар шу сўзга яқин маъноли сўз (синоним)ни катакчалардан топиб айтадилар: *катта, улуғ, гигант, буюк.* Синоним сўзлар қатори билан сўз бирикмаси тузадилар: *катта бино, улу² байрам, гигант қурилиш, буюк шаҳар.*

## Антонимлар устида ишлаш

Қарама-қарши, зид маъно билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади. Антонимлар белги билдирадиган сўзларда кўп учрайди. Антонимик муносабат сўз билан фразеологик бирлик (ибора) орасида ҳам бўлади (*ялқов - юрагида ўти бор* каби).

Бошланғич синф ўқувчилари антонимлар билан амалий таништирилади. Антонимлар устида ишлаш матндан антонимни топишдан бошланади, кейин махсус машқлар ишлатилади:

**1. Берилган сўзга антоним танлаш.** Отни ўтганда: *азоб - ... , дўстлик - ..., ёз - ..., ёшлик - . ..,* сифатни ўтганда: *фаол - ... , анқов - ... , аҳил - ... , доно - ... , касал - ... ,* феълни ўтганда: касалланди - ... , ёнди - ... , бошлади - ... каби берилади; ўқувчилар берилган отга *роҳат, душманлик, қиш, қарилик;* сифатга *пассив, ҳушёр, ноаҳил, нодон,* феълга *соғайди, ўчди, тамомлади* антонимларини танлаб, жуфти билан ёзадилар.

**2. Антоним сўзлар билан гап тузиш.** Уқитувчи антоним танлаб гап тузиш учун сўз беради, ўқувчилар берилган сўзга антоним танлайдилар ва уларни қатнаштириб гаплар тузадилар.

**3. Берилган гапга антоним топиб қўйиш.** ´қитувчи *Тўғри одам ... сўздан ор қилур. Ёш келса ишга, ... келса ошга. Яхши гап - мой, ... гап - лой. Гапни оз сўзла, ишни ... кўзла* каби гаплар беради, ўқувчилар гап мазмунига мос антоним топиб, гапни ўқийдилар (ёки ёзадилар).

Уқувчилар луғатинн синоним ва антонимлар билан бойитиш ўз фикрини аниқ, равон ва ифодали баён этишга ёрдам беради.

## Кўп маъноли сўзлар ва омонимлар. Мантиқий машқлар

Уқувчиларга кўп маъноли сўзлар учраб туради, аммо улар кўп маьноли сўз эканини тушуниб етмайдилар.

Уқитувчи бадиий асар устида ишлаш жараёнида ўқувчиларни кўчма маънодаги сўзлар билан таништириш орқали айрим сўзлар кўп маънода ишлатилишини тушунтириб боради. Шу билан бирга, махсус машқлар ҳам ишлатилади.

Сўзларнинг сўз бирикмасидаги маъносини қпёслаш: *соат юрди, поезд юрди, укам юрди; тош йўл, тош юрак; кумуш қошиқ, кумуш осмон, кумуш қиш.*

Гапларни ўқиб, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини айтиш: *Бу йил **ёз** иссиқ бўлди. Сен ўртогингга хат **ёз.***

Бошланғич синфларда кўп маъноли ва омоним сўзлар юзасидан назарий маълумот берилмайди, бундай тушунчаларни шакллантиришга тайёргарлик кўрилади, холос.

Уқувчилар нутқини бойитишда мақоллар катта аҳамият касб этади. Мақоллар ўқиш учун ҳам, суҳбат учун ҳам, ҳикоя тузиш учун ҳам, грамматик таҳлил ва ёзув учун ҳам жуда қулай материалдир. Улар ихчам, сермазмун ва таъсирчан бўлади; мақоллар ўқувчиларнинг бадиий дидини ўстиради, нутққа эътибор билан қарашга, тўғри, мантиқий фикрлашга ўргатади, эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. ´қиш китобларида мавзуга боғлиқ ҳолда, ўзбек тили дарсликларида эса машқ матнлари ичида хилма-хил мавзуларда жуда кўп мақоллар берилади. ўқувчилар мақолларни ўқиб, ўқилган асарнинг ахлоқий муаммоси билан, ҳаётий шароит билан боғлайдилар, уларнинг мажозий мазмунини, айрим сўз ва ибораларнииг маъносини тушунтирадилар. Натижада ўрни билан мақоллардан фойдалана бошлайдилар.

Мақоллар ўқилган асарнинг хулосаси сифатида ишлатилиб, кўпгина асарларнинг мазмунини тушуниб олишга ёрдам беради.

Масалан, «Овчи, Кўкча ва Доно» эртагининг хулосаси сифатида «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Аҳилликда ҳикмат кўп», «Бирлашган куч енгилмас», «Дўстлар аҳил бўлса, иш осон бўлур» мақоллари; «Одобли б°лиш осонми?» (А. Обиджон) асаридан сўнг «Одоб - кишининг зийнати», «Одобли бола элга манзур», «Илмнинг каттаси - одоб», «Ақл ёшдан, одоб бошдан» мақоллари бериладики, булар шу асар мазмунининг мағзини очиб беради. Ўқувчилар мақолларни ёқтирадилар, шунинг учун ҳам мақоллар билан берплган топшириқларни жон-дилдан бажарадилар. ´қитувчи шуларни ҳисобга олиб, мақоллар билан хилма-хил машқлар ишлатиш орқали ўқувчиларга сўзларнинг мажозий маъносини, кўп маъно ифодалашини амалий сингдириб боради.

Мантиқий машқлар болаларнинг нарса ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини тартибга солади ва уларга тўғри фикрлаш усулларини ўргатади. ´қувчи мактабга келганда, кенг луғат бойлигига эга бўлса ҳам, одатда, тафаккурнинг таққослаш, қарши қўйиш, умумлаштириш, гуру³лаш усулларидан фойдаланишни билмайди (айниқса, билиш фаолиятининг объекти аниқ предмет эмас, уни ифодаловчи сўзлар бўлса). Мантиқий машқларнинг вазифаси у ёки бу нарса ва ҳодисалар билан танишиш асосида болаларни предмет ва ҳодисалардан муҳимини, умумийсини ажратишга, сўз билан аниқ ифодалашга ўргатиш, болаларга мантиқий усуллар тизимини ўргатиш билан билимини материал томондан бойитиш ва унн ақлий томондан ўстирпш ҳисобланади.

Мантиқий машқлар болаларнинг сўз бойлиги ва тилининг умумий ўсишида катта аҳамнятга эга бўлиб, луғат иши ва тилга оид бошқа ишлар билан боғлаб олиб борилади. Мантиқий машқлар жуда хилма-хил:

**1. Нарсаларнпнг мавзуга тегишли гуруҳини тузиш:** уст кийимлар (*к°йлак, костюм, . . .*) ва оёқ кийимлар (ботинка, туфли, .. ); уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар каби. Бунда болалар *«Бу нима?»* сўроғига жавоб беришга ўргатилади: *Бу н и м а? - Автобус. Автобус нима? - Машина.*

**2. Бир турдаги нарсаларни санаб кўрсатиш ва умумлаштирувчи бир сўз билан номлаш.** *Масалан, стол, стул, шкафларни бир сўз билан қандай номлаш мумкин? (Мебель)*

**3. Берилган нарсалардан бир гуруҳга кирмайдиганларини ажратиш.** Масалан, *қалам, перо, чизғич, ўчирғич, стул* кўрсатилади, ўқувчилар ўқув қуролларини ажратадилар, *стул* ўқув қуролига кирмаслигини, мебель эканини айтадилар.

Бундай машқ ўйин тариқасида ўтказилиши ҳам мумкин: маълум сўзлар берилиб, ортиқчасини топиш ва нима учун ортиқча эканини тушунтириш талаб этилади: *қалдир²оч, чумчуқ, мушук, мусича.*

Предмет номлари ва белги билдирган сўзларни гуру³ларга ажратиш. Бунда сўзлар *чойнак, теша, болта, пиёла, арра, тарелка* каби аралаш берилади; болалар гуру³лаб, *идишлар номи: чойнак, пиёла, ... ; иш қуроллари номи: теша, болта, ...* каби ёзадилар. Нарса белгисини билдирган сўзлар ҳам аралаш берилади, болалар тўрт гуруҳга (ранг, маза, шакл, хусусият) ажратадилар.

Қарама-қарши қўйиш билан умумлаштириш: *қалдирғоч, чумчуқ, булбул - қушлар, товуқ, хўроз, куркалар-чи? (Паррандалар.)*

Манти±ий машқлар сермазмун бўлиши, ўқувчиларнинг тажрибаси билан боғланиши, уларни тўғри фикрлашга ўргатиши, билимларига аниқлик киритиши ва тартибга солишга хизмат қилиши лозим. Бундай машқлардан ўрни билан бош±а дарсларда ҳам, ўқиш ва грамматика дарсларида ҳам фойдаланилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Мактабда луғат устида ишлашнинг асосий йўлларини тушунтиринг.
2. «Луғат устида ишлашда ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ошириш» мавзусида ахборот тайёрланг.
3. Изоҳли луғатлар, синонимлар, антонимлар, фразеологик луғатлардан фойдаланиб, 1 -4- синфлар учун иккитадан лексик машқ тузинг.

## УҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ УстИРИШ ТИЗИМИДА СИНТАКТИК ИШЛАР

### Сўз бирикмаси устида ишлаш

Тилда лексик (сўз), синтактик (сўз бирикмаси ва гап) ва боғланишли нутқ савиялари ажратилади. Шу мазмунда сўз бирикмасига лексик савиядан синтактик савияга ўтиш ҳалқаси сифатида қаралади.

Сўз бирикмаси лексик-грамматик бирлик бўлиб, тугалланган фикр ифодаламайди ва бу билан гапдан фарқланади. Сўз бирикмаси нутқда гап ичида ишлатилади. Болаларга сўз бирикмасини ўргатиш фикр элементи устида ишлаш ҳисобланади *(Фомичева Г. А.)*. Бошланғич синфларда сўз бирикмаси устида ишлашда қуйидаги машқ турларидан фойдаланилади:

**1. Бош сўздан эргаш сўзга сўроқ бериш, сўзларнинг ўзаро боғланишини аниқлаш.** Масалан, *Аҳмаджон яхши ўқийди. Ким* (ўқийди)? - *Аҳмаджон.* (Аҳмаджон) *нима қилади? - ўқийди. Қаидай* (ўқийди)? - *яхши. Яхши ўқийди* - сўз бирикмаси.

**2. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланишини чизмада кўрсатиш.** Бу ўқувчиларни аста-секин мураккаб қурилмаларни тузишга ўргатади. Масалан:

Теримчи терди гуллар очилди

пахтани машинада ҳар хил Гулзорда

*Теримчи пахтани машинада терди.* *Гулзорда ҳар хил гуллар очилди.*

**3. Матнда учраган сўз бирикмасининг маъносини тушунтириш.**

4. **Матнда ёки фаолият жараёнида учраган янги сўз билан сўз бирикмаси тузиш.** Машқнинг бу тури сўзнинг маъносини чуқур тушунишга ва ундан ўз нутқида фойдаланишга ёрдам беради.

**5. Сўз туркумларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда сўз бирикмаси туздириш:** от ўтилганда, от ва сифат билан *(жонажон Ватаним)*, от ва бошқа от билан *(мактаб боғи)*; феъл ўтилганда, от ва феъл билан *(далага борди, мактабда бўлди, мактабдан келди, китобни ўқиди)* сўз бирикмалари туздирилади.

Сўз бирикмаси тузишда йўл қўйилган хато гап тузишда ҳам хатога олиб келади, шунинг учун унинг олдини олиш керак.

*Масалан:*

| **Укувчи нутқида учрайди:** | **Т ў ғ р и с и:** |
|---|---|
| *мактабга бўлдим* | *мактабда бўлдим* |
| *мактабни боғи* | *мактабнинг боғи* |

Болалар кўпроқ хатога йўл қўядиган сўз бирикмаларини йиғиб бориш хатонинг олдини олишга қаратилган машқлар тузишга имкон беради. Сўз бирикмаси устида ишлаш грамматик, имловий ва бошқа машқларни тўғри бажаришга хизмат қилади. Шунинг учун сўз бирикмаси устида ўрни билан ма±садга мувофиқ ишлаб бориш орқали гап ва боғланишли нутқ тузишга оид нутқий машқларга ўтиш лозим.

**Гап устида ишлаш**

Гап устида ишлаш ўқувчиларнинг нутқини °стиришда муҳим аҳамиятга эга. Гап устида ишлашнинг асосий вазифаси ўқувчиларни синтактик жиҳатдан тўғри ва аниқ гап тузиб, тугалланган фикр билдиришга ўргатиш ҳисобланади. Гап (грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, тугалланган мазмун ва тугалланган интонастияга эга бўлган) нутқ бирлиги бўлиб, алоқа мақсадига хизмат қилади. Бошланғич синф ўқувчилари учун муҳими, биринчидан, гап нутқ бирлиги эканлигидир. Шундай экан, нутққа оид машқларга қўйилган талаблар гап устида ишлаш машқларига ҳам тааллуқлидир; иккинчидан, гап - грамматик томондан тўғри тузилган бирлик, шундай экан, гап устида ишлаш -грамматика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гап қурилиши, гапда сўзларнинг боғланиши ва гапнинг турлари устида ишлаш жуда муҳимдир; учинчидан, гап мазмун бирлиги бўлиб, тугалланганлик мазмунини билдиради. Бинобарин, гапнинг мазмуний асоси, мазмун оттенкалари устида ишлаш ва уларнинг гап тузилишига боғлиқлиги устида ишлаш зарур; тўртинчидан, гапнинг интонастияси катта аҳамиятга эга, шунинг учун интонастия устида ишлаш, интонастиянинг мазмун билан боғлиқлигини тушунтириш жуда зарур.

Бошланғич синфлар дастурининг «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» бўлимида синтаксисдан бериладиган билимлар аниқ кўрсатилган. Бола бошланғич синфларда бериладиган синтактик материаллар хажмида фақат она тили дарсларидагина эмас, балки бошқа дарсларда ва мактабдаги барча машғулотлар жараёнида гап тузиш, уни таҳлил қилиш ва қайта тузишга ўргатиб борилади.

Гап устида ишлашга оид машқлар жуда хилма-хил бўлиб, анализ ва синтезнинг устунлигига ҳамда ўқувчиларнинг мустақиллик даражасига кўра тасниф ±илинади.

Анализ ёки синтезнинг устунлигига нисбатан гап устида ишлаш машқлари иккига бўлинади:

*1) аналитик машқлар, яъни тузилган тайёр матндан олинган гапни таҳлил қилиш;*

*2) синтетик машқлар, яъни мустақил гап тузишга қаратилган машқлар*.

Аналитик машқлар синтетик машқларга замин бўлиб хизмат қилади, улар параллел ³олда ёки синтетик машқдан сўнг аналитик маш± ўтказилади.

´қувчиларнинг мустақиллиги ва билиш фаолиятининг фаоллиги даражасига кўра гап устида ишлаш машқлари учга бўлинади: *1) намуна асосидаги машқлар; 2) конструктив машқлар; 3) ижодий машқлар.*

Намуна асосидаги машқ аниқ, тўғри тузилган синтактик ±урилмаларни амалий ўзлаштиришни, уларнинг ички боғланишини, мазмунини тушунишни кўзда тутади. Бундай машқлар ичида аналитик машқларга, шунингдек, гапни кузатиш ва эшитиш, уни ўқишга муҳим ўрин берилади. Намуна асосидаги машқларга қуйидагилар киради:

1. Гап устида ишлашнинг энг оддий, бошланғич, шу билан бирга, энг зарурий шакли намунани ў±иш (ёзиш), интонастияси, ифодалилиги устида ишлаш, гапнинг асосини ва мазмунини тушунтириш, баъзан эса гапни ёдда сақлаш, ёдлаш ҳисобланади.

Гапни ўқиш ва кузатиш нутқ ўстиришга катта ёрдам беради.

Гап интонастияси устида ишлаш гап мазмунини ва боғланишини тушунишга, намунага қараб, уни ўзлаштириш ва ёдда сақлашга, гап қурилишини яхши тушунишга ёрдам беради.

Гап ннтонастияси устида ишлаш жараёнида нутқдан гапни интонастияга қараб ажратишга, интонастион тугалланганликни ифодалашга, дарак, сўроқ ва ундов гапларнинг интонастиясига, уюшнқ

бўлакли гаплар ва боғловчисиз қўшма гаплардаги санаш интонастиясига, боғланган қўшма гап интонастиясига эътибор бериш керак.

2. Савол асосида гап тузиш. Бунда берилган савол жавоб (гап тузиш) учун асос бўлади ва «намуна» вазифасини бажарадн. Саволда унинг асосий мазмунигина эмас, балки барча сўзлари ва синтактик қурилишининг чизмаси ҳам берилади. *Масалан: Болалар далада нима тердилар? (Болалар далада пахта тердилар.)*

Саволлар аста-секин мураккаблаштириб борилади: болалар олдин сўроқ сўз ўрнига бир сўз қўшиб гап тузган бўлсалар, кейинроқ ўз сўзларини кўпроқ қўшишга мажбур бўладилар: *Болалар далада нима қилдилар? (Болалар далада пахта тердилар. Болалар далада пахта тердилар ва уни хирмонга тўкдилар.)* Ёки *«Болалар қаерда бўлдилар? Улар нима қилдилар?»* (Болалар далада бўлдилар. Улар пахта тердилар ва хирмонга топширдилар*). Сен типратикан ҳақида нималарни биласан? Нега қушлар уясини бузиш мумкин эмас?*

Конструктив машқларга гап тузиш ва уни қайта тузишга қаратилган машқлар киради; бундай машқлар грамматик тушунча ва қоидага асосланади. Конструктив машқларнинг турлари қуйидагилар:

1. Аралаш берилган сўзлардан гап тузиш ёки тартибсиз берилган гаплардан матн тузиш. Бунда сўзлар грамматик материалнинг ўрганилишига қараб уч вариантда берилиши мумкин: а) сўзлар тайёр ишлатиладиган шаклда берилади: *пахта, далада, болалар, тердилар (Болалар далада пахта тердилар)*; б) ўрганилган грамматик материални ҳисобга олиб, айрим сўзлар бош шаклда, бошқалари тайёр шаклда берилади. Масалан, «Отларда бирлик ва кўплик» мавзуси ўтилгач, *пахта, далада, бола, тердилар* шаклида берилиши мумкин; в) барча сўзлар бош шаклда берилади: *пахта, дала, бола, термоқ*.

2. Нуқталар қўйилмаган бош ҳарф ёзилмаган матндан гапларнинг чегарасини ажратиш; бу машқ болаларни ўз нутқларида гапларнинг чегарасини ажратишга, гапни тўғри ўқиш ва ёзишга ўргатади.

3. Берилган содда гапни сўроқлар ёрдамида босқичли ёйиш машқи. Масалан: *Қушлар учиб келди. Қаердан учиб келди? Қушлар совуқ мамлакатлардан учиб келди. Қаерга учиб келди? Қушлар совуқ мамлакатлардан ўз уяларига учиб келди.*

4. Берилган синтактик чизма асосида гап тузиш




*Чаққон болалар олма* *Ишчан болалар оппоқ пахталарни* *тердилар.*

*завқланиб тердилар*.

5. Берилган гапга ўхшаш, масалан, уюшиқ эгали ёки кесимли сода ёйиқ гап тузиш. Бунда ўқувчиларга *«Қуёш ёритади ва иситади»* каби гап берилади; ўқувчи *«Равшан ўқиди ва ишлади»* каби гап тузади.

6. Икки-уч содда гапдан битта уюшиқ бўлакли содда гап тузиш. Масалан, *«Баҳорда қалдирғочлар иссиқ мамлакатларга учиб кетади», «Баҳорда лайлаклар ҳам учиб кетади»* гапларидан уюшиқ бўлакли *«Баҳорда қалдирғочлар ва лайлаклар иссиқ мамлакатларга учиб кетади»* гапи тузилади.

Ижодий машқларда ўқувчилар ўзлари эркин равишда гап тузадилар. Бошланғич синфларда ижодий машқларнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

1. Гап тузиш учун мавзу берилади, ўқувчилар шу мавзуга мос гап тузадилар: *«цуёшли кунда», «Бизнинг дала» ёки «цуён ва типратикан»* каби.

Нарса расми ёки сюжетли расм берилади, ўқувчилар расм асосида бир ёки бир неча гап тузадилар.

Икки-учта «таянч» сўз берилади, ўқувчилар шу сўзларни қатнаштириб гап тузадилар. Таянч сўз сифатида болаларнинг фаол луғатига айлантириш зарур бўлган сўзлар олинади.

**Савол ва топшириқлар**

1. Бошлан²ич синфларда синтактик ишларни олиб бориш ³а±ида гапиринг.

2. «Гап устида ишлашда ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ўстириш йўллари» мавзусида ахборот тайёрланг.

3. Феълларда шахс-сон ва замонни ўрганишга боғлиқ ҳолда сўз бирикмаси устида ишлашга доир машқлар тайёрланг.

4. «От» мавзусини ўрганишга боғлиқ ҳолда гап устида ишлаш учун тўртта машқ тайёрланг.

## БОГЛАНИШЛИ НУТК ВА УНИ УстИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

**Боғланишли нутқ ва уни мактабда эгаллаш**

Фикрни баён этиш эҳтиёжини амалга оширишга қаратилган, тугалланган мавзуни ифодалайдиган, логик ва грамматик қоидалар асосида тузилган, мустақил, тугалланган ва ўзаро боғланган маъноли қисмларга бўлинадиган нутқ **боғланишли нутқ** дейилади.

Боғланишли нутқ бирлиги деб ҳикоя, мақола, роман, монография, доклад, ҳисобот кабиларни, мактаб шароитида эса ўқитувчи берган саволга ўқувчиларнинг кенг, мукаммал оғзаки жавобини, ёзма баён ва иншони ҳисоблаш мумкин.

Бошланғич синфлар методикасида боғланишли нутқдан машқ турларига қуйидагиларни киритиш мумкин: *1) берилган саволга кенг, мукаммал жавоб; 2) ўқилган асарни таҳлил қилиш, грамматик материални ўрганиш; ўқувчилар луғатини фаоллаштириш билан боғлиқ ҳолда ҳар хил матнли машқлар; 3) мунтазам ўтказилган кузатишларни ёзиш, об-ҳаво кундалигини юритиш; 4) ўқилган матнни турли вариантда оғзаки қайта ҳикоялаш; 5) берилган мавзу, расм, кузатишга оид бошлаб берилган ёки охири берилган ҳикоя, режа ёки сюжет асосида ўқувчиларнинг оғзаки ҳикояси; 6) бадиий матнни ҳикоя қилиш, ёд олиш, ўқувчилар савиясига мос матнларни ёддан ёзиш; 7) эртакни тайёрланмасдан айтиш, кичик шеър, ҳикоя тузиш; 8) намунаси берилган бадиий, илмий-оммабоп матн асосида баён ёзиш; 9) ўқитувчи берган матнни оғзаки ва ёзма қайта тузиш (танлаб қайта ҳикоя қилиш ва баён, ижодий қайта ҳикоялаш ва баён, ҳикояни саҳналаштириш кабилар); 10) ҳар хил турдаги ёзма иншо.*

Бу машқларнинг ҳаммаси назариясиз, амалий тарзда берилади. Бундай машқларни такрорий ишлатмаслик ёки асосийларини тушириб қолдирмаслик учун нутқий машқларнинг аниқ режаси тузиб олинади.

Боғланишли нутқдан машқларни хиллашда, аввало, материал манбаига, тематикага, шунингдек, жанрига, тил хусусиятига, машқ турига риоя қилинади.

**Боғланишли нутққа оид асосий кўникмалар**

Уқувчилар нутқини ўстириш уларга аниқ кўникмаларни сингдириш демакдир. Бошланғич синф ўқувчилари мустақил машқ сифатида боғланишли нутқни ўстиришдан қуйидаги кўникмаларни билиб оладилар:

**Мавзуни тушуниш, чегарасини аниқлаш ва уни нисбатан тўлиқ ёритиш кўникмаси.** Масалан, «Биз пахта теримида қандай ёрдамлашдик?» мавзуси берилса, ўқувчилар аниқ бажарган ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Улар мавзуни яхши тушунишлари учун баён матни қайта ҳикоя қилдирилади, иншода эса берилган мавзу юзасидан мустақил ҳикоялаш машқ қилинади.

**Иншони асосий фикрга бўйсундириш кўникмаси.** Болалар иши маълум фикрни (табиатнинг ажойиб тасвирини идрок этиш, ўзларининг бахтли ҳаётидан ғурурланиш, меҳнатга ва меҳнат кишиларига муҳаббатни) ифодалайди.

**Ҳикоя, иншо учун мавзуга тааллуқли, уни ёритишга зарур бўлган материални йиғиш.** Бу баёнга ҳам тааллуқли бўлиб, намунавий матн таҳлил қилинади, мазмунини тўғри тушуниш устида ишланади, асосий мазмун ажратилади.

**Материални тартибга солиш, уни тегишли изчилликда жойлаштириш, матн режаини тузиш ва шу режа асосида ёзиш кўникмаси.**

**Ф и к р н и адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда**

**т ўғр и ифодалай олиш кўникмаси.** Бунинг учун баён ва иншони нутқий шакллантириш олдидан унга тил томондан тайёргарлик кўрилади.

**М а т н н и оғзаки ёки ёзма тузиш, иншони ёзиш, яъни барча тайёргарлик ишларини якунлаш к ў н и к м а с и.**

**Ёзилган матнни т а ко м и л л а ш т и р и ш кўникмаси.** Бу кўникма ўз ижодига танқидий муносабатда бўлиш асосида тарбияланади. ′қувчилар материал танлашда ва уни жойлаштиришда, сўз танлаш, сўз бирикмаси ва гап тузишда ўзлари йўл қўйган камчиликни, хатони фаҳмлашга ўргатиб борилади.

′қитувчидан ўқувчини навбатдаги иншога тайёрлашда шу машқнинг педагогик мақсадини, ўқувчиларни нимага ўргатишни, тафаккури ва нутқини қандай бойитишни, шунингдек, машқлар изчиллигида шу иншонинг тутган ўрнини аниқ кўз олдига келтириш талаб этилади. Шунинг учун ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстиришга оид машқ турларининг бир йиллик режасини тузиб олиш тавсия этилади. Режада ўқувчилар ёшига мос баён ва иншонинг барча турлари ҳисобга олиниши зарур.

**Баён ва иншо жанрига кура турлари.**Матнли машқлар, методик анъанага кўра, тасвирлаш, ҳикоя қилиш ва муҳокамага бўлинади. Бошланғич синфларда булар, асосан, тасвир ёки муҳокама элементлари бўлган ҳикоя тарзида учрайди.

Ҳар учала жанр учун фойдаланиладиган материал характерида ҳам, қурилишида ҳам, тил воситаларини танлашда ҳам ўз хусусиятлари мавжуд. Иншо ёки баёнга тайёрланаётганда ўқитувчи (ёки ўқувчи) матннинг жанр хусусиятларини ҳисобга олади.

Ҳ и к о я бошланғич синф ўқувчилари учун мос жанр ҳисобланади, чунки у жўшқин, жонли, таъсирчан бўлади. «′қиш китоби»да бундай ҳикоялар кўплаб берилган.

Тасвирда сюжет, қатнашувчи шахслар бўлмайди; унда табиат, айрим предмет ва ҳодисалар тасвирланади. ′қувчилар «′қиш китоби»да берилган кўпгина тасвирий матнларни ўқийдилар, уларни қайта ҳикоя қиладилар, баён, айрим нарса ёки ҳодисаларни тасвирлаб иншо ҳам ёзадилар. Масалан, «Бизнинг

синфимиз», «Пахталар қийғос очилди» каби. Тасвирга хос хусусиятлар шундан иборатки, унда сифатлаш, таққослаш, метафоралар кўп бўлади. Тасвир ўқувчилар учун ҳикояга нисбатан қийин жанр ҳисобланади, шунинг учун бошланғич синфларда кўпроқ тасвир элементлари бўлган ҳикоя тарзидаги баён ва иншо ёздирилади.

Муҳокама боғланишли матннинг анчагина қийин шакли ҳисобланади, шунинг учун бошланғич синфлар дастурида муҳокама тарзида иншо ёздириш тавсия этилмайди; ўқувчилар иншода муҳокама элементларидангина фойдаланадилар. Масалан, «Қушлар уясини нима учун бузиш мумкин эмас», «Пахта - бизнинг миллий бойлигимиз» мавзуларида оғзаки ҳикоя туздирилса ёки иншо ёздирилса, муҳокама элементи, албатта, бўлади.

´қитувчи боғланишли нутқни режалаштирганда, турли жанрда машқ қилишни кўзда тутади ва ўқувчиларга ҳикоя, тасвир ва муҳокама элементларини ўргата боради. Бунда кўпроқ ҳикоя тарзидаги матн туздиришга аҳамият беради. Болаларнинг боғланишли нутқни эгаллаш даражасига қараб, матнга тасвир ва муҳокама элементлари киритиб борилади.

## БОҒЛАНИШЛИ НУТҚ, ОҒЗАКИ ҚАЙТА ҲИКОЯЛАШ ВА ЁЗМА БАЁН

**Оғзаки ва ёзма қайта ҳикоялашга қўйилган талаблар.** Намунавий матн оғзаки ва ёзма қайта ҳикоя қилинади. ´қиш дарсларида асосан оғзаки қайта ҳикоялаш машқ қилинса, она тили дарсларида у кўпроқ ёзма тарзда ўтказилади. Б а ё н ўқиб берилган намунавий матн мазмунини маълум тайёргарликдан сўнг ёзма қайта ҳикоялашдир. Укиш дарсларида матн устида ишлаш, ўқилган матн юзасидан саволларга жавоб бериш, режа тузиш ва режа асосида оғзаки қайта ҳикоялаш болаларни баён ёзишга тайёрлайди.

Қайта ҳикоялашнинг тури хилма-хилдир. Ҳар қандай қайта ҳикоя қилинган матн юзасидан баён ёзиш мумкин, аммо баён ёзиш оғзаки қайта ҳикоялашга нисбатан қийин, мураккаб фаолиятдир. Бундан ташқари, бошланҲич синф ўқувчиларининг ёзиш суръати секин, шунга кўра баён учун кичик ҳажмдаги композистияси содда, тил томондан ҳам мос матн танланади. Баён матни аста-секин мураккаблаштира борилади: аввал ҳикоя тарзидаги бир эпизодни ифодаловчи матн танланса, унга эпизодлар, тасвир элементлари киритила боради, қатнашувчилар сони орттирилади, муҳокама элементлари ҳам қўшилади; кейинроқ шахсини ўзгартириб баён ёзишга ўтилади. Шундай қилиб, баён аста-секин ижодий тус ола боради.

Бошланғич синфлар она тили дастурига кўра, 2-синфда катта бўлмаган (30-40 сўзли) матн юзасидан ўқитувчи ёрдамида сўроқлар асосида баён ёзиш, 3 - синфда 40 - 60 сўздан иборат матннинг мазмунини жамоа бўлиб тузилган 3 - 5 та режа асосида баён ёзиш, 4 - синфда эса мустақил тузилган режа асосида (70-90 сўзли) баён ёзиш кўзда тутилади.

Машқ сифатида баённинг аҳамияти катта: баён болаларда адабий нутқни тўғри шакллантиришга ёрдам беради, нутқ маданиятини яхшилайди, бадиий услубни сингдиради, тилга сезгирликни оширади.

Баён учун кишиларнинг фидокорона меҳнати, ҳаётини, она табиат тасвирини, фан, техника, маданият борасидаги ютуқларни акс эттирадиган юксак ғояли матн танланиши; баён мавзуси ўқувчиларнинг билиш тажрибасини кенгайтириши, уларнинг дунёқарашини шакллантириши зарур.

Қайта ҳикоялаш ва баёнда боланинг табиий нутқи эшитилиши, яъни берилган намунани кўркўрона ёдламаслиги, намуна лексикасидан, нутқ оборотларидан, синтактик қурилишидан фойдалана олиши зарур.

Тил воситалари матнни ўқиш, суҳбат, матн таҳлили давомида ўзлаштирилади; матндаги сўзлар ва нутқ оборотлари болаларнинг «ўзиники» бўлиб қолади, қайта ҳикоялашда намунадаги у ёки бу гапни бола эсга туширишга ҳаракат қилади, ўзлаштирган мазмунни тўлиқроқ, аниқроқ бериш учун гаплар тузади. Бу билан ўқувчининг мустақиллик даражаси ва билиш фаоллиги ўсади, ижодий элементлар қўшила боради.

Қайта ҳикоялашда намунадаги изчиллик, боғлиқлик сақланиши, асосий фактлар берилиши, айниқса, илмий матнни қайта ҳикоялашда барча муҳим ўринлар тўли± баён қилиниши зарур.

Вақти-вақти билан илгари эшитилган, ўқитувчи ўқиб берган ёки радио, телевизордан ёзиб олинган матнни қайта ҳикоялатиш, ўқувчи бир марта овоз билан ёки ичда ўқигандан сўнг қайта ҳикоялатишдан фойдаланишни тажрибада қўллаб туриш ҳам мумкин. Бу ишни хиллаштиради ва жонлантиради.

Кўпинча қайта ҳикоялашга махсус тайёргарлик кўрилади, бунда қуйидагиларга риоя қилинади:

1. Қайта ҳикоялаш ва унинг тури ҳақида ўқувчилар огоҳлантирилади: тўлиқ, деталлари билан, тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланиб матнга яқин қайта ҳикоялаш; танлаб (масалан, бир қатнашувчи шахсга тегишли ўринларинигина) қайта ҳикоялаш, қисқартиб қайта ҳикоялаш;

2. Суҳбат, матн мазмунини таҳлил ±илиш, матн тили устидаги хилма-хил ишлар, қайта ҳикоялашда зарур бўлган сўз, нутқ оборотлари ва гапларни ажратиш - аниқлаш;

3. Қайта ҳикоялашда ифодалиликни бериш учун ифодали ўқишни пухталаш;

4. Ҳикояни логик ва композистион қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмга сарлавҳа топиш, матнни қайта ҳикоялашга мўлжалланган режани тузиш;

5. Матн қисмларини қайта ҳикоялаш, унинг камчиликларини таҳлил қилиш;

6. ´қувчиларнинг ҳаётига боғлаш (ўрни билан), яъни ўқилган матн мазмунига боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг шахсий тажрибасида учрайдиган ва учраган аналогик ҳолатга эътибор бериш. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир дарсда маълум таълим мақсадида қайта ҳикоялашга мунтазам ўргатиб бориш зарур.

**Тўлиқ ёки матнга яқинлаштириб қайта ҳикоялаш ва баён.** Қайта ҳикоя қилиш ва баённинг бу тури бош±а турларига нисбатан бошланғич синфларда кўп ўтказилади, чунки бу ўқилган матнни бутун деталлари ва боғланишлари билан болалар ёдида мустаҳкамлаш, намунавий матннинг логикаси ва тилини

ўзлаштириш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Болалар тез ёдлаб оладиган кичик матнни, шеърий мисраларни бузмаслик учун шеърни, айниқса, бутун бир поэтик образни тасвирловчи лирик шеърни ҳикоя қилиш тавсия этилмайди.

Тўлиқ ҳикоя қилиш учун дастлаб аниқ сюжетли, ҳикоя услубида ёзилган матн танланади, кейин болалар ҳикояга тасвирий (табиат тасвири, кишилар ва бошқа предметларнинг ташқи кўриниши тасвири) ва муҳокама элементларини киритишни ўрганадилар.

Ҳикоя қилишга ўргатиш вақтида ўқувчиларни «Бу фикр ёзувчи матнида қандай ифодаланган?» саволига жавоб беришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Бола ҳикоя қилишга қизиқса, агар ҳикояни ўқитувчигина эмас, синфдаги барча болалар эшитса, бундай ҳикоялаш жонли ва қизиқарли бўлади. Ҳикоя қилишга ўқувчиларнинг қўшимчаси, маълум қисмини қайта ҳикоя қилдириш, ҳикоячини рағбатлантириш синфда ижодий муҳитни вужудга келтиради.

Матнга яқин ҳикоя қилишда саволлар матн мазмунигагина қаратилмаслиги, ўқувчилар мустақиллик даражасини пасайтирадиган матн мазмуни юзасидан бериладиган саволларни аста-секин камайтира бориш, болаларни кенгроқ, умумийроқ саволларга жавоб беришга ўргата бориш зарур.

Тўлиқ ҳикоя қилишда ҳикояни қандай бошлашни билмаслик: бошланиши берилган матн мазмунини давом эттира олмаслик, тўлиқ баён қила олмаслик ёки нотўғри баён қилиш; баён тилининг камбағаллиги каби камчиликлар учрайди. Ҳикоя қилишдаги иккинчи камчиликни йўқотиш, унинг олдини олиш учун матн бутунича пухта таҳлил қилинади, кўпинча асосий мазмунни ифодалайдиган қисми алоҳида таҳлил қилинади. Бундай камчиликни йўқотишга матнни қисмларга бўлиш, ҳар бир қисмга сарлавҳа топиб, матн режасини тузиш ва режа асосида ҳикоя қилиш ҳам ёрдам беради. Бунда танлаб ҳикоя қилиш (ҳикоя қилишнинг ўзаро узвий боғланган бошқа турлари ҳам) ёрдамчи вазифани бажаради. Тилда камбағалликка йўл қўймаслик учун луғат, тасвирий воситалар ва гап устида изчил ишлаб бориш талаб этилади. Тўлиқ ёки матнга яқин баён ёзиш савод ўргатиш давриданоқ бошланади ва барча синфларда ўтказилади.

Болаларни ўз фикрини мустақил ёзишга (ўқилган матнни ҳикоя қилишга) ўргатишни, иложи борича, эрта бошлаш маъқул. Бунинг учун ўқувчилар оғзаки ҳикоя қилаётганда қўллаган алоҳида сўзни ёзишдан гапни ёзишга, сўнг матн қисмларини ёзишга ва 2-синфдан бошлаб махсус танланган кичик матн асосида баён ёзишга ўргатилади.

Иш қуйидагича уюштирилади: баён учун танланган матнни ўқувчилар бир-икки марта ўқийдилар (ўқитувчи ўқиб бериши ҳам мумкин); болаларнинг матн мазмунини тўғри тушунганликларини аниқлаш, ўқилган матнни, унинг ғоявий мазмунини, қисмлари орасидаги боғланишни тўлиқ билиб олишга қаратилган суҳбат ўтказилади; матн режаси тузилади (режа суҳбат вақтида тузилиши ҳам мумкин); луғат иши ўтказилади (сўзнинг маъноси ва ёзилиши таҳлил қилинади), муҳимроқ синтактик тузилмаларга ва тилнинг тасвирий воситаларига диққат жалб қилинади. Айрим гаплар, ҳатто матн қисмлари туздирилади; ўқувчилар баён матнини мустақил ёзадилар, ўқитувчи эса улар ишини кузатади, синфдаги бошқа ўқувчиларга халақит бермай айрим болаларга индивидуал ёрдам беради; болалар ёзган баёнларини ўзлари текширадилар, такомиллаштирадилар ва дафтарни текшириш учун ўқитувчига топширадилар.

Уқувчилар ёзган баён муҳокама қилинаётганда, улар ёзган матнни баён матнига қиёслаш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазмунда ва болалар баёни тилида йўл қўйилган камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

**Танлаб ҳикоя қилиш ва баён.**Танлаб ҳикоя қилиш матндан тор мавзуга, кичик сўроққа оид қисмини танлаб қайта ҳикоялашдир. *Масалан, ўқилган матндан фақат персонажнинг ташқи кўриниши тасвирланган қисмнигина қайта ҳикоя қилиш, фақат икки персонажнинг учрашиш манзарасини қайта ҳикоялаш, фақат табиат тасвирини ҳикоя қилиш* каби.

**Танлаб қайта ҳикоялашнинг турлари:**1. ´қилган матн қисмини ёки бир воқеани унга чизилган расм асосида ҳикоя қилиш.

2. Уқитувчи топшириғи ёки сўроқ асосида алоҳида эпизодни ҳикоя қилиш.

3. Танлаб ҳикоя қилишнинг мураккаброқ тури берилган мавзу бўйича матннинг турли қисмларидан олинган парчаларни ҳикоя қилиш ҳисобланади. Танлаб ҳикоя қилиш учун ўқувчи матнни бошидан охиригача қайта ўқиб чиқишга ёки ёдга туширишга, керакли материални йиғишга тўғри келади. Бунинг учун ўқувчиларга матнни ичда ўқиш топширилади ёки овоз билан танлаб ўқиш топшириғи берилади. Бундай танлаб ҳикоя қилиш баъзан ёзма баён сифатида ўтказилади.

**Кисқартириб қайта ҳикоялаш ва баён.**Матн мазмунини қисқартириб қайта ҳикоялаш ва баён ёзиш мураккаб логик усуллардан фойдаланишни талаб қилади, шунинг учун ҳам у тўлиқ ёки матнга яқин қайта ҳикоялаш ва баёнга нисбатан қийин; бунда матндан иккинчи даражали ўринларини тушириб қолдириб, асосий, муҳим ўринларини танлаб ҳикоя қилинади. Бунинг учун ўқувчининг ўзи матннинг асосий мазмунини аниқлаши, боғланишли, изчил қайта ҳикоялаши, унинг ҳикояси матнни қисқартиш тарзида бўлмаслиги, ўзлаштирилган матннинг асосий мазмунини ўз сўзлари билан бера олиши зарур. Қисқартириб қайта ҳикоялашга ўргатиш учун баён мазмунини қисқартириб тузиш осон бўлган ҳикоя тарзидаги матн танлаш тавсия этилади. Қисқартириб қайта ҳикоялаш элементлари 1 - синфдан киритилади. Уқилган матнни таҳлил қилиш жараёнида болалардан унинг бир қисмини қисқа - бир гап билан айтиш сўралади. Кейин ўқувчиларга матннинг икки қисмини, ниҳоят, бутун матнни қисқартиб қайта ҳикоялаш тавсия этилади.

Болалар матнни тўлиқ қайта ҳикоя қилишга ўрганганларидан сўнггина матнни қисқартиб қайта ҳикоялашга ўргатилади. Қисқартириб қайта ҳикоялаш, ўз навбатида, матн режасини тузиш, яъни матн қисмларига сарлавҳа топиш билан боғлиқ, асарнинг асосий мазмунини қисқа ифодалаш эса матн устидаги

аналитик-синтетик ишларнинг натижасидир. Баъзан ўқувчилар асарнинг асосий мазмунини (ғоясини) қисқа, бир гап билан ифодалашга ўргатилгач, матн режасини тузишга, кейин матнни қисқартиб қайта ҳикоялашга, ундан сўнг матн мазмунини тўлиқ қайта ҳикоя қилишга ўргатилиши ҳам мумкин.

Қайта ҳикоялаш боғланишли нутқни ўстиришнинг зарурий босқичидир. Бошланғич синфлар она тили дастурига кўра, матн мазмунини қисқартириб баён ёзишни 3 - синфда ўргатиш кўзда тутилади. Қисқартириб баён ёзишга тайёргарлик матн қисмларига сарлавҳа топиш, матн режасини жамоа б°либ тузиш билан боғлиқ ҳолда 2-синфдан бошланади.

Қисқартириб баён ёзиш учун ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг ўзлари матнни бир-икки марта ўқийдилар, сўнг матн мазмуни юзасидан суҳбат ўтказилади ва ёзиладиган асосий фикр ҳамда тушириб қолдириладиган ўринлар ажратилади. Қисқартириб баён ёзишга оғзаки тайёргарлик жараёнида матн режаси тузилади, луғат устида ишланади, гап ва матннинг айрим қисмлари туздирилади. Оғзаки қисқа қайта ҳикоялашдан матнни қисқартиб баён ёзишга ўтилади. Қисқартиб баён ёзишга оғзаки тайёргарлик машқлари аста камайтириб борилади.

**Ижодий қайта ҳикоялаш ва баён.**Методикада ижодий қайта ҳикоялашнинг бир неча тури ажратилади. Бошланғич синфларда ижодий қайта ҳикоялашнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

1. **Шахсни ўзгартириб қайта ҳикоялаш ва баён.** Бошланғич синфларда Х шахс тилидан берилган ҳикояни ХХХ шахс тилидан қайта ҳикоя қилишдан кўпроқ фойдаланилади, ижодий қайта ҳикоялашнинг бу турида ўқувчилар ҳикоядаги гапларни қайта тузадилар. Масалан, Х шахс тилидан берилган матнни ўқувчилар Ш шахс тилидан қайта ҳикоя қилишлари учун ўқитувчи раҳбарлигида гапнинг кесимини ўзгартирадилар, унга мос равишда гапнинг ўзини қайта тузадилар; ҳикоя қилувчи шахснинг номини ва у ёки улар сўзини ишлатадилар. Шахсини ўзгартириб қайта ҳикоялаш ва баён ёзиш ўқиш дарсларида олиб борилган бундай оғзаки тайёргарликнинг давоми сифатида ўтказилади.

**2. Ҳикояда иштирок этувчи бирор персонаж тилидан қайта ҳикоя қилиш.**

**3. Матнни ижодий тўлдириб қайта ҳикоялаш.** ´қувчилар ҳикоя мазмунини, шароитини яхши тушунсаларгина, уни ижодий тўлдириб қайта ҳикоялай оладилар. Ижодий қайта ҳикоялашнинг бу тури ҳам кўпинча оғзаки тарзда ўтказилади.

4. **Сўз билан тасвирлаш ёки саҳналаштириш.** Ижодий қайта ҳикоялашнинг бу тури саволлар ёки қуйидаги каби топшириқларни бажартириш асосида ўтказилади: «Сиз шу вазиятда ўзингизни қандай сезасиз? Булар расмда тасвирланган деб ўйланг. Шу воқеалар кўз олдингиздан ўтяпти, сиз кўряпсиз, эшитяпсиз ва ўзингиз тасвирлаяпсиз деб ўйланг». Матндаги табиат тасвири, қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, портрети сўз билан тасвирлашга топширилиши мумкин. Бу асосан оғзаки бажарилади, айрим ҳоллардагина баён шаклида ёздирилади.

***Савол ва топшириқлар***

1. Боғланишли нутқни ўстириш жараёнида ўқувчиларда ҳосил қилинадиган асосий кўникмаларни айтинг.
2. «´кувчилар боғланишли нутқини ўстиришда намунавий матннинг °рни» мавзусида ахборот тайёрланг.
3. Ҳикоя тарзидаги матнни оғзаки қисқартириб ёки танлаб қайта ҳикоялашга бағишланган дарс ишланмасини тайёрланг.
4. Ш синф «´қиш китоби»даги ҳикояларнинг биридан фойдаланиб, ижодий қайта ҳикоялаш учун матн тузинг. Қайта ҳикоялашдаги ижодий элементни айтинг.
5. 4- синф ўқувчилари ёзган баён матнини таҳлил қилиш чизмасини тузинг ва шу асосда бир ўқувчи баёнини таҳлил қилинг.

## БОҒЛАНИШЛИ НУТҚ, ОҒЗАКИ ҲИКОЯ ВА ЁЗМА ИНШО

**Оғзаки ва ёзма иншо турлари.**Иншо ижодий ишнинг энг ю±ори шакли бўлиб, мактабда алоҳида ўрин тутади; барча нутққа оид машқлар маълум мазмунда иншога бўйсунади.

Иншо 1-синфда кичик оғзаки ахборот ва эмоционал ҳикоядан бошланиб, ўз фикрини ифодалашга, ўқувчи шахсининг ташкил топишига хизмат қиладиган, таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жиддий режали ақлий ишга айланади.

Иншо шахсни шакллантиришда фойдали восита бўлиб, ҳис-ҳаяжон уйғотади, ақлий мустақилликка, фикрлашга, кўрган-кечирганлари ва ўзлаштирганларини баҳолашга ўргатади; кузатувчанликни ўстиради, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабаб-натижа боғланишни топишга, уларни қиёслашга, хулоса чиқаришга ўргатади. Иншо фикрни тартибга солади, ўқувчиларда ўзига, ўз кучи ва имкониятига ишонч туғдиради.

***“Иншо”*** асли арабча сўз бўлиб, маъноси *“”яратиш”, “”бино қилиш”, “”бошлаш”* демакдир. Бу сўзнинг маъноси ҳозирда анча торайиб, асосан, ўқувчи ва талабалар томонидан ёзиладиган ижодий ёзма иш маъносида қўлланади.

Иншо - ижодий иш: ўқувчидан фаоллик, қизиқиш, фикр билдиришни талаб қилади. Материал тайёрлаш, уни тартибга солиш, иншо композистияси ва режаси ҳақида ўйлаш, логик боғланишни белгилаш, сўз, сўз бирикмасини танлаш, гап тузиш ва уни ўзаро боғлаш, имлони текшириш каби барча мураккаб

ишлар ўқувчидан ақлий кучини тўла ишга солиш билан бирга, ўз маънавий фаолиятини бошқариш кўникмасини ҳам талаб этади.

Иншода тил назарияси нутқ тажрибаси билан қўшилади. ´қувчи иншони, у мустақил, ижодий характерда бўлгани, «ўзиники»ни ёзгани учун ҳам севади.

Мактаб ривожининг барча босқичларида болаларнинг мустақил тузган ҳикояси - иншога алоҳида аҳамият берилган. Мактаблар янги, ўқувчилар нутқини ўстириш, ақлий, ижодий ўсишига мўлжалланган дастурга ўтиши муносабати билан унинг аҳамияти янада ўсди.

Оғзаки ва ёзма иншога ўргатиш жараёнида ўқувчиларда мавзуни тушуниш ва ёритиш, ўз иншосини аниқ фикрга бўйсундириш, материал тўплаш, уни тартибга солиш ва жойлаштириш, режа тузиш ва режа асосида ёзиш, мазмунга ва нутқ вазиятига мос равишда тил воситаларидан фойдаланиш, ёзган иншосини такомиллаштириш кўникмалари ҳосил қилинади. Булардан ташқари, «техник» вазифалар ҳам амалга оширилади, яъни матнни ёзишда имловий ва ҳуснихатга доир матнни абзастларга бўлиш, хат бошидан ёзиш, ҳошияга риоя қилиш каби талабларга ҳам амал қилинади.

Оғзаки ва ёзма иншо материал манбаига, мустақиллик даражасига, тайёрлаш усули, жанри ва тил хусусиятига қараб тасниф қилинади.

Иншо **материал манбаига кўра** учга бўлинади: 1) ўқувчининг ўзи кўрган-билганлари, эшитганлари ҳақидаги, яъни меҳнат, кузатишлар, экскурсиялар, ўйинлар, ўз тажрибаси ва бошқа жонли материаллар асосидаги иншо; 2) китоб материали, расмлар, фильм, спектакль, ўқитувчи ҳикояси ва бошқа манбалар асосидаги иншо; 3) турли манбалар материалидан фойдаланиладиган иншо.

**Мустақиллик даражасига, тайёргарлик кўриш методига кўра** иншо икки хил бўлади: 1) синф ўқувчилари учун умумий бир мавзу асосида жамоавий тайёргарликдан сўнг ёзиладиган иншо; 2) алоҳида мавзу асосида индивидуал тайёргарликдан сўнг ёзиладиган индивидуал иншо.

**Жанрига кўра** ҳикоя, тасвир, муҳокама тарзидаги иншога бўлинади. Бошланғич синфларда тасвир ва муҳокама элементлари мавжуд бўлган ҳикоя тарзидаги иншодан кўпроқ фойдаланилади.

Иншони тасниф қилиш таълимий вазифаларни чуқур англаш ва методик воситаларни танлашга, шунингдек, иш турларини зарурий йўналишда, баравар тақсимлашга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда ёздириладиган иншонинг муҳим турларидан бири кичик ёшдаги ўқувчиларнинг шахсий ҳаётий тажрибасига асосланган иншодир.

Расм асосидаги иншо мактабларда тез-тез ўтказилади, чунки расм болалар нутқий ижодини, тасаввурини бойитишга хизмат қилади. Расм болалар сезгисига таъсир этади, ҳаётнинг бола тажрибасида ҳали учрамаган томонларини очади. Расм ўқувчиларга таниш бўлган ҳодисаларни чуқур англашга ҳам ёрдам беради.

Расм асосидаги иншонинг уч асосий тури бор: 1) расмлар серияси ёки расмли режа асосида ёзиладиган ҳикоя тарзидаги иншо; 2) сюжетли, ўқувчиларни ўйлашга, фараз қилишга ундайдиган бир расм асосида ёзиладиган ҳикоя тарзидаги иншо; 3) расмни тасвирлаш (тасвирий иншо). ´қувчилар аввал расмлар серияси асосида, сўнг бир расм асосида, ундан сўнг тасвирий иншо ёзиш (расмни тасвирлаш)га ўргатилади.

Дастурга кўра, 1-синф ўқувчилари ўйинлари, меҳнатлари, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги таассуротлари асосида ўқитувчи раҳбарлигида ҳикоя тузишлари ва уни маълум тайёргарликдан сўнг ёзишлари; 2 - синфда расмлар серияси асосида кичик ҳикоя тузиш ва уни жамоа тарзда тузилган режа асосида ёзиш; табиатни кузатиш ва меҳнат жараёни ҳақида, болаларнинг ўйинлари, ишлари, сайиллари ҳақида, аввал ўқитувчи раҳбарлигида, кейин мустақил равишда кичик ҳикоя тузиш ва уни ёзиш, шахсий ишлари ҳақида хат ёза олиш; 3 - синфда расмлар (бир мавзуга оид бир неча расм, сюжетли бир расм, расмни тасвирлаш) асосида, ҳаётий тажрибалари, кузатишлари, экскурсиялардан олган таассуротлари асосида режани, аввал коллектив равишда, кейин мус-тақил тузиб ҳикоя қилиш ва уни ёзиш талаб этилади.

Бошланғич синфларда иншо таълимий характерда бўлади, 3- синфдагнна текширув иншо ўтказиш мумкин. Рағбатлантириш мақсадида таълимий иншолар ҳам баҳоланади, лекин салбий баҳо қўйиш тавсия этилмайди.

Бошланғич синфларда ёзма иншога нисбатан оғзаки иншо кўп ўтказилади. Оғзаки ҳикоя тузиш бола мактабга келган биринчи кунларданоқ бошланади, ёзма иншо эса 1-синф охири ва 2-синфдан бошлаб.ўтказилади.

**Уқувчиларни тарбиялашда иншонинг аҳамияти.**Иншонинг тарбиявий аҳамияти танланадиган мавзуга, шунингдек, иншо устида ўқувчилар қанчалик мустақил ишлаши ва қизиқишига, иншо ғоясига ҳам боғлиқ.

Иншо болаларни воқеа-ҳодисаларни чуқур ҳис этишга ёрдам беради, изчил фикрлашга ўргатади, тилга ва адабий ижодга қи-зиқишларини ўстиради. Болалар энг қизиқарли ва ўзларига яқин воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиладилар ва ёзадилар, уларнинг иншоси мустақил ишлаш малакасини ўстиради, оммавий фаолликни оширади.

Танланган мавзунинг ғоявий йўналишини очиш тарбиявий вазифани ҳал қилишга имкон беради. Бу жиҳатдан меҳнат, меҳнат қаҳрамонлари ҳақидаги, болаларнинг ҳаёти, мактаб, туғилиб ўсган қишлоғи ёки шаҳри ҳақидаги, уруш қаҳрамонлари ҳақидаги мавзулар айниқса қулай. Бу мавзулардаги иншолар меҳнат кишиларига, қаҳрамонларга чуқур ҳурматни тарбиялайди.

Иншо жамият ҳаётини тушунишга ўргатади. Табиатга, кишиларга, уларнинг яхшиликка интилишлари ва ҳаракатларига, меҳнатга ва меҳнат маҳсулига муҳаббатни тарбиялайди, кишилар хатти-

ҳаракатидаги чиройли жиҳатларни эгаллашга, ҳозирги замон ахлоқий талабларини англашда болаларга ёрдам беради.

Иншонинг тарбиявий аҳамиятини ошириш учун қуйидагиларга риоя қилиш талаб этилади:

1. Осондан қийинга тамойилига риоя қилган ҳолда оғзаки ва ёзма иншони мунтазам ўтказиб бориш билан ўқувчиларда мустақилликни тарбиялаш. Мустақил иншо ўқувчилар фаоллигини ўстиради.

2. Иншони ҳаёт билан боғлаш. Бунда кузатишлар асосидаги иншо, кундалик юритиш, қилинган ишлар юзасидан «ҳисобот» тарзидаги иншо, хат, мақола, ўқилган китоб ҳақида тақриз кабиларнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта.

3. Иншо учун мактаб ва ўқитувчининг тарбиявий вазифаларига мос бўлган мавзу танлаш. Бундай мавзуларга меҳнат ҳақидаги, кишиларнинг мақтовга лойиқ ишлари ҳақидаги, ахлоқий муаммолар, Ватан ҳақидаги мавзулар киради. Мавзуни ўқитувчи мактаб шароити ва ўз синфи ўқувчиларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлайди.

4. Иншо устида ишлашда ишнинг эмоционаллик даражасини- таъсирини ошириш. Табиатни образли, эмоционал тасвирлаш, қаҳрамонликни ёки фойдали ҳаракатни қизиқарли, таъсирчан қилиб тасвирлаш.

Ватан сўзида кишининг болаликда ўсиб-улғайган жойи тасвири кўз олдига келади. Ишлаб чиқаришга экскурсия материали асосида меҳнат ҳақидаги иншо янги тарбиявий имкониятларни очиб беради: унда болалар ишлаб чиқаришдаги муваффақият ва қийинчиликлар, илғор кишилар ҳақидаги, касб ва мутахассислик ҳақидаги, техника ҳақидаги маълумотлардан фойдаланадилар. Ишлаб чиқаришга экскурсия ва меҳнатни тасвирлаш билан боғлиқ ҳолда касб ҳақида суҳбатлашишга тўғри келади ва бу иншода ўз аксини топади. Меҳнат ҳақидаги иншо газетага мақола шаклида ёзилиши мумкин. Меҳнат ёки ишлаб чиқариш ҳақидаги иншо мавзуларига «Бизнинг қишлоқ», «Карам узиш», «Боғда», «Бизнинг жамоа хўжалигимиз», «Почтада», «Дўконда», «Пахтакорларга ёрдамимиз», «Бизнинг ҳашар», «Мактаб ер участкасида», «Дарахт ўтқазиш» кабилар киради. «Мен нималарни биламан» мавзусидаги танловга болалар жуда қизиқадилар. Танлов болаларнинг меҳнат кўникмаларини аниқлабгина қолмай, уларни уйда, полизда, боғда ишлашга рағбатлантиради. Мақсад кишиларга фойда келтирувчи меҳнатга ҳурматни тарбиялашдир. Қишлоқ мактаб ўқувчилари ота-оналарига сабзавотлар экиш, ҳосилни йиғиш, ўтин тайёрлаш каби ишларда қандай ёрдамлашганликлари ҳақида ёзадилар. Синфда меҳнат ҳақидаги иншо муҳокама қилинади. Болалар фойдали, зарурий ижтимоий фаолият сифатида меҳнатнинг моҳиятини тушунтирадилар. Улар ҳар қандай меҳнат эъзозланишини айтадилар.

Келажак ҳақида «Ким бўлишни хоҳлайман?» мавзусида тайёргарликсиз ҳикоя қилиш тарзидаги иншо ҳам катта тарбиявий кучга эга.

Жуда яхши ёзилган иншони синфда ифодали ўқиб бериш ва таҳлил қилиш болаларни тарбиялайди. Баъзи мактабларда болалар иншоси ва ҳатто болалар шеърлари тўплами тузилади, яхши ёзилган ҳикоя учун танлов эълон қилинади.

**Иншо мавзуси ва уни ёритиш.**Мавзу иншо предмети бўлиб, унинг мазмунини ташкил этади. Мавзуга қараб иншода акс эттириладиган материаллар, далиллар, ҳодисалар танланади. Иншонинг тўғри ва тўлиқ бўлиши ўқитувчи мавзуни қандай шакллантириши, ўқувчилар уни қандай тушунишларига боғлиқ.

Иншо устида ишлашда мавзу танлаш, уни режалаштиришда эса оғзаки ва ёзма иншо мавзусини белгилаб олиш муҳим роль ўйнайди.

Уқувчилар мавзуни ёритишга 1-синфдан бошлаб ўрганадилар. Улар мавзуга оид гап тузадилар. Масалан, қиш ҳавоси ҳақида, она қишлоғи (шаҳри) ҳақида, қўрқоқ қуён, айёр тулки ҳақида гап тузадилар. Кейин саволлар асосида бир мавзуга оид бир неча гап тузиб, уни ёзадилар. Иншо учун иложи борича тор - аниқ чегаралаш мумкин бўлган мавзуни тавсия қилиш фойдали. «Куз» мавзуси ўқувчилар учун жуда кенг мавзу бўлиб, бунда ўқувчи умуман куз ҳақида, кузда қилинадиган ишлар ҳақида ёзиши мумкин, у ёзади - гапларининг аниқ чегарасини билмайди. ˊқувчиларга кузга оид «Пахта теримига ёрдам», «Куз кунларининг бирида», «Октябрда об-ҳаво», «Боғда олма тердик», «Помидор теришга ёрдамлашдик», «Кеч кузда боғ манзараси» каби мавзуларни тавсия қилиш мумкин.

Оғзаки ва ёзма иншо устида ишлашда мавзу бериб уни ёритишни талаб қилишдан ташқари, аввал материал тўплаш ва шу йиғилган материаллар асосида мавзуни шакллантиришни тавсия қилиш ҳам мумкин. Масалан, кеч кузда табиатни кузатиш ва материал йиғиш тавсия қилинади: кузатишлар «Кеч кузда» мавзусида иншо ёзиш билан якунланади. Бунда ўқувчилар мавзуни тўлиқ ёритадилар.

**Режа тузиш.** Режа ҳар қандай оғзаки ёки ёзма ҳикоя қилишнинг зарурий поғонаси, унинг «лойиҳаси»дир. Қиши ўз нутқи ҳақида ўйлаб, асосий гапларини белгилаб олади. Иншо учун режа тузиш шунинг учун ҳам зарур. 1 - синфда режа ролини ўқитувчи саволлари, яъни сўроқ гаплар тарзидаги режа бажаради; 2 - синфда режа жамоа ўқитувчи раҳбарлигида тузилади; 3 - синфда эса мустақил тузилади. Бошланғич синфларда 3 - 5 талик режа тавсия қилинади.

Болалар аввал ўқиган ҳикояларига режа тузадилар ва уни режа асосида қайта ҳикоя қиладилар, кейин баён режаини тузадилар, сўнг бир мавзуга оид бир неча расм (расмлар серияси) асосидаги иншо режасини, яъни расмли режа тузадилар, иншога сарлавҳа топадилар. Шундан сўнг тасвирланган воқеа-ҳаракатлар аниқ ажратилган, режа тузишга қулай бўлган расм ёки кузатишлар асосида ёзиладиган иншо режаини тузишга ўтилади. Режа тузишга ўргатишда олдин нима ҳақида тўхталиш, кейин уни қандай давом эттириш, ундан сўнг нима ҳақда айтиш, ниҳоят, ҳикояни қандай тугатиш кераклигини ўқувчиларга тушунтириш фойдали усул ҳисобланади. Режа аввал сўроқ гап тарзида, кейин дарак гап, охири номинатив гап тарзида тузилади.

Режа кўпинча иншо ёзишдан олдин унга тайёрланиш жараёнида (расм асосида ёзиладиган иншо режаси каби) тузилади. Баъзан режани экскурсия, кузатишдан олдин, унга тайёргарлик жараёнида тузиш мақсадга мувофиқ. Экскурсия, кузатиш, ижтимоий фойдали меҳнат режаси шу ишлар бажарилишидан олдин ёки улар юзасидан материал тўплаш, иншо учун материал танлаш ва уни тартибга солиш жараёнида тузилади. Бундай режа иншо ёзишдан олдин кўриб чиқилиб, унга айрим аниқликлар киритилади.

**Иншони ёзишга тайёрлаш.**Оғзаки ёки ёзма иншонинг тури ва вазифасига қараб унга тайёргарлик кўрилади.

Иншога тайёргарликни ўқитувчи бошқаради, бунга ўқувчиларни иштирок эттиради, уларнинг ўта фаоллиги ва мустақиллигига эришади. Тайёрлик деганда, биринчидан, ўқувчиларда ниманидир тасвирлашга, ҳикоя қилишга талаб уйғотадиган вазият яратиш; иккинчидан, иншо учун етарли бўлган зарур материал йиғиш; учинчидан, мавзуга оид, уни ёритишга мос бўлган тил воситаларини танлаш тушунилади.

Иншога тайёрлик иншони ёзишдан бир неча кун илгари бошланади, дарсдан ташқари вақтларда ва бошқа дарслар жараёнида ҳам олиб борилади. Оғзаки ёки ёзма иншо устида ишлаш уч босқичга бўлинади:

1) материал йиғиш, яъни кузатиш, экскурсия, меҳнат жараёни, расмни кўриб чиқиш, кинофильм, спектаклни кўриш, бадиий ва бошқа адабиётларни ўқиш;

2) мавзуга ва уни ёритишга мос материал танлаш, уни тартибга солиш, жойлаштириш, яъни суҳбат, муҳокама қилиш, зарур материални ажратиш, режа тузиш, луғат устида ишлаш, имло ва лексик томондан тайёрлаш ва ҳоказо;

3) иншони нутқий шакллантириш, яъни иншо матнини тузиш, уни ёзиш, такомиллаштириш, хатоларни тўғрилаш ва уни текшириш.

Биринчи ва иккинчи босқичдаги ишлар, одатда, дарсдан ташқари вақтда бажарилади. Масалан, экскурсия асосидаги иншо учун материал йиғиш уни ёзишдан анча илгари бошланади; табиат ҳодисаларини кузатиш бир ҳафта, ҳатто ундан кўпроқ давом этади; расмлар эса иншо ёзишдан олдин кўрилади. Шундай қилиб, иншо ёзиш ёки оғзаки ҳикоя қилиш дарси илгари бажарилган ишларнинг якунидир. Иншо дарсининг умумлаштирувчилик роли боғланишли нутқ соҳасидаги кўникмаларни эгаллаш меъёрига қараб ортиб боради.

Иншо дарсининг қурилиши тайёрлов босқичининг характерига боғлиқ. Тайёрлов босқичида қанча кўп ишланса, иншо дарсида матн устида шунча чуқур ишлаш имконияти яратилади. Иншо ёзишдан олдин ёки оғзаки ҳикоялашда йиғилган материалларни ўқувчилар ёдига тушириш, уларда қизиқиш уйғотиш, ёзишга ёки ҳикоя қилишга хоҳиш уйғотиш зарур.

Иншо ёзиш учун 2- синфда одатда бир дарс, зарур бўлиб қолса, иккинчи дарсдан 15-20 минут, 3-синфда бир ёки бир ярим дарс, айрим вақтларда икки дарсгача ажратилади. Булардан ташқари, иншо таҳлили ва хатолар устида ишлаш учун 20-25 минут вақт ажратилади. Бунда энг яхши ёзилган иншолар таҳлил қилинади, имловий, пунктуастион, нутқий, логик хатолар ва мазмундаги етишмовчиликлар устида ишланади.

Иншо ёзиш дарсида қуйидаги босқичларга риоя қилинади: 1) мавзуни, иншонинг вазифасини эълон қилиш (ёки ёдга тушириш), уни ўқувчилар билан муҳокама қилиш; 2) кузатиш даврида тўпланган материални тартибга солиш ёки материал йиғиш (масалан, расмга қараб иншо ёзиш учун расмни кўриш) мақсадида суҳбат ўтказиш; 3) режа тузиш ёки аввал тузилган режага аниқлик киритиш; 4) матнни нутқий тайёрлаш, яъни зарур сўзларни ёзиш; сўз бирикмаси, гап ёки боғланишли матннинг айрим қисмини тузиш; имлоси қийин сўзларнинг ёзилишини тушунтириш ва бошқалар; 5) дарснинг асосий қисми бўлган иншони ёзиш; ўқувчилар иншони ёзаётганларида, ўқитувчи улар ишини кузатади, айрим ўқувчиларга (бошқаларга халақит бермай, улар эътиборини чалғитмай) индивидуал ёрдам беради; 6) ўқувчилар ёзган иншоларини текширадилар, камчиликларини тўлдириб, хатоларини тўғрилайдилар.

Бошланғич синфларда болалар иншони оққа кўчирмайдилар, керакли тузатишларни эҳтиётлик билан киритадилар, бундай тузатишлар учун иншо баҳоси пасайтирилмайди, аксинча, матнни яхши тўғрилаган ўқувчи рағбатлантирилади; 7) болалар иншони ўқитувчига текшириш учун топширадилар; ўқитувчи икки кун ичида текширади.

Кейинги она тили дарсининг иккинчи қисмидан 15-25 минут вақт ажратиб, текширилган иншолар юзасидан якуний машғулот ўтказилади (иншо таҳлил қилиниб, хатолар устида ишланади).

´қитувчи ҳар бир иншо тури учун ўқув вазифасини белгилаб олади. Масалан, расмлар серияси асосида биринчи марта ёздириладиган иншо учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинади:

1. ´кувчиларни иншонинг янги тури бўлган расмлар серияси асосидаги иншо билан таништириш.

2. Расмли режа асосида матн режасини тузиш.

3. Режа қисмларига мос равишда матнни абзастларга бўлиш ва ҳар бирини хат бошидан ёзиш.

4. Иншо матнини мустақил текшириш ва такомиллаштириш.

´кувчиларнинг мустақиллик даражаси ўсиб боргани сайин, иншога талаб ҳам орта боради.

**Укувчилар иншосини таҳлил қилиш.** Нутқ ўстириш методикасида ўқувчилар иншоси учун баҳо меъёри муҳим масала ҳисобланади. Табиийки, бунда юқорида баён этилган асосий талабларга риоя қилинади.

Укувчилар иншосини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Иншо мавзусининг ёритилиши (мазмун мавзуга мосми, етарли ёритилганми?). Мазмун ҳақиқатга мос келадими?

2. Режа, композистия, изчиллик (режа тўғри тузилганми, материални баён қилиш тартиби режага мос келадими, мазмунда такрор йўқми, зарур ўринлар тушиб қолмаганми, изчиллик бузилмаганми?). Асосий фикр аниқми, хулоса чиқарилганми?

3. Жанри, услуби (ҳикоя тарзидаги матнда тасвирий ва муҳокама элементлари борми; услубда хатога йўл қўйилмаганми; иншо мавзуси ва вазиятни ёритиш вазифасини жанр ва услуб оқлай оладими? Бадиийлик элементлари борми?)

4. Иншо ҳажми (сўз, гап сони; лаконизм ёки кўп сўзлилик).

5. Лексика (сўзлардан тўғри фойдаланиш, синоним, антоним, фразеологизмлардан фойдаланиш).

6. Синтаксис (гапнинг ҳажми, синтактик конструкстияларнинг бир хил ёки ҳар хиллиги, мураккаб конструкстиялар борми?).

7. Имловий ва пунктуастион саводхонлик, хатолар характери (қўпол ва жузъий хатолар).

8. Ҳуснихат, ташқи томондан шакллантириш (ҳошияга, хат бошидан ёзишга, сарлавҳани тўғри жойлаштиришга риоя қилиш).

Уқувчилар иншосига қўйилган бундай талаблар уни баҳолашга бир хилда ёндашишга имкон беради.

***Савол ва топшириқлар***

1. Ҳикоя ва тасвир жанрида бадиий услубда иншо ёзинг.

2. Табиатни кузатиш асосида ёзиладиган иншога тайёрланиш ва уни ўтказиш босқичларини тушунтиринг.

3. Укув йилининг ярми учун иншо ва баён ўтказиш режасини тузинг.

## НУТҚИЙ ХАТОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЙУЛЛАРИ

**Хато турлари.**Нутқий хатоларга нотўғри (ноўрин) танланган сўзлар, нотўғри тузилган гаплар, морфологик формаларни нотўғри ишлатиш киради.

Бошланғич синфларда бундай хатолар устида ишлаш анча қийин, чунки уларни тўғрилаш ва олдини олиш учун она тили дастурида берилган қисқа назарий маълумот етарли эмас. Болалар нутқини такомиллаштириш устида режали, мунтазам иш олиб бориш учун асосий нутқий хатолар турини билиш зарур. Бундай нутқий хатоларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш сабабларини текшириш хатоларни тўғрилаш ва олдини олиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

***Нутқий хатолар учга бўлинади:*** *луғавий-услубий, морфологик- услубий, синтактик-услубий.*

Бошланғич синфларда луғавий-услубий хатолар кўпроқ учрайди. Бундай хатоларга қуйидагилар киради:

**1. Бир сўзни қайта-қайта ишлатиш.** Бундай хатонинг келиб чиқишига сабаб, биринчидан, ўқувчи сўзни ишлатишга кам эътибор беради ва фаол луғатидаги сўздан такрорий фойдаланади; иккинчидан, ўқувчининг сўз бойлиги кам, синонимларни билмайди, такрорланадиган сўзлар ўрнига олмошлардан фойдалана олмайди.

Агар ўқитувчи бир сўзни қайта-қайта ишлатмаслик учун унинг синонимларидан ёки шу сўз ўрнига олмошлардан фойдаланиш кераклигини яхши тушунтирса, кичик ёшдаги ўқувчи матнни эътибор билан ўқиб, такрорларини нисбатан тез тузата олади.

**2. Сўзнинг маъносини ёки маъно оттенкасини тушунмаслик на-тижасида уни аниқ маъносида ишлата олмаслик.** Бундай хато боланинг нутқи яхши ривожланмаганлиги, сўз бойлигининг камлиги сабабли юзага келади.

**3. Шевага хос сўзлардан фойдаланиш.** Болалар бундай сўзларни ота-оналарининг нутқи ва нутқий шароит таъсирида қўллайдилар. Болаларда адабий тилда қўлланадиган тушунчаларни шакллантириш асосида улар шевага хос сўзларни ишлатмасликка ўргатилади.

Лексик хатолар хилма-хил бўлгани учун уни тўғрилаш ва ту-шунтириш усуллари ҳам турлича, аммо бундай хатоларнинг олдини олишнинг умумий йўли бор: бу яхши нутқий шароит яратиш, ўқилган ва қайта ҳикоя қилинган матнни тил томондан таҳлил қилиш, матндаги сўзларнинг маъно оттенкасини тушунтиришдир.

Морфологик-услубий хатоларга сўз шаклини, сўз ўзгартувчи ва сўз ясовчи қўшимчаларни нотўғри қўллашдан келиб чиқадиган хатолар киради.

Синтактик-услубий хатоларга сўз бирикмаси ва гап тузишга оид хатолар киради. Бундай хатолар жуда хилма-хилдир.

Композицион, логик ва далилларни нотўғри баён қилиш нутқий хато ҳисобланмайди.

Типик композицион хатога иншо, ҳикоя, баённинг тузилган режага мос келмаслиги, яъни воқеа, кузатишларни баён этишда изчилликнинг бузилиши киради.

Иншога тайёргарлик вақтида ўқувчилар кузатиш, материал тўплаш, фактларни танлашда тартибсиз, режасиз иш тутсалар, ҳикояни қандай бошлаш, кейин нималар ҳақида ёзиш ва уни қандай тугатишни хатога йўл қўядилар. Бундай хато ҳикоя мазмунини тўлиқ қамраб ололмаслик, материални ўз ўрнига жойлаштира

олмаслик натижасидир. Иншони режали, изчил ёзиш кўникмаси мураккаб кўникма бўлиб, у ўқувчиларда мунтазам бажариладиган машқлар ёрдамида аста шакллана боради.

Логик хатолар: 1. Тасвирланаётган воқеа-ҳодиса учун зарур бўлган сўз, баъзан зарур эпизод, далил тушириб қолдирилади.

Бундай хатонинг сабабини тушуниш учун ўқувчининг иншо ёзиш вақтидаги психологик ҳолатини кузатиш талаб этилади. У секин ёзади, аммо ишга берилиб кетиб, тез фикрлайди, яъни у ҳикоя мазмунини билади, аммо тез фикрлаш ва секин ёзиш натижасида айрим ўринлар ёзувда акс этмай қолади.

2. Логик изчиллик бузилади. *Масалан, Заводда пахтадан ип қилинади. Теримчи пахтани пахта териш машинасида теради.*

Бундай логик хатоларни ўқувчилар матнни қайта ўқиш ва таҳлил қилиш жараёнида осон тўғрилайдилар.

**Хатоларни тўғрилаш ва олдини олиш.**´кувчилар йўл қўйган хатоларни гуруҳлаш турларини аниқлаш ва ҳар бир хатонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш асосида нутққа оид хатоларни тўғрилаш ва олдини олиш тизими ишлаб чиқилади:

1) нутққа оид хатоларни ўқувчилар дафтарида тўғрилаш;

2) синф ўқувчилари учун умумий бўлган нутққа оид хатолар устида синфда ишлаш; бунинг учун дарснинг 15-20 минутлик қисми ажратилади ва текширилган иншо ва баён таҳлил қилинади, ўқувчиларни йўл қўйилган хатони мустақил равишда топишга ва уни тўғрилашга тайёрланади;

3) айрим индивидуал хатолар устида дарсдан ташқари вақтда ишлаш; хатони топиш, тушунтириш ва тўғрилаш;

4) йўл қўйилиши мумкин бўлган нутқий хатоларнинг олдини олишга қаратилган услубий машқлар тизими; ўқиш ва грамматика дарсларида матнни тил томонидан таҳлил қилиш ўқувчилар йўл қўйган хато устида ишлаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

5) ўқувчиларни тузиладиган матн лексикасидан, айрим синтактик ±урилмалардан фойдаланишга тайёрлаш мақсадида ҳар бир ҳикоя, иншо, баёндан олдин уни тил жиҳатидан машқ қилиш;

6) имкони бўлса, грамматик мавзу ўрганилаётганда, шу мавзу хатонинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилишини кўрсатиш - тушунтириш;

7) ўқувчиларни ўзлари ёзган иншо ва баёнларини ўзлари текширишга ва мустақил такомиллаштириш («таҳрир қилиш»)га махсус ўргатиш.

Кўрсатилган йўналишларнинг ҳаммаси ҳар уч синф ўқувчилари учун, айниқса, 3- ва 4- синф ўқувчилари учун мувофиқ келади.

Нутқий хатоларни тўғрилаш ва олдини олиш тил устида ишлаш билан боғлаб, мақсадга мувофиқ ҳолда уюштирилади.

**Нутқий хатоларни тўғрилаш.** Уқувчилар оғзаки ва ёзма нутқида йўл қўйган нутқий хатоларни ўз вақтида тўғрилаб бориш зарур; ўқувчи йўл қўйган хатосининг тўғри вариантини ўзлаштирсин, имкони бўлса, хатонинг келиб чиқиш сабабини тушунсин. Хатони тўғрилашнинг энг фойдали усули йўл қўйган хатосини ўқувчининг ўзи тўғрилаши ҳисобланади; ўқувчи хатосини тўғрилай олмаса, уни ўқитувчи тўғрилайди. Хато турига қараб тўғриланади: гап ёки сўз бирикмаси қайта тузилади, сўз бошқаси билан алмаштирилади, зарур сўз қўшилади, ортиқчаси устидан чизилади.

Иншо ёки баённи таҳлил қилиш дарсида хатолар устида ишлаш мақсади учун дарснинг иккинчи қисми – 20-25 минути ажратилади. ´қитувчи ўқувчилар иншо ёки баённи қандай ёзганлари ҳақида қисқа тушунча бериб, энг яхши ёзилган матнни ўқиб беради, мазмундаги, мавзуни ёритишдаги камчиликлар, имловий ва нутқий хатолар аниқланади. Йўл қўйилган хатони тўғрилаш йўли тушунтирилади. Шундан сўнг хато устида биргаликда ишланади: ўқитувчи йўл қўйилган хатонинг бир турини тўғрилаш юзасидан топшириқ беради: «Ноўрин ишлатилган сўзни бошқаси билан алмаштиринг». Хатоси бор матнни ўқиб ёки ёзиб беради, ўқувчилар йўл қўйилган хатони топадилар, мақсадга мувофиқ сўз билан алмаштириб, уни тўғрилайдилар ва тушунтирадилар.

Айрим ўқувчилар йўл қўйган индивидуал хатолар дарсдан ташқари вақтда, қўшимча машғулот жараёнида тўғриланади. ´кувчи билан индивидуал суҳбатда ҳам, синфда жамоа б°либ ишлаш жараёнидаги каби, болаларнинг ақлий фаоллигига, яъни у хатоси нимадалигини тушунибгина қолмай, балки уни тўғрилаши ва тушунтиришига эришиш муҳимдир.

Грамматик мавзуни ўрганишда ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган хатонинг олдини олиш учун мазкур мавзу уларга қандай имкониятлар яратиши тушунтирилади. Масалан, «Олмош» мавзусини ўрганганда, кишилик олмошларининг такрорланган сўзлар ўрнида қандай ишлатилиши ўқувчиларга мисоллар билан тушунтирилса, улар ҳам иншо ёки баён ёэишда шунга риоя қиладилар.

**Уқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдаги муваффақият уч асосий омилга боғлиқ**: *биринчидан, сўзга эътибор билан муносабатда бўлиш, болаларнинг кўп мутолаа қилиши, атрофидаги кишиларнинг тўғри ва ифодали нутқи, яъни нутқий шароит; иккинчидан, болаларнинг нутқий тажрибаси қандай ташкил этилиши; учинчидан, нутқ ўстиришда ўқитувчининг тил назариясига, грамматикага, лексикология ва стилистика элементларига асосланиш кўникмасига боғлиқ.*

**Савол ва топшириқлар**

1.Уқувчилар дафгарини текширинг ва нутқий хатонинг ҳар бирига мисол танланг. Хатонинг келиб чиқиш сабабини ва уни бартараф қилиш йўлларини ту-шунтиринг.

2. Нутқий хатолар устида ишлаш дарсининг бир қисми (20-25 мин.) режасини тузинг.

3. Узингиз илгари ёзган матнни таҳрир қилиб кўринг. Тузатишларингизни cананг ва турини айтинг.

4. Уқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдаги муваффақиятга эришишнинг уч омилини мисоллар билан тушунтиринг.

**Фойдаланиш учун адабиётлар**


1.Каримов И.А. Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т.: 1998.

2. Каримов И.А.Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: 1997. 5- жилд.

3. Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Конуни. Т.: 1997

4. Узбекистон Республикасининг Миллий дастури.Т.: 1998.

5. Бошланғич синфларнинг такомиллаштирилган давлат таълим стандарти. Бошланғич таълим . 2006 , 5- сон .

6. Бошланғич таълимнинг такомиллаштирилган ўқув дастури. Бошланғич таълим . 2006 , 5- сон

7. Абдуллаева К. Назаров К. Йўлдошева Ш. Савод ургатиш дарслари . Т.: Укитувчи .1996 .

8. Гаппарова Т., Шодмонов Э. , Эштурдиева Г. Алифбе .( Савод .) ” Т .: “Укитувчи ”1999 йил

9. Сафарова Р . ва бошкалар “Алифбе ” Т ., 2006 .

10. Гуломов М. Ёзув дафтари. Т., Маънавият. 2006

11. Сафарова Р. Ва б. Савод ўргатиш. Т.: Маънавият. 2003.

12. Гафформа Т. Гуломова Х. Эштурдиева Г. 1- синфда савод ўргатиш. Т.: Шарқ. 1996.

13 Гаппарова Т., Шодмонов Э. , Эштурдиева Г. Она тили . 1-синф учун. Т .: Укитувчи .1999.

14 Абдуллаева К. ва бошкалар . Она тили . Т.: Укитувчи .1999.

15 Гаппарова Т., Шодмонов Э., Гуломова Х. Она тили . 1-синф учун. Т .:Шарқ. 2005.

16 Гуломова Х. Гафформа Т. 1- синфда она тили дарслари. Т.: Шарқ. 2003.

17 . Косимова К. Фузаилов С. Неъматова А. Она тили . 2- синф учун Т.: Чўлпон. 2005.

18 Косимова К. Неъматова А. 2- синфда она тили дарслари Т.: Чўлпон. 2004.

19 Фузаилов С. , Худоберганова М., Она тили . 3- синф учун Т.: Укитувчи .2005.

20. Худойберганова М. Мухторова М. 3- синфда она тили дарслари. 3- синф учун Т.: Укитувчи .2005.

21. Икромова Р. Гуломова Х. Йўлдошева Ш. Шодмонкулова Д. Она тили . 4- синф учун Т.: Укитувчи . 2007

22. Гуломова Х. Йўлдошева Ш.Шерматова У. 4- синфда она тили дарслари. Т.: Укитувчи . 2003

23. Гаффарова Т. ва бошкалар . Укиш китоби . 1-синф учун. Т. : 2006

24. Гаффарова Т. ва бошкалар. 1-синфда укиш дарслари . Т. : 2003 .

25. Абдуллаева К. ва бошкалар. Укиш ктоби . 2- синф учун. Т.: 2006.

26. Абдуллаева К. ва бошкалар. 2- синфда укиш дарслари , Т.: 2004

27. Умарова М. , Хакимова Ш. Укиш китоби . 3- синф учун, Т.: 2006 .

28. Умарова М . 3- синфга укиш дарслари , Т.: Уқитувчи. 2004 .

29. Матчонов С. Шожалилов А. Гуломова Х. Сариев Ш. Укиш китоби . 4- синф учун. Т.: 2007.

30. .Матчонов С. ва бошкалар 4- синфга укиш дарлари , Т., 2007.

24. Худоберганова М. “ Баёнлар туплами ” Тошкент 1995

25. Рождественский Н.С. Кустарева В.А. Методика начального обучения русскому языку. Просвещение. М.: 1965.

26.Толипов У.К., Усмонбекова М. Педагогик техналогияларнинг тадбикий асослари. Т.: Фан.. 2006.

27. Йулдошев Ж.. Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари ., Т.: Укитувчи. 2004.

28. Умумий психология. Т.: Уқитувчи. Т.: Уқитувчи. 1999.

29. Укувчи маънавиятини шакллантириш. Т.: Шарқ. 2000.

**Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети**

**3-курс БТ ва СТИ йўналиши талабалари учун**

# ОНА ТИЛИ ЎКИТИШ МЕТОДИКАСИ

**фанидан маъруза матнлари**

**Тузувчилар:**